


ХИЗМАТ КЎРСАТИШ, СЕРВИС ВА ТУРИЗМ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ:

МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ



“IQTISOD-MOLIYA”

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ, СЕРВИС ВА
ТУРИЗМ СОҲАЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ:
МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ
ЕЧИМЛАРИ**

**Т О Ш К Е Н Т
«ИQTISOD-MOLIYA»
2008**

75.81
X 437

Такризчилар:

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби
и.ф.д., проф. А.С.Солиев;
и.ф.н., доцент Э.Ш.Шавқиев

Тахрири остида:

проф. М.Қ. Пардаев;
проф. Х.Н. Мусаевлар

Монографияда хизмат кўрсатиш ва туризм соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари, Ўзбекистонда туризм салоҳияти, улардан самарали фойдаланиш йўллари, туризмни ривожлантиришнинг ҳудудий муаммолари ва ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Унда савдо ва консалтинг хизматини ривожлантириш муаммолари, аудит ва аудиторлик хизмати, уни шакллантириш ва ривожлантириш йўллари, Ўзбекистонда пул-кредит сиёсати, банк-молия хизматларини амалга ошириш йўлларини такомиллаштириш масалалари акс эттирилган.

Монография олий ўқув юртлари талаба ва ўқитувчиларига, магистрлар, аспирантлар ва докторантларга мўлжалланган. Ундан сервис, хизмат кўрсатиш ва туризм соҳаси ходямлари, менежерлар, бухгалтерлар, аудиторлар, иқтисодчилар ва бошқа шу соҳалар билан қизиқувчи мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

К И Р И Ш

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси одамлар ҳаётини яхши-
лашга қаратилганлиги туфайли унинг тармоқлари ва кўлами жуда
кенг. Ушбу соҳа мамлакат ялпи ички маҳсулотида ҳам ўзининг
сезиларли ўрнига эга бўлиб бормоқда. Шу туфайли ушбу соҳада
ишлашга мўлжалланган кадрлар ҳам тайёрланиши йўлга қўйил-
моқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган исло-
ҳотларни янада чуқурлаштириш ва аҳолининг бандлик масаласини
ҳал қилиш каби муҳим тадбирларга қаратилган Президентимизнинг
“Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш
ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-
тадбирлари тўғрисида”ги қарори 2006 йил 17 апрел куни имзо-
ланди. Бу қарор олдинги олиб борилган ишларни янада аниқлаш-
тириш ва мамлакатда ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган
амалий тадбирлардан биридир.

Шуни таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш ва
сервис соҳасини ривожлантириш бўйича изчил чоралар кўрил-
моқда. Хизматлар бозори таркиби хизматларнинг янги истиқболли
турлари – туризм, банк-молия, суғурта, ахборот-коммуникация
хизматлари ва бошқаларни ривожлантириш ҳисобига такомил-
лашиб бормоқда. Оилаларни мураккаб маиший техника, компью-
терлар ва шахсий автотранспорт билан таъминлашнинг кескин
ошиши уларга кўрсатилаётган хизматларнинг кескин кўпайишига
имкон яратди.

Аmmo, тан олиш керакки, ҳақиқатда мазкур соҳани ривожлан-
тиришда жиддий камчиликлар ҳам йўқ эмас. Айниқса, бандликни
ошириш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда маҳаллий
бюджетларни тўлдиришнинг истиқболли манбаи сифатида хизмат
кўрсатиш ва сервис имкониятларидан кам фойдаланилмоқда.
Хизмат кўрсатиш соҳаси айниқса қишлоқ жойларда жуда суст
ривожланмоқда. Лекин шуни эътироф этиш керакки, ушбу соҳа
жуда катта маблағ талаб қилмайдиган, кичик ва хусусий тадбир-
корликни жуда тез ривожлантириши мумкин бўлган соҳадир.

Бундай катта имкониятдан фойдаланиш даражаси талаб қи-
линган ҳолатдан анча кам. Ушбу соҳанинг яна бир муҳим жиҳати,
қишлоқда ортикча иш кучини иш билан таъминлаш масаласини ҳам
ҳал қилишга кўмаклашувчи муҳим чораларни ўз ичига олган
чиқармаслик керак. Чунки хусусий тадбиркорликнинг ушбу соҳада

SAMARQAND ICHKIBANDI VA SERVIS INSTITUTI

AXBOROT RESURS MARKAZI

№ 439970

бўлган кўпгина анъанавий хизмат турлари шаҳарда ҳам қишлоқда ҳам етарли даражада ривожланмаяпти. Айниқса қишлоқ жойларда бу соҳанинг ривожланиши учун ҳеч қандай таъсирчан чоралар кўрилмасдан келинди. Шу туфайли мазкур қарорда: “Маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари бу муҳим тармоққа керакли даражада эътибор қаратмаётганлигига мутлақо тоқат қилиб бўлмайди”¹, деб таъкидланган. Албатта, эътибор берилмаган соҳанинг самарадорлиги ҳам ўзига яраша бўлади. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2005 йилда 38,3 фоизни ташкил қилди². Ваҳоланки, дунёнинг ривожланган мамлакатларида хизматларнинг ялпи ички маҳсулотларидаги улуши 60-80 фоизни ташкил этади. Ушбу мамлакатларда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 70 фоизи шу хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатади.

Хизмат ва сервис соҳасининг ривожланмаганлиги аҳолининг истеъмол харажатлари таркибига ҳам таъсир қилади. Мамлакатимиз аҳолисининг истеъмол харажатлари таркибида хизматларнинг улуши бор-йўғи 15,4 фоизни ташкил қилади³. Ваҳоланки, ушбу кўрсаткичнинг миқдори ривожланган мамлакатларда 50-60 фоизни ташкил этади⁴.

Ушбу ҳолатларни инобатга олиб, Президентнинг қарорида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, унинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида банд бўлганлар сонини кўпайтириш ва шу асосда аҳоли даромадларини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорини замонавий, сифатли турли-туман хизмат турлари билан тўлдириш аниқ чора-тадбирлари белгиланган.

Демак, энди сервис соҳаси ривож топади. Унинг истиқболига тўхталишдан олдин шу сервис сўзи мазмунининг изоҳига тўхталсак. Чунки, сервис сўзининг маъносини ҳар ким ҳар хил талқин қилмоқда. “Сервис инглизча service сўзидан олинган бўлиб, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш»ни англатади⁵. Русча-ўзбекча лугат-

¹ “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори 2006 йил 17 апрел. Халқ сўзи. 2006 йил 18 апрел.-1 бет.

² Ўзбекистоннинг статистик ахборотномаси 2005 йил. -5 бет.

³ Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане 2004. Т.: Госкомстат Узбекистана. 2005.-72 бет.

⁴ “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори 2006 йил 17 апрел. Халқ сўзи. 2006 йил 18 апрел.-1 бет.

⁵ Словарь иностранных слов. – 16-е из., испр. – М.: Рус. яз.,1988.-461 бет.

да¹ “сервис – сервис (аҳолига хизмат кўрсатиш, хизмат)”, деб кўрсатилган. Кўриниб турибдики, сервис сўзи хизмат соҳаси билан ҳамоҳанг, бир-бирига ўхшаш синоним сўзлардир.

2006-2010 йилларда Президент қарорига биноан, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлади:

1. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг фаоллигини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш, хусусан, бу борадаги расмиятчилик тўсиқларини бартараф этиш вазифаси қўйилган.

2. Хизматлар ҳажмини юқори суръатларда ўсишини таъминлаш ва уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2010 йилда 49 фоизга етказиш.

3. Хизматлар ва сервис соҳасида банд бўлган аҳолининг сонини 2010 йилга бориб 1,6 мартага кўпайтириш.

4. Қишлоқ жойларда хизмат ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш, хусусан, қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар, биринчи навбатда, коммунал-маиший, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва машина трактор парклари соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини янада ошириб бориш.

5. Мамлакатимизда анъанавий хизматлар турларини ривожлантириш, айрим бугунги кун талабига жавоб берадиган, аммо унутилиб кетилган хизмат турларини излаб топиш ва уларни тиклаш.

6. Хизматларнинг янги истиқболли турларини, хусусан, юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва бошқаларини жадал равишда ривожлантириш.

7. Мамлакатимизнинг хизматлар экспортини кўпайтириш учун ушбу соҳа корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлар даражаси ва сифатини оширишга эришиш.

8. Энг муҳими, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Белгиланган ҳар бир тадбир, ушбу соҳани ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли ушбу тадбирларни беками-қўст бажариш учун хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010

¹ Русча-ўзбекча лугат. II-том. Т.: ЎСЭ Бош редакцияси. 1984. - 410 бет.

Йилларда ривожлантириш Дастури ишлаб чиқилган ва бу борадаги аниқ вазифалар тегишли мутасаддиларга юклатилган. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳам ушбу Дастурдан келиб чиқиб ўзларининг минтақавий дастурларини ишлаб чиқиши ва унинг бажарилишини таъминлаш вазифаси қўйилган. Энг муҳими, ушбу Дастурларда кўзда тутилган барча тадбирлар ЎзР Вазирлар Маҳкамаси тамонидан мониторинг қилиб борилади ва йилнинг ҳар чорагида, ярим йиллик натижалари, тўққиз ойлик ва йиллик ҳисоботларда эшитилиб, бажарилиши назорат остига олинган.

Президентимизнинг ушбу қарорига асосан аҳолига, айниқса, қишлоқ аҳолисига, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Аҳоли бандлигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан шу соҳа билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар ажратиш ва шу асосда аҳолининг бандлиги даражасини ошириш вазифаси ҳам юклатилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳамда уни замонавий даражага олиб чиқадиган кадрлар мамлакатимизда етишмайди. Боз устига уларни тайёрлаш масаласи ҳам қарорда таъкидланганидек, кониқарсиз аҳволда. Бу масала ўта жиддий тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади. Ҳозирги пайтда жуда кўплаб янги хизмат турлари кўпайди. Аммо шу соҳани ташкил қиладиган ва бошқарадиган кадрларнинг айримлари мамлакатимизда умуман тайёрланмаслиги ачинарли ҳолдир. Хизматлар бозори таркибида хизматларнинг янги истиқболли, мамлакатимизнинг келажагини белгилайдиган турлари, яъни замонавий банк-молия, суғурта, ахборот-коммуникация хизматлари, туризм сервисини такомиллаштиришга қаратилган кадрларни тайёрлашга эндигина киришилди. Уларнинг айримлари бўйича бакалаврлар икки йилдан кейин битирадилар. Боз устига мамлакатимизнинг замонавий оилаларида мураккаб маиший техника, компьютерлар ва турли русмдаги шахсий автотранспорт билан таъминлашнинг кескин ошиши уларга кўрсатилаётган хизматларнинг кескин кўпайишига имкон яратди. Аммо бу соҳада ҳам кадрларни етарли деб бўлмайди.

Буларни инобатга олиб Президентимизнинг мазкур қарориди «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда олий ўқув юртлари ва касб-хунар коллежларида

мутахассисликлар рўйхати ва хизматлар кўрсатиш соҳаси учун кадрлар тайёрлаш сифатини танқидий ўрганиш асосида... ўқув жараёнини такомиллаштириш, шу жумладан унинг ишлаб чиқариш билан интеграциясини чуқурлаштириш ҳамда бу ўқув юртларидаги ўқитувчиларнинг малакасини ошириш..."¹ масаласи кўйилган.

Мазкур қарорда амалиётчилар билан биргаликда назарийтчи олимлар олдига ҳам муҳим вазифалар кўйилган. Хусусан, аҳоли бандлигининг ҳудудий хусусиятларини ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳасида статистика маълумотларини тўплаш тизимини ҳисобга олган ҳолда хизматларнинг статистик, шу жумладан алоҳида тармоқлар бўйича ҳисоби методологиясини такомиллаштириш дастури ишлаб чиқиш вазифаси кўйилган. Мазкур методологияни яратиш ва такомиллаштиришда амалиётчилар билан бирга олимларнинг ҳамкорлиги ҳамда чуқур тадқиқотлар натижасида такомиллашган тавсияларни ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Мазкур соҳада тадбиркорликнинг ривожланиши учун яна муҳим тадбирлардан бири, уларга солиқ имтиёзларининг берилиши бўлди. Бунинг ифодаси 2006 йил 1 апрелдан бошлаб хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашидан озод этилганидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда хизматлар соҳасининг ҳолати хусусида айрим далилларни келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. 2005 йилда аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 1609,7 млрд. сўмни, унинг реал ўсиши эса 2004 йилга нисбатан 15,0 фоизни ташкил қилди. Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг асосий қисми, яъни 55,4 фоизи расмий сектор томонидан амалга оширилди, ушбу секторда амалдаги нархларда хизматлар ҳажми 891,6 млрд. сўмни, ўсиш суръати эса 108,4 фоизни ташкил қилди. Яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 24,4 фоизга ўсиб, 718,1 млрд. сўмни, уларнинг пуллик хизматлардаги умумий ҳажмидаги улуши эса 44,6 фоизни ташкил этди. Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар бозорида нодавлат секторининг улуши 74,3 фоизни ташкил қилди². Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, хизмат кўрсатиш соҳаси умуман олганда ўсиш тенденциясига эга. Мазкур қарордаги кўрилган чора-

¹ "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори 2006 йил 17 апрел. Халқ сўзи. 2006 йил 18 апрел. -2 бет.

² Ўзбекистоннинг статистик ахборотномаси 2005 йил. - 37 бет.

табирлар, уларга берилган имконият ва имтиёзлар келажакда ушбу соҳанинг жадал ривожланишини таъминлаш билан бирга, хизматлар сифатининг ошишига, унинг халқаро андозалар даражасидаги ҳолатининг шаклланишига олиб келиши муқаррар.

Сервис соҳасига эътибор фақат мазкур қарор билан чегараланиб қолган эмас. Бунга муттасил эътибор бериб келинган. Чунки, мамлакатимиз иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги ва яқин келажакдаги устувор вазифаларидан бири сервис соҳасини ривожлантиришдан иборатлигига ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа бўлмаса керак.

Президент Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида иқтисодий сифат ўзгаришларини таъминлаш натижасида “2010 йилгача саноатнинг, шу жумладан қурилиш индустриясининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини босқичма-босқич 24-26 фоизгача, хизмат соҳасининг улушини 45-47 фоизгача кўпайтириш даркор”¹, деган қатъий вазифани қўйди.

Сервис соҳасини ривожлантириш аҳолининг даромадларини кўпайтириш, турмуш даражасини оширишнинг ўта муҳим шarti бўлган аҳолининг бандлик масаласининг ҳам ҳал бўлишини таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Президентимиз таъкидлаганидек: «2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда ривожлантириш»² лозимдир. Бу юмушлар катта инвестиция талаб қилмасдан кўплаб янги иш ўринларини яратиш имкониятини беради.

Сервис соҳасини ривожлантириш бандлик муаммосини, “айниқса, хотин-қизлар, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, оилаларнинг даромадини сезиларли даражада кўпайтириш, бутун мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлигини ошириш имконияти яратилади»³. Бу биринчидан, аҳолини иш билан таъминлаш орқали оилаларнинг аниқ даромадларини кўпайтиришга хизмат қилса, иккинчидан, мамлакатимиз бозорини хизматларга бўлган эҳтиёжи-

¹ Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Президент Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2006 йил 11 феврал. - 2 бет.

² Ўша жойда. - 3-бет

³ Ўша жойда. - 3-бет

ни қондириш орқали аҳолининг турмуш даражасининг ошишига сабаб бўлади.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан хизмат соҳасини ривожлантиришнинг аниқ чора-тадбирлари ҳам белгилаб берилди, яъни “бу масалани ҳал қилиш учун зарур бўлган бинолар, микрокредитлар ажратиш, бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама ёрдам ва кўмак кўрсатиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш даркор”⁵ деган қатъий кўрсатмани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, барча вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимликларига бердилар. Хуллас, сервис соҳаси ҳам бошқа соҳалар сингари кескин ривожланиш палласига кирди. Эндиги вазифа жойларда уларни изчиллик билан амалга оширилишида.

Муаллифлар жамоаси:

Кириш - Ғ.Ҳ.Қудратов, М.Қ.Пардаев;

1.1.- Э.С.Файзиёв;

1.2. М.Қ.Пардаев,

1.3- И.Очилов,

1.4.-М.М.Муҳаммедов;

1.5. М.Қ.Пардаев, Д.Х. Асланова, С.Исоқова;

2.1. - Ғ.Ҳ.Қудратов, М.Қ.Пардаев ва Р.Атабаёв;

2.2.-2.3. - М.Қ.Пардаев, Р.Атабаёв;

2.4- М.Қ.Пардаев, З.Ю.Аминов;

3-боб-М.Қ.Пардаев, Р.Атабаёв ва Б.Р.Пардаев;

4.1- Ғ.Ҳ.Қудратов ва М.Ҳошимов;

4.2.-4.3. -Х.М.Маматкулов;

4.4. - Н.Ибодуллаев;

5.1. - Б.А.Абдукаримов, Ф.Б.Абдукаримов;

5.2. - И.С.Тўхлиев;

5.3. - И.С.Тўхлиев, О.Э. Бобомуродов;

6-боб - Х.Н.Мусаев;

7.1-М.Қ.Пардаев, У.Машарипов,

7.2-Ж.Р.Зайналов;

7.3.- Р.Кўчқаров;

8-боб - К.Б.Ўразов.

9-боб - Р.Ғ.Иброҳимов.

⁵ Ўша жойда. – 3-бет

1-боб. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

1.1. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантиришда тугган ўрни

Хизматлар соҳаси халқ хўжалик комплексининг таркибий қисми бўлиб, иқтисодий муносабатлар умумий системасида қатнашади ва ушбу жамиятда мавжуд бўлган иқтисодий қонунларга бўйсунди.

Ҳозирги кунда тармоқларнинг халқаро таснифлаштирилишида уч секторга бўлиниши қабул қилинган: бирламчи (қишлоқ хўжалиги, қазиб олиш саноати), иккиламчи (қайта ишлаш саноати) ва учламчи (хизматлар соҳаси ёки ижтимоий соҳа).

Бугунги кунга келиб, иқтисодий адабиётда хизматлар соҳасининг чегаралари тўғрисида турли хил фикрлар мавжуд. Жумладан, ушбу соҳага турли хилдаги хизматлар ҳисобланган майший хизматлар, йўловчи транспорти хизматлари, алоқа хизматлари, турар жой-коммунал хизматлари, таълим, маданият, туристик-экскурсия, жисмоний тарбия ва спорт, тиббий, санатория-соғломлаштириш, ҳуқуқий тавсифдаги хизматлар ва бошқа турдаги хизматларнинг кўшилиши, ушбу хизматларга хос бўлган бир-бирига ўхшаш ижтимоий-иқтисодий функциялари мазмунларига кўра асосланган ҳисобланади.

Юқорида қайд қилинганларнинг тасдиғи сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

Биринчидан, маҳсулотнинг белгиланиш бирлиги нуқтаи назаридан. Хизматлар соҳаси маҳсулоти қийин ва қарама қарши тушунчадир. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, истеъмол фондиди кўпайтиришга йўналтирилган хизматлар ижтимоий соҳа маҳсулоти тарзида кўрилиши мумкин.

Иккинчидан, истеъмол қилинаётган ресурслар ўхшашлиги нуқтаи назаридан. Ушбу ўхшашлик деганда «номоддий маҳсулотлар» ҳақида гап кетади.

Истеъмол қилинадиган ресурслар ўхшашлиги харажатлар таркибий қисмида намоён бўлади. Лекин улар бир биридан кескин фарқ қилади.

Жумладан, амортизация ажратмаларини кўшган ҳолдаги моддий харажатлар театрларда 13,3%ни, циркларда 17,0% ни, концерт залларида 3,5% ни, истироҳат боғларида 20,3% ни, қурилишда 64,8% ни, саноатда 82,8% ни ташкил этади.

Учинчидан, кадрлар таркибининг ўзига хос белгиланиши бўйича. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишловчиларнинг кўпчилиги олий ва ўрта маълумотли мутахассислар ҳисобланадилар.

Хизматлар соҳасидаги меҳнатнинг маҳсулоти бўлиб, хизмат (меҳнатнинг фойдали самараси) намоён бўлади. Иқтисодий адабиётда хизматларнинг меҳнат асоси ва уларнинг қиймат баҳоси исботланган.

Э.М.Агабебян қуйидагича таъкидлайди: «иқтисодий фаолиятнинг мақсади-ҳар қандай намоён бўлиш формасида ижтимоий бойликни оширишдир». Инсонни ҳар томонлама ва гармоник ривожланишининг таъминланиши ҳам моддий ишлаб чиқаришда ҳам номоддий ишлаб чиқаришда (шу жумладан хизматлар соҳасида) амалга оширилади. Иккинчидан, меҳнат маҳсулоти ва унинг натижасини фақат буюмлаштирилган деб тушуниш нотўғри ҳисобланади. Хизматнинг меҳнат табиатига эътироз йўқ, товар ишлаб чиқариш жараёнида хизматлар мажбурий тарзда баҳога эга бўлади. Лекин ижтимоий-маданий соҳадаги хизматларнинг кўпчилигига истеъмолчилар томонидан бевосита ҳақ тўланмайди.

Фикримизча ҳозирги кунда хизматлар соҳасидаги меҳнат натижалари товар формасининг ўзига хос хусусиятлари ва унда бозор муносабатлари элементларидан фойдаланиш масалалари долзарб ҳисобланади.

Иқтисодий адабиётда моддий ишлаб чиқариш маҳсулоти билан бир қаторда жамиятнинг барча ялпи ишловчисининг суммадаги натижасини ҳисоблаш масалалари кўтарилмоқда. Албатта ушбу натижага хизматлар соҳасидаги банд бўлган ходимларни ҳам қўшган ҳолда.

Шундай қилиб хизматлар соҳасининг бир қатор ўзига хос умумий белгиларга эга бўлган алоҳида тармоқлар ва фаолият соҳаларининг ягона комплекси деб ҳисобласак бўлади. Хизматлар соҳаси таркибий қисмлари албатта ўз хусусиятларига эга. Жумладан, санъат авваламбор ўзининг «донали» ишлаб чиқариш таснифига эга ва унинг ҳаракат қилиш иқтисодий механизмини қандайдир қаттиқ тартибга солишнинг имкони бўлмайди. Аксинча, маданий оқартув муассасалари. Уларда тижорат ҳисоб-китоблари

элементлари иқтисодий нормативлар, режалаштиришнинг мақсадли-дастурли усулларида фойдаланиш имкониятлари вужудга келади.

Ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш узок вақтлар мобайнида инсон хўжалик фаолияти ва унинг ижтимоий-жамоа ҳаётининг бир қисми ҳисобланиб келган. Айнан хизматларнинг ижтимоий-жамоа институти сифатида инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқалар сифатида, фойдали фаолият сифатида мавжудлиги-буларнинг барчаси биргаликда инсоният жамияти ва турмушининг зарурий шarti ҳисобланади. Шу нарсани таъкидлаш лозимки, айнан хизматлар жамиятнинг ривожланиш даражасини нафақат унинг ишлаб чиқариш кучлари даражасида, балки маънавий ва маърифий ҳолатини инobatга олган ҳолда олди десак муболаға бўлмайди.

Жамиятдаги ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши билан хизматларни ишлаб чиқариш, хўжалик жиҳатлари кучаяди, энг асосийси- аҳоли томонидан хизматларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Хизматлар иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллай бошлади. Натижада хизматлар соҳаси ва хизматлар бозори шаклланди.

Замонавий иқтисодиётнинг глобал тенденцияларидан бири бўлиб, кўрсатилаётган хизматларнинг кескин даражада ўсиши ҳисобланади. Давлат статистик органлари маълумотларига кўра бозор иқтисодиёти ривожланган давлатлар ялпи миллий маҳсулотидаги хизматлар ҳиссаси ҳозирги кунда 2/3 дан 3/4 гача ташкил қилмоқда. АҚШ да хизматлар соҳасида ишловчилар, умумий банд бўлганларнинг 77% ни ташкил этган ва башоратларга кўра ушбу соҳа яқин ўн йил ичида янги иш жойларининг 90% ни таъминлаши лозим. Ушбу давлатларда аҳолининг истеъмол харажатлари таркибида хизматлар соҳасининг ҳиссаси 50-80% ни ташкил этади. Республикамизда ушбу кўрсаткич бор йўғи 10-15% ни ташкил этади, холос.

Хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганлар сонига нафақат хизматлар индустриясида (банклар, авиакомпаниялар, туристик ва меҳмонхона бизнеси ва ҳоказолар) банд бўлганлар киради, балки иқтисодиётнинг бошқа секторларидаги қатор ишловчилар ҳам.

Кўпчилик қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги ва қазиб олиш тармоқларида хизматларнинг яширин сектори ҳам мавжуд. «Ички хизматлар» деб номланадиган хизматлар ўз ичига кадрларни танлаш, юридик хизматлар, меҳнат ресурсларини бошқариш, бинолар-

ни тозалаш, ташиш ва бошқа кўпчилик турли хил фаолиятларни олади.

Қайд қилинган категориядаги ишловчилар бўлинмалари, товарлар ишлаб чиқарувчи фирмалар учун «хизматларни ишлаб чиқариш бўйича корхоналар» сифатида кўрилади. Ушбу ишларни юридик шахс мақомига эга бўлган ташкилотлар бериш орқали, улар томонидан амалга ошириладиган хизматлар рақобат бозорининг бир қисми ҳисобланади ва статистиклар томонидан ялпи миллий маҳсулотнинг «хизматлар» бўлимига кўшилади.

Хизматлар индустрияси катта хилма хиллик билан фарқланади. Ушбу соҳада тижорат секторининг катта қисми ҳаракат қилади. Улар жумласига авиакомпаниялар, банклар, маълумотларни компьютерда қайта ишлаш бюрolari, юридик, суғурта, консалтинг фирмалари, хусусий тиббий муассасалар, кўчмас мулк савдоси билан шуғулланувчи компаниялар киради. Хизматларни ишлаб чиқариш билан шунингдек давлат ва тижорат ташкилотлари ҳам шуғулланадилар. Лекин ушбу фаолият тавсифи турли хил бўлиши мумкин. Бу миллий хусусиятлар ва анъаналарга боғлиқ бўлади. Масалан, кўпчилик давлатларда таълим муассасалари ва музейлар давлат ихтиёрида бўлади ва улар ўз фаолиятларини фойда олмаслик асосида юритадилар, лекин шундай давлатлар мавжудки, бундай ташкилотлар тижорат ташкилотлари қаторида ишлайдилар.

Сервис ташкилотлари бир-биридан ўлчамлари билан фарқланадилар. Яъни банк, суғурта иши, телекоммуникация, меҳмонхона хўжалиги, ташиш каби соҳалардаги йирик халқаро корпорациялардан тортиб, кафе, таъмирлаш устахоналари каби маҳаллий даражадаги турли хил кичик корхоналарни ўз ичига олади.

Хизматлар соҳасининг динамик даражада ривожланишини таъминлашнинг асосий омилларидан бири бўлиб, техник тараққиёт ҳисобланади. Унинг натижаси ишчи кучи ва капиталнинг кўшимча оқимини таъминловчи янги сервис турларининг яратилиши бўлди.

Янги технологияларнинг пайдо бўлиши истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи ташкилотларда бизнесни амалга ошириш усуллари тубдан ўзгартиради. Улар жумласига ҳозирги кундаги компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларининг интеграллашувини келтириш мумкин. Миллий (ёки глобал) электрон хизмат кўрсатиш тизимларининг яратилиши молиявий компаниялар, банк ва бошқа сервис ташкилотлари фаолиятлари микёсини қайта ўзгартиради.

Уларнинг ихтиёрларида юқори интеллектуал компьютер тизимлари мавжуд бўлиб, улар талаб ва таклиф ўртасидаги қонуниятларнинг ўзгаришини оператив таҳлил қилиш орқали қабул қилинаётган қарорлар хавф хатарини баҳолаш, миждознинг тўлов қобилиятларини аниқлаш, амалга ошириладиган операциялар даромадлилиги ва бошқаларни ўрганишга имконият яратади.

Технологик тараққиёт хизмат кўрсатишнинг кўпчилиги қолган турларига таъсир кўрсатади. Янги ва такомиллаштирилган системаларнинг яратилиши буюртмаларни қабул қилиш, тўловларни амалга ошириш ва бошқа бир қатор ишларни бажариш учун замин яратади.

Юқорида қайд қилинганларга мисол бўлиб пулларни қабул қилиш, кредитларни ёпиш, нақд пулларни бериш каби банк операцияларининг автоматлаштирилиши ҳисобланади. Банк автоматларининг жорий этилиши ходимлардан фойдаланишнинг имконияти бўлмаган жойларда сутка давомида хизмат кўрсатиш имконини беради. Кредит карталарининг қўлланилиши қоғоз пулларни муомала воситаси сифатида сиқиб чиқаради ва истеъмолчиларга тааллуқли электрон терминаллари билан жиждозланган савдо маарказлари ва бошқа харидни амалга оширадиган жойларда бевосита ҳисоб-китобларни қилиш имконини яратади.

Иқтисодийтни технологик тараққиёт базасида ривожланиши техник жиждатдан қийин ҳисобланган товарларни етказиб бериш ва келгусидаги эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган сервис хизматларининг ошишига олиб келади.

Ҳақиқатда ҳар қандай физик товар, айниқса юқори технологик ва узоқ муддатли фойдаланиладиганлари хизматларга эҳтиждозларини вужудга келтиради. Маҳсулот тавсифига боғлиқ ҳолда хизматларга бўлган эҳтиждоз куйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- юклаш-тушириш ва тахлаш
- ўрнатиш ва монтаж
- ёқилги қуйиш
- техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш
- тозалаш ва ташқи кўринишни тиклаш
- экологик утилизациялаш

Ушбу хизматларнинг айримлари автомобиллар, завод асбобу-ускуналари, компьютер ишлаб чиқарувчилари ва дистрибютерлари учун кўшимча даромад манбааси бўлган. Айрим ҳолларда сотишдан кейинги хизматларни кўрсатиш орқали олинадиган даромад-

ларни йиллар давомида олиш мумкин. «Учинчи таъминотчилар» деб номланадиган, кўпинча тор бозор бўғинига ихтисослашган бундай фирмалар ишлаб чиқарувчилар томонидан унутилган ёки уларда тегишли мутахасислар бўлмаганлиги туфайли хизматлар кўрсатиш орқали сезиларли даражада даромад олишган. Хозирги кунда юқори технологик асбоб-ускуналар ва машиналарнинг кўпчилик таъминотчилари ўз эътиборларини юқори билим ва ҳунарни талаб қилинадиган қийин турдаги хизматлар тўпламини яратишга қаратмоқдалар.

Бундай хизматлар нафақат кўшимча даромад келтиради, балки компанияларга истеъмолчиларга яқин бўлиш ва харид қилинган асбоб-ускунанинг эксплуатация имкониятларини вужудга келтиради. Ўзларининг рақобат таклифлари жозибадорлигини ошириш мақсадида кўпчилик ишлаб чиқарувчи-фирмалар ўзлари томонидан яратилган асбоб-ускуналарни таъмирлаш имкониятларини, шунингдек унга техник хизмат кўрсатиш ва вужудга келган муаммоларни дунё шарининг ҳар қандай нуқтасида ҳал этиш мумкинлигини алоҳида таъкидлашга ҳаракат қилдилар. Тижорат сервис марказлари дунёга машҳур бўлган ишлаб чиқарувчилар ҳисобланадиган IBM, Hewlett-Packard ва Cenral Motors компаниялари даромадларига катта ҳисса кўшмоқдалар.

Бозор иқтисодиётида хизматлар олди-соттининг тўлақонли объекти ҳисобланади. Бунинг натижасида ушбу хизматлар мамлакат иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари ҳисобланган миллий даромад, яъни ижтимоий маҳсулот кабилар таркибига киритилган.

Юқорида қайд қилинганлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, хизматлар иқтисодиётда ўта муҳим рол ўйнайди ва бу қуйидаги омиллар билан шартланади:

- хизматларнинг юқори даромадлилиги (ликвидлилиги) билан, улар одатда ишлаб чиқарилган пайтда истеъмол қилинади.

- нисбатан юқори бўлмаган материал сизими билан (номоддий деб номланадиган харажатларни кўшган ҳолда). Бу ўз навбатида кўшилган қиймат ҳажмини оширади ва тегишли равишда моддий даромадни ҳам.

- хизматларни бажарганлик учун ҳақ олишининг қисқа муддати билан.

Шундай қилиб, иқтисодий омилларнинг хизмат соҳасига таъсири яъни миллий маҳсулотнинг умумий динамикаси, истеъмол

ва инвестицион товарларга бўлган талабнинг ўзгариши, аҳолининг бандлик ҳолати ва даромадлар даражаси (иш ҳақи) ва бошқа бир қатор макроиктисодий кўрсаткичлар билан шартланади.

Меҳнатнинг ижтимоий бўлинишининг ўсиши билан иш ва бўш вақт ўртасидаги меҳнат ва дам олиш ўртасидаги нисбат ўзгаради. Замонавий цивилизациянинг қонуниятларидан бири бўлиб, ишловчиларнинг бўш вақтларини ошириш ва турли хилдаги хизматларга бўлган талабнинг кенгайиши ҳисобланади. Ишловчи аҳоли қўлидаги даромадларнинг кўпайиши дам олиш фаолиятини эркин танлаш ва бўш вақтдан турли формаларда фойдаланиш имкониятлари вужудга келади. Улар жумласига спорт билан шуғулланиш, маданий, соғломлаштириш чора-тадбирларида қатнашиш, саёҳат, туризм ва бошқаларни келтириш мумкин.

Шунингдек хизматлар соҳасида молиявий ва ишчан хизмат кўрсатиш билан бирга (лизинг, франчайзинг) янги динамик соҳа бўлган ахборотни ишлаб чиқариш, сақлаш ва тарқатиш билан боғлиқ бўлган хизматларнинг ҳам роли ортиб бормоқда.

Тадбиркор- операторнинг актив қатнашишини кўзда тутувчи франшизанинг тақдим этилиши сервис тармоғини кенгайтиришни молиялаштиришнинг оммабоп усули ҳисобланади ва у танлаган хизмат кўрсатиш концепциясини босқичма босқич амалга ошириш имкониятини яратади.

Лизинг компаниялари ва ижара компаниялари кўпинча ишлаб чиқарувчи ва сервис корхоналари қатишмаси шаклида бўлади. Ҳам кооператив ҳам яқка тартибдаги истеъмолчилар физик маҳсулотдан унинг эгаси бўлмаган ҳолда фойдаланиш мумкин эканлигига амин бўлмоқдалар.

Иқтисодиётнинг барча тармоқлари, шу жумладан хизматлар соҳасига ҳам ташқи муҳит таъсири тизимидаги демографик омилнинг аҳамиятини ёддан чиқармаслик лозим. Ҳақиқатда, ушбу ҳолатда сўзсиз, муҳим аҳамиятни турли ёш гуруҳидагилар сонининг ўзгариш динамикаси шу жумладан, меҳнатга қобилиятли ва қобилиятсиз ёшдагилар, туғилиш ва ўлиш кўрсаткичлари, эркак ва аёл ўртасидаги нисбат ва бошқалар эгаллайди.

Масалан, миллатнинг қариши хизматларнинг турли бозорларига бевосита таъсир кўрсатади. Мисол сифатида уларнинг бирини-ҳаётни суғурталаш бўйича хизматларни олишимиз мумкин. Суғурта хизматларининг ушбу тури индустриал ривожланган давлатлардаги суғурта бизнесининг етакчи ўрнини эгаллайди.


Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аёллар ролининг интенсив ўзгариш жараёнлари содир бўлмоқда. Уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашишлари ҳам кенгаймоқда. Бундай ҳолат аввал уй шароитида бажариладиган турли хил хизматларга талабнинг ошиши билан кузатилмоқда. Улар жумласига овқат тайёрлаш, ювиш, уй ва хоналарни тозалаш ва ҳоказолар қиради. Уй хўжалигига йўналтирилган уйдан ташқари хизматларни бажаришга ихтисослаштирилган фирмаларга эҳтиёж пайдо бўлади.

Замонавий жамиятни ривожлантиришнинг икки қарама қарши тенденцияларининг ўзаро ҳаракати ўртасидаги диалектика қийинлаша бошлади. Бу ерда гап инсонларнинг якка тартиблаштирилиши ва ижтимоий интеграцияси ҳақида кетмоқда. Бир томондан, ҳаёт шароитларини якка тартиблаштириш жараёнлари содир бўлмоқда. Ушбу жараёнлар замонавий техниканинг якка тартибдаги ривожланишига (ахборот технологияларининг миниатюрлаш-тирилиши, шахсий компьютерлар ва видеосистемалар, шахсий автомобиллар, якка тартибда фойдаланиладиган маиший техника ва ҳоказолар). Инсоннинг табиат билан боғлиқ бўлган эҳтиёжлари ортиб бормоқда.

Шу сабабли ривожланган давлатларда шаҳарлар ролининг камайиш тенденцияси кучаймоқда. Яъни ўрта синфнинг йирик шаҳарлар атрофидаги ўз уйларида яшашларига ҳаракат кучаймоқда. Ёш инсонларнинг ота оналаридан алоҳида яшашга ҳаракат тенденциялари кўзга ташланмоқда.

Иккинчи томондан, бозор иқтисодиётли замонавий жамиятнинг гипер якка тартиблаштирилишининг олдини олиш учун биринчи даражадаги аҳамиятни давлатнинг ҳуқуқий функцияларининг кўпайиши, шартнома ҳуқуқлари ҳаракатлари соҳаларининг кенг тарқалиши эгаллайди. Замонавий жамиятни «шартномали», «контракт» жамиятига айлантириш жараёни интенсив равишда кетмоқда. Якка тартибдаги эркинлик абсалют эркинлик дегани эмас. У қонуний бириктирилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар балансига таянади. Якка тартибдаги ва ижтимоий-жамоа ўртасидаги мувозанатни сақлашда муҳим ролни воситачилик структуралари эгаллайди. Улар жумласига анъанавий ижтимоий институтлар ҳисобланган дин ва оила билан бир қаторда ихтиёрий ижтимоий бирлашмалар, нотижорат ташкилотларини киритиш мумкин.

Жамият аъзоларининг ижтимоий интеграциясида муқим келган ўсиб бораётган қийинчиликлар, турли хилдаги кўпчилик



ишчан хизматларга талабни оширди. Улар жумласига мулк шартномаларини тузишдаги, солиқ органлари билан ўзаро алоқаларидаги юридик ёрдам ва бошқаларни киритиш мумкин.

Хизматлар соҳаси хўжалик механизмини шакллантиришда кўпчилик даражада аралаш иқтисодиёт принциплари ётади. Унинг асосида иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий адолатнинг қулай мувофиқлиги ётади. Шу билан бирга рақобатли бозор иқтисодиёти моддий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи тармоқларда ўта юқори самара беради. Давлат миллий даромадни адолатли тақсимлаш ва қайта тақсимлаш функциясини амалга оширади. Охириги йилларда ривожланган давлатларда аралаш иқтисодиёт шароитида хизматлар соҳаси тез ва жадал суратларда ривожланиб бормоқда. Хозирги кунда ўта ривожланган давлатларда ушбу соҳада 50% дан кўпроқ меҳнат ресурслари банд ва ушбу давлатларни 60% га яқин ялпи миллий маҳсулоти яратилади.

Амалиёт шунини кўрсатадики, хизмат кўрсатиш соҳаларида бозор механизмини чегараловчи ва уни тўхтатиб турувчи бир қатор сабаблар мавжуд. Ушбу соҳада ижтимоий, аралаш-ижтимоий ва шахсий неъматларни ишлаб чиқариш амалга оширилади.

Кўпчилик хизматлар аралаш-ижтимоий неъматлар бўлиб ҳисобланади ва шахс, умумий ҳолда жамият учун муҳим аҳамиятга эга. Ушбу хизматларни сотиш орқали инсонларнинг соғлиғи, маънавий ривожланиши ва шахс сифатида шаклланиши, жисмоний ҳолати ва бошқалар таъминланади.

Аралаш иқтисодиётдаги хизматлар соҳасининг хўжалик механизми - бу демократик жамиятда инсоннинг муҳим ҳуқуқларини ижтимоий кафолатланишини амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий механизмидир, шунингдек бозор иқтисодиёти шароитида фуқороларга тенг имкониятларнинг таъминланишини вужудга келтиради

Ушбу принцип ижтимоий сиёсатни амалга оширади ва жамиятнинг синфий бўлиниб кетишига қарши ҳаракат қилишга, мустақкам ўртача синфнинг шаклланишига қаратилган. Бу ўз навбатида ижтимоий барқарорликнинг асосини ташкил этади. У даромадларни, иш ҳақини тақсимлашни тенглаштириш каби иқтисодиётдаги рағбатлантириш ва дастакларни йўқотишга олиб келадиган социалистик принципга қаршилик кўрсатади.

Шу билан бирга хизмат кўрсатиш соҳасининг бир қатор тармоқлари хўжалик механизмларини шакллантириш ва ҳаракатга келтиришда ижтимоий адолатнинг устуворлиги ўрнатилади.

Юқорида номланган принцип уни самарали тақдим этиш заруриятини инкор этмайди. Бу ўз навбатида ушбу соҳада бозор муносабатларини жорий этишни тақозо этади.

Микродаражада ижтимоий соҳадаги хўжалик юритиш механизми моддий ишлаб чиқаришдаги хўжалик юритишнинг ташкилий-иқтисодий шаклларида кескин фарқ қилади. Бу давлат бюджет муассасалари, хусусий ва ижтимоий тижорат ташкилотлари, хайрия фондлари, тижорат ташкилотлари ва фирмалари бирикмаларида акс эттирилади.

Уларнинг вазифаси-давлат ва нобозор секторини жонлантириш, истеъмолчиларни эркин танлашни амалга ошириш ва давлат қафолати тизимидан ташқари хизматларни тақдим этишдир.

Шундай қилиб, хизматлар соҳасидаги хўжалик механизми ижтимоий ва иқтисодий жиҳатларнинг бирлигида, шакл ва усуллар системасини тартиблаштириш асосида ижтимоий адолат ва иқтисодий самарадорлик баланси, ижтимоий ва иқтисодий жараёнларга давлат ва ижтимоий таъсир кўрсатиш инструментлари бирлигида ифодаланади.

Ижтимоий соҳа тармоқларини таҳлил қила туриб, кўпчилик мутахассислар қайси кучлар ислоҳотларга таъсир кўрсатиши, уларнинг манфаатлари қандай, уларнинг қизиқишлари қандай ва уларнинг фикрлари қандай ўзгаради каби саволларга эътибор қаратилмоқда. Тааллуқли гуруҳлардаги манфаатларни аниқлаш ва ўрганиш- ушбу соҳадаги вужудга келаётган жараёнларни тўғри тушунишнинг гаровидир. Шу билан бирга манфаатлар ижтимоий субъектларининг фаолиятли нуктаи назаридан тушунилади. Яъни улар эҳтиёжларнинг қондирилишини таъминловчи фаолият турларини аниқлашга мўлжал олишни.

Манфаатларни кўриб чиқишда ҳеч бўлмаганда уларнинг уч турли жиҳатини фарқлаш лозим бўлади:

- мазмунли (хизматларни кўрсатиш бўйича мазмун, фаолиятнинг сифат тавсифига нисбатан манфаатлари);
- иқтисодий (хизматларни тақдим этиш, харажатлар ва натижалар бўйича фаолиятга нисбатан манфаатлар);
- сиёсий-иқтисодий (қидирилаётган фаолиятда турли субъектларнинг қатнашиши ва ўзаро алоқаларини тартибга солиб турувчи

нормаларнинг сақланиши ва ўзгаришига нисбатан манфаатлар, яъни бошқариш, молиялаштириш, солиққа тортиш ва ҳоказоларнинг тақдим этилишига нисбатан манфаатлар).

Хизматлар соҳаси кўриб чиқиладиганда, манфаатларнинг қуйидаги уч катта гуруҳли манфаатларини ажратиш мумкин; хизмат истеъмолчиларнинг бевосита манфаатлари бир хил эмас ва аҳоли гуруҳлари бўйича турли даромад даражалари, маълумоти бўйича фарқланади. Ислохотлар бошлангунга қадар давр қайд қилинган гуруҳларнинг барчалари манфаатларида умумий ўхшашлик мавжуд бўлган, яъни тақдим этиладиган хизматлар сифатидан қоникмаслик ва уларнинг алоҳида турлари бўйича тақчилликнинг мавжудлиги. Аҳоли манфаатларига умумийлик-бу хизматлар сифатининг яхшиланишини хоҳлашдир. Шу билан бирга аҳолининг бир қисми (ўрта ва юқори даромадли гуруҳлар) юқорироқ сифатли хизматларга ҳақ тўлашга тайёрдир. Юқори даромадли гуруҳларга эса умуман барча тиббий, таълим ва маданий хордиқ хизматларга ҳақ тўлашга розидирлар, лекин тамоман бошқа сифатлисига. Ўрта ва паст даромадли гуруҳларга эса аввалги бепул ижтимоий-маданий хизматларни тақдим этиш тизимининг сақланиши ва уларнинг сифатини (асосан давлат ҳисобига) оширишдан манфаатдордирлар.

Хизматлар соҳасининг табиати, хизматнинг моддий товарлардан фарқлаштирувчи хусусиятлар хизматлар бозори хусусиятларини асослайди. Уни бозор иқтисодиётининг умумий қонунларига бўйсунадиган, товар бозори билан биргаликда унинг хилма хиллиги сифатида кўриб чиқилади.

Улар қуйидагиларга ажралиб туради.

- юқори динамизм
- худудий бўғинлаштириш ва локал тавсиф;
- қайта ишлаб чиқиш цикли туфайли капитал айланишининг юқори тезлиги;
- кичик ва ўрта корхоналарнинг кўпчилиги, шунингдек хизматларни юклаш, тушириш ва тахлашнинг имконияти бўлмаганлиги туфайли уларнинг бозор конюктурасига юқори сезгирлиги;
- ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги шахсий алоқа билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш жараёнининг хусусиятлари;
- кўпчилик тармоқлардаги маҳсулотнинг юқори дифференциаллашуви;
- хизматларни кўрсатишда кўпчилик ҳолатларда натижани олдиндан билиб бўлмаслик;

- ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги ахборот бўйича мутаносибли бўлмаслигининг мавжудлиги.

Гарчи хизматлар бозори товарлар бозори билан кўпчилик ўхшашликларга эга бўлсада, хизматлар табиати хусусиятлари келиб чиққан бозор координациясининг айрим хусусиятлари мавжуд. Улар жумласига хизматларнинг сезиларли бўлмаслиги, уларни сақлаш ва юклаш, туширишнинг имкони бўлмаслиги, хизматни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг бир вақтдалиги, истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ўртасидаги шахсий алоқаларнинг зарурияти, хизматларга бўлган талабнинг яқка тартибдалиги ностандартлигининг юқори даражасини келтириш мумкин.

Хизматлар бозорининг хусусиятлари чизмаларда келтирилган.



1-чизма. Хизматлар бозорининг хусусиятлари

Биринчидан, хизматлар бозори кўпчилик ҳолларда классик турдаги бозор талабларига жавоб беради, у ҳаммадан кам монополизацияга бўйсунди, чунки хизматларни ишлаб чиқариш алоҳида жойлашган. Хизматларни ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кенг тарқалган шакли бўлиб, хусусий ва жамоа мулкига асосланган кичик корхоналар ҳисобланадилар. Хизматларнинг рентабеллиги ишлаб чиқариш миқёсидаги тежаш орқали эмас, балки хизматлар турли хиллиги ва сифати ҳисобига тежаш туфайли таъминланади.

Ривожланишнинг дастлабки босқичларида товарлар ва хизматлар бозори қарийб фарқланмасди. Лекин ушбу жараён бир хилда кетмаёпти ва унда икки тенденцияни ажратиш мумкин: бир бирини тўлдириш тенденцияси ва товарлар, хизматларнинг ўзаро бир-бирининг ўрнини алмаштириш тенденцияси. Бир бирларининг ўрнини тўлдириш тенденцияси истеъмолчилар пирамидасининг мавжудлиги билан шартланади. Унинг асосида, юқори даражадаги ижтимоий ва маънавий эҳтиёжлар ётади. Ушбу эҳтиёжларнинг ҳар бирини тўлдириш орқали мавжудод сифатидаги инсоннинг қийин табиатини тавсифлайди. Сервис техника ва технологияларнинг қийинлиги таълукли турдаги таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича хизматларга эҳтиёжини вужудга келтиради. Шу билан бирга сервис техникасининг такомиллашиши кўпчилик ҳолатларда хизматларни алмаштириш билан кузатилади.

Товарлар қанчалик ишончли ва сифатли бўлса, уларни истеъмолчилар томонидан келгусида фойдаланишда ушбу махсулотларнинг истеъмол қийматларини сақлаш ва қайта тиклаш бўйича хизматлар кам талаб қилинади. Иккинчи томондан ҳозирги маънавий маданият даражасининг ва экологик тарбиянинг ошиши шароитида истеъмолчиларнинг тежамли бўлмаган ўзларини тутишларини тўхта-тиб турувчи омилдир. У ўз ичига товарлар ва хизматларнинг истеъмолини чеклашни ҳам олади.

Иккинчидан хизматлар бозори товарлар бозорига қараганда катта конъюнктуралик ва олдиндан айтиб бўлмаслик билан фарқланади. Шу сабабли ривожланган давлатларда хизматлар соҳасидаги фирмаларнинг банкротлиги кузатилмоқда. Уларда хўжалик субъектининг жон сақлаши масаласи ўта муҳим ҳисобланади.

Учинчидан, хизматлар бозори товарлар бозоридан катта буғунлаштирилиш билан фарқланади, яъни истеъмолчиларнинг маълум гуруҳларига қаратилиш билан. Хизматлар соҳасида бир-бирини тўлдириш принципи босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан дам олишни ташкил этиш билан боғлиқ хизматлар савдо хизматлари билан боғланади, туризм хизматлари меҳмонхоналар, кино, телевидение хизматлари, реклама ва бошқалар билан.

Тўртинчидан хизматлар бозорига товарлар бозорига қараганда локаллаштириш ва унинг жойларга боғланганлилик даражасининг катталиги характерли. Бу хизматларнинг ўзига хослигига боғлиқдир, чунки улар ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларнинг шахсий алоқаларини талаб қилади. У ёки хизматлар ишлаб чиқарувчиси-

нинг истеъмолчи жойлашган жойига боришини, ёки истеъмолчининг ишлаб чиқарувчи жойлашган жойига бориши орқали таъминланади. Лекин телекоммуникация ва компьютерлаштиришнинг ривожланиши хизматларни кўрсатиш чоғидаги шахсий алоқаларни камайтиради. Технологик жараён туфайли локаллик камаяди ва очик тавсифга эга бўлади.

Бешинчидан, хизмат бозори товар бозоридан фарқли равишда катта динамик ва эгилувчинлик билан тавсифланади. Бу шу билан изоҳланадiki, капитал айланишининг тезлиги хизматлари соҳасида ишлаб чиқариш соҳаларидагига қараганда юқоридир. Шу сабабли хизматлар бизнесини ташкил этиш учун дастлабки капитал индустриал ва аграр секторларга қараганда жуда кам талаб этилади. Хизматлар соҳасидаги кичик бизнес тадбиркор кадрлар тайёрлаш, шахснинг тадбиркорлик фаолиятида ўзини намоён қилиш ва имкониятларини очиш учун қулай муҳитни яратади.

Хизматлар бозори тадбиркорлик учун инкубатор бўлиб хизмат қилади. Чунки айнан бу ерда капитал айланишининг катта тезлиги туфайли бизнес учун қулай шароитлар яратилади. Хизматлар бозори кўпчилик ҳолатда кичик корхоналардан иборат бўлиб, улар иқтисодий актив шахсларнинг кўпчилигини бизнес билан шуғулланишга имкон яратади. Бу ўз навбатида ўрта синфни шакллантиришнинг муҳим гарови ҳисобланади.

Хизматлар бозори бир қатор омиллар ва шароитлар таъсирида шаклланади. Хизматлар бозори фаолият юритишининг асосий шартларига қуйидагилар киради:

- бозорнинг фаолият юритиш шароитлари;
- кишининг шахсий маънафати;
- тадбиркорлик, қарорлар қабул қилиш эркинлиги;
- рақобат;
- эркин нархлаштириш;
- ҳуқуқий ва иқтисодий кафолатлар.

Хизматлар бозорини шакллантирувчи омиллар ичида қуйидагиларни ажратиш мумкин: техника ва технологияларнинг ривожланиш даражаси, хом-ашё потенциали, маиший хизматларга талаб даражаси, бозор нархларининг даражаси, солиқ режими, вақт омили.

Ривожланган бозор иқтисодиётли давлатлар тажрибаси шундан далолат берадiki, хизматлар бозори ушбу соҳанинг турли тармоқларида бир хил ривожланмаган. Ишлаб чиқариш ва иш доираларида, савдода ва оммавий овқатланишда, маиший ва шах-

сий хизматларда, туризм ва хордиқ чиқариш индустриясида бозор ижтимоий эҳтиёжларини самарали қондириш инструменти сифатида ривожланган. Лекин халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат каби тармоқларда бозор муносабатлари ўзининг хусусиятларига эга. Ушбу хусусият шундан иборатки юқорида қайд қилинган ташкилотлар ва муассасалар мавжуд. Ушбу фаолият турлича хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишини чеклаб қўяди.

Ижтимоий соҳа тармоқларида соф рақобат принципидаги бозорни ташкил этишга тўсиқлар мавжуд. Ушбу давлатлар амалиёти шунини кўрсатадики, қатор ижтимоий хизматларнинг бозор таъминоти жараёнларига давлатнинг аралашмаслиги тўлиқсиз бозор деб номланадиган муаммони вужудга келтиради. Бунга мисол қилиб, АҚШ даги тиббий хизматлар бозорини келтириш мумкин. У ерда 17 млн. киши тўлиқ тиббий ёрдам кўрсатилишидан маҳрумдир.

Чунки аҳолининг кам таъминланган қатламлари учун хизматлар ҳам, хусусий суғурга полисининг баҳоси ҳам жуда юқори ҳисобланади.

Шундай қилиб, алоҳида фуқароларнинг истемолидан ижтимоий хизматларни чиқаришга хоҳишининг бўлмаслиги, бир томондан уларнинг инсон ҳаёт кечиретишидаги алоҳида аҳамиятли-лиги, яъни соғлиқни сақлаш хизматларидан ҳаётини тавсифи, шахсни шакллантиришда умумий таълимнинг базис тавсифи, инсоннинг маънавий шаклланиши ва ривожланишида маданият ва санъатнинг алоҳида аҳамияти бўлса; иккинчи томондан шу биланки, хусусий хизматлар бозори кам таъминланган фуқароларни ўзидан четлаштиради ва шу тариқа жами аҳолининг муҳим ижтимоий эҳтиёжларини қондирмайди. Шу сабабли бозор иқтисодиётида ижтимоий неъматларни ишлаб чиқарилиши ва таъминланиши (шу жумладан ижтимоий хизматларни ҳам) кўпчилик ҳолларда давлат томонидан амалга оширилади. Бунда давлат аҳолининг реал даромадини юқори қатламларидан пастки қатламларига қайта тақсимлаш каби функциясини бажаради ва шу билан бозорнинг яна бир хатосини тўғрилайди.

Хизматларнинг бозорли (пуллик) ва ижтимоий (давлат томонидан амалга ошириладиган) секторлари ўртасидаги нисбат доимий бўлиб ҳисобланмайди. Тегишли равишда хизматлар бозорининг даражаси ва ривожланиш миқёслари турли омилларнинг таъсири натижасида ўзгаради.

Биринчидан, хизматлар соҳасидаги бозор ва давлат асосининг нисбатига ишлаб чиқариш техник шароитларининг ўзгариши таъсир кўрсатади. Жумладан, мобил коммуникацион технологияларнинг пайдо бўлиши билан коммуникация алоқа ва оммавий ахборот воситаларидаги табиий монополияларни кескин чегаралаш имкониятлари пайдо бўлади ва хизматлар рақобатлилиги ошади.

Иккинчидан, кенг халқ оммаси моддий фаровонлигининг ошиши ва тўлов қобилияти талаб даражаларининг бараварлашиши жараёнлари шунга олиб келадики, аста секинлик билан аралаш хизматларга харажатларни давлат бюджетидан олиш ва ушбу хизматларни молиялаштиришни оилавий бюджетга ўтказиш имконияти вужудга келади. Бошқача сўз билан айтганда ижтимоий молиялаштириш соҳасининг хусусийлаштирилиш жараёни амалга оширилади ва унга мос равишда янги пуллик хизматлар бозорининг шаклланиш ва ривожланиш жараёни амалга оша бошлайди. Жумладан, ўтган асрнинг 70-80 йилларида Ғарбий Европанинг қатор давлатларида давлат турар жой секторларининг хусусийлаштирилиши амалга ошди, уларнинг ҳисобига турар жой-коммунал хизматлари бозори кенгайди. Хусусийлаштириш бир қатор транспорт, алоқа ва коммуникация хизматларига ҳам таъсир кўрсатди.

Собиқ иттифоқ пайтида барча хизмат кўрсатиш соҳаси давлат тасарруфида эди ва кўпчилик аралаш хизматлар ижтимоий аҳамиятли деб қаралган(масалан, маиший хизматлар, йўловчи транспорт, турар жой-коммунал хизматлар, оммавий овқатланиш, маданий-рекреацион хизматлар ва ҳоказолар).

Учинчидан, бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда икки ўзаро ҳаракатда бўлган тенденциялар таъсирида мулкни (трансфармациялаш)шакл ўзгариши жараёнлари интенсив равишда амалга оширилмоқда. Уларнинг биринчиси трансмиллий шаклларни қўшган ҳолдаги мулкнинг ассоциативлаштирилган, корпоратив шаклларининг шаклланиши. Иккинчиси, мулк ҳуқуқларини бир тутам қонуний ҳуқуқларга бўлиш жараёнидир. Ушбу ҳуқуқийликлар ўзаро муносабатларининг қийинлашиши билан бир вақтда мулкка нисбатан молиявий-пул омилининг ошиши билан тавсифланади. Молия ва пул ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига бошқарув таъсирининг асосий бўғинига айланиб борди, улар сервис фаолиятининг буюртмачиси ва назоратчиси ролини бажарадилар. Ҳозирги кунда сервис фаолияти қатнашчилари алоқа муносабатларининг мулкдор турли ҳуқуқларидан актив фойдаланилган ҳолдаги турли

фаолиятлари кенг тарқалмоқда. Лекин, бу ерда «ким ҳақ тўласа, ўша мусикага буюртма беради» принципи ҳаракат қилади. Ижтимоий аҳамиятли аралаш хизматлар соҳасида алоқа муносабатларининг кенг ривожланиши натижасида хизматларни ишлаб чиқаришни уни тақдим этиш ва истеъмолдан ажратиш имконияти пайдо бўлди, яъни хизматларни ишлаб чиқаришни нодавлат ва хусусий структураларни жалб қилиш орқали ташкил этиш, истеъмолчилар манфаатларини ифодалаш ва молиялаштиришни хизматлар соҳасининг давлат ташкилотлари номидан амалга оширилади. Шу билан бирга бозор шароитида ишловчи бундай нотижорат ташкилотларини молиялаштиришни нафақат давлат, балки нодавлат манбалари ҳисобидан амалга ошириш мумкин.

Тўртинчидан, хизматлар соҳасидаги бозор ва давлат омили нисбатиغا катта таъсирини мамлакат ривожланишининг конкрет тарихий шароитлари кўрсатади.

Хизматлар соҳасидага бозор муносабатларининг ривожланиши сиёсий омилнинг таъсирига ҳам боғлиқдир.

Жумладан, кўпчилик Европа мамлакатларида II-Жаҳон уруши ва ундан кейинги биринчи йилларда халқ хўжалиги сафарбарлик иқтисодиётининг кўпчилик белгиларига эга эди. Тааллуқли равишда кўпчилик аралаш ижтимоий аҳамиятли хизматлар (транспорт, алоқа, турар жой-коммунал хўжалик, таълим ва соғлиқни сақлаш) давлат бошқаруви ва давлат молиялаштирилиши соҳасида бўлган. Бозор ҳаракати қаттиқ чегаралангандир. Урушдан кейинги биринчи йилларда аҳоли тўлов қобилятининг чегараланганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

70-80 йилларда ривожланган давлатлардаги ҳолат ижтимоий харажатларнинг ҳаддан ташқари кўпайиши ва солиқ юкининг ошиши туфайли ўзгарди. Иқтисодиётдаги давлат ва бозор сектори ўртасидаги тебраткич нисбати (шу жумладан хизматлар соҳасида ҳам) хусусий сектор ва бозор муносабатлари томонига ўзгарди. Хусусийлаштириш хизматларнинг ижтимоий секторига катта таъсир кўрсатди. XX асрнинг охирида хизматлар соҳасида бозор муносабатларини кенгайтириш ва давлат секторини чегаралаш тенденцияси баланд келди. Хизматларнинг айрим тармоқларида биринчи марта бозор шаклланди.

Хозирги кунда дунёда ҳеч бир ривожланган давлат йўқки, унда давлат хўжалик фаолиятини тартибга солиш билан актив шуғулланмаса. Шу сабабли гап давлат мулкани бартараф этиш ҳақида

эмас, балки унинг монопол ҳолатини тугатиш ҳақида кетиши лозим.

Ривожланган ва аралаш иқтисодийли давлатларда хусусий мулкнинг сифат ҳолати сезиларли даражада ўзгарди. У нафақат якка тартибда балки бошқа жамоа, гуруҳли, акционер формаларида ҳам ҳаракат қила бошладилар. Ғарбий иқтисодий назарияси ва амалиётида хусусий мулк деганда мулкнинг ҳар қандай нодавлат формаси, хусусийлаштириш деганда давлат мулкни мулкнинг нодавлат формаларига айлантирилиши тушунилади.

Соф давлат корхоналари ривожланган давлатларда жуда кам учрайди. Улар одатда акционерлик формаси шаклида ҳаракат қилишади, шунинг учун давлат корхоналари ҳисобланишадики, акцияларнинг назорат пакети давлатга тегишлидир. Ваҳоланки, давлат корхоналари акционерлик формасига давлат томонидан акцияларнинг назорат пакетини сақлаб қолган ҳолда ўтказиш - бу ҳам хусусийлаштириш демакдир. Бундай ҳолатларда давлат корхоналарига нисбатан бошқарувчи субъект сифатида эмас, балки акционерларнинг бири сифатида (бош акционер бўлса ҳам) ҳаракат қилади.

Дунё амалиёти турли хил бир-бири билан боғлиқ мулк формалари, аралаш иқтисодийнинг мавжудлигидан далолат беради. Унда корхоналарда маркетинг фаолиятининг барча формалари қўлланилиши мумкин. Лекин давлат мулкни оммавий равишда якка тартибдаги мулкка ўтказиш, бизнинг иқтисодийтимизда нафақат цивилизацияга силжитади, балки уни ёввойи бозорга улоқтиради. Турли хил мулк формаларининг оқилона ўзаро ҳаракатлари зарур бўлади. Бозорга фақат самарали ҳаракат қилувчи сектори, унинг индустриал потенциал мулкдори сифатида родини ошириш орқали кириш мумкин.

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда тўлақонли сервис хизматлари бозорини шакллантириш учун маълум иқтисодий шарт шароитлар мавжуд.

Биринчидан, сервис соҳасида корхоналарнинг жуда кўп сони фаолият юритмоқда (айрим алоҳида турлардан ташқари) ва улар истеъмол бозорида монопол ҳолатни эгаллашмайди. Шу сабабли моддий ишлаб чиқаришдан фарқли равишда ушбу соҳада қисқа муддат ичида хизматлар ишлаб чиқарувчилари ўртасида эркин рақобат юритиш учун шароитлар яратиш мумкин.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш

ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» ги қарори асосида ушбу соҳа корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий мустақиллиги ва фаолият натижаларнинг ошишига замин яратилди.

Учинчидан, хизматларни ишлаб чиқариш доимо уларни истеъмолчиларга сотиш билан чамбарчас боғлиқлиги сабабли, маиший хизматлар соҳасида ўзгараётган истеъмол талаби шаронтида аҳоли билан ишлашнинг маълум тажрибаси тўпланган.

Тўртинчидан, сервис хизматлари системасида аввалдан бозор принципларида фаолият юритувчи катта сектор мавжуд. Унга кооператив корхоналар ва яқка тартибда меҳнат фаолиятини юритувчи фуқаролар киради. Бу аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғининг унда бозор муносабатларини шакллантириш учун маълум шароитлар яратади.

1.2. Хизматларнинг ижтимоий-иқтисодий табиати ва уни такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Хизматларнинг ҳиссаси мамлакат иқтисодиётида аста-секинлик билан кўпайиб бормоқда. Олдинлари иқтисодиёт дейилганда, асосан моддий ишлаб чиқариш тушунилар эди. Эндиликда иқтисодиёт дейилганда унинг кўлами фақат ишлаб чиқариш эмас, балки минглаб хизмат турларини бирлаштирган соҳалар мажмуига айланиб бормоқди. Бу одатда ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат унумдорлигининг муттасил ошиши эвазига содир бўладиган жараёндир. Агарда моддий ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги ошиб борса, улардан бўшаган ходимлар номоддий ишлаб чиқаришга ўта бошлайди. Номоддий ишлаб чиқаришнинг асосини аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси ташкил қилади. Бу соҳа билан шуғулланадиган янги-янги тармоқлар вужудга кела бошлайди.

Ўзбекистонда хизмат соҳасининг ривожланиши ўзига хос бўлиб, у моддий ишлаб чиқариш билан бирга параллел равишда шаклланмоқда ва ривож топмоқда. Бу ҳолат бир қанча омиллар таъсирида юз бермоқда. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- хизматга бўлган эҳтиёжнинг объектив равишда ошганлиги;
- хизматларни ривожлантирмасдан туриб, бошқа соҳаларни ривожлантиришнинг мураккаблиги;
- мамлакатимизнинг барча соҳаларда жаҳон интеграциялашув жараёнига кириб бориши;

- хизмат соҳасида янги иш ўринларини яратишнинг арзонлиги;
- кўп хизмат турларининг мидлийлиги ва анъанавийлиги;
- дунёда глобаллашув жараёнининг вужудга келиши ва хизматлар бўйича халқаро иқтисодий муносабатларнинг объектив зарурлиги;

- инсонларнинг такомиллашиш жараёни хизматларга бўлган эҳтиёжни вужудга келтириши;

- кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг ҳамма бўғинида хизматнинг мавжудлиги, унинг тезлашиши хизматга бўлган эҳтиёжни ошириши. Буларнинг ҳар бирини изоҳлашни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

- мамлакатимизда моддий ишлаб чиқариш соҳасининг бозорини ривожлантириш билан биргаликда номоддий соҳа, айниқса хизматлар бозорини ҳам бирга ривожлантириш зарурати бирданига туғилди, чунки иқтисодиётимизнинг таркибий тузилишини шакллантиришда глобаллашув жараёнининг таъсири катта. Зеро дунё мамлакатларида иқтисодиётнинг таркибида хизматларнинг улуши салмоқли бўлиб турсаю, бизда бу кам улушга эга бўлса, шу соҳа билан жаҳон интеграциялашув жараёнига, хусусан хизмат бозорига кириб бора олмаймиз;

- тараққиётнинг ҳозирги босқичида шундай замонавий хизмат турлари вужудга келдики, уларни ривожлантирмасдан туриб моддий ишлаб чиқариш соҳасини ҳам ривож топтириш қийинлашиб қолади. Ҳозирги шароитда ахборотларсиз ва уларни амалга оширадиган хизмат соҳаларисиз ишлаб чиқариш ривожини тасаввур қилиш қийин. Улар эса ўз навбатида барча тараққиёт учун, шу жумладан моддий неъматларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ҳам асосий омилларга айланиб улгурди. Бу жараёнда Ўзбекистон ҳам дунё ҳамжамиятидан орқада қолиб кетмаслиги лозим. Бу эса ўз навбатида мазкур хизматларни ҳам бирга ривожлантиришни тақозо қилади;

- давлат, жамият ва мамлакатимиз аҳолисида хизмат турларига бўлган эҳтиёжнинг ўсиб бориши ҳам ушбу соҳани ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Чунки юқорида қайд этилган катта-кичик субъектларнинг хизматларга бўлган талаби ҳам, уни харид қилиш имкониятлари ҳам ўсиб бориш тенденциясига эга бўлмоқда;

- хизмат турларини ривожлантириш учун, шу соҳада янги иш ўринларини очиш бошқа соҳаларга нисбатан арзонлиги ва қулайлиги, хизматларнинг кўп тури миллийлиги ва анъаналаримизнинг

сақланиши ҳамда ривожланишига мойиллигининг мавжудлиги, бозор кўникмасига, хизматларга бўлган талабнинг, бозор конъюнктурасининг ўзгаришига мослашиш имкониятининг катталиги, хусусий секторда ушбу соҳани тез ривожлантириш мумкинлиги, унда моддий манфаатдорликнинг юқорилиги каби омиллар ҳам мазкур соҳанинг ривожланишини тақозо қилади;

- хизматларнинг турлари халқаро иқтисодий муносабатларда сезиларли даражада ривожланиши ҳам мамлакатимизда бу соҳани ривожлантириш заруратини туғдирмоқда. Олдинлари бир мамлакат иккинчи бир мамлакатга асосан транспорт хизматларини кўрсатган бўлса, эндиликда уларнинг улуши камайиб бормоқда. Уларнинг ўрнини ахборот-коммуникация, молия ва банк хизматлари, туризм, экспорт қилинган товарларга истеъмол ва эксплуатация қилинаётган жойларда хизмат кўрсатиш каби турларининг улуши ортиб бормоқда;

- хизмат турларининг ривожланиши инсоннинг ўзини ҳам такомиллаштиради. Бунинг учун уни ўзига-ўзи қиладиган хизматлардан озод қилиб, меҳнатини унинг асосий бажарадиган ишига сафарбар қилинса, унинг меҳнатининг самарадорлигини оширишга олиб келади. Масалан, кўшиқчи, шоир, ёзувчи, илмий ходим ёки бошқа ижодкор меҳнатини олайлик, улар эркин ижод қилиши учун кўпроқ бўш вақти бўлишини, ижод қилиш тафаккур қилишни тақозо қилади, бу эса, ўз навбатида вақтнинг етарли бўлишини талаб қилади. Аммо ҳар бир инсоннинг, айниқса ижодкорнинг шунчалик хизматларга эҳтиёжи каттаки, уларга ўралишиб ижодга оз вақт қолиши мумкин, агар унда тегишли моддий шароит етарли бўлса, у маблағининг бир қисмини хизматларга сарфлаб ўзига ижод қилиши учун тегишли шароитни яратиб олади ва ундан жамиятга кўпроқ наф келади, бу масаланинг биринчи томони. Энг муҳими инсоннинг ўзи ижодкор сифатида такомиллашиб боради;

- хизмат соҳаси такрор ишлаб чиқаришда алоҳида бўғин сифатида ажралиб турмаган бўлсада, унинг мазкур жараённинг амалга оширилишида ва жадаллашишида ҳиссаси катта. Хусусан, хизмат кўрсатиш кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида иштирок этмоқда. Ишлаб чиқаришни ҳам, тақсимотни ҳам, айрибошлаш ва истеъмолни ҳам хизматларсиз тасаввур қилиш қийин. Шу туфайли кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараёнида хизматларнинг роли катталигини эътироф этиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Аммо хизматнинг мамлакатимиз бугунги иқтисодиётида ва келажакда катта аҳамиятга эғалигига қарамасдан мазкур масала иқтисодий адабиётларда етарли даражада ёритилмаган. Мамлакатимизда яратилаётган иқтисодий назарияга оид дарслик ва бошқа китобларда¹ ҳам ушбу масалага деярли эътибор берилмаган. Бундай ҳолат мамлакатимизда мазкур соҳанинг ривожланишини тезкорлик билан ўнглаш имкониятига тўсиқлик қилиши тайин. Бирорта масаланинг назарий ечими бўлмаса, уни амалий жиҳатдан ривожлантиришнинг қанчалик мураккаблигига тарих гувоҳ. Шу жиҳатдан хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳам назарий асослари тадқиқ қилиниб, тўлиқ очиб берилмас экан уни ривожлантириш масаласида субъектив ёндошувларнинг, назарий жиҳатдан асосланмаган хулосаларнинг бўлиши табиий шу жиҳатдан уни тадқиқ қилиш бугунги кунда ўта долзарб масалалардан бири сифатида қарамоғи лозимдир.

Мамлакатимиз Президентининг айнан хизмат кўрсатиш соҳасига қайта-қайта мурожаат қилиши, ушбу соҳани ривожлантириш бўйича қатор Фармон ва Қарорларнинг қабул қилиниши бежиз эмас. Хусусан, 2006 йил 17 апрел куни имзоланган “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини олайлик. Бу қарор хизмат соҳасини ривожлантиришга қаратилган олдинги олиб борилган ишларни янада аниқлаштириш ва мамлакатда ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган амалий табирлардан бири бўлди. Мазкур қарорга асосан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича 2006-2010 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди. 2006 йилнинг натижалари кўрсатдики, мазкур дастурда кўзда тутилган кўрсаткичлар ортиғи билан бажарилди. Аммо ушбу соҳани ривожлантириш бўйича имкониятлар тўлиқ ишга солинмаганлиги, унинг ҳали катталиги намён бўлиб қолди. Буларни ишга солиш мақсадида 2007 йил 21 майда яна “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Мазкур қарорга асосан Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизматлар кўрсатиш

¹ Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик, Т.: Шарқ, 2006. - 480 бет., Умаров Усмон Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. Т.: Мерос, 2004. - 400 бет., Шодмонов ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: 2002. М.Расулов Бозор иқтисодиёти асослари. Т.:, 1999. ва х.к.

соҳасини ривожлантиришнинг ҳудудлар бўйича янгиланган асосий параметрлари ҳамда “Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2007-2010 йилларда ривожлантириш Дастури”нинг мавжуд эҳтиёжларни ҳисобга олиб аниқлаштирилган ва тўлдирилган асосий йўналишлари ва тадбирлари ишлаб чиқилди.

Энди мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаси индустриуал асосда ривожланади. Зеро, мазкур қарорда ажратилаётган кредит ресурслари хизмат кўрсатиш бўйича янги ташкил этилаётган корхоналарни фақат технологик жиҳозлаш мақсадларига йўналтириш белгилаб қўйилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур қарорда хизмат кўрсатиш соҳасини қишлоқларда ривожлантириш масаласига ҳам катта эътибор берилган. Чунки, қарорда таъкидланишича қишлоқ аҳолисига хизматлар кўрсатиш тизими ҳам ўсиб бораётган талабларга жавоб бермаяпти. Шу туфайли, кредит ресурсларини олишда қишлоқ жойларда хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларига устувор ҳуқуқ берилиши ҳам белгилаб қўйилган. Қишлоқ жойларда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан алоқа ва ахборотлаштириш тизимининг коммуникация соҳасида фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар оладиган давлат божлари ҳам қисқартирилган.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал ривожланишининг яна бир омили, унинг молиявий ресурслар билан таъминланишининг аниқ йўналишлари ҳам белгиланганлиги билан ифодаланади. Биринчидан хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожига имтиёзли кредитларнинг ажратилаётганлиги бўлса, иккинчидан, мазкур кредитларнинг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси ҳамда “Микрокредитбанк»дан ажратилиши аниқ кўрсатиб ўтилган.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси билан шуғулланадиган корхоналарнинг топган маблағлари, асосан уларнинг моддий-техника базасини такомиллаштиришга қаратилгандир. Чунки, уларга кенг қўламли солиқ имтиёзлари белгиланган. Бу имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2010 йил 31 декабргача узайтирилган.

Кўриниб турибдики хизмат кўрсатиш тармоқлари ва сервис соҳасини ривожлантиришга мамлакатимиз раҳбарияти томонидан катта эътибор берилмоқда.

Аммо шуни эътироф этиш керакки, хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодиётдаги ўрнини аниқлаш учун, ундаги меҳнатнинг характерини назарий жиҳатдан таҳлил қилиб, бир тўхтамга келиб олиш лозимдир. Ушбу соҳани моддий ишлаб чиқарувчи соҳага киритиладиган бўлса, ундаги меҳнатнинг характери қандай баҳоланиши ва агар ушбу соҳани ноишлаб чиқариш соҳасига киритиладиган бўлса, бозор муносабатлари шароитида шу соҳадаги меҳнатнинг характери қандай бўлиши ҳам бир муаммо.

Бир нарса аёнки, хизмат кўрсатиш соҳасидаги меҳнатни ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан баҳолайдиган бўлсак, у бевосита мамлакат ЯИМ яратилади. Аммо кишиларнинг моддий неъматларга бўлган истеъмолини қондириш устувор вазифа саналишини инобатга оладиган бўлинса, энг аввало, қайси соҳани ривожлантиришга эътиборни қаратиш лозимлигини белгилаб бериш, уни назарий жиҳатдан исботлаш ҳам муҳим муаммолардан биридир.

Хизматнинг табиати қайси нуқтаи назардан қаралишига қараб уни турлича талқин қилиш мумкин. Бизнинг фикримизча унга куйидаги йўналишлар нуқтаи назаридан қараш мақсадга мувофиқдир:

- хизмат кўрсатишга меҳнат жараёни нуқтаи назаридан;
- хизмат кўрсатаётган шахс меҳнати нуқтаи назаридан;
- хизмат кўрсатишга мулкдор нуқтаи назаридан;
- хизмат кўрсатишга давлат нуқтаи назаридан;
- хизмат кўрсатишга меҳнат жараёни нуқтаи назаридан;
- хизмат кўрсатишга жамият нуқтаи назаридан.

Мазкур йўналишларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиш, ушбу тушунчанинг табиатини янада ёрқинроқ тарзда очиб беради, деб ўйлаймиз.

Хизмат кўрсатишга меҳнат жараёни нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, хизмат кўрсатиш бевосита меҳнат сарфлашда ўз ифодасини топади. Бундай ҳолатда хизмат билан меҳнат бир-бири билан узвий боғлиқдир. Меҳнат ўз табиати жиҳатидан кишиларнинг мақсадга мувофиқ фаолияти бўлиб, табиатда яратилган неъматларни инсонлар истеъмолига мослаштирадиган онгли жараён ҳисобланади. Меҳнатнинг қаерда ва нимага сарфланишига қараб унинг характери ўзгариб туради ва шунга мос равишда уни баҳолаш мумкин. Масалан, нонни тайёрлашга ҳам, кўйлак ишлаб чиқаришга ҳам, уйни қуришга ҳам, сочи олишга ҳам меҳнат

сарфланади. Меҳнат сарфланган барча жойда ялпи ички маҳсулот яратилади. Аммо қайсидир жараёнда моддий неъматлар яратилиб предмет бир турдан иккинчи турга айланиши мумкин. Бунга мисол қилиб ундан ҳамир, ҳамирдан нон тайёрланишини эслаш kifоя. Аммо иккинчи бир жойда меҳнат сарфланиш жараёнида меҳнатнинг ўзи хизмат тариқасида содир бўлган жойда истеъмол қилинади. Бунга мисол қилиб соч олдиришни келтириш мумкин. Бунда ҳам меҳнат сарфланади. Лекин унда ҳеч қандай моддий неъмат яратилмайди. Бирок иккаласида ҳам сарфланган меҳнатга ҳақ тўланади ва булар ялпи ички маҳсулотда ўз аксини топади.

Хизмат кўрсатишга хизмат кўрсатаётган меҳнат эгаси нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ҳамма сарфланган меҳнат унга бирорта наф келтириши мумкин. Шу жиҳатдан ушбу сарфланган меҳнатлар, унинг эгаси учун унумли меҳнат бўлиб ҳисобланади. Чунки у эгасига наф келтиради.

Хизмат кўрсатишга мулкдор нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, вазият бутунлай ўзгаради. Агар хизматчи ишлаб чиқаришда иштирок этсада, у мулкдорга наф келтирмайдиган бўлса, мулкдор учун бундай меҳнат унумсиз меҳнат ҳисобланади. Масалан, ходим оёқ кийимини ишлаб чиқаришда иштирок этди, деб фараз қилайлик. Агар унга моддий неъматни ишлаб чиқариш, табиатдаги предметларни бир турдан иккинчи турга айлантириш, яъни истеъмол ҳолатига келтириш нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, мазкур меҳнат унумли меҳнатга киради. Аммо унга кетган харажатни сотишдан тушган маблағ қоплай олмаса, мулкдор фойда кўрмаса, бундай меҳнат мулкдор учун унумсиз меҳнатдир.

Хизмат кўрсатишга давлат нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ҳар бир хизмат кўрсатувчи шахс уни сотиш натижасида тўпланган тушумдан турли солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайдилар. Бу давлат бюджетини маблағ билан тўлдиришга ушбу соҳанинг иштирокини таъминлайди. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак ҳам хизмат кўрсатиш соҳаси унумли соҳа бўлиб ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш соҳасига жамият нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, у жамиятга моддий ва маънавий жиҳатдан наф келтиради, бозорни хизматлар билан тўлдиради. Хизмат кўрсатиш натижасида жамиятнинг қандайдир бир манфаати қондирилади. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак ҳам хизматни унумли ёки жамият учун нафли соҳага дахилдор эканлигини эътироф этиш мумкин.

Аммо шу билан бирга эътироф этиш керакки, ҳали хизмат кўрсатиш соҳасининг жуда кўп назарий масалалари бозор муносабатлари нуқтаи назаридан ва мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ қилишни тақозо қилади. Бундай назарий масалаларнинг ечимига биринчи галда иқтисодий назария фани намоёндалари ўз эътиборларини қаратмоқлари лозимдир.

Хулоса қилиб айтганда, хизмат кўрсатиш соҳаси унумлими ёки унумсизми у мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотини яратишда иштирок этади. Унинг ривожланиши жамиятда аҳолининг эҳтиёжларини қондириш билан бирга хизмат кўрсатувчиларнинг моддий фаровонлигини ҳам таъминлайди. Ишсизликни бир мунча камайтириш имконини туғдиради. Булардан кўриниб турибдики, хизмат кўрсатишни ривожлантириш нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятини оширади, балки жамиятнинг ижтимоий барқарарлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

1.3. Бозор муносабатлари шароитида хизматларнинг турлари ва уларнинг таснифи

Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт билан ривожланаётган мамлакатларда хизматлар иқтисодиётнинг таркибий қисми бўлиши билан бирга уларнинг асосий қисмини ташкил қилади. Чунки иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг ярмидан кўпи мазкур соҳада банд. Шу соҳанинг улуши мамлакатлар ЯИМда ҳам ярмини ташкил қилади. Ҳозирги пайтда дунёда, хусусан бизнинг мамлакатимизда ҳам хизмат турларининг сони мингтадан ошиб кетган. Уларни ўрганиш ва маълум даражада тартибга солиш учун уларни таснифлашни тақозо қилади.

Хизматларни маълум даражада тартибга келтириш учун бир қанча халқаро ташкилотлар ҳам шуғулланиб келмоқдалар. Масалан, БМТ хизматларнинг 160 турини тан олади ва уларни 12 гуруҳга бўлади:

- | | |
|---|----------|
| 1. Ишчанлик хизмати | 46 турда |
| 2. Алоқа хизмати | 25 турда |
| 3. Инжениринг ва қурилиш хизмати | 5 турда |
| 4. Дистрибьюторлик хизмати | 5 турда |
| 5. Умумтаълим хизматлари | 5 турда |
| 6. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш хизмати | 4 турда |

7. Молиявий хизматлар (шу жумладан сугурта хизматлари)	17 турда
8. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	4 турда
9. Туризм ва сайёҳлик	4 турда
10. Дам олдириш, маданий ва спорт билан боғлиқ хизматлар	5 турда
11. Транспорт хизматлари	33 турда
12. Бошқа хизматлар (масалан, маиший)	7 турда ¹ .

Аммо БМТнинг ушбу тавсифини ҳамма халқаро ташкилотлар ҳам тўлиғича қабул қилиб олган эмаслар. Хизматларни таснифлаш борасида бошқа халқаро ташкилотлар ўзларининг қарашларига эга. Улардан бири Халқаро валюта фонди (ХВФ)дир. Ушбу ташкилотнинг фикрича барча хизматлар иккига бўлинади: савдо қилинадиган ва савдо қилинмайдиган². Бундай тасниф хизматларни халқаро савдода қўлланилиши нуқтаи назаридан келтирган. Савдо қилинадиган хизматларга ушбу жараёни амалга ошириш мумкин бўлган хизмат турларини киритган. Савдо қилиши мумкин бўлмайдиган хизматлар эса фақат миллий давлатларнинг ўзида амалга оширилади. Аммо ушбу хизматлар шу давлат ичида сотилади ва истеъмол қилинади. Буларга мисол тариқасида коммунал ва шу билан боғлиқ хизматларни киритиш мумкин.

ХВФнинг таъкидлашича сотиладиган савдо хизматларига куйидаги ўн битта гуруҳ хизматларни киритиш мумкин³:

- транспорт хизмати;
- бориб келиш (хизмат сафари, туризм, саёҳат кабилар);
- алоқа;
- қурилиш хизмати;
- суғурта хизмати;
- молиявий хизматлар;
- компьютер ва ахборот хизмати;
- роялти ва лицензия тўловлари;
- бошқа бизнес хизматлари;
- шахсий, маданий ва рекреацион хизматлар;
- ҳукумат хизматлари.

Мазкур ташкилотнинг таснифида ҳам хизмат турларининг ҳар бири яна бир қанча хизматларни ўз ичига оладилар. Масалан,

¹ Арупов А.А. Казахстан в системе мировых торговых рынков. Алматы: Университет «Туран», 2000. с. 63.

² Киреев А.П. Международная экономика. Ч. 1. М.: Международные отношения, 2000. С. 265.

³ Киреев А.П. Международная экономика. Ч. 1. М.: Международные отношения, 2000. С. 265.

транспорт хизматлари яна иккита катта гуруҳга бўлинади: йўловчи ташиш транспорти ва юк ташиш транспорти хизматлари. Улар ҳам ўз навбатида яна бир қанча гуруҳларга бўлинади. Шундай қилиб хизматлар ва улар билан боғлиқ муаммолар хусусида ҳали олимлар ҳам халқаро ташкилотлар ҳам бир тўхтамга келинган эмас.

Бизнинг фикримизча, хизматларнинг турларини таснифлашда уларнинг назарий асосидан, яъни биринчи галда таърифидан келиб чиқмоқ мақсадга мувофиқдир. Юқорида таъкидланганлардан келиб чиқиб хизмат тушунчасига таъриф бериш мумкин. Бизнинг фикримизча, хизмат дейилганда инсоннинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлатнинг ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади.

Агар хизматларнинг таснифига ўзимизнинг таърифимиздан келиб чиқадиган бўлсак, уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- инсоннинг (шахснинг) камолоти билан боғлиқ хизматлар;
- оиланинг равнақи билан боғлиқ хизматлар;
- меҳнат жамоаларининг такомиллашуви билан боғлиқ хизматлар;
- ҳудуднинг тараққиёти билан боғлиқ хизматлар;
- давлатнинг равнақи билан боғлиқ хизматлар;
- жамиятнинг тараққиёти билан боғлиқ хизматлар.


Ушбу хизматларнинг ҳаммасига ўзига хос хизмат турлари киради. Булар эса шу келтирилган субъектларнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга қаратилган кишиларнинг нафли фаолиятдан иборатдир. Шу туфайли, хизматларга ҳар томонлама кишилар, инсонлар нуқтаи назаридан қараш керак, деб ўйлаймиз. Чунки хизмат кўрсатишнинг мақсади биринчидан инсон камолотига қаратилган бўлса, иккинчидан хизматни амалга оширадиганлар ҳам шу инсонлардир. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, хизматлар инсон ва унинг камолоти билан боғлиқ иқтисодий-ижтимоий жараёнлар мажмуасидан иборат экан.

Одатда хизмат қуйидаги субъектларга кўрсатилади:

Хизмат кўрсатиш			
Инсонга	Хўжалик юритувчи субъектга	Давлатга	Жамиятга

Айрим хизматлар борки, улар бир вақтнинг ўзида барча гуруҳга тегишли бўлиши мумкин. Масалан, таълим хизматини олайлик. Бу энг аввало, инсоннинг (шахснинг) камолоти билан боғлиқ хизматларга киради. Айни вақтда, оиланинг равнақи ҳам, меҳнат жамоаларининг такомиллашуви ҳам, ҳудуднинг тараққиёти ҳам, давлатнинг равнақи ва жамиятнинг тараққиёти ҳам шу таълим хизмати, унинг сифати ва самарадорлигига бевосита боғлиқдир.

Одам хизмат объектини ўзига ўзи яратади ва ўзига ўзи хизмат килади. Шу туфайли хизмат одам учун ва хизматни ҳам бажарувчиси одам, деган ақидани киритиш мумкин. Бу дегани хизматнинг ишлаб чиқарувчиси ҳам, унинг истеъмолчиси ҳам одамдир. Буни қуйидагича ифода этиш мумкин:



Хизмат кўрсатиш натижасида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти кўпаяди. Бу қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

Бозор муносабатлари шароитида хизматларни кўрсатиш натижасида моддий неъмат яратилиши ёки яратилмаслигидан қатъий назар ялпи ички маҳсулот яратилади. Шу нуқтаи назардан хизматларга унумлими ёки унумсизлиги ҳақида гап кетишидан ёки моддий неъмат яратилиши нуқтаи назаридан қаралишидан кўра, ялпи ички маҳсулот яратилиши нуқтаи назаридан қараш мақсадга мувофиқ.

Моддий неъмат яратиш билан		Моддий неъматлар кўринишининг ўзгариши билан		Моддий неъматлар яратилмасдан бевосита истеъмол қилиниши билан
Хизмат кўрсатиш натижасида моддий неъмат яратилади, масалан, қурилиш хизматини амалга ошириб борилса, буюртмачи уй-жойлик бўлиб қолади.		Бу ерда моддий неъмат яратилмайди, аммо унинг кўриниши ўзгаради. Масалан, оддий коплаги маҳсулотни қадоқлаш эвазига у истеъмол ҳолатига келтирилади ва талабга яраша инсонга берилади.		Бу ерда моддий неъмат яратилмайди, аммо хизмат кўрсатилади, одамлар ундан баҳраманд бўлишади. Масалан одамнинг сочини олишни, уқалаш кабиларда одам бевосита истеъмол қиладилар ва манфаатдор бўлади.

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳолининг сони билан ўлчанади. Агарда битта ишлаб чиқаришда ишлайдиган кишига тўғри келадиган аҳолининг сони кўпайиб, битта хизматчига

Кўрсаткичлар	1-йил	2-йил	3-йил
Умумий аҳоли, %	100,0	100,0	100,0
Банд аҳолининг улуши, %	50,0	50,0	50,0
Ишлаб чиқаришда банд аҳолининг улуши, %	35,0	25,0	20,0
Хизмат кўрсатишда банд аҳолининг улуши, %	15,0	25,0	30,0
Ишлаб чиқаришда банд бўлган бир кишига тўғри келадиган аҳолининг сони, киши	2,86	4,0	5,0
Хизмат кўрсатиш даражаси, яъни бир нафар хизматчига тўғри келадиган аҳоли сони, киши	6,6	4,0	3,3

Манба: Маълумотлар шартли олинди.

Кўриниб турибдики, йилдан-йилга ишлаб чиқаришда банд бўлган бир кишига тўғри келадиган аҳолининг сони камайиб бормоқда ва мос равишда, хизмат кўрсатиш даражаси, яъни бир нафар хизматчига тўғри келадиган аҳоли сони ошиб бормоқда. Агар мамлакатда шундай вазият рўй берадиган бўлса, унинг иқтисодиёти юксалаётганлигидан ва аҳолининг фаровонлиги ошиб бораётганлигидан далолатдир.

1.4. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш муаммолари

Ўзбекистон қисқа тарихий давр мобайнида режали иқтисодиётдан бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўтишнинг машаққатли, лекин айни бир вақтда ўта муҳим босқичини бошдан кечирди. Ўз мазмун – моҳияти, мақсад ва вазибалари ҳамда уларга киришиш йўллари, иқтисодий тартиб, қонун ва механизмлари жиҳатидан тубдан фарқ қиладиган бир иқтисодий тизимдан бошқа, янги бир тизимга ўтиш, эски, олдинги даврда ҳукмронлик қилган формацияга хос ишлаб чиқариш муносабатлари

ўрнига янги муносабатлар (ишлаб чиқариш соҳасида, мулк соҳасида, алмашув соҳасида, тақсимот соҳасида) тизимини ўрнатиш кўп вақт ва меҳнат талаб қиладиган мураккаб жараён.

Ушбу ўтиш жараёнининг ўта мураккаблигини, режали иқтисодиётга хос ва кўп йиллар давомида қаттиқ ўрнашиб қолган иқтисодий механизмларни илдизи билан кўпориб ташлаб, уларнинг ўрнига бозор механизмларини барпо этиш осон эмаслигини тўла тасаввур қилмасдан туриб, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар кўламига, босиб ўтилган йўлнинг аҳамиятига объектив, адолатли баҳо бериб бўлмайди. Ўтмишга назар ташлаш, босиб ўтилган йўлнинг самарадорлигини аниқлаш, унга илмий асосланган, объектив баҳо бериш, йўл кўйилган хато ва камчиликларни ҳамда кўлга киритилган ютуқларни таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқариш катта назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Маъмурий – буйруқбозлик, марказлаштирилган режага асосланган иқтисодий муносабатлардан эркин бозор муносабатларига ўтиш даври давомида Ўзбекистонда кўп укладли прогрессив иқтисодий тизим асослари яратилди. Ушбу мақсадда мулк шаклларида ва демак, мулкый муносабатларда туб ислохотлар амалга оширилди, бозор инфратузилмаларига мос келувчи институтлар жорий этилди, ўтиш даврининг биринчи босқичларида, яъни 90-йилларнинг биринчи ярмида юзага келган иқтисодий бўроннинг оғир оқибатлари бартараф этилиб, мамлакатда макроиқтисодий барқарорлик қарор топди. 1986 йилдан бошлаб Ўзбекистонда ижобий макроиқтисодий силжишлар ва эътиборга молик иқтисодий ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Кейинги йилларда эса иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий кўрсаткичларнинг яхшиланиш суръатлари янада жадаллашиб, мамлакат барқарор иқтисодий ўсишга юз тутмоқда. Фақат 2005 йил мобайнида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ялпи, ички маҳсулот ҳажми 7,3 фоизга, аҳолининг реал даромадлари эса 18 фоизга ошди. Бу эса, ўз навбатида, танланган тарихий йўлнинг тўғри эканлигидан, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизимнинг марказлаштирилган режа ва маъмурий буйруқларга асосланган иқтисодий тизимдан чандон устунлиги ва ушбу тизим, пировард натижада, мамлакатни моддий мўл – кўлчиликка, халқни эса фаровон турмуш даражасига олиб келиши муқаррар эканлигидан далолат беради.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда демократик фуқаролик жа-

миятни куриш амалга оширилмоқда. Бозор талабларига мос равишда бошқарувнинг ташкилий таркиблари такомиллашмоқда, ходимларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги иштирокининг янги прогрессив, самарали усуллари ишлаб чиқилмоқда ва жорий этилмоқда.

Ҳар қандай мураккаб ижтимоий – иқтисодий жараёндаги каби, ўтиш даврида ҳам ўзининг устуворликлари бўлиб, бозор ислохотларининг мақсадларига ва якуний натижаларига эришиш кўп жиҳатдан уларга боғлиқдир. Меҳнат ресурсларининг нисбий ортиқчилигига ва ўтмишнинг оғир меъросига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси учун бундай устуворликлардан бири ижтимоий соҳа ҳисобланади. Мустақилликка эришиш туфайли мамлакат сиёсий ҳаётида ва бозор муносабатларига ўтиш сабабли унинг иқтисодий сиёсатида содир бўлган туб ўзгаришлар ижтимоий – иқтисодий тараққиёт учун чексиз имкониятлар ва реал истиқбол очиб берди. Шу билан бирга, янги иқтисодий тартибот жамиятнинг барча аъзоси учун унинг ҳаёт фаолияти ва меҳнатининг барқарорлигига, маълум бир хавф – хатар омилини ҳам олиб келмоқда, ҳар бир инсон ҳаётига жиддий ўзгаришлар ва маълум даражада ноаниқликларни киритмоқда. Бозор иқтисодиёти ўз мазмун – моҳияти жиҳатидан, маъмурий – буйруқбозлик тизимидан фарқли ўлароқ, кучли, бақувват, тадбиркор, ташаббускор кишилар учун кенг имкониятлар эшигини очиб беради. Шу билан бир қаторда у меҳнатга яроқсиз, ночор, нотавонлар учун моддий қийинчилик ва машаққат туғдиради. Бундай вазиятда ижтимоий ҳимоянинг ишончли тизими ва социал хизматларнинг бутун бир мажмуи алоҳида аҳамият касб этади.

Чунки, Ўзбекистонда бозор муносабатларини шакллантиришдан фақатгина кучли, бақувват, уддабурон кишилар учун кенг имкониятлар ва қулайликлар, тўқ, тўкин – сочин, фаровон ҳаёт тарзи яратиб бериш назарда тутилган эмас. Аҳолининг барча қатламлари, жумладан, меҳнатга лаёқатсиз ёш бола ва ўсмирлар, улуғ ёшдаги кишилар, бемор – нотавонлар ва аҳолининг ташқи ёрдамга мухтож, лекин инсон сифатида, ўзимизнинг ватандошларимиз сифатида жамиятда яратилаётган моддий ва маънавий бойликлардан маълум даражада баҳраманд бўлишга ҳақли бўлган бошқа қатламлари ҳам жамият эътиборидан четда қолиши мумкин эмас. Бундай талабларга жавоб берадиган тизим бу бозор иқтисодиётининг давр талаби асосида мукаммаллашган замонавий модификацияси – ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти

тизимидир. Айнан у бозор тизимига кўникишдаги бир қатор масалаларни ҳал этишга имкон беради, ноаниқлик ва яшаш учун курашнинг одатий бўлмаган шароитларида унинг мавжуд бўлишини ва ҳаёт фаолиятини таъминлайди.

Ўзбекистон ривожланишининг ҳозирги босқичи учун умуман хизматлар, жумладан социал хизматлар соҳасининг устуворлиги турмушнинг ўзи томонидан тақозо этилмоқда ва тубдан халқнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келади. Бозор ислохотларининг бошланғич давридаёқ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш керак эканлигини алоҳида таъкидлаган: “Ўзбекистон учун ўзи танлаб олган йўл ижтимоий соҳага йўналтирилган, республиканинг манфаатларига, шарт – шароитлари ва хусусиятларига энг кўп даражада мос келадиган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилгандир”.¹ Амалда бу республикада ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини яратишдаги катта ва машаққатли жараённинг бошланиши эди.

Бугун ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти – бу энди оддийгина шиор ёки мақсад эмас, балки барча давлат идоралари ва таркиблари ҳамда аҳоли ўртасидаги янги муносабатларнинг фаол шаклланиб бораётган, амалда қўлланилаётган тизимидир. Унинг асосий фарқланувчи хусусияти – ишлаб чиқарувчи кучларнинг янада ривожланишига йўналтирилганлиги, жамиятда сезиларли иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга эришилганлигидир. Бозор иқтисодиётига ўтиш кун тартибига бир қатор принципаал янги вазифаларни қўйиб, улардан энг муҳими янги ижтимоий – иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг яхлит концепциясини яратишдан, пировард мақсадга эришишнинг устувор йўналишларини белгилашдан иборат. Чунки ижтимоий йўналтирилган бозор ғоясини амалга татбиқ этиш биринчи галда ушбу муаммони ечишнинг методологик ва назарий асосларини яратишни, шунингдек, аниқ, раво, илмий жиҳатдан асосланган йўллари белгилаб олишни тақозо этади.

Ижтимоий соҳага йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантириш иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришлар, айрим тармоқ ва соҳаларнинг жадал суръатлар билан ривожланиши, демак, уларнинг ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда ва умуман, мамлакат ижтимоий –

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. 1-том, Т. Ўзбекистон, 1996, 290 – бет.

иктисодий ҳаётида ролининг тобора ошиб бориши, айти пайтда, бошқа бир тармоқ ва соҳаларнинг эса, аксинча, жамият ҳаётидаги мавқеининг пасайиб бориши билан тавсифланади. Методологик нуқтаи назардан Ўзбекистонда шакллантирилаётган янги тизимнинг иккита муҳим томони бор. Биринчидан, у, бошқа тизимлардан фарқли ўлароқ, аҳолини ҳар томонлама ва самарали ижтимоий ҳимоялаш, унинг тўқ ва фаровон турмуш кечириши учун барча шарт – шароитларни яратиб бериши керак. Бу жиҳатдан янги тизим ижтимоий соҳага йўналтирилган, жамиятдаги кишиларнинг кундалик ҳаётидаги серқирра социал жумбоқларни ечишга мойил бўлади. Иккинчидан, янги тизим иқтисодиётнинг бош масалаларига, яъни нима, қанча ва ким учун маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш лозимлиги тўғрисидаги саволларга тўлароқ ва аниқроқ жавоб бера олади ва шу асосда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни интенсив йўл билан амалга оширилишини таъминлайди. Бу жиҳатдан янги тизим, ҳозирга қадар бизга маълум барча иқтисодий тизимлардан фарқли ўлароқ, мамлакатда ишлаб чиқариладиган ялпи ички маҳсулот ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларни, умуман, иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришга сафарбар этилган нодир ва чекланган ресурсларнинг ҳар бир ўлчамига кўпроқ ва айти пайтда, сифатлироқ маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришга қодир. Энг қизиғи шундаки, кучли, бақувват, иродали, уddaбурон, ишни кўзини биладиган, тадбиркор кишиларга ишлаб чиқариш соҳасидаги кенг имкониятлар, уларнинг иқтисодиётда фаол иштирок этиши учун яратилган шарт – шароит ва қулайликлар эвазига эришилган иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқаришдан олинган самаранинг талайгина қисми аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш, кишиларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, жамиятнинг ночор ва мухтож қатламларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш учун сарфланади. Модомики, шундай экан, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида бозор имкониятларидан аҳолининг фақатгина ишга яроқли ёки иқтисодиётда фаол иштирок этаётган қатламлари эмас, унинг қолган гуруҳлари ҳам манфаатдор. Янги тизимнинг мукамаллиги, унинг бошқа барча ижтимоий – иқтисодий формациялардан устунлиги ҳам айнан ана шунда.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг туб мақсад ва вазифаларини иқтисодий – ўсиш суръатларини жадаллаштиришни таъминламасдан эришиб бўлмай-

ди. Иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириш, ноёб ва нодир, чекланган ресурслардан унумли фойдаланиш, тежамкорлик бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётнинг туб моҳиятидан келиб чиқади ва унга амал қиладиган бозор механизмлари (бозор рақобати, баҳолар механизми ва ҳ.к) билан таъминланади.

Бозор муносабатлари қарор топиб борган сайин маълум сабабларга кўра режали иқтисодиёт ҳал эта олмаган (ҳал этиб ололмайдиган) муаммолар, бинобарин, ресурслардан оқилона фойдаланиш муаммоси ҳам узил кесил ўз ечимини топиб боради. Бундан ҳар қандай жамиятнинг энг бебаҳо ресурслари – меҳнат ресурслари истисно эмас. Ушбу ресурслардан унумли фойдаланиш моддий ишлаб чиқаришда банд бўлганлар сонининг кескин қисқаришига ва шу тариқа ишсизлар сафининг кенгайишига олиб келиши муқаррар. Модомики, шундай экан, бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатга яроқли, лекин моддий ишлаб чиқариш тармоқларидан сиқиб чиқарилган кишиларни, шунингдек, энди меҳнат ёшига етган ўсмирларни иш билан таъминлаш муаммоси кескинлашади. Бозор муносабатлари уйғунлашиб, унинг механизмлари тўла куч билан амал қилиб борган сайин, ишлаб чиқаришда янги техника ва технологияларни қўллаш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, меҳнат натижалари билан иш ҳақи ўртасидаги боғлиқликни кучайтириш каби омилларнинг таъсири натижасида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлиги ҳам мос равишда ошиб боради. Демак, бандлик муаммоси бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётнинг маҳсули унинг ажралмас қисми сифатида вужудга келади ва ўта муҳимлиги сабабли ҳамиша давлат раҳбарларининг, иқтисодчи олимларнинг, жамоатчиликнинг диққат марказида туради. Ушбу жиддий муаммони ҳал этмай туриб, ижтимоий соҳага йўналтирилган бозор иқтисодиёти, кишиларнинг моддий фаровон ҳаёти, юқори турмуш сифати ҳақида гапириш ёки фикр юритиш мантиқан нотўғри, сиёсий жиҳатдан эса калтабинликдир. Меҳнат ва унинг эвазига олинадиган иш ҳақи аҳоли даромадларининг асосий манбаи, аксарият кўпчиликнинг яшаш воситаси бўлиб келган ва бозор иқтисодиёти шароитида ҳам шундай бўлиб қолаверади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда иш ҳақи сифатида олинадиган даромадлар аҳоли жами даромадларининг 56 фоизини ташкил этади. Ҳукуматнинг кетма –кет ва изчиллик билан минимал иш ҳақи миқдори ҳамда бюджет соҳасидаги корхона ва муассасалар ходимлари иш

ҳақини оширишга қаратилган сиёсати ҳам иш ҳақининг аҳоли даромадларидаги етакчилик мавқеини сақлаб қолиш, келажакда унинг ролини янада ошириш ғоясининг амалий ечимидир.

Бозор механизмлари ва уларнинг самарали амал қилиши туфайли моддий ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолининг нисбий қисқариши оқибатида юзага келган ишсизлик муаммоси бошқа бир соҳа ва тармоқларни ривожлантириш эвазига ҳал этилади. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида бундай соҳа барча номоддий соҳани, хусусан, аҳолига бепул ва пуллик хизмат кўрсатиш тармоқлари (социал таъминот, социал суғурта, савдо, умумий овқатланиш, туризм, соғлиқни сақлаш, транспорт, алоқа ва бошқалар) мажмуидан иборат. Дунё мамлакатлари, айниқса иқтисодиёти ривожланган Ғарб давлатлари тажрибаси ҳам хизмат кўрсатиш соҳасининг жамият ижтимоий – иқтисодий ҳаётида тутган ўрни ва роли юқори бўлиши лозимлигидан далолат беради. Инсон салоҳияти юқори даражада бўлган мамлакатлардан Японияда 59 фоиз, АҚШда 63 фоиз, Швецияда 66 фоиз, Канадада эса 71 фоиз иш кучи хизмат кўрсатиш тармоқларида банд. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганлар барча иш кучининг 45,5 фоизини ташкил этади. Бу кўрсаткич бундан ўн йил муқаддам 33,4 фоизни ташкил этганлигини эътиборга олсак, келажакда ушбу соҳанинг аҳоли бандлиги муаммосини ечишда роли ошиб боришлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Бирок, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг роли фақатгина кўшимча янги иш жойларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсизлик туфайли мамлакатда содир бўлиши мумкин норозичилик ва ижтимоий зиддиятларнинг олдини олиш билан чекланиб қолмайди. У мамлакатда ишлаб чиқариладиган ялпи ички маҳсулотнинг асосий манбаи (хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМ даги улуши 43,2 фоизни ташкил этади), келажакда унинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришнинг, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг, қолаверса, ишлаб чиқариш жараёнларини интенсифлаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу сабабли хизмат кўрсатиш соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш, унинг турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш давлат иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисмига, қолаверса унинг устувор йўналишига айланмоғи лозим.

Жаҳон банкининг ҳисоб – китобларига кўра хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 49 – 51 фоизни ташкил

этмоғи лозим.¹ Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши Жаҳон банки оқилона деб топган маррага яқинлашиб борган сайин, унинг мамлакат ижтимоий – иқтисодий ҳаётидаги роли ва аҳамияти ҳам тобора ошиб бориши муқаррар.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли турмушининг муносиб сифат даражасини таъминлаш, кишиларга жаҳон андозалари даражасида сервис хизматлар ва маиший қулайликлар яратиш, ишчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун уларнинг уй – рўзгор ташвишлари учун сарфланадиган вақтларини тежаш ва бунинг эвазига бўш вақтларини кўпайтириш муаммолари муҳим аҳамият кашф этади. Ушбу муаммоларни ечиш учун хизмат кўрсатиш соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантириш, унга йўналтириладиган инвестицияларни кўпайтириш, хизматлар хилма – хиллигини ва юқори сифатини таъминлаш лозим.

Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳолининг соғлигига, кайфиятига, меҳнатга муносабатига, ишчи – ходимларнинг меҳнат унумдорлигига, ўз ҳаётидан розилик даражаси ва хурсандлигига, умуман ишлаб чиқариш кучларининг ҳаёти ва тараққиётига бевосита ва сезиларли даражада таъсир кўрсатадиган соҳа. Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши эса, ўз навбатида, хўжалик жараёнларининг тезлашишига, иқтисодий ўсиш суръатларининг жадаллашишига олиб келади. Бинобарин, ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳам шунини кўрсатадики, қулай социал шароитларда ва кишига қаратилган эътибор кучли бўлганда меҳнатга қизиқишнинг ошиб бориши, иш кучи сифатининг яхшиланиши ва шу асосда меҳнат унумдорлигининг кўтарилиши, ноишлаб чиқариш харажатлари ва кадрлар қўнимсизлигининг қисқариши, ҳаётини куч ва қувватни тезроқ ҳамда сифатлироқ тикланиши, асосий ишлаб чиқариш операциялари, сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқаришга вақтнинг кўпайиши кабилар оқибатида ишлаб чиқаришнинг пировард натижалари яхшиланиб, ялпи маҳсулот ҳажми ошиб боради.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида хизмат кўрсатиш соҳасининг алоҳида ўрнини, аҳамиятини, долзарблигини қайд этиш ёки назарий жиҳатдан асослашнинг ўзи кифоя қилмайди. Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантириш ва шу тариқа унинг мамлакат ижтимоий – иқтисодий ҳаётидаги, ялпи ички маҳсулот

¹ Отчет о мировом развитии. МБРР. Всемирный банк. 1996. 42 – бет

ишлаб чиқариш, янги иш жойларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, аҳоли турмуш сифатини яхшилаш, эътиборга молик қулайликлар туғдиришдаги ролини оширишнинг амалий воситаларини ва йўлларини, амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш зарур.

Юқорида зикр этилган масалаларни ҳал этиш мамлакатда ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантириш концепцияси нуқтаи назаридан амалга оширилмоғи лозим. Аҳолининг кенг қатламлари манфаатига мос келадиган ва шу сабабли мамлакатда жадал тараққиётни таъминлашга қодир бўлган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг устивор йўналишларини белгилаб олишни долзарб муаммога айлантиради.

Хизмат кўрсатиш соҳаси кўп тармоқли ва кенг қамровли соҳа. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг тармоқ тузилиши қандай бўлмоғи керак, унинг оқилона ва жамият эҳтиёжларига мос келадиган даражасини таъминлаш учун қайси бир тармоқлар қандай суръатлар билан ривожланиши юқори самара беради, шу борада белгиланган мақсадга эришишни таъминлаш механизмлари нималардан иборат?

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш нуқтаи назаридан хизмат кўрсатиш соҳасини 2 га бўлиш мақсадга мувофиқ: биринчиси – аҳоли ҳамда ишлаб чиқариш томонидан тўланадиган (пуллик) ва иккинчиси эса аҳоли томонидан тўланмайдиган (бепул) хизмат соҳалари.

Аҳолига ҳамда моддий ишлаб чиқаришга кўрсатиладиган пуллик хизматлар бозор иқтисодиёти қонунлари асосида ва бозор механизмлари воситасида ривожланиб боради. Бозор иқтисодиётининг дастлабки босқичларидаёқ савдо, умумий овқатланиш, молия ва банк хизматлари ва бошқа айрим тармоқларда бозор муносабатлари тез суръатлар билан ўрнашиб борди. Хизмат кўрсатишнинг ушбу тармоқларида режали иқтисодиёт даврида ҳам хизматлар тўлов асосида амалга оширилган. Фақатгина режали иқтисодиёт шароитида мулкка бўлган давлат монополиясига хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги сингари, бозор муносабатларининг эркин амал қилишига тўсқинлик қилган. Иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичларидаёқ, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш сиёсатининг амалга оширилиши оқибатида, биринчилар қаторида хизмат кўрсатишни кўпгина

тармоқларида эркин бозор муносабатлари шаклланиб борди. Бугунги кунга келиб чакана савдода нодавлат секторининг ҳиссаси деярли 98 фоизни ташкил этади.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида аҳолига бепул хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамияти ошиб боради. Ушбу соҳада харажатлар фаолият юритиш натижасида олинган даромадлар эвазига қопланмайди ва хўжалик фаолияти фойдали натижа билан яқунланмайди. Ўз-ўзидан аёнки, бозор иқтисодиёти шароитида бундай соҳада хусусий мулкка асосланган ва ўз хизматларини фақатгина ўз даромадлари эвазига қоплаши зарур бўлган хўжалик субъектлари фаолият юрита олмайди. Шу билан бир қаторда, маълум бир соҳаларда аҳолига “харажат – даромад” тамойилини рад этувчи бепул хизматлар мажмуаси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ажралмас таркибий қисми, уни амалда шакллантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Ушбу мажмуа кўп укладли бозор иқтисодиёти шароитида шахсий, жамоа ва ижтимоий манфаатлар ўртасида ўзаро келишув ва мутаносибликни таъминлайди, аҳолининг жисмоний ва ақлий меҳнатга, умуман ижтимоий фойдали ишга лаёқатсиз қатламлари учун бозор иқтисодиёти ҳосиласи бўлмиш моддий қийинчиликлар ва социал муаммоларни бартараф этишда катта роль ўйнайди.

Аҳолига бепул хизматлар кўрсатиш мажмуасини жадал суръатлар билан ривожлантириш, уларни ишлаб чиқаришни ва истеъмол қилишни кенгайтириш заруратини назарий жиҳатдан асослашда ва бундай иқтисодий стратегияни амалга ошириш муаммоларини ечиш жараёнида жаҳон цивилизацияси синовларидан муваффақиятли ўтган ва мустақиллик йилларида Ўзбекистонда шакллантирилаётган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти концепцияси ва тамойиллари нуқтаи назаридан ёндашмоқ керак. Бозор иқтисодиётининг асосий камчилик ва нуқсонларидан бири ҳам айнан унинг ижтимоий истеъмол учун зарур булган моддий бойликларни ишлаб чиқара олмаганлиги ёки аҳолининг ночор қатламларини моддий қийинчиликлардан ҳимоялаш муаммосини еча олмаганлигидадир. Аҳолига бепул хизматлар кўрсатиш хусусий мулк воситасида хўжалик фаолияти олиб бораётган субъект манфаатларига тўғри келмаса-да, жамият мафаатлари, уни ижтимоий – иқтисодий юксалиши нуқтаи назаридан ўта зарур. Социал аҳамиятга эга бўлган барча бойлик ва хизматлардан, жумладан таълим, соғлиқни сақлаш, йўл ва ижтимоий транспорт восита-

ларидан, телекоммуникация, ижтимоий таъминот, ташки ва ички хавф-хатар ва тажоввузлардан кўриқлаш хизматларидан аҳолининг барча қатламлари, ҳар бир шахс бирдай баҳраманд бўлиши шарт. Қайси бир мамлакатда бўлмасин, лекин, барибир бозор иқтисодиётига хос бўлган ва юқорида зикр этилган унинг камчилигини бартараф этишни ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида давлат ўз зиммасига олиши зарур.

Аҳолига бепул, “текин” хизмат кўрсатиш юзаки қараганда, у бозор иқтисодиёти фалсафасига зид, умуман “харажат-даромад” тамойилига тўғри келмайдигандай кўринади. Аслида эса бундай эмас. “Харажат-даромад” тамойилини айнан бир хўжалик субъекти манфаатлари доирасидан яхлит бир жамият манфаатлари доирасига кўтарсак, унда бозор иқтисодиёти талаб ва тамойиллари бузилмаганлигини методологик жиҳатдан асослай оламиз. Аҳолининг моддий жиҳатдан қийин аҳволда бўлган қатламларини қўллаб-қувватлаш, уларга бепул тиббий ёрдам кўрсатиш ва соғлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш, бепул таълим олиш учун шарт-шароитлар яратиб бериш, кишиларнинг маданиятли бўлишини таъминлаш ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматлар кўрсатиш жамият бойлигига бойлик қўшиши, “инсон капитали”нинг кўпайишига олиб келиши шак-шубҳасиз. Ўз навбатида, юқори савияга ва катта салоҳиятга эришган инсон омили, жамиятнинг соғлом, билимдон аъзолари ҳар қандай миллатнинг истиқболли тараққиёти ва порлоқ келажагини таъминлайди. Ҳар бир оила, ҳар бир ота-она ўз фарзандларининг соғлом, ўқимишли, маърифатли, маданиятли бўлишини орзу қилади ва шунга эришиш учун курашади, ўз маблағларини сарфлайди. Сабаби нимада? Ҳар бир ота-она айнан шу мақсадлар учун қилинган харажатлар ўз севимли фарзандлари учун узоқ келажақда, улар вояга етиб улғайгандан кейин яхши қайтим (“даромад”) беради, уларнинг келажагини, тўкин-сочин, осойишта, мазмунли ҳаётини таъминлайди. Жамият миқёсида ҳам худди шундай: аҳолига кўрсатилган бепул хизматлар, ночор, моддий жиҳатдан қийинчилик кўраётган кишилар ҳақида ғамхўрлик қилиш ва бу борада амалга оширилган сарф-харажатлар, дарров бўлмаса-да, маълум бир тарихий давр ўтгандан кейин албатта ўз қайтимини ва самарасини беради ва бу самара оддий, анъанавий сарф-харажатлар қайтими ва самарасидан зиёدارоқ бўлади.

Мавжуд расмий статистик маълумотларга таяниб, Ўзбекистонда аҳолига йил давомида кўрсатилган жами хизматларнинг

қанчаси тўлов асосида ва қанчаси бепул эканлигини аниқлаб бўлмайди. Ваҳоланки, аҳолига кўрсатилган жами хизматларни пуллик ва бепул хизматларга бўлиб, уларнинг динамикасини таҳлил этиш бир қатор муҳим хулосалар ва жамиятнинг тараққиётига доир илмий асосланган таклиф ва тафсиялар ишлаб чиқиш имконини бериши мумкин. Шунга қарамадан, Ўзбекистонда ўтиш даврида ислохотлар босқичма-босқич ва аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш тамойиллари асосида ўта босиқлик билан амалга оширилаётган бўлса-да, бари бир хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал суръатлар билан ривожланиши, унинг мамлакатда ишлаб чиқариладиган ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссасининг ва аҳоли бандлигини таъминлашдаги ролининг кескин ошганлиги, асосан, бозор механизмлари таъсирида ривожланган пуллик хизмат соҳаси, иқтисодий бурҳон даврида саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши ҳисобига амалга ошганлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Чунки ўтиш даврида, давлат бюджетининг молиявий имкониятлари чекланганлиги сабабли, тўловсиз таълим, бепул тиббий ёрдам, аҳолига бепул маданий-маиший хизмат кўрсатиш ҳажмини олдинги давр даражасида сақлаш ва жуда зарур пайтларида эса жуда оз миқдорда кўпайтиришга эришилди. Ўтиш даври молиявий қийинчиликлари ва иқтисодий бурҳон оқибатлари мамлакат ижтимоий-иқтисодий истиқболини белгилайдиган ва унинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлайдиган тармоқлар, айниқса фан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига катта талофот етказди. Ўта қийинчилик йилларида хизмат кўрсатиш соҳаси асосан товар – пул ва олди – сотти муносабатлари, молия бозоридаги воситачилик хизматлари ва бошқа бир қатор аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилашга унчалик дахлдор бўлмаган хизмат соҳаларининг тез суръатлар билан ривожланиши ҳисобидан юксалди, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги ва банд аҳоли сонидаги улуши кескин кўпайди. Айни пайтда аҳолига бепул хизмат кўрсатиш ҳамда жамоа истеъмоли учун фойдаланиладиган бойликларни ишлаб чиқариш нисбатан секин ривожланди. Келажакда айнан ана шу соҳа ва тармоқлар нисбатан тез суръатлар билан ривожланиши ва мамлакат ижтимоий – иқтисодий ҳаётида роли ошиб бориши даркор. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг устивор йўналишларини белгилашда айнан ана шундай ёндашувни асос қилиб олиш Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган ва шу

сабабли аҳолининг барча қатламлари манфаатларини ўзида акс эттира оладиган мукамал бозор иқтисодиёти моделини яратиш имконини беради.

Ўзбекистонда бепул хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал суръатлар билан ривожлантириш ҳамда уларнинг ролини оширишни таъминлаш билан бир қаторда, аҳоли турмуш сифатига сезиларли ижобий таъсир кўрсатадиган, мамлакатнинг иқтисодий ва экспорт салоҳиятини тез кўтариш имкониятини берадиган, табиий ресурслар ва ишчи кучини жалб этишга молик пуллик хизмат кўрсатиш соҳалари ва тармоқлари ҳам тезроқ суръатлар билан ривожланишлари зарур.

Эҳтиёж туғилганда бундай соҳаларни давлат томонидан молиявий қўллаб – қувватлаш ва бевосита ёрдам бериш, жумладан турли-туман имтиёзлар мажмуасини қўллашнинг амалий механизмлари яратилиши керак.

1.5. Туризм соҳасини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, зарурлиги ва йўналишлари

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришда ва ушбу мақсадга эришиш учун хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий – иқтисодий ҳаётдаги мавқеи ва ролини ҳар томонлама кўтаришда устивор йўналишлардан бири туризм ҳисобланади.

Туризм мамлакатимиз иқтисодиётини нисбатан янги ва энди ривожланиб, ўз мавқеини мустаҳкамлаб бораётган ва шу билан бир қаторда, истикболи жуда порлоқ тармоқлардан бири ҳисобланади. Маълумки, иқтисодиётнинг бошқа, айтайлик асрлар давомида шаклланиб келган ва маъмурий – буйруқбозлик тизими даврларида ҳам ўз мавқеига эга бўлган соҳа ва тармоқларда (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва ҳоказолар) бозор муносабатларини шакллантириш учун даставвал режали иқтисодиётга хос муносабатларни емириш зарур эди. Бошқача қилиб айтганда, йиллар давомида шаклланиб келган ва мамлакатда кечаётган иқтисодий жараёнларда мустаҳкам ўрнашиб қолган мулк муносабатларини тубдан ислоҳ қилиш, мулкка бўлган давлат монополиясига барҳам бериш керак эди. Бундан ташқари, маъмурий–буйруқбозлик тизимига хос бўлган бошқариш усулларини, хўжалик юритиш механизмини тамомила емириб ташлаб, унинг ўрнига янги, бозор

иқтисодиётига хос ва унинг талабларига жавоб бера оладиган иқтисодий механизм ва бошқариш усулларини ўрнатиш зарур эди. Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида эски тартиб ва ҳўжалик юритиш усулларидан манфаатдор шахсларнинг янги бозор муносабатларини ўрнатилишига астойдил қаршилиқ кўрсатиши табиий. Шу сабабли иқтисодиётнинг аксарият тармоқларига бозор муносабатларини қарор топтиришда маъмурий – буйруқбозлик тизими давридаги бошқариш усулларидан манфаатдор шахсларнинг қаршилигини енгиш анча қийинчиликларни юзага келтирди. Ўз-ўзидан аёнки, эски иморатни бузиб, унинг ўрнига янги иморатни қуришдан кўра, бирданига янги иморат қуриш анча осон кечади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда эндигина тармоқ сифатида шаклланиб келаётган туризмда бозор муносабатларини ўрнатиш бошқа тармоқларга нисбатан анча осон ва тезроқ амалга ошмоқда.

Туризм тез ривожланиб бораётган тармоқ бўлганлиги сабабли инвестрларга юқори даромад олиш имконини беради. Демак, сармоялар қайтими ҳам нисбати тезроқ амалга ошади. Бу, ўз навбатида, туризмни сармоядорларни ўзига жалб этиш қобилиятини оширади, сармояларни кўпайтиришга олиб келади. Маълумотларга кўра, жаҳон экспортдан олинадиган даромадларнинг 7% туризмга тўғри келади. Халқаро туризмдан олинадиган даромад ўз миқдори жиҳатидан нефт, нефт маҳсулотлари ва автотранспорт экспортдан кейин иккинчи ўринда туради. Туризм хизматларидан олинадиган юқори даромад инвесторларни бу тармоққа бўлган кизиқишини кучайтириб бормоқда. Бунинг оқибатида туризмда янги ташкил топаётган ҳўжалик субъектларининг, айниқса кичик корхоналарнинг, хусусий мулкдорларнинг сони тез суръатлар билан ошмоқда. Табиийки, бу корхона ва фирмаларда бозор муносабатлари анча тез ва осон қарор топмоқда.

Туризмда, айниқса унинг тур операторлик фаолиятида ҳўжалик юритиш янги шаклларининг тез суръатлар билан ривожланиш жараёни ушбу тармоқнинг хусусиятлари билан бевосита боғлиқ. Туризмнинг хизмат кўрсатиш тармоғи сифатидаги ўзига хос хусусияти авваламбор унинг кишилиқ жамиятининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни билан белгиланади. Туристтик хизматлар асосан кишиларнинг ҳаётга, жисмоний тарбия ва спортга, мазмунли дам олишга бўлган талабларини қондиришга қаратилган. Фақат ижтимоий (социал) туризм соҳасидаги хизматлар бундан истисно.

Бу жиҳатдан туризм аҳолининг биринчи даражали ўта зарур эҳтиёжларини қондиришга эмас, балки моддий таъминланган сердаромад аҳоли қатламларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга хизмат қилади. Ўз табиатига кўра, туризм ижтимоий секторнинг давлат назоратида бўлган бошқа тармоқлари (таълим, тиббиёт, коммунал хизматлар ва бошқалар)га нисбатан иқтисодийнинг бозор муносабатлари анча кенг тарқалиши мумкин бўлган ва давлат аралашувига унчалик муҳтож бўлмаган тармоқ ҳисобланади.

Туризмни бошқаришда режали иқтисодийга хос марказлаштирилган директив усулларнинг бекор қилиниши ва хўжалик субъектларига берилган иқтисодий эркинлик ушбу тармоқ эҳтиёжлари учун жалб этилган ресурслардан тежамкорлик билан оқилона фойдаланиш муаммосини ҳал этишда яхши самара берди. Бинобарин, хўжалик субъектлари турли маҳсулотлар ҳажми ва ассортиментини аниқлашда, миқдорларни танлашда, ишчи ходимлар сони ва уларнинг иш ҳақини белгилашда, олинган даромадни тақсимлашда, корхона ривожланиши тактика ва стратегиясини ишлаб чиқишда зарур эркинликнинг қўлга киритдилар. Туризмни бошқаришда амалга ошириладиган ва асосан, хўжалик субъектлари иқтисодий эркинлигини кенгайтириш асосида уларни бозор шароитида ишлашга мослаштиришга қаратилган ўзгаришларнинг ижобий натижа бераётганлигини амалиёт ва статистик маълумотлар таҳлили аниқ кўрсатиб турибди. Лекин туристик корхона ва ташкилотларга бериладиган иқтисодий эркинликлар уларнинг иш фаолиятини фақат бозор тартибга солиши ёки бошқача қилиб айтганда, бошқариши керак деган нотўғри хулоса келиб чиқмаслиги керак. Туризмни бошқаришда содир бўладиган ижобий жараёнлар, корхона ва ташкилотларга ўз хўжалигини бошқаришда бериладиган катта мустақиллик ва имкониятлар ҳукумат томонидан туризмни тартибга солишнинг мукамал механизмлари билан тўлдирилиши керак. Туризм яхши ривожланган ва унда яратилган бойлик мамлакат ялпи ички маҳсулотида муҳим ўрин эгаллаб турган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, туризмни ривожлантиришни бош масалалари давлат даражасида, давлатнинг бевосита аралашuvi ёрдамида ҳал этилади. Айрим туристик фирмалар корхоналар ёки ташкилотлар мамлакат миқёсида туризмни ривожлантиришни бош йўналишларини аниқлаб беришга қодир эмас. Фақат давлат, ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда

минтақалар ва бутун мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олиш асосида туризмни ривожлантиришнинг узоқ муддатли ва миллий иқтисодиётни пасайтириш манфаатларига мос келадиган ривожланиш стратегиясини белгилаб бериши мумкин. Давлат, халқаро иқтисодий ҳамкорлик доирасида мамлакатда туризмни ривожлантириш истиқболларини илмий асосланган ёндашув асосида белгилаб бериши, туристик корхона ва ташкилотларнинг манфаатларини жаҳон бозорида ҳимоя қилиши мумкин. Фақат давлатгина, туризмни миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳалари билан ўзаро иқтисодий алоқаларини тартибга солиши, тармоқ ривожланишида устувор вазифаларни узил-кесил ҳал қилишда амалий ёрдам кўрсатиши ва шу йўл билан мамлакатда туристик фаолиятни рағбатлантириши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда туризмни бошқариш ва уни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш асосида самарали механизмларни ишлаб чиқишдек муҳим вазифалар турибди. Мамлакатимизда туристик фаолиятни рағбатлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири-туристик корхоналарни банк томонидан кредитлашнинг мукамал сиёсатини шакллантириш, уларни бошқа иқтисодий воситалар ёрдамида молиявий қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини яратишдир. Бу чора-тадбирлар пировард натижада туризмни тез суръатлар билан ривожлантириш ва унинг мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотдаги улушини кескин кўпайтириш имконини беради.

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш жуда муҳим, айти пайтда ўта мураккаб ва шу сабабли узоқ давом этадиган узлуксиз жараён. Ушбу жараён ривожланиб борган сайин хизмат кўрсатиш соҳасининг жамият ижтимоий – иқтисодий ҳаётидаги роли ҳам тобора ошиб бораверади. Демак, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасидаги илмий изланишлар, ушбу соҳанинг назарий ва амалий муаммоларини ечишга доир тадқиқотларга ҳам эҳтиёж ҳам доимий тарзда ошиб боради.

Бугун туризм – халқ ҳўжалигининг бир тармоғи бўлиб кўплаб мамлакатларнинг иқтисодиётида тобора муҳим ўринни эгаллаб бормоқда. Шунинг учун ҳам бу давлатларда туризмни ривожлантириш учун катта маблағлар ажратилапти. Чунки, туризмнинг ривожланиши ўз навбатида материал ишлаб чиқарувчи қатор

тармоқларнинг юксалишига замин ва шароит яратиши ҳам маълум бўлди.

Туризм шов-шуви ҳозирги вақтда халқимизнинг барча қатламларини тобора, ўзига хос тарзда қамраб олмакда. Бу «ҳолат» маҳаллий аҳолининг ҳаётига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир қилиши мумкин.

«Туризм» сўзи дастлаб француз тилидан тарқалган бўлиб – *tourisme – toug – сайр*, томоша, сафар қилиш маъносини билдиради. Шунинг учун ҳам «турист» ўзининг кўнгил очиши, ҳузур-ҳаловати, томошаси, билимга қизиқишини қондириш учун бир макондан иккинчи маконга ҳаракат қилиб, маълум бир вақтда яна ўз маконига қайтувчи шахс деб ҳисобланади.

Туризмнинг роли аниқлаганда яна бир муҳим, асосий жиҳатларга эътибор бериш лозимки, туризм ижтимоий соҳанинг бир қисми бўлиб, унинг асосий фаолиятларида истеъмолчига истеъмол жараёнида моддий ва номоддий муҳитни яратиш учун хизматлар қилиш, дам олиш ва фаолият ишларини ўзгартириш, алмаштириш учун шароитлар яратиш, соғлиқни муҳофаза қилишни таъминлаш, шунингдек, аҳолининг умумий маълумоти ва маданий-техник даражасини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Туризм – бу мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизим бўлиб, ўз таркиби жиҳатидан ҳар хил, турли-туман, ўзаро бири-бири билан боғланган ва бири-бирини тақозо қилган кўплаб қуйи тизимлардан иборат.

Жаҳон иқтисодиётида туризмнинг роли жадал равишда ўсиб бормоқда, бу соҳа юқори даромадли ва динамик ўсаятган тармоқдир (даромадлилиги жиҳатидан нефт олиш ва нефт маҳсулотлари, машинасозлик савдоларидан кейин учинчи ўринда).

Бутун жаҳон туризм ташкилотининг маълумотлари бўйича туризм сайёрамизда ишлаб чиқариш сервиси бозори айланишининг 10%ини таъминлайди. Туризм соҳасига дунё ялпи миллий маҳсулотининг қарийиб 6%и, жаҳон инвестициясининг 7%и, ҳар 16-нчи иш жойи, дунё истеъмол харажатларининг 11%и ва барча солиқ тушумларининг 5%и тўғри келади.

Ҳозирги вақтда дам олишни ташкил қилиш, инсоннинг ҳаётий қучларини тиклаш, бўш вақтидан унумли, тўғри фойдаланишни ҳам туризм соҳаси таъминламоқда. Шунингдек, туризм шахснинг ривожланишида, баркамоллигида, саёҳатчининг интеллектуал даражасини оширишда, асабий ҳолатини яхшилашда, инсоннинг жамиятдаги ўр-

нини аниқлашда, шахс сифатида тавсифини беришда халқаро, давлатлараро ва шаҳарлараро муносабатларига ижобий таъсир қилади.

Туризмга энг аввало қитъалар ва мамлакатларнинг иқтисодий муносабатларини белгиловчи даража маъносида қаралмоғи лозим. Халқаро туризм алоқалари қанчалик доимийликка эга бўлиб борган сари жаҳон иқтисодиётини олдиндан айтиб бериш, тўғри башорат қилиш шунчалик осон бўлади, дунё конъюнктураси барқарорлашади, мустаҳкамланади.

Иқтисодий алоқаларнинг фаоллашуви жараёнлари аҳолининг кўчувчанлигини, ҳаракатчанлигини кучайтирди. Бу вазият эса ўз навбатида меҳмонхоналар, умумий овқатланиш жойларининг қурилиш, дам олиш масканларининг яралишига сабаб бўлди. Туризм инфраструктурасини яратиш, шунингдек, туризмнинг доимий транспорт ҳаракатига ўтиши аҳолининг турли қатламларида бандликни таъминлайди, иқтисодиётда янги тармоқларни шакллантиради.

Туристик оқимнинг кенгайиши уй-жой ва ҳаракатланиш манбаларини ташкил қилиш ва яхшилашни талаб қилади. Туризм давлат ёрдам берган ҳудудларга даромад келтирмоқда. Лекин, туризм ривожланиши билан маҳаллий ҳокимиятларда жуда кўплаб муаммолар келиб чиқмоқда. Шунинг учун ҳам туризм соҳасида мустақил, ихтисослашган ташкилотлар тузилмоқда.

Ҳар бир мамлакатда туристик жамиятлар ва ташкилотларни яратиш жараёнининг ўзига хос томонлари ва ривожланиш йўллари бор. XX асрнинг биринчи ярмида халқаро туризм кўнгил очиш, томоша қилиш йўналишида бўлиб аҳолининг жуда оз сонли қисми бу шароитдан фойдаланарди. Халқаро туризм географларнинг, тарихчиларнинг саёҳатлари, дунёдаги ишбилармонларнинг қитъалараро ҳаракатлари натижасида ривожланиб борди.

Биринчи ва иккинчи жаҳон урушигача дунё туризми ўрганиш, билиш, қизиқиш йўналишида бўлиб, сайёҳлар йўли асосан тарихий жойлар, маданий обидалар, қадимги дунёнинг мўъжизавий иншоотларини маданият марказларига қаратилган эди. Бу вақтдаги туристик оқим асосан Европага тўғри келган.

Иккинчи жаҳон уруши вақтида халқаро туризм ҳажми бирдан қисқарди. Европада туризм инфраструктураси амалда хароб қилинган, бузилган эди. Уруш тугаши билан йўлларни, меҳмонхоналарни, дам олиш жойларни тиклаш йўлга қўйилган бўлсада, туризмни ривожлантиришга маблағ, озик-овқат, малакали мутахассислар етишмасди. Бу даврда туристик саёҳат АҚШ ва Канадада кенгайиб борди. 1948 йилда

Япония саёхатга руҳсат берди. Якка-якка туризм аста-секинлик билан оммавийликка ўтиб, саёхатчилик шакли ривожлана бошлади. Туризмнинг энг кучайган вақти 50-чи йилларга тўғри келади.

Ҳозир туризм индустрияси – бу инсон фаолиятининг динамик ривожланаётган секторидир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг баҳоси бўйича асримизнинг охирига бориб туризм жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоғига айланади. Давлатнинг миллий иқтисодиёти ривожланишининг муҳим омили бўлиб қолади.

Дунё китъалари ичида ўзининг улкан туристик ресурсларига эга бўлган Европа халқаро туристлар оқимиغا кўра жаҳоннинг бошқа регионларига нисбатан 1-нчи ўринни эгаллайди. Бу соҳада Европанинг етакчилик қилаётганлигини валюта даромадининг умумий миқдоридан ҳам билса бўлади.

Халқаро туризм иқтисодий тангликлар, ишсизлик, ташқи қарз, халқаро савдодаги зарар, зиён каби ноқулай ҳолатларда барқарор бўлиб бу жараёнларга сезиларли, ижобий таъсир қилади. 1980 йилдан кейин туристик оқимнинг кучайиши 65%га, даромад 174%га ошди. Бутун жаҳон туризм ташкилоти экспертларининг маълумоти бўйича туристлар сони 2010 йилда 960 млн. кишига кўпаяди, йиллик хизмат кўрсатиш ҳажми ўртача 9,7%га ўсади. Ўсиш асосан Осиё, Ўрта Шарқ, Марказий ва Жанубий Америка, Европа бозоридан чиқарувчилар ҳисобидан ҳосил бўлади.

Халқаро статистикада туризм бир неча типларга бўлинади:

а) ички туризм- фақат ўз давлатлари бўйлаб саёхат қилувчи туристлар;

б) қирувчи туризм – бошқа давлатлардан келиб саёхат қилувчи туристлар;

в) чиқувчи туризм – бир мамлакатдан бошқа бир мамлакатга саёхат қилувчи туристлар.

Туризмдаги бу типлар ҳар хил ҳолатда бири- бири билан қўшилиб туризмнинг қуйидаги категорияларини ҳосил қилади:

а) мамлакат доирасидаги туризм – «ички туризм» ва «қирувчи туризм»ни ўз таркибига олади;

б) миллий туризм «ички туризм» ва «чиқувчи туризм»ни ўз таркибига олади;

в) халқаро туризм – «қирувчи туризм» ва «чиқувчи туризм»ни ўз таркибига олади.

Туризмнинг бу типлари нафақат давлатларга балки, регионларга ҳам тегишлидир.

1963 йилда БМТнинг Римдаги конференциясида туризм ва саёҳатларга «туризм» тушунчаси мақомини бериш таклиф қилинди, лекин конференцияда қатнашаётган давлатлар вакиллари бир қарорга келолмасдан туризмни «вақтинча келиб кетувчи» деб белгиладилар. Ҳозирги вақтда туризм статистикасида туризм билан шуғулланувчи саёҳатчиларнинг барча ишларини оддий қилиб, «келиб кетувчилар» деб аташади. Шундан келиб чиқиб, барча саёҳатчиларнинг келиб кетувчилар ва бошқа саёҳатчиларга, келиб кетувчиларни эса туристларга ёки жўнаб кетувчи ва бир кунлик келиб кетувчиларга ажратишади.

«Келиб кетувчилар» туризмдаги асосий типларга биноан «халқаро келиб кетувчилар»га ва «ички келиб кетувчилар» гуруҳига таснифланади. Халқаро келиб кетувчи бирон мамлакатда юрувчи шахс бўлиб, бу давлатда унинг доимий турар жойи мавжуд бўлмади ва 12 ойдан ошмаган муддатгача яшайди. Унинг бош мақсади иш юритаётган давлат ҳисобига ишлаш.

Халқаро келиб кетувчилар ташриф буюрган мамлакатда жамоа ёки якка ҳолдаги ўз жойларига бир кунлик жўнаш имкониятларига эга бўлади: агар келиб кетувчи бир кунлик муддатга келган бўлса, у бу давлатда бир кеча ҳам тунамайди, яъни бу типдаги саёҳатчилар қандайдир сайёҳ кемаларда бўлиб, бу кема маълум бир давлат портига вақтинча ёки бир неча кунга кириши мумкин. Ҳудди шунингдек, яхталарда, поездлардаги йўловчилар ҳам яхталарда, поездларда тунайди. Шундай қилиб, ҳуқуқий жиҳатдан бу келиб кетувчилар мамлакатга кирмаган бўлади.

Ички келиб кетувчилар – бирор мамлакатда доимий яшовчи бўлиб, у шу давлатнинг қайсидир қисмига, объектига саёҳат қилувчи шахсдир. Унинг фаолиятига у бўлган манзил манбаларидан ҳақ тўланмайди. «Халқаро» ва «ички» туристлар деб аниқлаш нисбий бўлиб, ҳар қайси давлатда бу аниқлашдан, белгилашдан биров чекка чиқишлар ҳам бўлиши мумкин.

Бизнинг мамлакатимиздаги статистик маълумотларга чегарамиздан ўтган келиб кетувчи туристларнинг барчаси қўшилади.

Туризм иқтисодий категория бўлиб, давлатлар келган туристларга маҳаллий хизматни сотади, ўз ишчиларига иш жой шароитини яратади, кириб келаётган валютадан даромад олади. Тор маънода туризм соҳаси ўзида бир томондан туристларга бевосита хизмат қилувчи тармоқни таклиф қилади, иккинчи томондан кенг маънода туризм бозорига йўналтирилган хизмат қилиш ва моддий

ишлаб чиқариш каби бир-бирига қўшилган тармоқларнинг ўзаро боғланган тизимини белгилайди.

Туризм – бу ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг яқдил жараёнидир. Истеъмол объекти туристик товар ва хизматлар ҳисобланиб, истеъмол даврида истеъмолчини бу товарлар ва хизматлар қониқтириши лозим. Бунда туризмнинг истеъмол қиймати фойдали буюмлар – товарлар, қулайлик ва табиат манзаралари (денгиз, қуёш, тоғлар, дарёлар, ўрмонлар, хайвонот дунёси ва ҳоказо) ва хизматнинг ҳар хил усулдан, сифатидан ташкил топади.

Туристик истеъмол бир томондан товарларга ва пуллик хизматга эга бўлишни, иккинчи томондан товарлар кўринишига эга бўлмаган жой, яхши муҳитни ўз ичига олади.

Туристик хизмат қилиш ўзига ҳос комплекс йўналишга эга бўлиб, саёҳат вақтида туристга товарлар танлаш ва хизматларни истеъмол қилишни таъминловчи фаолиятлар йиғиндисидан иборат. Умумий овқатланиш, меҳмонхона хўжалиги, транспорт хизматлари эса мажбурий ҳисобланади. Ишга доир учрашувлар, кўнгил очиш, ўйин-кулги, курорт хизматлари ҳам ўзига хос характерга эга бўлади ва ниҳоят маиший хизмат, шахсий транспортни сақлаш, совғаларга талаб-қўшимча хизматлардир.

Туризмдаги хизматлар ҳудудий жиҳатдан бўлинган, яъни ахборотлар ва воситачиларнинг хизматларини турист ўзининг доимий яшаб турган жойидан, транспорт, янги ахборотларни саёҳат даврида, овқатланиш, жўнаш, даволаниш, ишга доир самарали учрашувлар, кўнгил очар хизматларни етиб келган мамлакатлардан олади.

Туристик хизматларни амалга оширишдаги товар ва хизматлар истеъмолини уч даврга бўлиш қабул қилинган. Биринчи давр – саёҳатдан олинган харажатлар (турист саёҳати учун зарур бўлган буюмларни, сафар билетини ва йўлланмани сотиб олади). Агар билет ва йўлланма миллий фирмалардан сотиб олинган бўлса турист истеъмоли ўзи яшаб турган мамлакатда амалга оширилганлигидан бошқа давлатдаги харажатлар кам бўлади. Иккинчи даврда – турист саёҳатлар вақтида амалга оширилади (етиб келган мамлакатдаги саёҳат учун зарур бўлган барча харажатлар).

Туристик хизматлар комплекси, шунингдек, турист саёҳат вақтида олган истеъмол қийматлари комплекси «турист маҳсулоти» тушунчасини ҳосил қилади. Бу тушунча маҳсулот ёки буюмлар маъносида ифодаланмайди, балки моддий (товарлар, иншоотлар, инфраструктура) қулайликлардан ва номоддий (хизматлар, жамоа-

вий муҳит, иқлим шароитлари) шакллардан иборат бўлади. Истеъмолчининг ҳаётий кучлари тикланиши учун бу қулайликлар ягона тушунча бирлашади ва объектив зарурат ҳисобланади.

Яна ҳам аниқроғи, «туристик маҳсулот», «қулайликлар пакети» ва унга асосий хил тақлифлар: 1 – тур; 2 – туристик-экскурсия хизматлари; 3 – товарларни қамраб олган комплекс тушунча ҳисобланади.

Тур йўлланма ёки ваучер кўринишида расмийлаштирилади. Йўлланма – туристик-экскурсиялар дастурида кўзда тутилган тўловларни ва бу хизматларни олишни тасдиқловчи ҳужжат. Тур – бу истеъмол соҳасида туристик маҳсулотнинг биринчи сотиш бирлиги.

Агар турга гуруҳнинг шаклланиш жойидан то жойлашиш мақолига ва охириги жойлашиш мақолидан орага қайтиш жойга бўлган йўлга тўлов пули қўшилса бу трансур бўлади.

Туристик-экскурсия хизматлари туристик корхоналарга берилади ва туристик маҳсулотнинг таркибий қисми ҳисобланади. Товарлар туристик маҳсулотнинг ўзига хос қисми (географик хариталар, схемалар, оқритқалар, буклетлар, совғалар ва ҳоказо) ва ўзига хос бўлмаган қисмидир (доимий яшаш жойида тақчил ҳисобланган товарлар).

Табиий-биологик системаларнинг компонентлари – флора, фауна, иқлим, ландшафт, рекреацион ресурслар туристик маҳсулотда муҳим ўринни эгаллайди.

Туристик маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан туристик ташкилотлар, тулоператорлар ва турагентлар шуғулланишади. Тулоператор – турни сотувчи ва туристик маҳсулотни тайёрловчи ташкилот; турагент – тулоператор тайёрлаган турларни сотиб оловчи, турларга йўлланма чиқарувчи ва уларни истеъмолчига сотувчи ташкилот.

Корхона бир йўла тулоператор ҳам, турагент ҳам бўлиши ва хусусий мулкчиликнинг акционерлик жамияти, қўшма корхона ва бошқа шакллари каби бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, қайд қилинганларни таҳлил қилиш асосида куйидаги хулосага тўхталиш мумкин: «Туризм – бу илмий прогноз соҳаси, капитал қўйиш ва фаолиятлар доираси тармоғига кирувчи – лойиҳалаштириш, қурилиш ва эксплуатация, дам олиш комплекси ва зоналарини ташкил қилувчи – туристик индустрияни шакллантирувчи ва уларнинг эҳтиёжларини қондирувчи муҳим ижтимоий-иқтисодий соҳадир».

2-боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Ўзбекистонда туризм салоҳияти ва уни ривожлантиришда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Ўзбекистонда туризмнинг шаклланиши ва ривожланишига асосий эътибор мустақилликка эришгандан кейин бошланди. 1992 йил 27 июлда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов «Ўзбектуризм» миллий компаниясини ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармонига имзо чекди. Мазкур фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси шу йилнинг 20 октябрида «Ўзбектуризм» миллий компанияси фаолиятини ташкил қилиш масалалари тўғрисида»ги 424-сонли қарорини қабул қилди. Бу ҳужжатлар мамлакатимизда миллий туризмни ташкил қилиш учун асос бўлдилар. Шундай қилиб, мустақилликнинг биринчи йилларидаёқ ўзимизда туризм соҳаси бўйича мустақил миллий ташкилот барпо қилинди.

Мазкур ташкилот энди ўз уставига эга бўлиши керак эди. Бу борада ташкилий гуруҳ мазкур ҳужжатни ҳам тайёрлади ва 1993 йилнинг 15 февралда «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Уставини тасдиқлаш тўғрисида» 82-сонли қарорини қабул қилди. Бу ҳужжат миллий туризмнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаб, асосий фаолият доирасини белгилаб берди.

Аста-секинлик билан мамлакатимизда туризм соҳаси ривожланиб, у халқаро майдонга, бутун жаҳон ҳамжамияти билан алоқага чиқди. Шундай қилиб Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари кетма-кет равишда қабул қилина бошланди. 1995 йил 2 июнда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг Буюк ипак йўлининг шаклланишида иштирокини фаоллаштириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш тўғрисида»ги УП-1162 фармони эълон қилинди. Шу йилнинг 3 июнида Вазирлар Маҳкамасининг «ЎзРда халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини яратиш чоралари тўғрисида»ги 210-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу фармон ва ҳукумат қарорлари миллий туризмнинг халқаро майдонга чиқиши учун етарли даражада меъёрий ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Бу тадбирлар учун бизда тегишли асослар мавжуд эди. Зеро, мамлакатимиз бой туристик ресурсларга эгадир.

Унинг табиий иқлими, соғломлаштириш масканлари, тарихий ва маданий обидалари, маърифий ва ижтимоий-маиший объектлари албатта хорижлик меҳмонларни қизиқтириши табиий. Бундан ташқари туризм соҳаси, иқтисодиёт учун муҳим тармоқ ҳисобланиши билан бирга давлатлар ўртасида маданий-маърифий муносабатларни мустаҳкамлайди, халқлар ўртасида эса дўстлик ришталарини боғлайди.

Ушбу соҳа ўзи - муҳимлиги туфайли Президентимиз ва Ҳукуматимизнинг ҳамиша диққат-эътиборида бўлиб келди. 1999 йил 15 апрелда Президентнинг «Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг 2005 йилгача мўлжалланган давлат дастури тўғрисида»ги УП-2286-сонли Фармони эълон қилинди. Ушбу фармон мамлакати-изда миллий туризмни ривожлантиришнинг аниқ чора-тадбирларини белгилаб берди. Шундай қилиб мамлакатимизда миллий туризм ривожланиши учун яна бир муҳим давлат Дастури қабул қилиндики, бу ушбу соҳанинг ривожи учун муҳим босқич бўлди.

Энди шундай вазият етилдики, туризм соҳаси бўйича тўпланган тажрибалар ушбу соҳа учун махсус қонун қабул қилишни тақозо қилди. Шундай қилиб, 1999 йил 20 августда ЎЗР Олий Мажлиси томонидан «Туризм тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонун ЎЗР Олий Мажлисининг 1999 йил 20 августдаги «Туризм тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга киритиш ҳақида»ги қарори билан матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилиши белгилаб кўйилди.

Мазкур қонуннинг мақсади туризм соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, туристик хизматлар бозорини ривожлантириш, шунингдек туристлар ва туристик фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Ушбу қонун 22 моддадан иборат бўлиб, шу соҳанинг барча қисмларининг асосий йўналишларини ўзида қамраб олган.

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш учун хорижий мамлакатлардан инвестициялар ҳам кириб кела бошлади. Натижада 2000 йилнинг 17 ноябрида Вазирлар Маҳкамасининг «Самарқанд шаҳрида «Афросиёб» меҳмонхонасини, Бухоро шаҳрида «Бухоро» меҳмонхонасини бошқаришни хорижий менежментга бериш тўғрисида»ги 449-сонли қарори қабул қилинди. 2001 йилнинг 16 мартда «ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 ноябрда қабул қилинган 449-сонли қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги 131-сонли қарори қабул қилинди. Бунда хорижий инвес-

торларнинг иштироки ушбу соҳада янада кенгайгани эътироф этилган. Шундай қилиб мамлакатимизда мустақил бўлган йирик бир соҳа шаклланди. Ҳозирги пайтда «Ўзбекитуризм» МКга қарашли 32 та хўжалик юритувчи субъект фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг кўплари хорижий туристик фирмалар билан бевосита ҳамкорлик қилиб шартнома асосида иш юритмоқдалар.

Туризм соҳаси бўйича мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати бир қанча фармон ва қарорларини эълон қилди. Уларнинг асосийлари ушбу жадвалда келтирилган (2.1.-жадвал).

Туризм соҳасида давлат сиёсати бевосита унинг ўзига хос таъриқий йўлидан келиб чиқади. Бунда асосан соҳанинг эркинлиги, унга давлатнинг кўмаги, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига алоҳида эътиборнинг қаратилиши, ушбу соҳага ички ва хорижий инвестицияларни жалб этиши каби йўллар билан туризм индустриясини ривожлантиришга эришиш кўзда тутилган.

2.1.-жадвал

«Ўзбекитуризм» Миллий Компаниясини ташкил қилиш ва ривожлантириш бўйича Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасини қарорлари

№	ЎЗР Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари	Саняси ва тартиб сон	Номи
1.	ЎЗР Президенти Фармони	1992 йил 27 июл	«Ўзбекитуризм» Миллий компаниясини ташкил қилиш тўғрисида»
2.	Вазирлар Маҳкамасининг 424-сонли қарори	1992 йил 20 октябр	«Ўзбекитуризм» миллий компанияси фаолиятини ташкил қилиш масалалари тўғрисида»
3.	82-сонли қарори	1993 йил 15 феврал	«Ўзбекитуризм» миллий компаниясининг Уставини тасдиқлаш тўғрисида»
4.	Президент УП-1162 фармони	1995 йил 2 июнда	«Ўзбекистон Республикасининг Буюк ипак йўлининг шаклланишида иштирокни фаоллаштириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш тўғрисида»
5.	Вазирлар маҳкамасининг 210-сонли қарори	1995 йил 3 июн	«ЎЗРда халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини яратиш чоралари тўғрисида»
6.	Президент УП-2286-сонли фармони	1999 йил 15 апрел	«Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг 2005 йилгача мўлжалланган давлат дастури тўғрисида»
7.	ЎЗР Олий Мажлиснинг қарори	1999 йил 20 август	«Туризм тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга киритиш ҳақида»

8.	Вазирлар Маҳкамасининг 449- сонли қарори	2000 йил 17 ноябр	«Самарқанд шаҳрида «Афросиёб» меҳмонхонасини, Бухоро шаҳрида «Бухоро» меҳмонхонасини бошқаришни хорижий менежментга бериш тўғрисида»
9.	Вазирлар Маҳкамасининг 131- сонли қарори	2001 йил 16 март	«ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 ноябрда қабул қилинган 449-сонли қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»

«Туризм тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари кўрсатилган. Мазкур қонунда таъкидланишича ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. **Туризм ва туристик индустрияни ривожлантириш.** Бунинг мазмунида шундай сиёсат ётибдики, туризмни ривожлантириш учун туристик индустрияни, яъни туристларга хизмат кўрсатувчи меҳмонхоналарни, туристик комплекслар, кемпинглар, пансионатлар, умумий овқатланиш ва савдо шахобчалари, транспорт корхоналари, маданият ва спорт муассасалари каби туристик объектларни халқаро андозалар даражасида ҳозирлашни тақозо қилади. Бу жараён қайси мулк ҳисобидан амалга оширишдан қатъий назар, давлат ўзининг шу соҳага оид ташкилотлари орқали мувофиқлаштириб, кўмаклашиб туради. Туристик объектлар қанча бўлмасин туристик индустрия ривож топмаса туризмни ривожлантириш тўғрисида қилинган барча ҳаракатлар бефойда. Чунки, мамлакатимизни ҳавас қилиб келган турист, агар туризм хизмати жойида бўлмаса қайта келишни орзу қилмайди ва ўз танишларига ҳам бу жойга бормасликни тарғибот қилади. Бу туристларни қабул қилувчи мамлакат учун жуда қимматга тушиши табиий.

2. **Фуқароларнинг саёҳат қилиш пайтида дам олиш, эркин ҳаракатланиш ва бошқа ҳуқуқларни таъминлаш.** Бунда, энг аввало, туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш катта салоҳият касб этади. Чунки хавфсизлик таъминланмаган жойда эркинлик ҳам, дам олиш ҳам кўнгилдагидек бўлмайди. Бу ҳам давлат ҳудудидаги туристларнинг ҳаммаси учун дахлдордир. Чунки туристларга давлат, нодавлат, хусусий туристик фирмалар хизмат қилиши мумкин. Лекин мулк шаклидан қатъий назар, давлат туристларнинг эркин ҳаракати ва хавфсизлигини таъминлашни, қонун билан ўз зиммасига олган. Бу туризмнинг ривожланиши учун асосий омиллардан биридир.

3. Туристтик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни сақлаш. Мамлакатимизда туристтик ресурсларнинг, яъни туристлар қизиқиб кўрадиган тарихий ва маданий обидаларнинг, маърифий, ижтимоий-маиший объектларнинг, бетакрор табиати, иклими ва ландшафти кабиларнинг мавжудлиги ўзи бир Оллоҳнинг инъоми. Уни асраб-авайлаш ҳар бир авлоднинг муқаддас фуқаролик бурчидир. Ушбу обидаларнинг кўпи неча асрлардан буён бизгача етиб келган. Биз ҳам буларни келгуси авлодларга яхши сақланган ҳолда етказишимиз керак. Бу эса мазкур объектларни асраб-авайлаб, улардан оқилона фойдаланишни тақозо қилади. Мустақиллик йилларида тарихий обидаларни авайлаб-асраш борасида мамлакатимизда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишларининг амалга ошганлиги бежиз эмас.

4. Туризм соҳасидаги норматив базани такомиллаштириш. Давлатнинг бу сиёсати бевосита унинг ўзига боғлиқ. Чунки ҳар қандай қонун ёки меъёрий ҳужжат давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, тартиб қондасига амал қилишни тақозо қилади. Шу жиҳатдан қаралса, давлат барча меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиши ва уларни муттасил равишда такомиллаштириб бориши лозим. Ҳозирги вазият шуни кўрсатмоқдаки, бу борада давлат ўз вазифасини аъло даражада адо этиб келмоқда. Ҳозирги пайтда туризм тўғрисидаги қонун қабул қилинган, Президентнинг ўнлаб фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинган. Бу ҳам кўрсатадики, ушбу соҳада меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.

5. Болалар, ёшлар, ногиронлар ва аҳолининг кам таъминланган қатламлари туризми (экскурсиялари) учун шароит яратиш ҳам давлатимизнинг туризм соҳасидаги сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Бу бевосита мамлакатимизда шаклланаётган ижтимоий ҳимояга асосланган бозор муносабатларини қарор топтириш мақсадидан келиб чиқади. Зеро, ушбу гуруҳга киритилган аҳоли қатлами асосан давлат кўмагига муҳтож аҳоли қатламидир. Аҳолининг мазкур қисми мамлакат иқтисодий тараққиётининг ривожланиб бориши билан қисман камайиб боради. Аммо бутунлай барҳам топмайди, чунки аҳолининг аҳволи қандай бўлишидан қатъий назар, болалар доимий равишда бўлади, ёшлар ҳам улғайиб келаётган авлод сифатида ҳамиша мавжуд, ногиронларнинг ҳам мавжудлиги муқаррар. Ниҳоят кам таъминланган аҳоли қатлами аста-секинлик билан камайиб бориши

мумкин. Бу вазият давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида кучли ижтимоий ҳимояга асосланган сиёсатни юритишни тақозо қилади. Бу сиёсатнинг бевосита туризмга ҳам жорий қилиниши давлат сиёсатида ижтимоий ҳимоянинг изчиллигидан далолат беради.

6. Туристик индустрияни ривожлантириш учун инвестициялар жалб этиш сиёсати. Бу сиёсат ҳам мамлакатимизда туристик объектларни яхши ҳолатда ушлаб туриш ва уларни ривожлантиришга қаратилган. Бу соҳада мустақиллик йилларида жуда кўп туристик объектига мансуб иншоотлар қурилди. Булар жумласига Самарқанддаги Имом ал-Бухорий мажмуаси, Имом Мотрудий мақбараси, Ғовсул Аъзам қадамжоси, Хўжа Аҳрори Вали мақбарасининг қайта таъмирланиши, Ал-Фарғоний, Марғиноний, Амир Темур каби буюк зотларга қўйилган ёдгорликларни киритиш мумкин. Бу объектларнинг барпо этилиши ва таъмирланиши учун мисли кўрилмаган даражада инвестициялар жалб қилинди. Зеро, ушбу аждодларимизга қўйилган ёдгорликлар нафақат туристик объект сифатида қад кўтармоқда, балки, энг муҳими, биз ўз тарихимизни ўрганиб ўзлигимизга қайтмоқдамиз. Бу эса мустақил тараққиёт йўлини тутган ва ўзига ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаганлигини тараннум этишга қаратилган давлатнинг сиёсатидир. Бу сиёсат барча энг муҳим сиёсатлар сингари устувор сиёсатдир.

7. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун туристик хизматлар бозорида тенг имкониятлар яратиш сиёсати ҳам давлатимизнинг туризм соҳасидаги муҳим йўналишлардан биридир. Барча соҳалар сингари туризм соҳасида ҳам давлат ташкилотлари билан биргаликда нодавлат ташкилотлари ҳам фаолият кўрсатади. Уларнинг асосий қисмини хусусий ёки аралаш мулкка асосланган тадбиркорлик субъектлари ташкил қилади. Бу субъектларга тегишли шароит яратиб бериш, уларнинг эркинлигини, мулкий муносабатларда дахлсизлигини таъминлаш каби тадбирлар туризм соҳасида эркин рақобат муҳитини шакллантириш ва унинг ривожланиши учун асосий омиллардан бирини яратиш имконини беради.

Мамлакатимизда амал қилаётган «Тадбиркорлик субъектлари фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун (2000 йил 25 май) ҳам тўлалигича мазкур соҳада тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга бел боғлаган тадбиркорларга ҳам

дахлдор. Бундан ташқари, туризм соҳасида тадбиркорлик билан шуғулланадиган субъектларга қўшимча равишда ҳуқуқ ва мажбуриятлар «Туризм тўғрисида»ги қонунда ҳам белгилаб қўйилган. Кўриниб турибдики, бу соҳада туризмни ривожлантиришда давлат ўз сиёсатини амалга ошириш учун уларнинг фаолиятида эркинликни таъминлаш борасида тегишли меъёрий ҳужжатлар пакетини яратиб қўйган.

8. Туристларнинг хавфсизлигини, уларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва мол-мулки муҳофаза қилиниши таъминлаш ҳам бу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирини ташкил қилади. Зеро, ҳар қандай турист бир жойдан иккинчи жойга боришга, асосан ўзининг ҳар томонлама хавфсизлиги таъминланган бўлсагина, қарор қабул қилади. Туристлар томоша қилувчи, дам олувчи сифатида ўзларининг қонуний манфаатларига эга бўлиши, мол-мулкининг дахлсизлиги таъминланишини хоҳлайди. Бу учун эса туристларни қабул қилувчи мамлакат ушбу шароитларни тўлиқ яратган бўлиши лозим. Шу жиҳатдан давлатимизнинг мазкур сиёсат йўналиши айнан туристларнинг шу муҳим талабларини қондиришга қаратилган. Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, айниқса бугунги, Дунда халқаро терроризм балосининг кучайган пайтида ўта муҳимдир. Бу тадбир ўз навбатида туристларни кутиб олиш, олиб юриш ва кузатишда туристик фирмалар ходимлари билан бирга миллий хавфсизлик ва ички ишлар хизматларидан ҳам фойдаланишни тақозо қилади.

9. Туризм соҳасининг илмий таъминотини ташкил этиш ва ривожлантириш ҳам давлатимизнинг ушбу соҳадаги сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Чунки, соҳа ҳам ўта мураккаб соҳа. Уни кўр-кўрона ривожлантириб бўлмайди. Бу соҳани иқтисодиётнинг асосий қисмига айлантириш ва тегишли фойда олишга эришиш учун уни илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ қилишни тақозо қилади.

Туризмнинг ривожланиши учун мамлакатимизда унинг илмий асоси яратилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 апрелда қабул қилинган «Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини ташкил қилиш» тўғрисидаги қарори ушбу соҳа ривожининг илмий асосини яратди. Мазкур қарор билан шу институтга «Туризм менежменти», «Туризм маркетинги», «Туризм хизматлари операторлиги» каби ўқув йўналишлари бўйича бакалавр тайёрлаш, 2008

Йилдан магистратура очиш ва илмий-тадқиқотлар олиб бориш учун эса аспирантура ҳамда ихтисослашган Кенгаш очиш масалалари юклатилди.

Булардан кўриниб турибдики, давлатимиз туризмни ривожлантириш, уни илмий асосда йўналтириш, фаолиятини муттасил такомиллаштириш учун тегишли чораларни кўрмоқда. Давлатимизнинг бу сиёсати шу соҳа учун кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш билан уйғунлашиб кетади. Шу туфайли ушбу соҳага ҳам алоҳида аҳамият бериб келинмоқда.

10. Туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳам давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. 2004/2005 ўқув йилига қадар мамлакатимизда фақат «Туризм» ўқув йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрланар эди. Шу ўқув йилидан бошлаб, таъкидланганидек, «Туризм менежменти», «Туризм маркетинги» ва «Туризм хизматлари операторлиги» бўйича ҳам кадрлар тайёрланадиган бўлди. Олдин туризм соҳасига кадрлар фақат ихтисослашган коллежларда тайёрланадиган бўлса, эндиликда 2004 йилдан бошлаб олий ўқув юртларида ҳам тайёрланадиган бўлди. Кўриниб турибдики, бу соҳага ҳам давлатимиз ҳар томонлама эътибор бериб келмоқда.

11. Давлат ўз зиммасига чет мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш масаласини ҳам олган ва бу йўналиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Бу борада мамлакатимизда анча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, тарихий обидаларга бой Шаҳрисабз шаҳрида меҳмонхона қуриш бўйича Полшанинг «Будимекс» ХЖ билан контракт имзоланди. Туркиянинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Рашид Уммон билан, Франциянинг интерфрансмедия корреспонденти Королина Матео ва Либерти ТВ вице Президенти Жое Ламбертлар билан туризм соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш борасида музокаралар олиб борилди.


2004 йил июн ойида Ўзбекистон Ҳукумати делегацияси Малайзияга ташриф буюрди. Бошқа иқтисодий масалалар билан бир қаторда, туризм соҳасида ҳам ҳамкорлик қилиш истиқболлари кўриб чиқилди. Ташриф давомида Малайзиянинг кўпгина туристик фирмалари билан учрашувлар, музокаралар ўтказилди ва малайзиялик туристларни кичик ҳаж амалларини бажариш мақсадида Самарқанд ва Бухородаги Имом ал-Бухорий ва Нақшбандий

мажмуаларига сафарга юбориш тўғрисида келишиб олинди. Бу тадбир 2005 йилдан бошлаб йўлга қўйилиши мумкин эди. Бу масала ҳозирча маҳаллий доирада амалга оширилмоқда.

«Ўзбектуризм» Миллий компанияси ва унга қарашли туристик фирмалар Япония, Россия, Германия, Европанинг бир қанча мамлакатлари, Шарқий Осиёдаги давлатлар билан ҳамкорлик қилмоқда ва бу ҳамкорликни кенгайтириш борасида иш олиб борилмоқда.

Шундай қилиб, туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари шаклланди. Булар қуйидаги чизмада ўз аксини топган (2.1.-чизма).

Булардан шундай хулоса қилиш мумкинки, туризм соҳаси мамлакатимизда келажакда катта истиқболга эга бўлган соҳалардан бирига айланади. Зеро, давлат сиёсати айнан шунга қаратилган.



2.1- чизма. Туризм соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

2.2. Туризмга оид асосий тушунчалар ва ваколатли органлар

Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонунда (1999 йил 20 август) туризмга оид асосий тушунчалар берилган. Чунки ушбу асосий тушунчалар туризм соҳасида қўлланилади ва тегишли адабиётларда, қонун, низом ва йўриқнома каби меъёрий ҳужжатларда ҳам ишлатилади. Бу эса ана шундай атамаларни билишни тақозо қилади. Булар қуйидаги чизмада ўз аксини топган (2.2.-чизма).

Туризм	Жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши)
Турист	Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ёки бошқа мамлакатга саёҳат қилувчи (доимий истиқомат жойидан туризм мақсадида жўнаб кетган) жисмоний шахс
Туристик фаолият	Ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ саёҳатларни ва улар билан боғлиқ хизматларни ташкил этиш борасидаги фаолият
Экскурсия фаолияти	Туристик фаолиятнинг тарихий ёдгорликлар, диккатга сазовор жойлар ва бошқа объектлар билан таништириш мақсадида олдиндан тузилган йўналишлар бўйича экскурсия етакчиси ҳамроҳлигидаги 24 соатдан ошмайдиган экскурсияларни ташкил этишга доир қисми
Туристик ресурслар	Тегишли ҳудудлар табиий-иклим, соғломлаштириш, тарихий-маданий, маърифий ва ижтимоий-маиший объектлари мажмуи
Туристик фаолият субъектлари	Белгиланган тартибда рўйхатга олинган ва туристик хизматлар кўрсатиши билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун лицензияси бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар
Туристик индустрия	Туристик фаолиятнинг туристларга хизмат кўрсатишни таъминловчи турли субъектлари (меҳмонхона-лар, туристик комплекслар, кемпинглар, мотеллар пансионатлар, умумий овқатланиш, транспорт корхоналари, маданият, спорт муассасалари ва бошқалар) мажмуи
Тур	Муайян йўналиш бўйича туристик хизматлар мажмуи (жой бандлаш, жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, рекреация, экскурсия хизматлари ва бошқа хизматлар) билан таъминланган аниқ муддатлардаги туристик саёҳат

Туристтик хизматлар	Туристтик фаолият субъектларининг жойлаштириш, овкатлантириш, транспорт, ахборот-реклама хизматлари кўрсатиш борасидаги, шунингдек туристларнинг эhtiёжларини қондиришга қаратилган бошқа хизматлар
Туристтик гуруҳ раҳбарлари	Туристтик фаолият субъектларининг вакили бўлган ва унинг номидан иш кўриб, туристларга ҳамроҳлик қилувчи, туристик хизматлар кўрсатиш шартномаси шартларининг бажарилишини таъминловчи жисмоний шахс
Гид (экскурсия етакчиси)	Тур қатнашчиларига туристик хизматлар кўрсатиш шартномаси доирасида экскурсия-ахборот, ташкилий йўсиндаги хизматлар ва малакали ёрдам кўрсатувчи жисмоний шахс
Туристтик фаолиятни амалга ошириш учун лицензия	Туристтик фаолиятни амалга оширишга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи махсус руҳсатнома
Сертификат	Туристтик хизматлар сифатини ва уларнинг муайян стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат

2-чизма. Туризмга оид атамаларнинг мавзуси

Ушбу чизмадан кўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг қонунда туризм соҳасига хос атамаларнинг таърифи берилган. Ушбу таърифлар мазкур соҳани тушуниш тадқиқ қилиш ва улардан фойдаланиш учун муҳим аҳамиятга эга. Зеро ушбу тушунчаларга назарий ва амалий жиҳатдан аниқлик киритиш, шу соҳа бўйича қонуни ўзгартиришлар киритиш натижасида унинг такомиллашишига олиб келади.

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш масаласининг муҳимлигидан келиб чиқиб, бу соҳани тартибга солиш учун давлатнинг бир қанча органларига ваколатлар берилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси барча соҳалар сингари ушбу соҳа учун ҳам қонунлар яратиш ва уларга ўзгартиришлар киритиш ваколатига эга. Бу ваколатни Олий Мажлис муваффақиятли бажариб 1999 йилнинг 20 августида «Туризм тўғрисида»ги қонунни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ушбу соҳада фаолиятни яхшилаш ва ривожлантириш учун Фармон ва Фармойишлар бериш

ваколатига эга. Мустақиллик йилларида Президентимиз шу соҳага даҳлдор учта Фармонни эълон қилди. Булар 1992 йил 27 июлда эълон қилинган «Ўзбектуризм» миллий компаниясини ташкил қилиш тўғрисида», 1995 йил 2 июнда «Буюк Ипак йўлини тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштироки ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш чоралари тўғрисида», 1999 йил 15 апрелда «Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг 2005 йилгача мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида» каби Фармонлардир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти барча соҳалар сингари туризм соҳасига ҳам етарли даражада аҳамият бериб, унинг равнақи учун тегишли шароит яратиш борасида барча зарур чораларни кўрсатиб бермоқда.

Туризмни ривожлантиришда республика ҳукуматининг ҳам жуда катта ваколатлари бор. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси куйидаги ваколатларга эга.

1. Туризмни ривожлантириш давлат дастурини тасдиқлаш мазкур ташкилотнинг энг муҳим ваколатларидан биридир. Бу ваколат Вазирлар Маҳкамасига қонун йўли билан туризмни ривожлантириш учун масъуллиги белгиланган. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда туризмни ривожлантиришнинг Давлат дастури 2000-2005 йилларга мўлжалланган бўлиб, 1999 йил 15 апрелда тасдиқланган. Энди унинг навбатдаги босқичи ишлаб чиқилди. Бу дастур бўйича ҳозир 2010 йилга мўлжалланган ҳудудий ва маҳаллий дастурлар ишлаб чиқилган.

2. Вазирлар Маҳкамасининг туристик фаолиятни лицензиялаш тартибини белгилаш ваколати ҳам муҳимдир. Чунки, турли мулк шаклига асосланган туризм соҳаси бўйича шуғулланадиган тадбиркорлар фаолияти мувофиқлаштирилган, улар маълум талабларга жавоб берадиган ва ниҳоят умумий ҳисобда турадиган бўлиши лозим. Бу тадбир туристик фаолият билан шуғулланувчи субъектларга лицензия бериш орқали амалга оширилади. Лекин лицензия бериш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Бу дегани туризм билан шуғулланувчи тадбиркорларга лицензияни Вазирлар Маҳкамаси беради дегани эмас, бу ташкилот фақат унинг тартибини тасдиқлайди ва тегишли ташкилотга юклайди. Вазирлар Маҳкамасининг кўрсатмасига биноан ваколатли орган тегишли лицензия бериши мумкин.

3. Туристларнинг бориши таъқиқланадиган объектлар ва ҳудудларни белгилайди. Мамлакатимизнинг барча объектлари ва

худудлари маълум даражада сир сақланиши, туристларнинг хавфсизлиги нуқтаи назардан ҳам зарурдир. Зеро, бу объектларга бориш ҳам маълум даражада тартибга солинган бўлиши керак, чунки туристик фаолият билан шуғулланувчи ҳар қандай фирма учун ўзбошимчалик қилиш имкони ҳам чекланади. Бу давлатимиз ва бевосита, туристларнинг нуқтаи назаридан ҳам муҳимдир.

4. Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколати доирасида **туристларнинг айрим тоифаларига имтиёзлар бериш тартибини ҳам белгилайди.** Бу ваколат ҳам туризмга давлат сиёсатидан келиб чиқади, зеро болалар, ёшлар, ногиронлар ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини имтиёзли равишда саёҳат қилишларини ташкил қилиш ва уларга тегишли шароит яратиб бериш ҳам туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларига киради. Вазирлар Маҳкамасининг аҳолининг айрим тоифаларига имтиёзлар беришини белгилаши туризм билан шуғулланувчи турли фирма ва компанияларнинг бу борада ўзбошимчалик қилишига йўл қўймайди.

5. **Ҳукуматлараро шартномалар тузиш** ҳам Вазирлар Маҳкамасининг ваколат доирасига кирадиган тадбирлардан биридир. Туризм билан шуғулланувчи, турли мулк шаклига эга бўлган фирма ва компанияларнинг қайсидир мамлакатлар билан эркин муносабатда бўлиши учун шу давлат билан Ўзбекистон Ҳукуматининг тегишли шартномаси бўлиши керак. Ҳукуматлараро шартномани тузишга ваколат фақат Вазирлар Маҳкамасига берилиши ҳам буни давлат доирасида ҳал қилинишини кўрсатади. Бу ҳам давлатимизнинг туризм соҳасидаги сиёсати йўналишларидан келиб чиқмоқда. Шу туфайли Ўзбекистон Делегацияси қайси мамлакатга бормасин у билан бўладиган сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий муносабатлар билан бирга албатта туризм соҳасида ҳам тегишли шартномалар тузиб келмоқда. Бу ҳам кўрсатадики туризм соҳаси давлатимизнинг катта эътиборида турибди.

1. Вазирлар Маҳкамаси давлатнинг ижро этувчи ҳокимияти сифатида туризм соҳаси бўйича **қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳам ҳал қилади.** Кўриб турганимиздек, қонунда Вазирлар Маҳкамасига ҳам ўзбошимчалик қилиш ваколати берилган эмас. Бу ташкилотга ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли масалаларни ҳал қилади. Бу дегани Вазирлар Маҳкамаси туризм соҳаси бўйича хоҳлаган ишини қилаверади дегани эмас, балки у олдин меъёрий ҳужжатларни (қарорлар, Фармойишлар,

Низомлар, йўриқномалар) қабул қилиб, тасдиқлаб кейин шу қонуний ҳужжатлар асосида мазкур соҳани тартибга солади.

Шундай қилиб, Вазирлар Маҳкамасининг туризм соҳасидаги ваколатлари ҳам қонун билан белгилаб қўйилган. Бу қуйидаги чизмада ўз аксини топган (2.3-чизма).



2.3-Чизма. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг туризм соҳасидаги ваколатлари

Юқорида қайд қилганлардан ташқари туризм соҳасида ваколатли органлар ҳам мавжуд. Бу орган мамлакатимизда «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси ва унинг тизимига кирувчи ташкилотлардир. Мазкур давлат органларининг ваколатлари қуйидагилардан иборат (2.4-чизма).



2.4-чизма. Ваколатли давлат органларининг туризм соҳасидаги ваколатлари

Бундан ташқари туризм соҳаси бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти (вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари) органлари ҳам ўз худудида маълум ваколатларга эга. «Туризм тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасида «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари туризм соҳасида туризмни ривожлантиришнинг минтақавий дастурларини ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қиладилар» дейилган.

Бу ваколат «Ўзбектуризм» Миллий Компаниясининг ҳар бир худуддаги бўлинмалари ва ташкилотлари томонидан маҳаллий ҳокимиятнинг кўргазмаси ва раҳбарлигида амалга оширилади. Бу жараёнга ҳокимиятнинг аралашуви туристларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш уларга тегишли шароит яратиб берилишига кўмаклашиш, назорат қилиш каби масалаларнинг ҳал қилинишида муҳим рол ўйнайди. Шу туфайли, туризм соҳасини бошқаришда давлат органларининг барча бўғини иштирок этади. Келажақда бу соҳа ҳам аста-секинлик билан такомиллашиб эркинлаштирилиб борилади.

2.3. Туристлик фаолиятни лицензиялаш, сертификациялаш ва суғурталаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг туризм соҳасидаги ваколатларидан бири туристик фаолиятни лицензиялаш тартибини белгилаш деб кўрсатилган. Зеро, мамлакатимизда туристик фаолият лицензия асосида амалга оширилади. Чунки, туризм соҳаси ўта нозик, мамлакат, миллат нуфузи билан боғлиқ масаладир. Бу хизмат билан хоҳлаган (дуч келган) одам шуғулланишига йўл қўйилмаслиги лозим. Чунки туризмдаги хизмат етарли даражада юқори бўлмаса ёки туристларга нисбатан айрим ножўя ҳаракатлар содир этилса мамлакатимизнинг ҳам, миллатимизнинг ҳам нуфузи тушиб кетади. Туристлик хизматдан қониқмаган турист ўз мамлакатада биз ҳақимизда салбий ахборотлар тарқатади.

Ҳар қандай мамлакат аҳолиси бошқа давлатнинг жозибадор рекламасига нисбатан ўзларининг ахборотига кўпроқ ишонади. Бу эса ўша мамлакатда катта маблағ сарф қилиб реклама қилсангиз ҳам туристларни жалб қилиш биров мураккаблашади. Шу туфайли ҳар қандай туристик хизмат бизда «Туризм тўғрисида»ги қонуннинг 10 – моддасига биноан сертификатланади.

Туристлик хизматларни сертификатлаштириш мажбурий тарзда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Бун-

дай тартибни, таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва шу соҳа бўйича ваколатли давлат органи ишлаб чиқади.

Қонунда таъкидланишича, туристик фаолият субъектининг туристик хизматларини мажбурий сертификатлаштиришдан бош тортса, туристик хизматларни сертификатлаштиришнинг натижаси салбий бўлса бундай субъектларнинг туристик фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмайди. Зеро, оқибатда мазкур туристик фаолият билан шуғулланувчи субъектга берилган лицензияни муддатидан олдин тўхтатиб қўйишга ёки лицензиядан уни маҳрум қилишга сабаб бўлади. Шу туфайли, ҳар бир туристик фаолият билан шуғулланувчи субъектлар юқори даражада туризм хизматини кўрсатиш учун тегишли шароитларни яратишлари лозим.

Туризм фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар хизматининг асосини туристларни жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт хизматини кўрсатиш, уларга ахборот-реклама хизматини уларнинг ўз тилида амалга ошириш, эҳтиёжи ва талабидан келиб чиқиб бошқа хизматларни ҳам юқори савияда амалга ошириш кабилар ташкил қилади.

Туристик фаолият билан шуғулланувчи субъектларга берилладиган лицензия ва сертификат бир-биридан фарқ қилишини инобатга олиш лозим.

Туристик хизматлар шароитини ва уларнинг муайян стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга мувофиқлигини тасдиқловчи, тегишли ваколатли давлат органлари томонидан берилган ҳужжат **сертификат** деб аталади.

Туристик фаолиятни амалга оширишга берилган ҳужжат рухсатнома (лицензия) деб айтилади. Бу ҳужжат ҳам Вазирлар маҳкамаси тасдиқлаган тартибга биноан ваколатли давлат ёки нодавлат ташкилотлари томонидан берилади.

Бу икки тушунча бир-бири билан узвий боғлиқ тушунчалар ва ҳужжатлардир. Агар туризм фаолияти билан шуғулланувчи субъектнинг туризм хизматлари учун тегишли сертификати бўлмаса лицензия бекор қилинади. Аммо лицензияси бўла туриб туристик хизматлари тегишли сертификат талабига жавоб бермаса ҳам унинг фаолияти тўхтатилади ва ҳоказо.

Туристик хизматларни амалга оширувчи субъект бу фаолият билан шуғулланиши учун лицензия ва туристик хизматларига сертификати бўлсагина туристик хизматлар кўрсатиш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқига эга бўлади. Зеро, ҳар қандай туристик хизмат шартнома асосида амалга оширилади.

Шартномада туристик субъектлар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг кўлами ва сифати, тарафларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китоблар тартиби, шартноманинг амал қилиш муддати, унинг шартларини бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик учун томонларнинг жавобгарлиги, тарафларнинг келишувига кўра бошқа шартлар ҳам кўрсатилади.

Туристлар билан туристик хизматлар кўрсатувчи субъектлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар айнан ўзаро тузилган шартнома асосида тартибга солинади. Шунинг жиҳатдан туризм соҳасида қўлланиладиган шартномалар ҳам бошқа соҳаларники сингари ўзининг амал қилиш муддати давомида бажарилиши лозим бўлган қонуний нормаларни ўзида акс эттирган ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Туристларнинг туризм хизматида фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат туристик йўлланма (ваучер) бўлиб ҳисобланади. Туристик саёҳат якка тартибда ёки туристлар гуруҳи таркибида амалга оширилади. Шунинг учун, туристик йўлланма (ваучер) деганда туристнинг ёки туристлар гуруҳининг тур таркибига кирувчи туристик хизматларга бўлган ҳуқуқини белгиловчи ва бундай хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тушунилади.

Бундай йўлланмаларнинг қалбакилаштирилишининг олдини олиш мақсадида унинг шакли туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади. Шунингдек, бу ҳужжатнинг бир жойда тайёрланиши шу соҳа бўйича ҳисоб-китоб қилиб боришини ҳам осонлаштиради.

Агар шартномада қайд этилган шартлардан бирортаси томонларнинг айби билан бажарилмасдан қолса, улар ўртасида низо келиб чиқса, бундай низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, туризм тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шу жумладан шартнома шартлари бузилса, бузганликда айбдор деб топилган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Жавобгарликнинг ҳолати қилинган ҳатти ҳаракатлар, яъни қонунбузарликнинг даражасига қараб уни маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш мумкин. Бу ҳам кўрсатадики, туризм соҳасига шунчаки, енгил елпи қараб бўлмас экан.

Туризм соҳаларини лицензиялаш ва сертификациялаштириш ҳам бежиз қабул қилинмаган. Бу ҳужжатлар мазкур соҳани маълум даражада тартибга солиш билан бирга субъектлар масъулиятини ҳам оширади.

Туристларни суғурта қилиш Ўзбекистон Республикаси «Туризм тўғрисида»ги қонунга биноан мажбурийдир ва у туристик фаолият субъектлари томонидан суғурта фаолияти олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган тегишли суғурта ташкилотлари билан тузиладиган битимлар асосида амалга оширилади.

Суғурта, умуман олганда, жуда мураккаб ва кўп қиррали тушунча сифатида талқин қилинади. Ушбу атама инсоннинг ҳаёти, мол-мулки, саломатлиги, фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, турли сабаблар туфайли содир бўладиган табиий офатлар ва кўнгилсиз ҳодисалар пайтида моддий кўллаб қувватлашга қаратилган тадбирдир. Агар бирорта қутилмаган ҳодиса, офат ва нохуш воқеа натижасида инсонинг соғлиги, ҳаёти ва мулкига зарар қилса уни тезда тугатиш ва бартараф қилиш учун қилинган жамғарма суғурта орқали амалга оширилади.

Суғурта тушунчасига Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Суғурта тўғрисида»ги қонунда кўйидагича таъриф берилган. «Суғурта инсон фаолиятининг турли соҳаларида содир бўладиган табиий офатлар, фавқулодда ҳодиса ва бошқа воқеалар натижасида етказилган зарар ҳамда талофатларни жисмоний ва юридик шахслар тўлаган суғурта бадаллари (суғурта пули) дан ҳосил қилинадиган пул фондлари ҳисобидан тўлиқ ва қисман қоплаш йўли билан жисмоний ва юридик шахслар манфаатлари суғурталанишни таъминлашга доир муносабатлар демакдир». Ушбу таърифнинг қонунда кўрсатилганлиги, ҳозирги вақтда умум эътироф этилганлиги туфайли биз ҳам шунга тўхталишни мақсадга мувофиқ деб, топдик. Зеро, суғурта атамаси бўйича жуда кўп таърифлар мавжудки, уларни назарий жиҳатдан таҳлил қилиб, унинг тўғрилигини асослаш учун ушбу ҳолатда зарурат йўқ, деб ўйлаймиз.

Туризм соҳасида ҳам суғурта асосан бошқа соҳалар сингари амалга оширилади. Бу соҳада ҳам суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасидаги муносабат мавжуд.

Суғурталовчи деганда, қисқа қилиб айтадиган бўлсак, суғурта қилувчи ташкилот тушунилади. Табиий офат ёки бошқа кўзда тутилмаган сабаблар натижасида кўрилган зарарларни суғурта ҳақидаги қонун ёки суғурта шартномаси асосида қоплашни ўз зиммасига олган ташкилот суғурталовчи субъект бўлиб ҳисобланади.

Суғурталанувчи деганда, ўзига тегишли мол-мулкни, суғурта қилувчи юридик шахслар, ўз мулки ва ҳаётини суғурта қилувчи жисмоний шахслар, фуқаролар тушунилади.

Туризм соҳасида барча туристлар мажбурий тарзда суғурталанувчилардир. Бунда «бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» тамойили амал қилади. Бир туристик гуруҳда 100 киши бўлиши мумкин. Ҳаммаси албатта суғурта қилинган. Аммо суғурта маблағидан фақат бир кишигина, қандайдир бир оғир вазиятга тушиб қолганлиги туфайли суғурталаниш мумкин. Демак, бу ҳолда ҳамма бир киши учун тамойили амал қилади ва ҳ.к.

Суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасидаги муносабатлар асосан шартнома асосида амалга оширилади. Бунда шартномани бузган тараф учун суғурта жавобгарлиги ҳам кўзда тутилган, жавобгарлик нима билан ифода этилиши ҳам суғурта шартномасида кўрсатилган бўлиши шарт. Акс ҳолда, ўртадаги низо амалдаги бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилинади.

Суғурта ҳодисаси содир бўлганда зарарларни ҳисоблаш ва қоплаш учун турмуш соҳасида ҳам учта таъминот тизими қўлланилади.

1. Суғурта таъминотининг нисбий (пропорционал) тизими.
2. Биринчи хавф тизими.
3. Чегараланган суғурта таъминоти тизими.

Нисбий тизимда турист ўзининг мол-мулкининг 70 % ни суғурта қилган бўлса табиий офат ёки бошқа фавқулодда ҳодиса натижасида кўрган зарарининг 70 % суғурталовчи ташкилот томонидан қопланади. Қолган 30 % зарар туристларнинг ўзлари ҳисобидан қопланиши лозим.


Масалан, туристнинг 100,0 минг сўмлик мол-мулки бор. Унинг 80,0 минг сўмини суғурта қилган. Аммо суғурталаниш лозим бўлган зарар 50,0 минг сўмни ташкил қилди. Шу зарарнинг 80 % , яъни 40,0 минг сўми суғурталовчи томонидан қопланади, 20 % , яъни 10,0 минг сўми туристнинг ўзи ҳисобидан қопланади.

Биринчи хавф тизимида турист ўзини мол-мулкининг ҳаммасини ёки бир қисмини суғурта қилган бўлиши мумкин. Агар туристнинг 100,0 минг сўмлик мол-мулки бўлиб у 60,0 минг сўмни суғурталаган бўлса табиий офат натижасида 90,0 минг сўмлик зарар кўрса ҳам суғурталовчи ташкилот томонидан 60,0 минг сўм зарар қопланади. Қолган 30,0 минг сўми суғурталанувчи ҳисобидан қопланиши лозим. Бу ерда биринчи хавф умумий мулкнинг суғурталанган қисми ҳисобланади. Бу 60,0 минг сўм. Қолган 40,0 минг сўми иккинчи хавф бўлиб ҳисобланади.

Чегараланган суғурта ҳам, кам бўлсада туризм соҳасида қўлланилиши мумкин. Лекин бу кўпинча қишлоқ хўжалигида

қўлланилади. Агар қишлоқ хўжалигида ғалладан 40,0 центнердан ҳосил олиш кўзда тутилган бўлса, аммо, табиий офат натижасида 50 гектарлик фермер хўжалигининг ҳосилдорлиги 30,0 центнерни ташкил қилиши мумкин. Бу ҳолда ҳар гектаридан 10,0 центнердан жами 500 центнер (50,0 x 10) ғалла зарар сифатида суғурта йўли билан қопланиши лозим. Бунда маълум чегара кўзда тутилган. Агар 35,0 центнердан ҳосил олганда эди ҳар бир гектаридан зарар 5,0 центнерни ташкил қилган бўлар эди ва ҳ.к.

Суғурта муносабатларини амалга оширишда, таъкидланганидек, суғурталовчи ва суғурталанувчилар иштирок этади. Иккаласи ҳам ўз ҳуқуқ ва бурчларига эга, ушбу ҳолат қуйидаги чизмада ўз аксини топган (2.5.-чизма).



2.5.-чизма. Суғурталанувчилар (туристлар)нинг ҳуқуқ ва бурчлари

Ушбу чизмада суғурталанувчининг айрим ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайд этилган. Бундан ташқари, суғурталовчи ҳам ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга.

Жумладан, қонунда эътироф этилишича, бу суғурталовчи суғурталанувчига суғурталанган мол-мулкни сақлаб қолиш билан боғлиқ бўлган харажатларни бутунлай ёки қисман тўлашга ҳақлидир. Бундан ташқари, суғурталовчи қонун ёки суғурта шартномасида назарда тутилган суғурта ҳодисаси юз берганда суғурталовчи шартномада қайд этилган шахсга суғурта шартномасида белгиланган муддатда белгиланган миқдорда суғурта пулини (суғурта товонини) тўлаши шарт.

Бордию, суғурта шартномасида томонлар қўллаётган ҳуқуқлар учинчи томон манфаатларига дахл этса, томонларнинг барча ҳатти-ҳаракатлари манфаатдор учинчи томон билан келишишлари лозим.

Булардан кўриниб турибдики, туризм соҳасида ҳам бошқа соҳалар сингари суғурта муносабатлари ўта мураккаб ва кенг қамровлидир. Шу туфайли ушбу параграфда жуда мураккаб ва кенг масаланинг айримларигагина тўхталиш имкони бўлди ҳолос. Ушбу соҳани тўлиқ ўзлаштириш учун албатта туризмга оид қонунлар ва бошқа меъриий ҳужжатлар билан бирга Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилган “Суғурта тўғрисида”ги қонунни ҳам тўлиқ ўрганишни тақозо қилади.

2.4. Туристлар ва туристик фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг ҳавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари


Турист бу қайси мамлакат фуқароси бўлишидан қатъий назар у инсон. Шу туфайли улар инсон сифатида барча халқаро ҳуқуқларга эга. Бу бўйича Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари декларацияси амал қилмоқда. Бу ҳар бир инсоннинг қаерда ва қайси ҳолатда бўлишидан қатъий назар уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Бундан ташқари Ўзбекистон республикасининг қонунчилигида ҳам турист ва туристик фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўз аксини топган. Туристларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қуйидаги чизмада ифодаланган (2.6-чизма).

Туристларнинг қонун ҳужжатларига асосан бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эгаллиги. Булар алоҳида давлатлар ўртасида

тузилган шартномаларда ҳалқаро меъёрий ҳужжатларда қайд қилинган нормаларда ўз аксини топган бўлиши мумкин.


Туристлар билан бирга туристик фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида» ги қонунида акс эттирилган. Қонун бўйича туристик фаолият билан шуғулланувчи субъектлар қатор ҳуқуқларга эга ва зиммасида тегишли мажбуриятлар ҳам белгиланган (2.7-чизма).




2.6-чизма. Туристларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири туристларнинг хавфсизлигини, уларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва мол-мулкни муҳофаза қилишни таъминлашдан иборатдир. Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туристларнинг хавфсизлиги давлат томонидан кафолатланади.

Туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда туристларнинг ҳимоя қилинишини ҳамда хавфсизлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқади ва унинг бажарилишини





2.7-қизма. Туристлик фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

ташкил этади. Мамлакатимизда бундай тадбирларни тегишли вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси амалга оширади. Бу компаниянинг жойлардаги ташкилотлари шу маҳаллий ҳокимиятнинг ички ишлар бошқармалари, миллий хавфсизлик хизмати, божхона ташкилотлари билан келишган ҳолда амалга оширадилар. Чунки бу вазифа бевосита маҳаллий ҳокимият органларига ҳам юклатилган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз худудида туризм соҳасида барча туристик йўналишлар бўйича туристларнинг ҳимоя қилинишини ва хавфсизлигини таъминлаш минтақавий дастурини ишлаб чиқадилар ва уларнинг бажарилишини ташкил этадилар.

Давлатимиз туризмни ривожлантириш, туристларнинг хавфсизлигини мамлакат бўйича таъминлашга масъул бўлса, ҳар бир худудда жойлашган маҳаллий давлат ҳокимият органлари ўз худудларида масъулдирлар.

Булардан ташқари туристик фаолият билан шуғулланувчи субъектлар ҳам туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, улар жароҳатланганда, касалланганда ва бошқа шунга ўхшаш ҳолларда тиббий ва ўзга хил ёрдам кўрсатиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқадилар ва уларни изчиллик билан амалга оширади.


Шу жиҳатдан олиб қараладиган бўлса, шундай хулоса қилиш мумкинки, туристлар мамлакатимизнинг барча худудларида уларнинг хавфсизлиги тўлиқ қафолатланган. Аммо бу тадбирни бизга ташриф

буюрувчи ҳамма туристлар билиши лозим. Бу эса ўз навбатида туризмни халқаро миқёсда катта реклама қилишни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни-нинг 19-моддасида туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари кўрсатиб берилган. Бунда таъкидланишича, туризм билан шуғулланувчи субъектлар туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида хавфсизликнинг алоҳида талабларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари лозим. Бу талаб ва тадбирларга мамлакатимизда амалдаги қонунлар бўйича қуйидагилар киради (2.8.-чизма).

Чизмадан ҳам кўриниб турибдики, туристик саёҳатларни туристлар ҳаракатланишининг фаол шаклларида фойдаланган ҳолда ташкил этишга ихтисослашган ҳолда туристик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, экстремал вазиятларда уларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида хизмат кўрсатишни кўзлаб қидирув-қутқарув хизматлари билан ҳам шартномалар тузадилар.

Ҳозир мамлакатимизда қидирув-қутқарув хизматлари ташкил этилган ва улар ҳам мустақил ҳўжалик юритувчи субъект сифатида фаолият кўрсатмоқдалар. Туристлик хизматни кўрсатувчи субъектлар албатта бундай ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқлари лозим.



2.8-чизма. Туристларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар

3-боб. ТУРИСТИК КОРХОНАЛАРНИНГ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИ, ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИ, РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

3.1. Туристтик корхоналар хўжалик фаолияти натижалари, уларга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари

Туристтик фирма ва компаниялар ўта мураккаб, кўпфункционали корхона бўлиб, уларнинг иш ҳажми турли хизмат ва сервисга оид фаолият натижалари асосида тўпланади. Турли бўлинмаларнинг хизматларини натурал кўрсаткичларда бир хил ўлчамга келтириб олиш мураккаб. Шунинг учун туристик фирма ва компаниялар иш ҳажмини таҳлил қилишда асосан қиймат кўрсаткичларидан ҳам кенг фойдаланилади.

Туристтик корхоналар (фирма компаниялар) ҳам хўжалик юривчи субъект сифатида хўжалик фаолиятини юргизади ва маълум молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига эга бўлади.

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир корхонанинг хўжалик фаолияти натижаларини таҳлил қилиш объектив зарурият бўлганлиги туфайли туристик корхоналарда ҳам ушбу ишни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Чунки корхоналарнинг, шу жумладан туристик корхоналарнинг ҳам иш натижасидан нафақат фирма эгасининг ўзи, балки унда ишлайдиган ходимлар, меҳнат жам оаси, бошқа инвесторлар, давлат ва жамиятнинг ҳам манфаатлари мужассамлашган.

Туристтик корхоналарда ҳам иш натижаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғига 2-иловага (ЎЗР АВ томонидан 2003 йил 24 январда 1209 рақам билан рўйхатга олинган) асосан тўлғазиладиган “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” 2-сонли шаклга асосан аниқланади. Ушбу ҳисоботда маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум (010 қатор) кўрсатилади. Бу унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижасини ифодаловчи молиявий ҳисоботда ифода этиладиган асосий кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Ушбу ҳисоботдан бундан ташқари турли бошқа кўрсаткичларни ҳам олиш мумкин. Масалан ушбу ҳисоботда харажатлар турлари бўйича, фойда турлари бўйича ҳам кўрсатилади.

Хуллас таҳлил қилиш учун кўрсаткичлар тизимига қуйидаги кўрсаткичларни киритиш мумкин:

- туристик хизматлардан тушган соф тушум;
- туристик фирма ва компанияларнинг даромадлари;
- туристик фирма ва компанияларнинг фойдаси.

Келтирилган барча кўрсаткичлар пулда ифодаланади.

Туристтик фирма ва компанияларнинг соф тушумини (Ст) аниқлаш учун ялпи тушумдан (Ят) қўшилган қиймат солиғи (Ққс) ва аксизларни (Ас) айириш лозим бўлади. Мазкур кўрсаткич юқорида номи зикр этилган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда ўз аксини топган. Бу қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Ст = Ят - Ққс (Ас) ;$$

Туристтик фирма ва компанияларнинг даромадлари миқдори (Д) соф тушумдан (Ст) шу соҳа таннархи (Тн) айрилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$Д = Ст - Тн$$

Туристтик фирма ва компанияларнинг соф фойдаси (Фс) бошқа корхоналар сингари солиқ тўлангунга қадарги фойдадан (Фстқ) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни (Сол) айириш йўли билан аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

$$Фс = Фстқ - Сол ;$$

Бундан ташқари туристик фирма ва компаниялар фаолиятида бошқарув таҳлилини амалга ошириш учун натурал кўрсаткичлардан, хусусан туристлар сонидан ҳам фойдаланилади. Туристлар сонини таҳлил қилишда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин:

- қабул қилинган туристлар сони, шу жумладан хорижий туристлар;
- жўнатилган туристлар сони, шу жумладан хорижий мамлакатларга;
- жами туристлар сони, шу жумладан хорижий туристлар.

Ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилишда қуйидагилар амалга оширилади:

- кўрсаткичларнинг (натурал ва қийматда ифодаланган) режага нисбатан ўзгариши мутлоқ ва нисбий миқдорларда аниқланади;
- уларнинг динамикаси аниқланиб туристик фаолият натижаларининг ўзгариш тенденциясига баҳо берилади;

- кўрсаткичлар ўзгаришига таъсир этувчи омиллар аниқланади ва уларнинг натижа ўзгаришига таъсири ҳисобланади;

- туристик фирма ва компанияларда мавжуд бўлган ички ва ташқи имкониятлар аниқланади ва улардан оқилона фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилади;

- таҳлил қилинаётган субъектнинг самарадорлигини ошириш учун тегишли таъсирчан бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Ушбу жараёнларни амалга ошириш учун турли таҳлилий жадваллардан ва ҳисоб-китоблардан фойдаланамиз. Уларни амалга ошириш учун тегишли маълумотларни молиявий ҳисоботлар билан биргаликда бошқарув ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларидан ҳам кенг фойдаланилади. Чунки молиявий ҳисобот ягона стандарт бўйича тузилади. Аммо туризм соҳаси ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Бу хусусиятлар уларнинг бошқарув ҳисоби ва ҳисоботида ўз аксини топади. Буларни амалга ошириш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (3.1.-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мазкур таҳлил қилинаётган туристик фирманинг бир мавсумда хизмат қилган туристик гуруҳларнинг сони биттага кўпайган. Бу режага нисбатан 12,5 % кўпни ташкил қилади. Улар хизмат қилган туристларнинг умумий сони эса 17,8 %га ошган. Туристик фирмалар фаолиятини таҳлил қилганда хорижий

3.1.-жадвал

“Шохрух” туристик фирмасининг бир мавсумлик иш натижасидаги ўзгаришлар ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Режада	Ҳақиқатда	Фарқи, (+,-)	Ўзгариш суръати,%
1. Хизмат қилинган туристик гуруҳларнинг сони, бирликда	8	9	+1	112,50
2. Туристларнинг умумий сони, киши	11776	13869	+ 2093	117,77
3. Хорижий туристлар сони, киши	7736	8793	+ 1057	113,66
4. Соф тушум ҳажми, млн. сўм.	515,6	670.5	+ 154,9	130,04
5. Шу жумладан хорижий туристлардан тушган тушум, млн сўм.	311,8	424,7	+112,9	136,21

Манба: “Шохрух” туристик фирмасининг ҳисоботлари асосида тузилди.

туристларнинг сонига алоҳида аҳамият бериш лозимдир. Бу кўрсаткич ҳисобот йилида 13,7 %га ошган. Хорижий туристларнинг мамлакатимизга келиши кўп жиҳатдан ижобий. Чунки, улар орқали валюта тушуми таъминланади, янги иш ўринлари очилади. Туристлик фирмада соф тушум ҳажми 30,0 % ошган бир пайтда хорижий туристлардан тушган тушум ҳисобот йилида 36,2 % ошганлиги уларнинг мамлакатимиз туристларига хизмат қилганига қараганда анча самарадорлигидан далолат беради.

Ушбу кўрсаткичларнинг (хизмат қилинган туристик гуруҳларнинг сони, бирликда, туристларнинг умумий сони, хорижий туристлар сони, соф тушум ҳажми, шу жумладан хорижий туристлардан тушган тушум) ўзгариш тенденциясини таҳлил қилиш учун уларнинг бир қанча йилларга ўзгариш динамикасини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу кўрсаткичларни баҳолаш учун уларнинг қийматини солиштирма баҳода олиш лозимдир. Чунки шу даврда баҳонинг қадрсизланиш даражаси турлича бўлганлиги ҳаммага аён. Таҳлил жараёнида албатта бу ҳолатни инобатга олиш лозим. Аммо статистика амалиётида, ҳозирги кунда инфляция даражаси барча товар ва хизматлар бўйича алоҳида-алоҳида кўрсатилмайди. Б кўрсаткичларни қиёсий ҳолатга келтиришда бир мунча қийинчиликларни туғдиради. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (3.2.-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил қилинган даврда барча кўрсаткичлар ўсиш тенденциясига эга бўлганлар. Мавсум давомида хизмат қилинган туристик гуруҳларнинг сони 2000-2005 йиллар давомида 1,5 мартага ўсган. Уларнинг умумий сони эса 2,0 мартага ошган.

3.2.-жадвал

“Шохрух” туристик фирмаси иш натижаларининг 2000-2005 йиллардаги динамикаси

Йиллар	Хизмат қилинган туристик гуруҳларнинг сони, бирликда		Туристларнинг умумий сони, киши		Хорижий туристлар сони, киши		Соф тушум ҳажми, млн. сўм.		Шу жумладан хорижий туристлардан тушган тушум, млн сўм	
	Микдори	Ўсиш суръати	Микдори	Ўсиш суръати	Микдори	Ўсиш суръати	Микдори	Ўсиш суръати	Микдори	Ўсиш суръати
2000	6	100,0	6980	100,0	4792	100,0	327,7	100,0	197,8	100,0
2001	6	100,0	7351	105,3	5642	117,7	395,2	120,6	246,8	124,8
2002	7	116,7	8356	119,7	6848	142,9	453,9	138,5	289,3	146,3
2003	7	116,7	10245	146,8	7642	159,5	552,8	168,7	351,6	177,8
2004	8	133,3	12456	178,5	8245	172,1	602,3	183,8	396,7	200,6
2005	9	150,0	13869	198,7	8793	183,5	670,5	204,6	424,7	214,7

Манба: “Шохрух” туристик фирмасининг ҳисоботлари асосида тузилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хорижий туристларнинг сони 1,8 мартага ошганлиги унчалик ижобий баҳоланмайди. Чунки унинг ўсиш тенденцияси барча туристлар сонига нисбатан паст. Соф тушум ҳажми 2,0 баробардан кўп ошган. Аммо хорижий туристлардан тушган тушумнинг миқдори 2,1 мартадан кўпроққа ошган. Буни ижобий ҳол деб баҳолаш лозим. Чунки, хорижий туристларнинг сонига нисбатан улардан тушадиган соф тушумнинг ўсиш суръати юқори. Булардан кўриниб турибдики, хорижий туристларга хизмат қилиш анча самаралидир. Буни исботлаш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (3.3.-жадвал).

3.3.-жадвал

“Шохрух” туристик фирмасида хорижий туристлар самарадорлигининг 2000-2005 йиллардаги динамикаси

Йиллар	Жами туристлар бўйича				Хорижий туристлар бўйича			
	Соф тушум, млн. сўм.	Сони, киши	I туристга тўғри келадиган тушум, минг сўм	Ўсиш суръати, %	Соф тушум, млн. сўм.	Сони, киши	I туристга тўғри келадиган тушум, минг сўм	Ўсиш суръати, %
2000	327,7	6980	46,94	100,0	197,8	4792	41,28	100,0
2001	395,2	7351	53,76	114,5	246,8	5642	43,74	106,0
2002	453,9	8356	54,32	115,7	289,3	6848	42,28	102,4
2003	552,8	10245	53,96	115,0	351,6	7642	46,01	111,5
2004	602,3	12456	48,35	103,0	396,7	8245	48,11	116,5
2005	670,5	13869	48,36	103,0	424,7	8793	48,30	117,0

Манба: “Шохрух” туристик фирмасининг ҳисоботлари асосида тузилди.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, барча туристлар бўйича битта туристга тўғри келадиган тушум таҳлил даврида атиги 3,0 %га ошган. Аммо бунинг ўзгариш тенденцияси турлича. 2000 йилдан 2002 йилгача унинг миқдори кескин ўсиш тенденциясига эга бўлган. 2003 йилдан бошлаб унинг миқдори камайиб кетган. Хорижий туристлар бўйича битта туристга тўғри келадиган соф тушум миқдори жами туристларнинг ўртача миқдорига нисбатан анча паст. Масалан, 2000 йилда битта туристга тўғри келадиган соф тушумнинг ўртача миқдори 46,94 минг сўмни ташкил қилган бўлса, хорижий туристлар бўйича унинг ушбу кўрсаткич 41,28 минг сўмни ташкил қилар экан.

Ушбу кўрсаткич 2005 йилда мос равишда 48,36 ва 48,30 минг сўмни ташкил қилади. Бунинг сабабини ўрганиш шуни кўрсатдики, хорижий туристларнинг бизнинг мамлакатимизда бўлиш муддати 1,5-2,0 кунга бизнинг туристларга нисбатан кам экан. Бу эса мос равишда, ҳар бир хорижий туристлардан олинадиган ўртача соф тушумнинг камлигига таъсир қилади. Аммо хорижий туристлардан тушадиган соф тушум таҳлил қилинган даврда мунтазам равишда ўсиб борган. Натижада 2000 йилда улар ўртасидаги фарқ 5,66 минг сўмни (41,28 – 46,94) ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2005 йилга келиб деярли тенглашиб қолган, яъни 0,06 минг сўмни (48,30 – 48,36) ташкил қилади.

Таҳлилнинг навбатдаги вазифаси шу ўрганилаётган кўрсаткичларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни қиёсий жиҳатдан таҳлил қилишдан иборатдир.

Туристик комплексларнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда омилли таҳлил усулларида деярли фойдаланилмайди. Жуда кўп омиллар ва уларнинг таъсири ўрганилмайди. Шу туфайли кўпгина кўрсаткичларни яхшилаш бўйича ички имкониятлар очилмасдан қолиб кетадилар. Буларни инобатга олиб туристик комплексларнинг иш натижаларига таъсир этувчи омилларни ўрганишни мақсад қилиб қўйдик.

Туристик комплексларда соф тушумнинг ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир қилади. Уларга тадқиқотларимиз кўрсатишича қуйидагиларни киритиш мумкин.

- туристик гуруҳларнинг сони (а);

- 1 та туристик фирмага тўғри келадиган туристларнинг ўртача сони (б);

- барча туристларда хорижий туристларнинг улуши (с);

- битта хорижий туристлардан олинадиган ўртача соф тушум (д).

Натижа, яъни туристик комплексда соф тушумнинг ҳажми билан юқорида келтирилган омиллар ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги формула билан аниқланади:

$$H = a \cdot b \cdot c \cdot d ;$$

Бунда: H – хорижий туристлардан олинадиган соф тушум суммаси;

a – барча туристик гуруҳлар сони;

b – битта туристик фирмага тўғри келадиган туристларнинг ўртача сони;

c – барча туристларда хорижий туристларнинг улуши;

d – битта хорижий туристлардан олинадиган ўртача соф тушум.

Ушбу омилларнинг таъсирини занжирли алмаштириш усули билан аниқлаш мумкин. У ҳолда омилларни аниқлашнинг кетма-кет ҳисобланиш йўллари қуйидагича амалга оширилади:

1. Натижа ўзгаришига биринчи омилнинг таъсири қуйидаги формула билан аниқланади: $\Delta H_a = (a_1 \cdot 60 \cdot c_0 \cdot d_0) - (a_0 \cdot 60 \cdot c_0 \cdot d_0)$;

2. Натижа ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсири қуйидаги формула билан аниқланади: $\Delta H_b = (a_1 \cdot 61 \cdot c_0 \cdot d_0) - (a_1 \cdot 60 \cdot c_0 \cdot d_0)$;

3. Натижа ўзгаришига учинчи омилнинг таъсири қуйидаги формула билан аниқланади: $\Delta H_c = (a_1 \cdot 61 \cdot c_1 \cdot d_0) - (a_1 \cdot 61 \cdot c_0 \cdot d_0)$;

4. Натижа ўзгаришига тўртинчи омилнинг таъсири қуйидаги формула билан аниқланади: $\Delta H_d = (a_1 \cdot 61 \cdot c_1 \cdot d_1) - (a_1 \cdot 61 \cdot c_1 \cdot d_0)$;

Барча омилларнинг таъсири одатдагидек, натижанинг умумий фарқига тенг. Бу қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta H = \Delta H_a \pm \Delta H_b \pm \Delta H_c \pm \Delta H_d;$$

Ушбу формулаларга амалий маълумотларни ва иқтисодий таҳлилнинг занжирли алмаштириш усуллари қўллаб ечиш усуллари кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун қуйидаги жадвал тузилади (3.4.-жадвал).

3.4.-жадвал

“Шохрух” туристик фирмасининг бир мавсумлик иш натижасига таъсир қилувчи омилларнинг ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Режада	Ҳақиқатда	Фарқи (+,-)	Занжирли алмаштиришлар		
				1	2	3
1. Туристтик гуруҳларнинг сони, бирликда	8	9	+1	9	9	9
2. Битта туристик гуруҳга тўғри келадиган туристларнинг ўртача сони, киши	1472	1541	+69	1472	1541	1541
3. Барча туристларда хорижий туристларнинг улуши, %	62,3	63,4	+1,1	62,3	62,3	63,4
4. Битта хорижий туристдан олинадиган ўртача соф тушум, минг сўм	42,5	48,3	+5,8	42,5	42,5	42,5
5. Соф тушум ҳажми, млн. сўм.	311,8	424,7	+112,9	350,8	363,3	373,7

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мазкур таҳлил қилинган туристик корхонади соф тушум ҳажми 112,9 миллион сўмга кўпайган. Ушбу ўзгаришга тўртта омил таъсир қилган. Буларга қуйидагилар киради:

1. Соф тушум ҳажми биринчи омил таъсирида, яъни туристик гуруҳлар сонининг 1 тага кўпайиши эвазига 39,0 мил. сўмга ошган:

$$(350,8 - 311,8 = +39,0 \text{ млн. сўм.})$$

2. Соф тушум ҳажми иккинчи омил таъсирида, яъни битта туристик гуруҳга тўғри келадиган туристларнинг ўртача сонининг 69 нафар кишига кўпайиши эвазига 12,5 мил. сўмга ошган:

$$(363,3 - 350,8 = +12,5 \text{ млн. сўм.})$$

3. Соф тушум ҳажми учинчи омил таъсирида, яъни барча туристларда хорижий туристлар улушининг 1,1 %га кўпайиши эвазига 10,4 мил. сўмга ошган:

$$(373,7 - 363,5 = +10,4 \text{ млн. сўм.})$$

4. Соф тушум ҳажми тўртинчи омил таъсирида, яъни битта хорижий туристдан олинадиган ўртача соф тушумнинг 5,8 минг сўмга кўпайиши эвазига 51,0 мил. сўмга ошган:

$$(424,7 - 373,7 = +51,0 \text{ млн. сўм.})$$

Одатдагидек барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқи, яъни 112,9 млн. сўмни ташкил қилади:

$$(39,0 + 12,5 + 10,4 + 51,0)$$

Кўриниб турибдики ҳали туризм соҳасида омилли таҳлил усуллари етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Шу туфайли ушбу соҳага алоҳида аҳамият бериш лозим, деб ўйлаймиз.

3.2. Туристтик фирмаларнинг иқтисодий барқарорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари

Мамалакат иқтисодиётининг келажаги, унинг соҳаларидан бири бўлган туризм хизматлари соҳасидир. Туризм келажакда албатта мамлакатимизда асосий даромад келтирадиган, давлат бюджетига барқарор тушумни таъминлайдиган соҳалардан бирига айланади. Туризмнинг ривожланиши мамлакат келажагини белгилар экан, бу соҳа изчил ва барқарор тараққиёт этмоғи лозим.

Туризмнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун унинг хар бир субъектини рақобатбардош ҳолатга келтиришни тақозо қилади. Бу эса туризм соҳасида рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш заруратини туғдиради. Туризм фаолиятини баҳолаш учун бир қанча кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин.

Бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг, хусусан, туристик фирмаларнинг ҳам иқтисодий барқарор-

лигини, мустақкамлигини ва рақобатбардошлигини таъминлашни тақозо қилади. Бу эса ўз навбатида ушбу кўрсаткичларни баҳолашни, таҳлил қилишни талаб қилади.

Туристтик фирмаларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш учун унинг маржинал даромадини имкон қадар кўпайтиришни тақозо қилади. Бу эса ўзгарувчи харажатларни камайитириш эвазига эришилади.

Иқтисодий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткич аниқлаш учун туристик фаолиятдан тушган тушум (Тфт), ўзгарувчи харажатлар (Ўзх), ўзгармас харажатлар (Ўзмх), маржинал даромад (Мд) ва фойда суммаларининг (Ф) иштирокини таъминлаш лозим. Буларни аниқлагач корхонанинг иқтисодий барқарорлигини ҳисоблаш (Иб) учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$Иб = \frac{Мд - Узмх}{Тфт - Узх}$$

Мазкур формуланинг суръати фойдани (Ф) берса, махражи маржинал даромадга (Мд) тенг бўлади. Агар буларни инobatга оладиган бўлсак, корхонанинг иқтисодий барқарорлиги (Иб) Ф.нинг Мд. суммасига нисбати билан аниқланади. Мазкур кўрсаткичнинг миқдори маржинал даромаднинг фойда суммаси билан таъминланганлигини кўрсатади. Унинг миқдори қанча кўп бўлса, корхона ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар учун шунча яхши. Чунки фойданинг маржинал даромадга нисбатан қанча фоизлигини ифодалайди. Бу кўрсаткични ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$Иб = \frac{Ф}{Мд}$$

Ушбу кўрсаткич, таъкидланганидек, корхонада фойданинг маржинал даромадга нисбатан неча фоиз ташкил қилганлигини кўрсатганлиги туфайли мазкур кўрсаткичнинг миқдори қанча кўп бўлса, корхона учун шунча яхши. Бироқ, шуни инobatга олиш лозимки фирма фойдасининг миқдори бизнес режадаги миқдордан кўп бўлиши, бу бўйича кўзда тутилган режанинг бажарилган бўлиши лозим. Чунки Мд. Бир хил бўлиб фойда суммаси кўпайиб борса корхонанинг Иб. Ошиб боради. Шу туфайли ушбу кўрсаткични таҳлил қилганда албатта фойда режасининг бажарилганлигини ва унинг динамикасини ўрганиш лозим. Фойда, тенг ҳолда,

туристик фаолиятдан тушган тушум даражасига мутаносиб Ра-вишда ошиб бориши лозим.

Туризм сервиси билан шуғулланадиган фирмаларнинг молия-вий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш усуллари таҳлилга оид адабиётларда деярли ёритилмаган. Буларни инобатга олиб, келтирилган кўрсаткичларнинг аниқланиш йўллари ва қиёсий таҳлилини аниқ амалий маълумотларни қўллаган ҳолда кўрсатиб беришга ҳаракат қиламиз.

Туризм сервиси билан шуғулланадиган фирмаларнинг иқтисодий барқарорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш учун бир қанча кўрсаткичлардан фойдаланилади. Буларни амалга ошириш учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (3.5.-жадвал).

3.5.-жадвал

Самарқанд вилоятидаги бешта туризм сервиси билан шуғулланадиган фирмаларнинг иқтисодий барқарорлигини аниқлаш ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	А	Б	В	Г	Д
1. Туристлар сони, киши	2140	3780	4331	5184	6638
2. Туристик фаолиятдан тушган тушум, минг сўм	221276,0	416934,0	420322,5	420940,8	627291,0
3. Ўзгарувчи харажатлар, минг сўм	182093,5	343275,4	341640,3	340526,0	505743,2
4. Ўзгармас харажатлар, минг сўм	20841,2	38131,4	40546,8	41311,3	68265,8
5. Маржинал даромад, минг сўм (2к-3к)	39182,5	73658,6	78668,2	80414,8	121547,8
6. Фойда, минг сўм (5к-4к)	18341,3	35527,2	38135,4	39111,5	53282,0
7. Иқтисодий барқарорлик, % (6к:5к)	46,81	48,23	48,48	48,64	43,84
8. Фирмаларнинг иқтисодий барқарорлиги бўйича ўринлари	4	3	2	1	5

Манба: тегишли туристик фирмаларнинг бошқарув ҳисоби маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинди.

Ушбу жадвал маълумотларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ўрганилаётган 5 та туристик фирмалардан иқтисодий барқарорлик бўйича энг юқори кўрсаткичга эришгани Г фирмаси бўлиб ҳисобланади. Унинг Мд фойдалилиги 48,64 %га тенг. Иккинчи ўринда В туристик фирмаси турган бўлса, 3-ўринни Б

фирмаси эгаллаган. 4-ўрин А фирмасига тўғри келади, энг охириги 5-ўринни Д фирмаси эгаллаган. Фирмаларнинг эгаллаган ўринларига қараб, қайси туристик фирмада нималарга эътибор бериш лозимлиги келиб чиқмоқда. Биринчи галда асосий эътиборни Д фирмасига берадиган бўлсак, навбатдаги эътиборни А фирмасига қаратиш лозим ва ҳ.к.

Таҳлилнинг туристик фирмаларни ўрганишдаги навбатдаги вазифаси, айнан туризм сервиси билан шуғулланадиган фирмаларнинг иқтисодий мустаҳкамлигини баҳолаш ва таҳлил қилишдан иборатдир. Чунки бозор муносабатлари шароитида ушбу кўрсаткичларни аниқламасдан, уларнинг барқарорлигини таъминламасдан туриб, уни банкротликдан, иқтисодий инқирозлардан сақлаб қолиш жуда мураккаб бўлади. Шу туфайли мазкур масала ҳам эътибордан четда қолиб кетмаслиги лозим.

3.3. Туризм сервиси билан шуғулланувчи фирмаларнинг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларнинг таҳлили

Бозор муносабатлари шароитида корхона фаолиятига баҳо беришда қўлланилиши лозим бўлган кўрсаткичлардан бири, бу унинг иқтисодий мустаҳкамлигини (Им) ифодаловчи кўрсаткичлардир. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун туристик фаолиятда хизмат кўрсатилган туристлар сонини (Тур) фойдалилик нуқтасини таъминловчи (Фн) туристлар сонига (Тур.фн) бўлиш лозимдир. Бу учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз.

$$K_{им} = \frac{Тур}{Узмх : Тмф} = \frac{Тур}{Тур.фн}$$

Ушбу формулада фойдалилик нуқтасини таъминловчи туристлар сонини (Тур.фн) аниқлаш учун ўзгармас харажатларни (Ўзмх) туристик фаолиятнинг маржинал даромадлигига (Тфмд) бўлинади. Бунини қуйидаги формула орқали аниқлашни тавсия қиламиз:

$$Тур.фн = \frac{Узмх}{Тфмд}$$

Агар ушбу формула орқали ҳисобланган миқдор бирга тенг бўлса (Тур.фн = 1) корхона ўз фаолиятида зарар ҳам кўрмаган ва фойдага ҳам эришмаган бўлади. Агар Тур.фн > 1 бўлса туристик фирма фойдага эришганлигидан, Тур.фн < 1 бўлса зарар кўрган-

лигидан далолат беради. Ушбу кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлили куйидаги жадвалда келтирилган (3.6.-жадвал).

3.6.-жадвал

Самарқанд вилоятидаги бешта туристик фирмалар рақобатбардошлигининг миқдори ва даражасининг қиёсий таҳлили

Кўрсаткичлар	А	Б	В	Г	Д
1. Туристлар сони, киши	2140	3780	4331	5184	6638
2. Туристик фаолиятдан тушган тушум, минг сўм	221276,0	416934,0	420322,5	420940,8	627291,0
3. Ўзгарувчи харажатлар, минг сўм	182093,5	343275,4	341640,3	340526,0	505743,2
4. Ўзгармас харажатлар, минг сўм	20841,2	38131,4	40546,8	41311,3	68265,8
5. Маржинал даромад, минг сўм (2к-3к)	39182,5	73658,6	78668,2	80414,8	121547,8
6. Фойда, минг сўм (5к-4к)	18341,3	35527,2	38135,4	39111,5	53282,0
7. Иқтисодий барқа-рорлик коэффиценти (6к:5к)	46,81	48,23	48,48	48,64	43,84
8. Туристик фаолият-нинг ўзгарувчи харажат-лилиги, минг сўм (3к:1к)	85,09	90,81	78,88	65,69	76,19
9. Туристик фаолият-нинг самарадорлиги, минг сўм (2к:1к)	103,4	110,3	97,0	81,2	94,5
10. Туристик фаолиятнинг маржинал даромадлиги, минг сўм (9к-8к)	18,31	19,45	18,12	15,51	18,31
11. Фойдалилик нуктаси миқдори, киши (4к:10к)	1138	1960	2238	2664	3728
12. Фойдалилик нуктаси суммаси, минг сўм (11к . 9к)	117669,2	216188,0	217086,0	216316,8	352296,0
13. Корхонанинг иқтисо-дий мустаҳкамлик коэф-фиценти (1к:11к)	1,88	1,93	1,94	1,95	1,78
14. Корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлиги бўйича эгаллаган ўринлари	4	3	2	1	5

Манба: тегишли туристик фирмаларнинг бошқарув ҳисоби ва 3.1.-жадвал маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинди.

Корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлиги бўйича Г фирма етакчилик қилмоқда. Унинг миқдори 1,95 коэффицентни ташкил қилади. Бу кўрсаткич эришилган натижанинг, яъни туристлар сонининг фойдалилик нуктасини таъминлайдиган туристлар сонига нисбатан 1,95 марта

кўплигини билдиради. Қиёсий таҳлил натижалари бўйича 2-ўринни В фирмаси эгаллаб турибди. Унинг миқдори 1,94 мартани ташкил қилади. Мос равишда 3-ўринда Б фирмаси, 4-ўринда А фирмаси ва ниҳоят охириги 5-ўринда Д фирмалари эгаллаб турибдилар. Қиёсий таҳлил натижасининг кўрсатиши бўйича, тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш, қайси фирманинг қайси жиҳатларига аҳамият бериш лозимлиги каби масалалар ойдинлашади.

Бозор муносабатлари шароитида таҳлилнинг асосий вазифаларидан бири, туризм сервиси билан шуғулланадиган фирмаларнинг молиявий мустаҳкамлиги ва рақобатбардошлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари кўрсатиб беришдан иборатдир. Чунки ушбу кўрсаткичларсиз эркин рақобат майдонида юқори самардорлик билан фаолият кўрсатиш бироз мураккаб бўлади.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналар хўжалик фаолиятини баҳолашда энг муҳим кўрсаткичлардан бири унинг молиявий мустаҳкамлиги ёки рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлардир (Крб). Ушбу кўрсаткич, туристик фаолиятдан тушган тушумнинг фойдалилик нуқтасидан қанча юқори эканлигидан далолат беради. Уни аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади.

$$K_{рб} = \frac{T_{фт}}{T_{ур.фн}}$$

Агар $K_{рб} = 1$ бўлса туристик фаолият натижасида олинган тушум фақат барча харажатларни қоплаганлигидан, ҳеч қандай фойда ёки зарар кўрмаганлигидан далолат беради. Агар $K_{рб} > 1$ бўлса корхона молиявий жиҳатдан мустаҳкам рақобатбардошлигидан далолатдир. Агар $K_{рб} < 1$ бўлса корхона ўз харажатларини ўзи қопламаётганлигидан, унинг фаолияти рақобатбардош эмаслигидан далолатдир. Ушбу кўрсаткичларнинг қай даражада эканлигини аниқлаш учун унинг молиявий мустаҳкамлик даражасини (Ммд) ҳам аниқлашни тақозо қилади. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун молиявий мустаҳкамлик (рақобатбардошлик) миқдорини (Крб) юзга кўпайтириб туристик фаолиятдан тушган тушумга (Тфт) бўлиш кифоя. Буни аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$M_{мд} = \frac{K_{рб} \cdot 100}{T_{фт}}$$

Туристик фирмаларнинг молиявий мустаҳкамлик даражаси, унинг рақобатбардошлик даражасини ҳам ифода этади. Ушбу

кўрсаткичлар асосида бир қанча туристик фирмалар бўйича тегишли ўринларни аниқлаш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, барча хўжалик юритувчи субъектларда уларнинг иқтисодий барқарорлиги, молиявий мустаҳкамлиги, рақобатбардошлиги, фойдалилик нуктаси каби кўрсаткичлар бир-бирига ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Корхоналар фаолиятига баҳо беришда албатта ушбу бир-бирига боғлиқ кўрсаткичлар тизимини инобатга олиш лозим, деб ўйлаймиз.

Мазкур кўрсаткичлар бўйича, таҳлил қилинаётган 5 та туристик фирманинг рақобатбардошлиги қиёсий ўрганилди (3.7.-жадвал).

3.7.-жадвал

Самарқанд вилоятидаги бешта туристик фирмалар рақобатбардошлигининг миқдори ва даражасининг қиёсий таҳлили

Кўрсаткичларнинг номи	А	Б	В	Г	Д
1. Туристлар сони, киши	2140	3780	4331	5184	6638
2. Туристик фаолиятдан тушган тушум, минг сўм	221276,0	416934,0	420322,5	420940,8	627291,0
3. Ўзгарувчи харажатлар, минг сўм	182093,5	343275,4	341640,3	340526,0	505743,2
4. Ўзгармас харажатлар, минг сўм	20841,2	38131,4	40546,8	41311,3	68265,8
5. Маржинал даромад, минг сўм (2к-3к)	39182,5	73658,6	78668,2	80414,8	121547,8
6. Фойда, минг сўм (5к-4к)	18341,3	35527,2	38135,4	39111,5	53282,0
7. Иқтисодий барқарорлик коэффициенти (6к:5к)	46,81	48,23	48,48	48,64	43,84
8. Туристик фаолиятнинг ўзгарувчи харажатлилиги, минг сўм (3к:1к)	85,09	90,81	78,88	65,69	76,19
9. Туристик фаолиятнинг самарадорлиги, минг сўм (2к:1к)	103,4	110,3	97,0	81,2	94,5
10. Туристик фаолият-нинг маржинал даромад-лилиги, минг сўм (9к-8к)	18,31	19,45	18,12	15,51	18,31
11. Фойдалилик нуктаси миқдори, киши (4к:10к)	1138	1960	2238	2664	3728
12. Фойдалилик нуктаси суммаси, минг сўм (11к. 9к)	117669,2	216188,0	217086,0	216316,8	352296,0
13. Корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлик коэффициенти (1к:11к)	1,88	1,93	1,94	1,95	1,78

14. Молиявий мустаҳкам-лик (ракобатбардошлик) миқдори, минг сўм (2к-12к)	103606,8	200746,0	203236,5	204624,0	274995,0
15. Молиявий мустаҳкам-лик (ракобатбардошлик) даражаси (14к:2к . 100), %	46,82	48,15	48,35	48,61	43,8
16. Фирмаларнинг ракобатбардошлиги бўйича ўрни	4	3	2	1	5

Манба: Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган 5 та туристик фирмалар маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби натижалари. Туристлик фирмаларнинг номлари шартли равишда ҳарфлар билан белгилаб олинди. Айрим кўрсаткичлар методологик асосни таъминлаш мақсадида тақрибан олинди.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, таҳлил қилинаётган бешта туристик фирмаларда (улар шартли равишда А, Б, В, Г, Д ҳарфлар билан белгилаб олинган), иқтисодий барқарорлик «Г» фирмадаги 48,64 %дан «Д» фирмада 43,84 гача масофага эга. Ушбу маълумотлар бўйича хулоса қилинадиган бўлса, туристик фирманинг иқтисодий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар миқдори анча юқори. Иккинчи ўринда «В» фирмаси 48,48 % миқдор билан турибди, учинчи ўринни 48,23 % миқдор билан «Б» фирма эгаллаган бўлса, тўртинчи ўрин 46,81 % миқдор билан «А» фирмага тўғри келади.

Охирги ўринда 43,84 % миқдор билан «Д» фирма турибди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, «Г» туристик фирмасининг олаётган маржинал фойдасининг қарийб ярмини (48,6 %) фойда суммаси ташкил қилади. Бундай жараён бозор муносабатлари шароитида ижобий ҳисобланади ва мазкур фирмани иқтисодий жиҳатдан барқарор деб баҳолаш мумкин. Худди шундай ҳолатни туристик фирмаларнинг иқтисодий мустаҳкамлик даражаси бўйича ҳам кўриш мумкин.

Таҳлил кўрсатмоқдаки, корхонанинг иқтисодий барқарорлиги юқори бўлган фирмада унинг иқтисодий мустаҳкамлиги ҳам юқори. Ушбу ҳолатни характерловчи кўрсаткичлар ифодалашича биринчи ўринни «Г» фирмаси 1,95 коэффицент билан эгаллаган бўлса, иккинчи ўринда 1,94 коэффиценти билан «В» фирмаси, учинчи ўринда 1,93 коэффицент билан «Б» фирмаси эгаллаб турибди. Ушбу кўрсаткич бўйича ҳам худди иқтисодий барқарорлик

сингари тўртинчи ўринда «А» фирма (1,88) ва бешинчи ўринда «Д» фирма (1,78) турибдилар.

Корхоналарнинг молиявий мустаҳкамлиги, яъни рақобатбардошлиги жиҳатидан ҳам шу бешта фирма маълумотлари таҳлил қилинди. Рақобатбардошликнинг миқдори бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, энг юқори кўрсаткичга «Д» фирма эришган, иккинчи ўринда «Г» фирма ва ниҳоят охириги ўринда «А» фирма турибди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, рақобатбардошликнинг миқдори ҳам бошқа миқдорий кўрсаткичлар сингари таҳлил қилинаётган кўрсаткичлар ҳолатига баҳо бериш учун етарли эмас. Шу туфайли рақобатбардошликнинг даражасини аниқлашни тавсия қилганмиз ва аниқ маълумотлар асосида уларнинг кўрсаткичлари ишлаб чиқилган. Ушбу кўрсаткичлар бўйича хулоса қилинадиган бўлса, шунини таъкидлаш жоизки, 5 та фирма ичида энг рақобатбардошли фирма «Г» фирмасидир. Иккинчи ўринда «В», учинчи ўринда «Б», тўртинчи ўринда «А» ва ниҳоят бешинчи ўринда «Д» фирмалари эгаллаганлар.

Хулоса қилиб айтганда, фирмаларнинг иқтисодий барқарорлиги, мустаҳкамлиги ва рақобатбардошлигини баҳолаш ва қиёсий таҳлил қилиш бўйича ишлаб чиқилган тавсияларимиз амалиётга жорий қилинса, сўзсиз, корхоналар ишини яхшилаш, рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш имконияти туғилади ва таъсирчан бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз кескин ривожланиш палласига кирди. Бу ҳолатда ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришишнинг муҳим йўлларида бири мамлакатимизнинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланишига ҳам бевосита боғлиқ. Шу туфайли бу соҳага эътибор берилиб, унинг қонуний ва моддий техник асоси яратилди. 1992 йилда “Ўзбектуризм” Миллий компанияси ташкил этилди, 1995 йилда Ўзбекистонда 2005 йилгача туризмни ривожлантириш бўйича Давлат дастури қабул қилинди. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда туризмни ривожлантириш учун қонуний асос бўлиб хизмат қилмоқда. Аммо бу соҳа бўйича мавжуд салоҳиятдан етарлича фойдаланилмапти. Чунки унинг ривожланиш тенденцияси, туристик салоҳиятдан самарали фойдаланиш йўллари, уни ташкил қилиш, бошқаришни такомиллаштириш, рақобатбардошлигини баҳолаш каби масалалари назарий ва амалий жиҳатдан ҳамон чуқур ўрганилган эмас.

Бозор муносабатлари шароитида ҳамма соҳада бўлганидек, туризм соҳасида ҳам эркин рақобат ҳукм суради. Бу соҳанинг рақобатбардошлигига нафақат ички, балки кўп ҳолларда ташқи омиллар ҳам етарли даражада таъсир қилади. Шу туфайли ушбу соҳанинг рақобатбардошлигига баҳо беришда, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишда ички омиллар билан бирга ташқи омилларни ҳам инобатга олиш лозим.

Туризм соҳасида рақобатбардошликни аниқлаш учун икки жиҳатдан ёндашмоқ лозим. Биринчидан, ушбу соҳа ўзига фойда келтиришни таъминласа, иккинчидан, у давлатга ҳам фойда келтириши лозим. Шу икки жиҳатга эришилса, табиийки, у аҳолига ҳам, айниқса уларни иш билан таъминлаш орқали даромадларини кўпайтиришга ҳам хизмат қилади. Агар ушбу талабдан келиб чиқадиган бўлсак, туризм соҳасида рақобатбардошликни ифодалаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ушбу соҳада рақобатбардошликни ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимини уч гуруҳга бўлиш лозим. Буларга:

- туризм соҳасининг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;

- туристик фирмалар рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;

- туристик хизматлар рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;

Мазкур бобда, ушбу келтирилган кўрсаткичлардан фақат туризм соҳасининг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимига тўхталамиз. Таҳлил жараёнида ушбу кўрсаткичларнинг ҳар бирини аниқлаб, уларнинг ахборот таъминотини аниқ белгилаб, ўзгаришларига тегишли хулосалар бериш лозимдир. Бу кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

1. Туристик соҳа даромадлигининг рақобатбардошлиги;

1.1 Туристик фирмаларнинг харажатлари рентабеллиги (P_x)

$$P_x = \frac{\Phi_c}{X_b} \cdot 100$$

Бунда: Φ_c – Соф фойда,

X_b – барча харажатлар миқдори.

1.2 Туристик фирмаларнинг даромадлиги (D_t)

$$D_r = \frac{D_{я}}{X_B} \cdot 100$$

Бунда: $D_{я}$ – туризм соҳасининг ялпи даражаси.

2. Туризм соҳасидан давлатнинг фойда қилиши орқали унинг фаолиятидан манфаатдорлиги:

2.1 Туризм соҳасидан тушадиган солиқлар ва бошқа тушумларнинг ўзгариш суръати (Сўс):

$$C_{yc} = \frac{СОЛ_{хй}}{СОЛ_{уй}} \cdot 100$$

Бунда: $СОЛ_{хй}$ – солиқ ва бошқа тушумларнинг ҳисобот йилидаги миқдори;

$СОЛ_{уй}$ – солиқ ва бошқа тушумларнинг ўтган йилдаги миқдори;

2.2 Туризм соҳаси тўлайдиган солиқларнинг давлат (махаллий) бюджетдаги улуши (Сул):

$$C_{ул} = \frac{СОЛ_{хй}}{Б_M} \cdot 100$$

Бунда: $Б_M$ – бюджетнинг умумий миқдори.

2.3 Туризм соҳасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши (T_M .ул):

$$T_{M,ул} = \frac{T_M}{ЯИМ} \cdot 100$$

Бунда: T_M – туризмнинг ялпи маҳсулоти;
 $ЯИМ$ – ялпи ички маҳсулот;

2.4 Хорижий валюта тушумининг ўзгариш суръати:

$$X_B = \frac{X_{е_х}}{X_{е_{уй}}} \cdot 100$$

Бунда: $X_{е_х}$ – хорижий валюталарнинг ҳақиқий миқдори

$X_{е_{уй}}$ – хорижий мамлакатларнинг ўтган йилдаги миқдори.

3. Туризм соҳасидан аҳолининг қилинган фойдаси

3.1 Аҳолининг иш билан бандлиги даражаси ($A_{бд}$):

$$A_{бд} = \frac{T_{хс}}{И_{ххс}} \cdot 100$$

Бунда: $T_{хс}$ – туризм соҳасида банд бўлган мақдими сони;

$И_{ххс}$ – иш қобилиятига эга ҳодимлар сони.

3.2 Туризм соҳасидан олинадиган даромаднинг аҳоли жон бошига тўғри келиши (Дажб):

$$D_{ажс} = \frac{TД}{A}$$

Бунда: ТД – туризм соҳасидан аҳолига тегишли даромадлар микдори;

А – аҳолининг ўртача йиллик сони.

Таҳлил жараёнида ҳар бир кўрсаткич бўйича унинг мутлақ ва нисбий фарқи топилади. Уларнинг ўзгариш тенденциясини аниқлаш учун динамикаси ҳам таҳлил қилинади. Таҳлилнинг энг муҳим вазифаларидан бири ўрганилаётган кўрсаткичлар ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини ҳисоблашдан иборатдир. Бу омилли таҳлил мазкур кўрсаткични яхшилаш бўйича ички имкониятларни ахтариб топиш ва таъсирчан қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Таҳлилнинг яна муҳим вазифаларидан бири рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидан ягона комплекс кўрсаткични аниқлаб, таҳлил қилинаётган субъектлар бўйича рейтингини аниқлашдан ҳам иборатдир. Бу учун кўрсаткичлар тизими асосида ягона комплекс кўрсаткични аниқлаш усулларидан фойдаланиш йўли билан туризм соҳасида рақобатбардошлик бўйича уларнинг рейтингини аниқлаш мумкин. Бундай усуллар, таъкидланганидек, иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилган. Шу туфайли бу масалага тўхталмадик. Бундан ташқари, биз ушбу мақолада фақат туризм соҳасининг рақобатбардошлигини кўриб чикдик. Бу соҳада ушбу кўрсаткичлардан ташқари, таъкидланганидек, яна туристик фирмалар рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва туристик хизматлар рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам мавжуд. Таҳлил жараёнида ушбу кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Зеро, туризм мамлакатимиз учун иқтисодиётнинг муҳим даромад келтирувчи соҳаларидан биридир.

4-бoб. ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХУДУДИЙ ВА ТАРКИБИЙ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ

4.1. Буюк Ипак йўлида туристик сервисни амалга ошириш масалалари

Буюк Ипак йўли ўн минг километрлик масофадаги турли географик худудлардан ўтувчи Гоби, Танла-Макан, Қизилқум, Қорақум чўллари ва баланд тоғ тизимларини ўз ичига олади. Кун-Лун, Тималай, Тянь-Шан, Помир тоғлари ўтган, лекин Буюк Ипак йўлининг асосий фарқи шундаки, ушбу мўжиза – йўл давлатлараро ташкилотлар, марказий ҳокимиятлар, давлат институтлари томонидан назорат қилинган. Ушбу йўл бўйича давлат қарвонларнинг хавфсизлигига ва уларни таъминот хизматлари билан «Сув манбалари, овқатланиш, ем-хашак, дам олиш масканлари, кўриқлаш» таъминланишига кафолат берган, ёки ҳозирги тушунча бўйича туристик сервис билан таъминланган бош туристик сервисга биринчи навбатда йўлларнинг ҳолати киритилган. Буюк Ипак йўли қуйидаги ҳолатда бўлган.

Қарвон савдосини кўп асрлик ривожланиш давомида йўллари кенг ривожланган ва яхши ташкил қилинган, улар бир вақтнинг ўзида бир қаторда олти, саккиз ва ҳатто йигирмата туянинг бир вақтда ҳаракат қилишга имконият берилган. Кўпчилик қарвонлар фақат ҳайвонлардан 3000 дан зиёдни ташкил этган. Қимматбаҳо юкларни кўриқлаш ва қарвонларни кузатиш учун кўп сонли кўриқчилар отряди тузилган.

Бундай қарвонларни қабул қилиш хусусан қиш пайтида одамларни ва ҳайвонларни жойлаштириш, уларнинг сув ва озиқ-овқат билан таъминлаш осон бўлмаган, шу сабабли савдо ҳунармандчилиқ шаҳарлар ва қарвон-саройлар атрофида, деҳқончиликнинг ривожланган тизимлари вужудга кела бошлади.

Шундай қилиб ушбу йўлнинг барчаси хизмат кўрсатувчи қишлоқ хўжалиқ системасига эга бўлган йирик туристик комплексдан иборат бўлган ва у йўлда зарурий овқатланиш маҳсулотлари билан таъминланган.

Туризмдаги бошқа муҳим омил ишончли почтанинг мавжудлигидир. Буюк Ипак йўлида қандай амалга оширилган?

Ўрта асрдаги саёҳатчи Кураш Ибн Жафар исмли муаллиф 945 йилда ёзилган ўзининг «Китоб Ал Харадж» китобида қуйидаги-

ларни таъкидлайди: «Қошгария чегарасидаги Суябдан юқори Варсахангача яйловлар ва сувлар бўйича карвон йўли учун ўн беш кунлик йўл бўлса, туркларнинг почта йўли учун – уч кун» (3, 15). Турклар сўзини таъкидлаш орқали муаллиф шу нарсани кўрсатадики, айнан ушбу этнос ўша даврларда, Буюк Ипак йўли атрофида жойлашган, турли давлатлардаги махсус хизматларни талаб қилувчи почта хизматларини ташкил этган. Ушбу хизмат орқали ёзма маълумот юбориш, қабул қилувчи эса уни бошқа давлатда олиши мумкин бўлган. Турклар почтаси доимий равишда минг йиллар давомида карвонларга қараганда беш маротаба тезликда ишлаган.

Буюк Ипак йўлида саёҳатчиларга йўл туристик хизматларнинг бутун бир комплекси кўрсатилган. Буни Амир Темур бошқарган даврларда яққол кўриш мумкин.

Ўз империяси қудрати, гуллаб яшнаши ва дунёдаги обрўйи тўғрисида ғамхўрлик қилиб, Амир Темур, кейинроқ унинг издошлари Буюк Ипак йўлининг ободонлаштиришига катта эътибор берганлар. Улар катта маблағларни карвон йўлларини ободонлаштириш ва қайта таъмирлаш ҳамда янги йўлларни қуришга сарфлаганлар. Йўллар империянинг шон-шухратига мос келиши лозим бўлган ва унда ҳар бир саёҳатчи, савдогар ва элчи ўзини хатарсиз ва қулай сезган.

Ўта муҳим бўлган йўллараро атрофида кудуклар, сардоблар, кўриқлаш манзиллари (қоровул тепалар), заҳира отларга эга бўлган почта станциялари (чукурлар), мустаҳкамланган рабадалар, карвон саройлар ва меҳмонхоналар (лангарлар) қурилган. Сузиш воситалари (гусарлар) яратилган, мустаҳкам кўприклар ва акведуклар қурилган. Йирик аҳоли пунктларида, мажбурий равишда тижорат бозорлари, озиқ-овқат, биринчи навбатдаги зарурий товарлар, ем-хашак ва ёқилғи омборлари барпо этилган. Катта йўллар ўтадиган йирик қишлоқларда Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги «тим» туридаги ёпиқ бозорлар барпо этилган. Бундай мураккаб ва ўзаро боғлиқ бўлган йўл савдо комплексида минг-минглаб одамлар хизмат кўрсатишган. Улар карвонларни совуқ ва сувсиз чўллардан, тоғлардаги хавфли йўлакчалардан ўтказишни таъминлаш, уларни йўриқлаш ва ҳатто табиий офатлардан қутқариш ишларини ҳам амалга оширганлар. Уларнинг зиммаларига қолган ишлар ҳам юклатилган. Жумладан, йўлларни, кўприкларни таъмирлаш, ўтин ва ем-хашак, сувни тайёрлаш ва ҳоказолар (1.37).

Буюк Ипак йўлида транспорт воситалари муаммоси куйидагича ҳал этилган. Асосий транспорт бўлиб, туялар, отлар, эшаклар, хўкизлар ва филлар хизмат қилган. Ушбу ҳайвонлар катта қум ва сахро зоналарини ўтиб бўлмас тоғ ҳудудларини босиб ўтишда қарвончиларга асосий ташиш кучи ва қисман озик-овқат маҳсулоти сифатида хизмат кўрсатган. Улар тўғрисида маълумотларни Зараутсой (Ўзбекистон), саймалитош (Қирғизистон) қояларидаги тасвирларда, Афросиёб (Ўзбекистон) музейининг деворларидаги ёзувларда ва Марказий Осиёнинг аниқланган турли археологик қазилмалардаги ҳайкаллардан билиш мумкин.

Қарвон йўлларининг бутун давомида чўл зоналарида ҳаракатнинг асосий воситаси бўлиб туя хизмат қилган, кейинчалик у чўл кемаси номини олган.

«Ушбу йўлларни фақат икки ўрқачли бактрий туяларининг афзалликлари орқали ўтиш мумкин бўлинган. Улар чанқаган савдогарлар учун ер ости булоқларини топишга ёрдам беришганлар» (4.28)

Туялар бир ва икки ўрқачли бўлади. Уларнинг суяк қолдиқлари, девордаги чизмалар, ҳайкалчалар ва тасвирларнинг ўрганилиши шуни кўрсатадики, уларнинг икки формасидан транспорт воситаси сифатида фойдаланилган. Улар орасида Туронлик икки ўрқачли бактриан туялари кўпчиликни ташкил этган.

Буюк Ипак йўлида фойдаланилган транспорт воситалари таҳлили шуни кўрсатадики, Буюк йўлни туялар билан таъминлашда Турон катта рол ўйнаган. Ипак йўлининг трассаларида асосан бактриандан чиққан икки ўрқачли туялардан кенг фойдаланилган.

Ушбу йўллар фақат бактрий (2 ўрқачли) туялар туфайли ўтилган. Улар иссиқ қумлар ва текис ҳудудлардаги жойлардан бемалол ўта олишган. «Агарда кучли тамос яқинлашса, фақат қари туялар уни олдиндан сезишадилар, тўда бўладилар ва ўз юзларини қумга кўмадилар. Одамлар буни сезадилар ва ўша вақт ўзида оғиз ва буринларини ўрайдилар. Ушбу шамол бир зумда келади ва шунингдек қисқа вақт тўхтайтиди, лекин инсон ўзини шундай йўл билан ҳимоя қилмаса, албатта ҳалок бўлади». (4, 28, 29). Шу сабабли қарвон йўли давомида иссиқ Турондан тортиб совуқ Сибиргача Туронлик бактриан яхши хизмат қилган.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Сибирнинг Жанубий ҳудудларида ҳам ушбу ҳайвонлардан юкларни ташишда фойдаланилган. «Жумладан, Маякова шаҳарчаси ҳудудида Э.У.Эрдниев

«Бууюк Ипак йўлида»ги асосий транспорт воситалари бўлгау туянинг суякларини топди» (5,99).

«Бактриандан ташқари «Қаршилиқ тез юрар туялар ҳам машхур бўлган, улар Ўрта Осиёни Кавказ орти йўли билан боғловчи карвоқ йўлларида, шунингдек Вегадаги Балгарлар шахри билан боғланишда кенг фойдаланилган. Бу асосан X-XI асрларда» (5, 265).

Қадимги Ўрта аср ҳайкаллари қатламларида от ва эшак суяқ қолдиқларининг сақланиши тавсифи (аксарият бутун ҳолда) шундан далолат берадики, улардан кўпинча тортиш кучи сифатида фойдаланилган. Хитойдаги ипак йўлининг бошланишида қадимги даврдан катта бошли, кичик бўйли от-тариан (ёки Прижевальский оти) ва хоналаштирилган Монгол Пониси топилган. Улар Осмон ости давлатининг асосий тортишиш кучи ҳисобланган. Шу сабабли хитойликлар Ғарбдаги ва Шимолдаги йирик отларга қизиқишган. Шимолда турк халқлари яшашган ва улар Хитой учун отларнинг асосий манбаси бўлган.

Тури отлари шунчалиқ муҳим бўлишганки, мағрур хитойликлар ушбу ҳайвонларни қўлга киритиш учун турли кичик камайтирилганликларга боришган. Бир ҳолатда династияни бошқаришнинг биринчи йилларида Хитой шахзодаси шахсан турк хон ва унинг алоҳида ўрдасига кириш орқали камситилган. У ерда уни димоғдорлик билан кутиб олишган. Фақатгина шахзода ўзининг бой иноилларини қабули бирданига тантанали ва аниқ бўлди, Хон саройига эса жавоб элчихонаси отлар тўдаси билан юборилди. 751-732 йилларнинг қишида Бильгекаган номли қудратли ҳукмдор хон пойтахтига элликта юқори сифатли отларни юборди. Бу денои миннатдорчилик тавсифига эга бўлган.

Хитойликларнинг асосий қизиқишлари Турондаги Давон (Фарғона) отларига бўлган. Хитойликлар давон отларини қони ва тери билан осмон отлардан келиб чиққан деб қарашганлар. Хитойнинг Цянханшу манбаасида эътироф этилганидек, давон юқори тоғларида шундай отлар мавжудки, уларни ушлаб бўлмайди, шунинг учун «беш қақиримлилар танланади, яъни турли рангли бойтоллар тоғ ёнларига қўйиб юборилади, мақсад тоғлиқ отлар билан қўшилиш, улардан қон ва терли тойчалар туғилишади ва шу сабабли «осмон ости отлари нави» деб аталади» (6, 123).

Бичурин III 59

Даванликлар винони севадилар ва уларнинг отлари му-су... ўтини яхши кўради. Аргамаклар жуда кўп. Айтишларича, охирги-лари осмон отлари туридан келиб чиққан.

Шу сабабли ушбу отларга эгалик қилиш учун Хитой ҳукумдорлари даван ҳукумдорликларига ҳатто олтин билан тўлашга ҳам тайёрдилар. «Маълумки, император Даванга ўз элчисини аргуман отларига алмаштириш мақсадида минг лан олтин ва олтин отни юборган, лекин рад жавобини олган» (4,93).

Шу сабабли минг йиллар давомида Турон отлари Хитойликлар учун асосий қизиқиш объекти бўлган. «Сюан-Цзен ҳукумдорлик қилган пайтларда (асосан VIII асрда) Трансоксианнинг бой шаҳарлари, кенг яйловлари ва унга яқин тоғларидан, шунингдек Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Тохиристон, Нача, Кеша, Кабудан, Маймурга ва Хутталандан араб қонига бой отлар келиб тушган» (4,95).

Лекин кўпроқ ривожланаётган Буюк Ипак йўли янги-янги тортиш кучини тилаб қолди ва уни таъминлаш учун барча давлатлардан отлар харид қилиш бошланди. Отларни етиштиришга асосан турклар мослашганлиги туфайли, улар асосий таъминотчилар ҳисобланишган.

«Ҳатто Ҳиндистоннинг шимолий-ғарбида жойлашган узок иссиқ давлат Капица (қадимги Гандхаза)да сиртлонлар етиштирилади ва филларга бой ҳисобланган жойда ҳам турклар ҳукумронлик қилишган ва улар Хитойга 637 тенгли —кагин Тай-цзун ҳукумронлиги даврида отларни юборишган» (4,95).

Буюк Ипак йўлидаги кенг тарқалган воситалардан бири эшак ҳисобланган. Бу ерда биз шу нарсани кўришимиз мумкинки, йўлнинг шароитларига боғлиқ ҳолда ҳайвонлар алмаштирилган. Масалан, Туроннинг маълум ҳудудлари деб, ҳайвонлар сифатида фойдаланганлик мисолларини кўриш мумкин. «Сурхон воҳаси ва Туркманистоннинг жанубида эшак қолдиқлари отларникига қараганда икки баробар кўп топилган, туя суяклари ҳам кўп учрайди. Эҳтимолдан холи эмас, эшакдан кўпинча тоғли ҳудудларда юк ташиш учун фойдаланилган» (7,71).

Карвон йўлларида транспортнинг алоҳида турлари сифатида йирик шохли моллардан фойдаланилган. Чунки унинг қадимги одамлар учун белгиланиши алоҳида бўлган. Яъни гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш. Астиологик материаллар ва ҳайкаллардаги ҳўкизлар сони нисбатан кўп эмас. Масалан, ҳўкизлар ҳиссаси 2 % ни, эски хоразмийликларда 3,8 % ташкил этган. Улар-

дан кўпинча деҳқончиликда ва араваларни ташишда фойдаланилган. Буни ячиги сой, суръатли сой, қояларидаги тасвирлар тасдиқлайди.

Ушбу ҳайвонларнинг Хоразмдаги жойда катта сонли қолдиқларини аниқланиши шу билан изоҳланадики, «Хоразм – Окс дарёсининг куйида жойлашган давлатни ва у шу билан топилганки ундаги савдогарлар Осий давлатлари бўйича ҳўкизлар кўшилган араваларда ҳаракат қилишган» (4,287).

Буюк Ипак йўлида юкларни ташиш воситаси сифатида асосан ҳайвонлар фойдаланилган. Бу ўз-ўзидан маълумки, ташиладиган юклар сонини чеклайди, чунки ҳайвон томонидан ташиладиган юк жуда чегараланган бўлган. Агарда ушбу транспорт ҳайвонларидаги тортиш кучи сифатида фойдаланилса ва ғилдирак қўлланилса ташиладиган юклар кўпаяди. Тадбиркор туронликлар биринчилар қаторида ва Буюк Ипак йўлининг турон қисмида хоразмликлар ҳўкиз кўшилган аравалардан фойдалана бошладилар. Бу тўғрисида америкалик олим Эдверт Шефернинг юқорида қайд қилган таъкиди мисол бўлади. Шундай қилиб транспорт мақсадларида ғилдиракдан фойдаланиш бўйича биринчиликни Туронга бериш мумкин, Қадимги Хоразмга ва Буюк Ипак йўлига XIV асрдаги италиялик саёҳатчи Барди, Франческо, Пеголотти, ғилдиракли транспортни куйидагича таърифлайди. «Кейинчалик Саройчикгача (кичик Сарой ҳозирги Буриев вилоятининг Саройчиков қишлоғи) лавозимгача (ургсиггача) аравада 70 кун (8,82).

Чўлнинг ушбу бўлагини XIV асрда ўтган араб саёҳатчиси Ибн Батуа маълумотларига кўра ғилдиракли транспортдаги тортувчи ҳайвонларни турли ишлари қўлланилган. «ас-Сарра чиққач 10 кундан кейин биз Саройжук шаҳрига келдик, жук дегани – «кичик»... ушбу шаҳарда араваларни тортган аравалардаги саёҳатимиз тугади. Биз уларни у ерда ҳар бир от учун тўрт динордан соттик ва араваларни тортиш учун туяларни ёлладик. У ердан биз шошилиш равишда ўттиз кун юрдик, бир кунда икки марта тўхтаган ҳолда кечки тонгда ва куёш ботишида... Ҳар бир саёҳатчи ов, ҳатто овқатланиш вақти ва уйқуда ҳам аравада юришни тўхтатмади» (9,255).

Ундан ташқари буюк турон ҳудуди деб транспортда ҳам фойдаланилган. Ушбу ҳудуддаги асосий сув йўли бўлиб Амударё дарёси ҳисобланган. Бу тўғрисидаги маълумотни биз Ибн Батуа китобида топамиз.

«Хоразмдан кейин Жайхун дарёси оқади. Бу жаннатдан йўл оладиган тўрт дарёнинг биридир. Ушбу дарё Итил каби қишда музлайди ва шунда одамлар яшашлари мумкин. У муз билан беш ой давомида қопланади... Ёз кунларида дарё бўйича кемаларда Термизга сузадилар ва у ердан бугдой олиб келадилар. Бу оқим бўйича ўн кун» (9,257).

Қайд қилинганлардан шу нарса маълум бўлдики, Буюк Ипак йўлида қўлланган транспорт турларининг барчаси асосан Марказий Осиё давлатларидан олинган ва улар транспорт воситаларининг асосий таминоotchиси ҳисобланган, энг асосийси қадимий давр Буюк Ипак йўлида туристик сервис мавжуд бўлган.

4.2. Халқаро диний туризм ва унинг жаҳон туризмни ривожлантиришда тутган ўрни

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув жараёнида халқаро туризм соҳаси тобора жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Айниқса, халқаро туризм соҳаси ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида энг даромадли ва тез ўсиб бораётган тармоқлардан бирига айланиб бормоқда. Бутунжаҳон туристик ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги кунда бутун дунё бўйича туризм соҳасида банд бўлган ишчиларнинг умумий сони 250 млн. кишидан ортади. Бу деган сўз дунёдаги ҳар ўнтадан бир ишчи туризм соҳасида фаолият кўрсатади демакдир. Туризм соҳасига бутунжаҳон инвестиция капиталлари умумий миқдорининг қарийб 7 фоизи, бутунжаҳон истеъмол харажатларининг 11 фоизи, бутунжаҳон солиқ тушумининг 5 фоиздан кўпроғи, халқаро хизмат кўрсатиш ва сервис тармоқларининг учдан бир қисми тўғри келади.

Халқаро туризм соҳаси жаҳон хўжалигининг транспорт, алоқа, савдо-сотик, қурилиш индустрияси, қишлоқ хўжалиги, истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари (енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари) билан чамбарчас ҳолда ривожланиб бормоқда ва жаҳон иқтисодиётида ижтимоий ҳамда иқтисодий тараққиётнинг катализатори сифатида намоён бўлмоқда.

Ҳозирги кунда халқаро туризмнинг энг муқобил турларидан бири диний яъни зиёратчилик туризми бўлиб ҳисобланади. Диний туризмнинг шаклланиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Яъни унинг илк бор вужудга келиши антик даврига тўғри келади. Диний туризмнинг асосий пайдо бўлган масканлари қадимги греklar ва

римликлар ватани бўлиб ҳисобланади. Қадимда греклар ва римликлар ибодатхоналар ва черковлар куриб, уларда сигинишганлар. Элладининг энг машхур ибодатхонаси биринчи бор Дельфах шаҳрида қурилган. Ушбу ибодатхона бутун греклар оламида энг машхур ва у гўёки ҳар қандай саволга тангри номидан қатъий жавоб берувчи кароматли коҳин, саждагоҳ маскани бўлган. Ривоятларга кўра, минглаб дарвешлар ушбу ибодатхонага келишиб, ўзларини қурбон қилувчи мажусийлар рухонийси авлиё Пифининг башоратларини тинглашганлар.

Ўрта асрлар даврига келиб, диний туризм миграцияси янгича тус ола бошлади. Муқаддас диний саждагоҳ жойларга бориб зиёрат қилиб келиш оммавий тус олиб, салб юришлари каби шаклга айланиб кетдилар. Айниқса, зиёрат қилиб келиш ҳаракати XV аср охири ва XVI аср бошларига келиб энг юқори даражага кўтарилди. Зиёратчилик доирасининг ўсиши билан бирга унинг турли оқимлари ҳам кучая борди. Шу билан биргаликда зиёратчилар таркиби ҳам хилма-хил бўлиб, унда диний эътиқодга амал қилувчи кишилар билан бир қаторда, турли хил касбкор, мансабдор, кишилар ҳам иштирок этабошлаганлар. Зиёратчи-ҳожилар ўртасида оқсуяклар, рицарлар (олижаноб одамлар), саёҳатчилар, ҳарбийлар, ижодкорлар, ҳукумат идораси ходимлари, савдогарлар, қолаверса оддий кишилар қатнашганлар.

XIX асрга келиб диний туризм уюшган ҳолдаги шаклга эга бўла бошлади. Маълумотларга кўра, зиёрат қилиб келувчилар сони тобора кўпая бориб, биргина Францияда 1861 йилда 300-400 минг кишига етган. 1870 йил охирида уюшган ҳолдаги зиёратчилик оқими Европанинг Австрия, Германия каби бир неча мамлакатларида ҳам кенг ривожлана борди.

Ҳозирги кунга келиб, ер куррасининг турли хил минтақаларида, кўп асрлар олдинги сингари, диний қадамжоларга бориб сигинадиган сайёҳлар сони тобора кўпайиб бермоқда. Ҳар йили бутун ер юзаси бўйича 200 млн. дан ортиқ кишилар турли хил диний ҳаж сафарларига бориб зиёрат қилиб келишадилар. Шулардан 150 млн. дан ортиқ христианлар, 20-30 млн. атрофида индуистлар, 40 млн.дан кўпроқ мусулмонлар, буддистлар, синтоистлар ва бошқалар иштирок этадилар.

Зиёратчиларнинг саёҳат қилишидан асосий мақсади азиз авлиё жойларга қадам ранжида қилиш, сигиниш жараёнларида руҳий жиҳатдан энгиллашиши, кўнгилларнинг покланиши, оғир касал-

ликлардан халос бўлмоқлиги, қилиб қўйган гуноҳ ишларини оллоҳдан сўраб кечиришларини, сафар чоғида сафдошлари билан маънавий яқинликда бўлишни орзу-умид қилишадилар. Зиёратчи сайёҳлар сафарга чиқишида ўз орзу умидларига эришиш, яратганга шукроналар айтиб унинг иззат ҳурматини бажо келтиришни ўз кўнгилларидан ўтказадилар.

Ҳозирги кунга келиб дунёда зиёратчилик сайёҳлигининг 10 дан ортиқ йирик марказлари мавжуд бўлиб, улар ер шарининг деярли ҳамма қитъаларида жойлашгандир. Ер шарида энг қадимий ва йирик диний марказлардан бири яқин Шарқда жойлашган Иордания давлатининг Иерусалим шаҳри бўлиб ҳисобланади. Иордан дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган ушбу ҳудуд 1967 йил июн ойида Исроил томонидан босиб олинган у ҳанузгача Иорданияга қайтарилмаган.

Маълумки, Иерусалим шаҳри учта, яъни христиан, ислом ва будаизм динларининг келиб чиқиши ва асосланиши маркази бўлиб ҳисобланади. Иерусалим дунёдаги ибодат қилиш марказлари ўртасида алоҳида ўринни эгаллайди. Шаҳарнинг ўтмиш тарихи узок-узокларга бориб тақалади. Бу ерда илк бор иудаизм динига эътиқод қилувчи монотеист (бир худолик, яъни худони битта деб билувчи) дин тарафдори, ундан кейин христиан ва ислом дини келиб чиққанлигидан далолат берадилар.

Иерусалим христиан динига эътиқод қилувчилар учун муқаддас шаҳар бўлиб ҳисобланади. Шаҳарда энг йирик зиёрат қилувчи жой бу-Воскресения (Якшанбалик) ибодатхонасидир. Бу ибодатхона бутун дунё христианлар олами эътиқод қилувчиларининг муқаддас, сизгинишадиган жойи бўлиб ҳисобланади. Ҳар сайёҳ ушбу ибодатхонага албатта ташриф буюришга қаракат қилишади. Бу ерга келган сайёҳлар муқаддас Голгофега сажда қилиш, Помозония тошларига ва манзарали Оллоҳ қабрига сизгиниш, сажда қилиш каби амалларни бажарадилар. Бу ибодатхонага турли туман миллат вакиллари, жумладан, яҳудийлар, арманлар, сурияликлар, ҳабашлар, греклар, италиянлар, французлар, немислар, руслар ва қолаверса бутун европа миллат вакиллари-эътиқодчилар келишиб сизгинадилар.

Иерусалим шаҳрига ташриф буюрган сайёҳларда Пасха (яҳудий ва христианларнинг диний байрами) арафасида Воскресения ибодатхонасида “Фаровон оловни ёқиш” маросимида қатнашиш катта таассурот қолдиради. Эътиқодчилар учун ушбу воқеада

иштирок этиш маълум маънони англатиб, Оллоҳ кишилар учун яна бир марта ҳаёт ҳады этиши демакдир.

Мусулмон динига эътиқод қилувчилар ҳам Иерусалим шаҳрида ўзларининг сиғинишадиган жойларига эга бўлиб, у энг қадимги Умар масжидидир. Ушбу масжид ислом динидаги энг илк бор қурилган ва сиғинадиган қадамжолардан бири бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда ҳам унда 5 мартадан иборат намоз ўқилиб келинмоқда.

Христиан дини марказлари. Ҳозирги кунда христианлар динига мансуб бўлган ер юзасидаги халқларнинг муқаддас сиғинишадиган жойлари кўп бўлиб, уларнинг аксарият қисми Европада Рим (Италия), Париж ва Лура (Франция), Фотима (Португалия), Варшава (Польша), Монсеррат (Испания) шаҳарларида жойлашгандир.

Христианларда энг қадрли саждагоҳларидан бири-бу Париж шаҳридаги **Нотр-Дам** ибодатхонаси бўлиб ҳисобланади. Бу ибодатхона Иусус Христоснинг чиллак қилиниши ва ўлими билан боғлиқ муқаддас жой бўлиб, бутун Франция сайёҳларни ўзига жалб этувчи маскан бўлиб ҳисобланади. Нотр-Дам ибодатхонаси бутунлай тоғолча дарахтидан ясалган катта бир қошонадир. Бу ерда 1985 йилдан бошлаб бутунжаҳон христиан ёшларининг куни ўтказилиб келинмоқда.

Ушбу ёшлар форумига Рим папаси Иоанна Павел II томонидан 1985 йили асос солинган эди. Ҳар йили бу ерга католик динига эътиқод қилувчи 500 мингдан ортиқ талаба ёшлар ташриф буюрадилар ва сиғинадилар.

Европадаги энг йирик диний марказларидан яна бири **Рим** шаҳри бўлиб ҳисобланади. Ҳар йили Рим шаҳридаги қадимги ибодатхоналарни кўриб, танишиш учун 8 млн.дан ортиқ художўй христианлар ташриф буюрадилар. Рим шаҳри худудида жойлашган 44 гектарлик майдонга эга бўлган Ватикан давлат-шаҳри бутун дунё католик дини маркази бўлиб ҳисобланади. Ватикан Рим папасининг қароргоҳидир. Бу ерда дунёдаги энг йирик авлиё Петр собори жойлашган. Ушбу қадамжога дунёнинг турли минтақаларидан келувчи сайёҳлар сони кун сайин узилмайди.

Шуни қайд қилиш керакки, ҳозирги кунда ҳам Европанинг бошқа худудларида ҳам, жумладан Бельгиянинг **Брюге**, Италиянинг **Турин**, Франциянинг **Лурд**, Польшанинг **Ясна-Гуру** шаҳарларидаги муқаддас қадамжо жойлар христиан динига эътиқод қилувчи миллионлаб зиёратчи сайёҳларни ўзига жалб қилиб келинмоқда.

Ривоятларга кўра, Иусус Христос вафотидан сўнг унинг жасади зиғир толасидан тўқилган матоларга ўралиб, хушбуй хид тарқатувчи мирра аралашмаси ва зайтун ёғига шимдирилиб қоядаги ғорга жойлаштирилган. Кафан эҳтиёткорлик билан сақланганлиги сабабли христианлар унга муқаддас табаррук сифатида ханузгача сиғиниб келмоқдалар. XIX аср ўрталарига келиб, Иусус Христосга тааллуқли 42 донадан иборат асл нусхага эга бўлган кийим кечаклар: елкага ташланадиган, енгсиз камзуллар ҳам сақланиб қолган. Ҳозирги кунда бу камзуллар Италиянинг Турин шаҳридаги бош соборида кумуш билан зирҳланган нафис сандиқчада ҳамон сақланиб келинмоқда. У ҳар 25 йил мобайнида бир марта халқ оммаси олдида намойиш этилади. Бундай пайтларда Турин шаҳрига 3 млн. га яқин зиёратчилар келишади. Табаррук нарсанинг охирги маротаба намойиш амаллари 2003 йилда ўтказилган. Уни кўриш учун кишилар 15-16 соатдан ортиқ навбат кутиб турадилар.

Бошқа бир муқаддас жой Иусус Христосга тегишли «қон томчиси» бўлиб, у Бельгиянинг Брюге-шаҳридаги ибодатхонада сақланиб келинмоқда. Ўз вақтида бу табаррук нарсани Иерусалим патриархи (руҳонийси) Белгиялик граф Гъери Эльзасскийга совға сифатида ҳадя қилинган. Ҳозирги пайтда ҳар жума кuni муқаддас «қон томчиси» биллурдан ясалган махсус идишда “Қон кuni” байрамида оммага намойиш қилинади ва зиёратчилар томонидан тавоёб этилади. Байрам тантаналари бутун Брюге шаҳри кўчалари бўйлаб ўтказилади ва унда ўн минглаб зиёратчи-сайёҳлар қатнашадилар.

Буддизм дини маркази. Буддизм дини ўзининг кенг кўламлиги жиҳатидан дунёда христиан ва ислом динларидан кейин учинчи ўринни эгаллайди. Буддизм илк бор қадимги Ҳиндистон ҳудудида эрамиздан олдин VI-V асрларда пайдо бўлган. Кейинчалик у Жанубий Шарқий Осиё, Марказий Осиё қисман Ўрта Осиё ва Сибирга тарқалган. Ҳозирги кунда буддизм динига эътиқод қилувчилар Хитойдаги Ҳимолай тоғида жойлашган муқаддас Лхаса шаҳрига қадамжо қилишадилар. Шаҳар денгиз сатҳидан 3650 метр баландликда жойлашган бўлиб, у ерда Далай-Лама монастири ва жуда катта сарой жойлашган. Ушбу сарой XVII асрда қурилган бўлиб, мингдан ортиқ хоналардан иборат. Саройда ўн мингга яқин сиғинадиган нарсалар ва 20 мингдан ортиқ турли хил ҳайкаллар мавжуд. Далай-Лама саройида бутунжаҳон буддизм дини бошқармаси жойлашган.

Буддизм динининг иккинчи муқаддас ва саждагоҳ маркази Шри Ланка давлатининг **Канди** шаҳрида жойлашган. Шаҳарнинг марказий қисмида **Далида Малигава** ибодатхонаси жойлашган бўлиб, унда Будданинг чап қозиқ тиши ҳанузгача сақланиб келинмоқда. Ривоятларга кўра, Буддани оловда куйдириш (кремация қилиш) чоғида унинг шогирдларидан бири тишини суғуриб олади. Ушбу тиш Ҳиндистонда саккиз аср давомида сақланади ва ҳинд маликаси Хемалакта хоним томонидан яширинча Шри-Ланкага олиб келинади. Будданинг тиши муқаддас ва мўъжиза сифатида ҳамон сақланиб келинмоқда.

Ҳар йили июл ойининг охири ва август ойининг бошларида **Канди** шаҳрида “**Тиш маросими**” байрами ўтказилади ва у безатилган филларда бутун шаҳар кўчалари бўйлаб тантанали равишда намойиш этилади. “**Тиш маросими**” байрами бутун дунё бўйича буддизм динига эътиқод қилувчи зиёратчи сайёҳлар билан тўлиб-тошиб кетади ва ушбу тантаналар қарийиб ўн кун давом этади.

Буддизм диниде ҳайкалларга ҳам сиғиниш ва сажда қилиш кенг тарқалган. Масалан, Япониянинг Осакадан унча узоқда бўлмаган **Нара** шаҳрида **Тодайзи** ибодатхонаси бўлиб, унда дунёга машҳур бўлган **Буюк Будда** бронза ҳайкали мавжуд. Унинг баландлиги 16 метрга етади. Ушбу муқаддас саждагоҳга келадиган сайёҳлар сони беқиёс кўпдир.

Мусулмонлар дини маркази. Саудия Арабистони ярим оролида жойлашган бўлиб, у уч томондан Араб денгизи, Қизил денгиз Форс кўрфазининг сувлари билан ювилиб туради. Бу ҳудуд ғоят хосиятли ўлка бўлиб, ер юзида биринчи инсон цивилизациясининг қадимий марказларидан биридир. Ярим оролнинг аксарият қисмини саҳро ва чўллар ташкил қилади. Лекин оз бўлсада, унумсиз дашту, саҳрода обод воҳалар, энсиз ҳосилдор ерлар ҳам учрайди.

Қизил денгиз соҳили бўйлаб чўзилиб ётган Ҳижоз ўлкаси ўзининг икки шаҳри **Макка** ва **Мадина** билан дунёга донг таратган. Бу ерга дунёнинг тўрт томонидан мусулмон динига эътиқод қилувчилар **Макка** шаҳрига зиёратга–**Ҳажга** келадилар Бекаа водийсида жойлашган **Макка–Муҳаммад пайғамбаримизнинг** туғилиб, ўсган шаҳаридир. Шаҳар ўзининг “**Каъба**” деб аталмиш қадимий муқаддас иморати билан машҳурдир. «**Каъба**» яъни «**Худонинг уйи**» деб аталади. Ривоятларга қараганда, уни **Одам Ато** бунёд этган, аммо иморат бир неча марта вайрон бўлган ва қайтадан тикланган.

Бир қанча асрлар ўтгандан кейин, Иброхим пайғамбар (уни христианлар Абраҳам дейишади) Макка шаҳрига қадам қўяди ва ўз қўли билан «Каъба»ни қайта қуради. Унинг ички қисмига Тангри томонидан осмону фалақдан ташланган метеорит тошни жойлаштиради. Бино тўғри тўрт бурчакли бўлиб қад кўтаради. “Каъба” жойлашган майдон “Ҳарам” ёки “Муқаддас макон” деб юритилади. Метеорит тошни араблар “Ҳожар-ал-Асвад” ёки “Муқаддас Қора Тош” деб атайдилар.

Макка шаҳрига ташриф буюрган зиёратчилар Каъбанинг атрофида унинг Қора Тош қўйилган бурчагидан бошлаб етти маротаба айланиб ўтишади ва тавоб қилишади. Зиёратчилар сўнгра етти бор Сафо тоғига, етти бор Маъво тоғига чиқадилар. Ундан сўнг Арофат тоғига ташриф буюриб, ҳаж амалларини бажариб қайтадилар.

Муқаддас – «Каъба» жойлашган майдонда Саудия Арабистони подшоҳлиги томонидан қурилган мусулмон оламидаги энг катта мўжизакор “Аль-Ҳарам” масжиди қад кўтарган. Ҳар йили бу ерда Қурбон ҳайити (байрами) ўтказиладиган тантаналарда қатнашиш учун келган зиёратчиларнинг умумий сони 2 млн. кишидан ошиб кетади.

Мадина-Мухаммад пайғамбаримизнинг дафн этилган шаҳри бўлиб, Эл-Ҳамд воҳасида жойлашган. Зиёратчилар ҳаж амалларини бажариб бўлганларидан кейин пайғамбаримиз қабрини зиёрат қилиш учун Мадина шаҳрига ташриф буюрадилар.

Шуни эътироф этиш жоизки, мусулмон оламида зиёрат қилиш маконлари ҳам анчагина. Жумладан, Марказий Осиёда, қолаверса жонажон Ўзбекистонимизда ҳам азиз авлиёлар яшаб, дафн этилган қадамжолар, зиёрат масканлари беқиёс кўп. Улар қаторига Жанубий Қозоғистон вилояти, Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий мақбараси; Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Зангиота мажмуаси; Тошкент шаҳридаги Шайх Хиванда Тахур мақбараси, Қалдирғоч-бия мақбараси, Юнусхон мақбараси; Ҳазрати Имом мажмуаси; Абубакр Мухаммад Каффал Шаши мақбараси; Шайх Зайниддин бобо мақбараси; Самарқанд вилояти Пайариқ тумани Хартанг қишлоғидаги Имом Ал-Бухорий мажмуаси; Оқдарё тумани Даҳбед қўрғонидаги Махтуми Аъзам мақбараси; Самарқанд шаҳридаги Шоҳи Зинда, Амир Темур, Рухобод, Хўжа Дониёр, Мотрудий, Мурод авлиё, Хўжа Ахрор Вали, Оқ сарой, Чўпонота мақбаралари; Бухоро шаҳридаги-Исмоил Самоний, Чашмаи Аюб, Садриддин Бухарзи, Боҳовуддин Нақшбандий, Буён Кулихон, Чор Бакр мақбаралари; Хоразм вилоятида Уч авлиё, Саид Алловуддин

мақбараси; Қашқадарё вилоятида—Жаҳонгир, Дорус Саодат, Дорут Тиловат мажмуаси, Кўк гумбаз масжиди; Сурхондарё вилоятида - Ҳаким ат-Термизий мажмуаси; Султон Саодат ибодатхона ёдгорлиги, Фаёзтепа ибодатхонаси; Жиззах вилоятида—Садр Ваҳс авлиё (Авлиёота) мажмуаси; Фарғона вилоятида Дахмон Шахон гўрхонаси, Мозорихон мақбараси кабилар зиёратчи сайёҳларни ўзига жалб қилиб келадиган масканлар бўлиб ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг бевосита раҳбарлигида жуда кўпгина азиз, авлиёларнинг дафн этилган жойлари ва қабрлари қайтадан таъмирланиб, асл ҳолатига келтирилди. Ушбу қадамжо жойлар хушманзара, обод, зиёратгоҳ масканларга айлантирилди. Улар қаторига Баҳовиддин Нақшбандий, Ғиждувоний, Имом ал-Бухорий, Махтуми Аъзам, Шоҳизинда, Мотрудий, Ҳаким ат-Термизий, Зангиота каби азиз авлиёлар ва имомлар мақбаралари мусулмон аҳлининг беқиёс, гўзал зиёрат қиладиган ва маънавий руҳланадиган жойларига айлантирилди.

Келгусида «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва унинг вилоятлардаги мутасадди ташкилотлари ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари диний бошқармаси ходимлари иштирокида Саудия Арабистонига ҳаж сафарига борадиган сайёҳ ватандошларимиз учун ҳадис илмининг, энг машҳур, кўзга кўринган асосчиларидан бири Имом Ал-Бухорий қабрини зиёрат қилиб кетиш нур устига аъло нур бўлур эди. Чунки, бу зиёратгоҳ мусулмон оламида Маккаю-Мадинадан кейин жуда катта ва беқиёс саждагоҳ бўлиб ҳисобланади.

4.3. Самарқанд вилоятида туризмни ривожлантириш муаммолари ва мавжуд имкониятлар

Самарқанд вилояти республикамизда табиий ва иқтисодий география жиҳатдан қулай минтақада жойлашган. Вилоят табиий шарт-шароити, ер усти тузилиши географик жиҳатдан чегараланиши, яъни унинг жануб ва шимол ҳамда шимоли-шарқ томонлари тоғ ва тоғликлардан иборатлиги ҳам туризм соҳасида жуда катта мазмун касб этади. Унинг чегаралари шимолда Нурота тоғлари (Оқтов, Қора тоғ, Ғўбдин тоғ, Кўйтош тоғи), жанубдан Зарафшон тоғ тизмалари (Чақилқалон, Қоратепа, Зиёвуддин, Зирабулоқ х.к.) билан ўтади.

Самарқанд вилояти умумий ер майдони 16,77 минг кв.км. бўлиб, унинг аҳолиси 2,9 млн. кишини ташкил қилади. Вилоятнинг асосий ер усти тузилиши ўзига хос бўлган табиий ва ландшафт хусусиятлари рекреация ресурсларининг ривожланишига сабаб бўлган. Унинг текислик қисмида яъни Зарафшон дарёси соҳилларида, Қарнабчўл ва Жом каби чўл ҳудудларида сайёҳликнинг чўлудашт каби экотуризм турларини ташкил этиш мумкин.

Вилоятнинг ер ости ва ер усти гидрологик сув ресурслари, тоғ, тоғ олди этаклари ҳамда тоғ оралиғи сойларида табиий равишда ҳосил бўлган ландшафтлар (табиий манзаралари), ям-яшил ўрмонзорлар (Омонкўтон), тоғу-тош жинслар шакллари (Қоратепа), тоғ даралари (чуқурликлари), ғорлар (Ҳазрати Довуд, Келси, Лев), ноёб табиат ёдгорликлари (Камонгарон, Ғус), шифобахш булоқлар, Юқори чинор (Мингчинор), Қайнар булоқ, Роҳатбулоқ, ажойиб кўллар (Муз булоқ, Алвасти кўллари), гўзал шар-шаралар (Ғуссой, Камангарон) ва ҳоказолар минтақамиз туризм имкониятларини янада оширади. Вилоятимиз «қон томири» бўлган Зарафшон дарёси, музликлар ва қорлардан тўйинган ҳолда водий аҳолисини ҳамда барча халқ хўжалик тармоқларини сув билан таъминловчи асосий манбаидир. Зарафшон дарёси қадимий туристик объектларга бой яхлит сайёҳлик мажмуаси (комплекси) ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, вилоятнинг тоғ, тоғ олди ҳудудларида мавжуд бўлган беқиёс шифобахш, тиббиёт ва бошқа соҳаларда кенг кўламда фойдаланадиган чашма ва булоқ сувлари ўзининг экологик жиҳатдан тозаллиги, хилма-хил кимёвий элементларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Улар аҳоли соғлиғини тиклаш, соғломлаштириш, дам олиш учун қулай имкониятларни яратади ва минтақамизда рекреация (соғломлаштириш, ҳордик чиқариш) туризмнинг аҳамиятини оширади. Бундай табиий масканлар вилоятимизнинг Ургут, Самарқанд, Нуробод, Қўшробод ва бошқа туманлари тоғ, тоғолди ҳудудларида тарқалган бўлиб, улардан туризм мақсадида фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Вилоятимиз ўзининг гўзал табиати, ўсимлик ва ҳайвонат дунёси билан ҳам мамлакатимизнинг бошқа минтақаларидан алоҳида ажралиб туради. Вилоятимизга ташриф буюрадиган сайёҳларни тарихий архитектура-қурилиш иншоотлари, қадимий обидалардан ташқари минг йиллик тарихга эга бўлган чинорлар ва бошқа яшил дарахтлар беқиёс кўпдир. Минтақанинг суғорилмайдиган ва ҳайдалмайдиган тоғ, тоғ олди, текислик, шунингдек чўл ҳудуд-

ларида хилма-хил, беҳисоб ва ноёб доривор ўсимликлар турлари кенг тарқалган. Вилоятнинг тоғ, тоғолди худудида жойлашган Омонқўтон ўрмонзорларида (майдони 2188 гектар бўлиб, 1887 йилда дастлабки кўчатлар экилган) ўзига хос табиий ландшафт шакллари вужудга келган. Бу худудда гледичия, қайроғоч, дўлана, акация, грек ёнғоғи, заранг, Қрим қарағайи, тоғолча ва бошқа хилма-хил дарахтлар ва ранг-баранг ўсимликлар дунёси мавжуд бўлиб, ушбу худудга ташриф буюрган сайёҳларни ўзига шайдо этади. Омонқўтон худудининг иқлими ва ўсимлик дунёсининг ўзига хослиги бу жойда кўплаб дам олиш зоналари, оромгоҳлар қуриш имконини беради. Аммо сайёҳларга Омонқўтон ҳавзасидаги ўрмонзорларни кўрсатиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, махсус йўлакчалар қуриш лозим.

Вилоятнинг яна бир қатор туманларида ва қишлоқларида минг йиллик даврга тенг қадимий ноёб дарахтлар (арчалар, чинорлар) ҳанузгача сақланиб қолган. Улар қаторига Ургут шаҳридаги юқори Чор Чинор (1020 йиллик), Каттақўрғон тумани Қорадарё қишлоғидаги чинор (565 йиллик), Нуробод тумани Тим қишлоғидаги арча 1000 йиллик, Жомбой тумани Холвойи қишлоғидаги минг йиллик арчаларни мисол келтириш мумкин. Айниқса, Жомбой туманида жойлашган Зарафшон дарёси қайирида жойлашган Зарафшон кўриқхонаси бетакрор ўсимлик ва ҳайвонат дунёсининг хилма-хиллиги билан алоҳида ажралиб туради ва мавсумий ҳамда қисқа муддатли сайёҳликни ташкил қилиш учун қулай имкониятлар яради.

Вилоятнинг маркази Самарқанд шаҳрига келсак, унинг атрофини республикамининг бошқа шаҳарларидан фарқли ўлароқ, қадимда кўркам боғу-роғлар ташкил қилгани, улар сайёҳларни ҳайратга солиб, ром қолдиргани тарихий манбалардан маълумдир. Шаҳар атрофидаги Амир Темур боғлари (Боғибаланд, Боғитилло, Боғи беҳишт, Боғишамол, Боғидилкушо, Хончарвоқ, Сўғдиёна, Жомий, Улуғбек ҳ.к.) эса бутун дунёга машҳурлиги билан характерланади. Ҳозирги пайтда шаҳар худудида, университет хиёбони ҳамда шаҳарнинг эски қисмидаги маҳаллаларда, чойхоналар худудида юзлаб турли хил қадимий чинорлар, қайроғочлар ва тут дарахтлари (Самарқанд Давлат университети, биология бўлими ҳовлисидаги Ботаника боғида Хитойда муқаддас саналган Гинго дарахти) кабилар ўсимлик дунёсига қизиқувчи сайёҳларни жалб этиб келмоқда.

Вилоятимиз ҳайвонот олами ҳам хилма-хил бўлиб, тоғ, тоғолди ҳудудларида судралиб юрувчи ҳайвонлар, турли қушлар, туёқли ҳайвонлар оиласининг вакиллари кенг тарқалган. Улар айниқса баҳор ва ёз ойларида шу жойлар ландшафтга ўзгача тароват ва хусн бағишлайди ва сайёҳларнинг мароқли дам олиш ҳамда ов туризмини йўлга қўйиш имконини беради. Биргина Зарафшон қўриқхонасида вилоят ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг кўплаб вакиллари кенг тарқалган. Уларнинг энг характерлиси тустовуқ, ёввойи қуён, бедана, тулки ва хилма-хил қуш ва ҳайвонлар ҳисобланади. Вилоятнинг чала чўл ва чўл ҳудудлари ҳам ўзига хос ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига эга. Уларда судралиб юрувчилар туркумидан турли хил заҳарли илонлар, чўл тошбақалари, қушлардан тўрғай, қарчиғай, сут эмизувчилардан сариқ сассиқ кўзан кабилар учрайди. Мазкур ҳудудлар ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига қизиқувчи экотуризм ишқивозлари учун янги туристик маршрутларни ташкил этишни талаб қилади.

Маълумки, вилоятда туризмни ташкил этиш ва ривожлантиришда унинг аҳолиси ва меҳнат ресурслари ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. 2005 йилги маълумот бўйича вилоятда 2,9 млн.дан ортиқ киши яшайди. Шундан шаҳар аҳолиси 737 минг, қишлоқ аҳолиси 2,2 млн. кишини ташкил этади. Вилоят аҳолисининг 52 фоизга яқинини меҳнатга яроқли кишилар эгаллайди. Вилоят аҳолиси таркиби миллий этник жиҳатдан хилма-хил бўлиб, республика-мизнинг бошқа вилоятларидан кўп жиҳатлари билан алоҳида ажралиб туради. Айниқса эътиборлиси шуки, Самарқанд шаҳар аҳолиси кўп миллатли ва этнографиясининг ўзига хослиги туризм соҳасида жуда катта аҳамият касб этади. Шаҳар аҳолиси таркибида етакчи ўринни руслар, тожиклар, украин, озарбайжон, арман, татар, корейс каби кўпгина миллат вакиллари эгаллайдилар. Бундай хилма-хил этнографик вазият кўп жиҳатдан тарихий ривожланишга боғлиқ ва айни пайтда туризмда ҳам маълум мазмун-моҳиятга эгадир. Аҳолининг миллий таркиби ва унинг турли хил динларга эътиқод қилишлари маҳаллий туризмни вақт ҳамда ҳудудий жиҳатдан ташкил қилишда муҳим роль ўйнайди. Масалан, маҳаллий миллат вакилларининг хусусан баҳор (айниқса, март, апрел ва май) ойларида ҳар хил диний зиёратгоҳ жойларга саёҳати кўпроқ кузатилади. Айни вақтда эса аҳоли ёш таркибида болалар салмоғининг кўплиги болалар туризмини (экскурсияларни) ривожлантиришни тақозо этади. Жумладан вилоятда қишлоқ

мактаб ўқувчилари учун баҳор ва ёз ойларида Самарқанд шаҳрига, унинг атрофида тоғ, тоғолди ҳудудларига турли хил тарихий обидалар, зиёратгоҳ жойларга қисқа муддатли экскурсиялар туризми ташкил қилинади.

Ҳозирги кунда статистик маълумотларга кўра Самарқанд вилояти жами аҳолисининг бору-йўғи 1 фоизга яқини туризм хизмати билан банд бўлар экан. Бу кўрсаткич ниҳоятда паст бўлиб, вилоят ҳудудидаги туризм имкониятлари талабига умуман жавоб бераолмайди. Тадқиқотлар кўрсатадики, Самарқанд шаҳар аҳолисининг 15-20 фоизи туризм хизмати турлари билан машғул бўлиш имкониятига эга. Келажакда вилоятнинг Ургут туманида аҳолининг (10-12 фоизи), Самарқанд (8-10 фоизи), Булунғур (6-7 фоизи), Оқдарё (5-6 фоизи) ва бошқа туманларда эса 4-5 фоизи туризм соҳасига жалб этилиш имкони бор. Хуллас, меҳнатга яроқли бўлган кишилар айниқса, ёшларни туризм ва туризм хизмати соҳаларида: меҳмонхоналар, умумий овқатланиш, транспорт тармоқларида, туристлар учун гидлар (таржимонлар), экскурсоводлар, туроператорлар, турагентлар соҳаларида банд қилиш имкониятлари туғилади.

Самарқанд вилоятининг иқтисодий-географик ўрни минтақада саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришга шарт-шароитлар яратади. Ҳозирги кунда вилоят иқтисодиётида ўзининг салмоғи жиҳатидан қишлоқ хўжалик тармоғи етакчи ўринни эгаллайди. Вилоят қишлоқ хўжалиги соҳасида фойдаланиладиган ерлар миқдори 1677,3 минг гектарни ташкил этади. Шундан 26 фоизи ҳайдаладиган ерлар (шулардан 15 фоизи суғорма деҳқончилик ерлари, 11 фоизи лалмикор ерлар), 49 фоизи яйловлар, 25 фоизи яроқсиз ерлардир.

Самарқанд вилояти республикада пахтачилик билан бир қаторда дончилик, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик, картошка ва тамакичилик ҳамда чорвачилик соҳаларига ихтисослашган минтақалардан бири бўлиб ҳисобланади. Самарқанд боғу-роғлари азалдан ўзининг гўзаллиги, ширин-шакар мевалари билан ушбу ҳудудга ташриф буюрган сайёҳларни ҳайратга солиб, лол қолдирган.

Сўнги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасига эътиборни кучайтириш, биринчи навбатда минтақа аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилайти, ишсизликни камайтиради, иккинчидан вилоятимизга келган сайёҳларни сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан, жумладан, мева, сабзавот,

узум, картошка, полиз экинлари, гўшт, сут ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш имконини беради. Айни пайтда Самарқанд шаҳрига келган хорижий ва маҳаллий сайёҳлар деҳқон бозорларини кўришни ҳамда бирор маҳсулот харид қилишни жуда ишташади.

Шунинг учун ҳам уларнинг талаб-истакларини ўрганиш, шарқ бозорларидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифат жиҳатидан юқори даражада бўлишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Шуни таъкидлаш жоизки, бозорлар билан сайёҳларнинг Танишиши жуда катта иқтисодий ва ижтимоий географик мазмун касб этади. Чунки, бозорлар, айниқса шарқ бозорлари минтақа ва ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини, унинг бойлиги, ихтисослашуви, аҳолининг миллий таркиби, урф-одатлари, миллий қадриятлари ва анъаналарини ўзида мужассамлаштиради. Шундай экан, тарихий ёдгорликлар, қабристонлар каби бозорлар ҳам сайёҳлар учун жуда муҳим туристик объект бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бозорларнинг санитария ҳолатларини юқори даражага кўтариш ва уни доимо назорат қилиш шу куннинг энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Самарқанд вилояти саноат соҳасида ҳам республикада ўзгача ўрин тутаяди. Ҳозирги кунда вилоятда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари сони 150 тага яқин бўлиб, ушбу тармоқда 65 мингдан ортиқ ишчилар ишлайди. Минтақа саноати таркибида кимё саноати, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, қурилиш материаллари, қоғоз-целлюлоза, чинни буюмлар ишлаб чиқариш, енгил, озик-овқат ва бошқа тармоқлар етакчи ўринни эгаллайди. Вилоят саноатининг шаклланиши узок ўтмишга бориб тақалади. Чунки, ушбу минтақада енгил саноат, қурилиш материаллари, шойи, қоғоз ишлаб чиқариш қадимдан ривожланиб келгани ва Самарқанд ўз даврида қоғози билан дунёга танилган.

Самарқанд вилоятида замонавий саноат тармоқларининг вужудга келиши бевосита чор Россиясининг ўлкани босиб олиши, иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт ҳудудларидан минтақага кўчириб келтирилган саноат корхоналари заминида шаклланди ва ривожланди. Бундай корхоналар қаторига Алпомиш (Красный двигатель), Кинап, Ховренко заводлари, Булунгур шароб комбинати, Каттакўрғон пахта тозалаш заводи ва ёғ мой комбинати қабилар қиради.

Мустақиллик йилларида вилоятдаги саноат корхоналарининг айримлари бозор муносабатларига бардош бераолмай ўз фаолияти-

ни ўрганиш, бозор иқтисодиётида рақобатнинг ўсиши саноат корхоналарининг янгича иш юритиш лозимлигини исботлади. Бу жараён Самарқанд вилояти саноат корхоналарини ҳам четлаб ўтмади. Сўнгги йилларда вилоятда саноат корхоналарига замонавий технологияларни ўрнатиш, ҳамкорликда қўшма корхоналарни ташкил этиш орқали юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришилмоқда. Ҳозирги кунда вилоятда қўшма корхоналарда ишловчилар сони ўн мингдан ортиқ кишиларни ташкил этади.

Вилоятда автомобиль заводининг ишга тушиши Республика автомобилсозлик саноатининг тараққиётида муҳим қадамлардан бири бўлди. Самарқанд шаҳрида Туркия билан ҳамкорликда қурилган замонавий йўловчилар ташувчи «Самкочавто» автобус заводи ишга туширилди. Вилоятнинг, шу жумладан Самарқанд шаҳридан жуда кўпгина саноат корхоналари бозор иқтисодиёти талаби ва таклифларидан келиб чиққан ҳолда замонавий янги технологик жиҳозлар билан қайтадан таъмирланди. Булар қаторига «Сино» заводи, чой қадоклаш фабрикаси, чинни буюмлар ишлаб чиқариш заводи, Кинап, лифтсозлик, мева консерва заводи, минерал сувлар, чанқоқбости ичимликлар ишлаб чиқарувчи ва пиво заводлари киради. Вилоят саноат корхоналарида сайёҳлар учун мўлжалланган хилма-хил маҳсулотлар, жумладан, сувенирлар, нафис чинни буюмлари, бежирим ипак газламалари, гилам ва гилам маҳсулотлари, ширин-шакар мева шарбатлари, юқори сифатли узум винолари, совуткичлар, музлаткичлар, маҳаллий ва хусусий корхоналарда хунармандчилик маҳсулотлари (сўзаналар, кашталар, тўнлар, дўппилар, кулолчилик, ўймакорлик, ганчкорлик, зардўзлик моллари мисдан ясалган идишлар х.к.) ва совгабоп товарларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Вилоят туризмни ривожлантиришда транспорт инфратузилмасининг ўрни ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Айниқса хорижий сайёҳларнинг ташриф буюришида ҳаво транспортининг роли жуда юқори. Ҳозирги кунда Самарқанд аэропорти чет эллик инвесторлар кўмаги билан барча турдаги самолётларни қабул қилиш имкониятига эга бўлди. Шу жиҳатдан жаҳон андозалари асосида қайта таъмирланган аэропорт минтақада сайёҳликни юксалтиришга хизмат қилади. Ҳозирги кунда Самарқанд аэропортидан республикамизнинг узоқ вилоятларига, қолаверса хорижий мамлакатларга (МДХ) янги қатновлар жорий этилганлиги туризм соҳасида муҳим ўринни эгаллайди.

Сайёҳларга хизмат қилувчи транспортнинг иккинчи тури темир йўллар ҳисобланади. Ўзбекистон темир йўлининг тарихи бевосита Самарқанд билан чамбарчас боғлиқ. Ўлкамизда темир йўллари-нинг илк бор биринчи қурилиши Бухоро ва ундан кейин Самарқанд вилоятларига тўғри келади. Самарқанд вилояти, жумладан Самарқанд шаҳри мамлакатимизнинг ҳамма иқтисодий районлари билан темир йўллар орқали туташган. Бу эса ўз навбатида, поездда сайёҳат қилувчилар учун катта имкониятлар туғдиради. Ҳозирги кунда Самарқанд шаҳрига йўловчилар ва сайёҳлар оқимининг ўсганлиги сабабли пойтахт Тошкент шаҳридан сифатли сервис хизмати кўрсатиш имконига эга бўлган «Регистон» тезюрар поездининг қатнови йўлга қўйилган.

Вилоят туризмнинг ривожланишида автомобил транспортнинг роли ҳам анчагина. Ҳозирги кунда вилоят автомобил йўлларнинг умумий узунлиги 12,5 минг км. дан ортиқ бўлиб, шундан қаттиқ қопламали (асфальт) йўллар 4,1 минг км.ни ташкил қилади. Халқаро аҳамиятга эга бўлган автомобил йўллари вилоятнинг Булунғур, Жомбой, Самарқанд, Оқдарё, Иштихон, Каттакўрғон, Нарпай, Пахтачи, Нуробод туманларини қолаверса Самарқанд шаҳрини кесиб ўтади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, вилоятдаги кўпгина туристик объектларнинг автомобил йўлларига яқин жойлашганлиги ҳам ўз ўрнида туризмни ривожлантиришда қулай шарт-шароитлар туғдиради. Келгусида вилоятимизга автомобиль транспортда ташриф буюрган сайёҳлар учун сифатли сервис хизматига эга бўлган бир қатор мотеллар, кемпинглар, автомобил тўхтов масканлари, автомобил прокат (ижара) пунктларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу билан бир қаторда, вилоят туризмни ривожлантиришда почта, телефон, телеграф, алоқа коммуникациялари ҳам ўз ўрнига эга. Ҳозирги кунда Самарқанд шаҳри дунёнинг барча минтақалари билан халқаро сўзлашув, Интернет, факс орқали алоқа қилиш имкониятига эгадир.

Вилоят туризмни ривожлантиришда меҳмонхоналар хўжалигининг тутган ўрни алоҳида касб этади. Юртимизга ташриф буюрган ҳар бир сайёҳ меҳмонхоналар хизматидан баҳраманд бўлади. Ҳозирги кунда вилоятимиз ва қолаверса Самарқанд шаҳрида давлат ҳамда нодавлат (хусусий) меҳмонхоналар сони борган сари ортиб бормоқда. Уларнинг умумий сони 63 та, жамики меҳмонхоналардаги ўринлар минг номердан иборат бўлиб, бир вақтнинг ўзид

икки мингдан ортиқ кишини қабул қилиш имкони бор. Шаҳримизда халқаро андозаларга тўла-тўқис жавоб бераоладиган «Афросиёб», «Президент Отель» ва бир неча хусусий меҳмонхоналар сервис хизмати турлари ва сифати жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Аммо меҳмонхоналар нархи ҳамон юқорилигича қолмоқда.

Энди вилоят ва шаҳар туризм билан боғлиқ бўлган объектлар қаторига келсак, деҳқон бозорлари, умумий овқатланиш корхоналари, савдо шаҳобчалари, молиявий ташкилотлар (банк, суғурта идоралари, пул алмаштириш пунктлари), маиший хизмат кўрсатиш корхоналари (саргарошхоналар, кир ювиш, кийим-кечакларни химиявий усулда тозалаш масканлари), шаҳар газ, сув, электр энергияси таъминоти корхоналари, шаҳар қурилиш-архитектура, ободонлаштириш, коммунал хўжалик (иситиш, чиқинди чиқариш), йўл қурилиши ва таъмирлаш муассасалари, санитария эпидиомалогия, фавқулодда ишлар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш, божхона идоралари, автомобил ва темир йўл вокзаллари, аэропорт, автобус саройлари, театр, кинотеатрлар, музейлар, боғлар, дам олиш ва хордиқ чиқариш масканлари, тарихий архитектура ёдгорликлари, зиёратгоҳ жойлар (қабристонлар, булоқлар), халқ миллий санъати ва хунармандчилик корхоналари (кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, ганч ўймакорлиги, дўппи, тўн тикиш, гилам тўқиш, зардўзлик, сўзана, кашта тикиш, нон ёпиш ҳ.к.), кадрларни тайёрлаш (ўқитиш, малака ошириш, маслаҳат бериш марказлари) кабилар кириб, келгусида улар тўғрисида махсус илмий изланишлар ва тадқиқотлар олиб боришни талаб қилади.

Ҳозирги кунда вилоятимизда туризм соҳасида ўз ечимини кутаётган бир қатор муаммолар борки, уларни босқичма-босқич ҳал этиш келажакда ушбу соҳани минтақа иқтисодиётининг етакчи тармоғига айлантиришга хизмат қилади. Чунончи, Самарқанд туризмни юксалтиришда сайёҳлар айирбошлашни, туризм бозорини яхши йўлга қўйиш энг муҳим муаммолардан ҳисобланади.

Келгусида вилоятга келадиган сайёҳлар оқимини кўпайтириш ва жаҳон андозалари талабида хизмат кўрсатишни ташкил этиш вилоят туризмнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бунинг учун Самарқанд вилоятида туризмнинг ривожланиши учун қуйидаги муаммолар ҳал этилиши лозим:

- вилоятдаги сайёҳлик фирмаларига дастлабки имтиёзли хорижий сармояларни мақсадли ажратиш ва моддий техник базасини мустаҳкамлашга ёрдам бериш;

- вилоятда туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга, хорижий ҳамкорликни топишда уларга амалий ёрдам бериш, ҳуқуқий маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатиш, дунё мамлакатларида ўтказиладиган туризм ярмаркаларида иштирок этиш ва қолаверса халқаро ярмаркаларни Самарқанд шаҳрида ҳам ташкил этиш;

- миллий анъаналарни намоён этувчи маҳалла ва чойхоналар ҳамда қадимий меъморчилик усуллари сақланиб қолган уйларни аниқлаш ва туристик маршрутларга киритиш;

- Самарқанд шаҳрида фойтун араваларда сайр қилишни уюштириш ҳамда Афросиёб ҳудудида ўрта аср анъаналарига ҳос ҳовли макетини қуриш ва халқ амалий санъати, халқ оғзаки ижоди, миллий урф-одатлар, маросимларни сайёҳларга намоиш этишни ташкил қилиш;

- вилоят ҳудудига туристик объектларга боровчи йўллارни қайта таъмирлаш ва ободончилик ишларини ривожлантириш;

- хорижий давлатларда фаолият кўрсатаётган кичик сайёҳлик фирмалар иш фаолиятини ўрганиш, корхоналарнинг сайёҳлик имкониятларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш учун маркетинг хизматига эътиборни кучайтириш;

- вилоят ҳудудига туризм оқимини кучайтириш учун туризм сервиси, жумладан меҳмонхона хўжаликларида хизмат кўрсатиш нарх-наволарини пасайтириш;

- минтақа ҳудудидаги тоғларнинг рекреация имкониятлари ҳамда сайёҳлик йўналишларини аниқлаш, туманлардаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, дам олиш масканларини ўрганиш ва рўйхатга олиш. Ургут туманида жойлашган «Чор Чинор», «Чинор» ва «Говсул Аъзам» мажмуалари, Оқдарё туманидаги «Маҳдуми Аъзам Даҳбедий» зиёратгоҳи, Нуробод туманидаги «Ҳазрати Довуд» каби азиз қадамжоларни сайёҳлик маршрутларига киритиш;

- Самарқанд вилоятидаги мавжуд туристик объектларни хорижий мамлакатларда кенг қўламда ташвиқот (реклама) қилиш орқали туристлар оқимини кўпайтириш;

- туризм соҳаси бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётган олий ўқув юртлари билан ҳамкорликни кучайтириш;

- худудий туристик мажмуалар шаклланишини такомиллаштириш ва уларни тегишли инфратузилма тизими билан таъминлаш;

- вилоят худудидаги барча туристик объектларни кадастрлаш, яъни тарихий обидалар, архитектура, археологик ёдгорликлар, диний қадамжоларни ҳонақо ва масжидларни туристик объектлар рўйхатига киритиш ва баҳолаш, шу билан бирга этнографик, тарихий ва қадимий маҳаллалар, чойхоналар, миллий анъаналар, урф-одатлар, хунармандчилик соҳаларини сақлаб қолиш учун назоратни кучайтириш;

- туризм соҳаси орқали минтақа аҳолисining бандлик даражасини яхшилаш ва ҳ.к.

Шундай қилиб, вилоятимизда иқтисодий ислохатларни янада чуқурлаштириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилаш ва кўшимча иш ўринларини яратиш ва мавжуд бўлган имкониятлардан оқилона фойдаланиш мақсадида Президентимизнинг 2006 йил 17 апрел куни «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жаддаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мазкур тармоқни янада ривожлантиришга қаратилган амалий тадбирлардан бири бўлиб ҳисобланади.

4.4. Ўзбекистонда экологик-туристик ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятлари

Дунё миқёсида туризмнинг йўналишларидан бири экологик туризм ёки экотуризмдир. Экотуризмнинг асосий мақсади, саёҳат пайтида янги жойларни кўриш, табиат гўзаллигидан, тоғ ёки ўрмон ҳавосидан баҳра олиш, «ёввойи» табиат бағрида дам олиш, шунингдек, бошқа халқлар урф-одати, маданияти, санъати, тарихий обидаларини кўришдан иборат. Экологик туризмни ривожлантаётганлигини шундан ҳам кўриш мумкинки, асосий халқаро туристик маршрутлар асосан гўзал экзотик табиати ва бетакрор туристик ресурслари кўп бўлган Австралия, Тинч океанида жойлашган кўпгина ороллар, Жанубий-Шарқий Осиёга тўғри келмоқда.

Республикамиз тарихий, археологик, архитектура, санъат, мусиқа ва бошқа туристик ресурсларга бой ҳисобланади. Бундан ташқари мамлакатимизнинг бетакрор табиати, тоғ ва текислик,

дарёлари, чўл ва воҳалари, кўп ва турли ландшафт зоналари асосий рекреация ресурсларидир.

Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатларда учрамайдиган экзотик табиати, хилма-хил ландшафтлари, флора ва фаунаси бутун туристик регионнинг юқори потенциалга эга эканлигини белгиловчи асосий омиллардир.

Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш учун мавжуд ресурслар етарли. Аммо бу ресурслардан фойдаланиш потенциали, баҳоси ҳанузгача мукамал ўрганилмаган. Биз бу муаммони ҳал қилмасдан, туризмни бу турини келажакда ривожлантириш стратегиясини белгилай олмаймиз. Бу ерда аниқлашимиз лозим бўлган икки жиҳатга эътибор беришимиз керак:

- Экологик туризмни ривожлантириш объектлари, яъни ресурсларга эга ҳудудларни ўрганиш;
- Мавжуд потенциалдан қай даражада фойдаланиш имкониятларини баҳолаш.

Экологик туризмни ривожлантириш мумкин бўлган ҳудудлар бирмунча ўрганилган. Аммо бу ресурслардан қай даражада фойдаланиш имкониятларини баҳолашни амалга ошириш керак.

Мамлакатимизда мавжуд экологик-туристик ресурсларни потенциалини баҳолашда уч жиҳатга эътибор беришимиз керак бўлади. Буларга:

- табиий ва маданий ландшафтлар, яъни экологик туризмни ривожлантириш учун мавжуд ресурсларнинг потенциали;
- экологик туризмда саёҳатларни амалга ошириш воситалари;
- саёҳатларни амалга ошириш учун шарт-шароитнинг қай даражада эканлиги.

Экологик туризмни ташкил этиш ва ривожланиши учун объектлар бўлиб, қуйидагилар хизмат қилади - миллий боғлар, давлат буюртмалари, табиат ёдгорликлари, ботаник боғлар, даволаш-соғломлаштириш жойлари, курортлар ва кўриқхоналар. Эко-туризмнинг муҳим объекти бўлиб, экологик тоза ҳудуд, ажойиб табиат ва бошқа рекреация ресурслари ҳисобланар экан, мамлакатимиз бу ресурс турларига бой ҳисобланади.

Миллий боғлар ва давлат кўриқхоналари табиатни муҳофаза қилиш муассасаси бўлиб, уларнинг ҳудудлари экологик, тарихий ва эстетик қимматга эга бўлган ҳамда табиатни муҳофаза қилиш, рекреация, маърифий, илмий ва маданий мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган табиий мажмуаларни қараб олади. Бу ҳудуд-

ларда табиат неъматларидан фойдаланилган ҳолда хизмат кўрсатиш соҳасини (сервис)ни йўлга қўйиш, комплекс ривожлантириш ва турли тематик маршрутларни ташкиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Экотуризм одамларнинг онгли равишда кўникишларига қараганда камроқ маиший қулайликларга ва шарт-шароитларга эга, хизмат кўрсатиш даражасига юқори талаблар қўймайдиган туркум сайёҳларга қаратилган.

Ўзбекистон экологик туризм ва унинг саргузашт турларидан рафтинг, треккинг, миниладиган туризм (“doog of road”), агротуризм, альпинизм ва бошқа спорт турларини ривожлантириш учун бой имкониятларга ва ўзига хос хусусиятларига эга. Экотуристлар учун кизиқарли бўлган объектлар, яъни алоҳида муҳофазага олинган ҳудудлар доирасидаги турли табиий ва маданий вужудга келган ландшафтлар, ўсимлик ва ҳайвонот олами ресурслари, кам учрайдиган ва камайиб бораётган организмлар генофонди, ажойиб табиат комплекслари, табиат ёдгорликлари экотуризмни ривожлантиришнинг муҳим асоси ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳам бир қанча кўриқхоналар, буюртмалар ташкил этилган. Биз бу алоҳида кўриқланадиган ҳудудлардан фақатгина илмий мақсадларда эмас, экотуризм мақсадида фойдаланишимиз катта иқтисодий самара беради. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда экотуризм йўналишлари «Экосан» халқаро жамғармасининг экотуризм бўлинмаси томонидан ишлаб чиқилмоқда. Йўналишлар ҳозирча Зомин миллий боғи ва Нурота кўриқхоналарига уюштирилган ҳолос. Албатта, бу мавжуд имкониятлардан яхши фойдаланмаяпмиз.

Бунинг учун ўз навбатида қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

- кўриқхоналар ва миллий боғлар сонини ошириш;
- мавжуд кўриқхоналар ва миллий боғларни туристик ресурс сифатида илмий жиҳатдан ўрганиб чиқиш;
- мавжуд кўриқхоналар ва миллий боғлардан экотуризм объекти ва рекреацион ресурс сифатида фойдаланиш учун керакли инфратузилмани шакллантириш;
- экотуризм объекти сифатида мавжуд табиат гўшаларидан тартибли фойдаланиш;
- экологик туризм ривожланган мамлакатлар малака ва тажрибасини ўрганиш;
- табиат муҳофазасига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Экологик туризм ривожланган мамлакатлар малака ва тажрибасига таянган ҳолда Ўзбекистоннинг турли бурчакларидаги кўриқхоналар, миллий боғлар, буюртма кўриқхоналарга экологик турлар, йўналишлар уюштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўзбекистоннинг бой тарихи, унинг босиб ўтган йўли ва шон-шухратидан далолат берувчи тарихий обидалар узоқ йиллардан бери сақланиб келинмоқда. Ундан ташқари Афросиёб, Аёзқалъа, Кампирқалъа, Тупроққалъа, Поп, Насаф каби қадимий шаҳар қолдиқлари мавжудлиги тарихий обидалар экотуризмни ривожлантириш учун мавжуд ресурс ҳисобланади.

Ундан ташқари, тоғ экотуриزمи бевосита табиат билан инсон ўртасида ўзаро тўқнашуви қай тарзда кечиши билан боғлиқ. Юртимиздаги кўплаб сайёҳларнинг дам олиш ва соғломлаштириш вазифасини бажарувчи табиат гўшалари мавжуд. Бинобарин тоғ ҳудудидаги хушманзара жойлар чет эллик сайёҳларни ўзига жалб қилади. Фақат биз уларни қизиқтира олишимиз, ҳар бир сайёҳни табиат кўйида дам олиш ва соғлигини тиклашга эриша олсаккина экотуризмнинг имкониятлари ниҳоятда кенгайди. Аммо бунинг учун экологик вазият ва туризм хизматини яхшилаш талаб этилади.

Тоғ экотуризмидан самарали фойдаланиш учун қуйидаги талабларни амалга ошириш лозим:

- тоғлардаги хушманзара ва ноёб табиат гўшаларини илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш;
- ҳудудларни туристик районлаштириш ва уларни экотуристлик нуқтаи назардан баҳолаш;
- соғлиқни сақлаш ходимлари билан биргаликда санаториялар қуриш учун шифобахш жойларни ўрганиб чиқиш;
- махсус кўриқхона ва миллий боғлар (парклар) ташкил этишни кўпайтириш;
- тоғ экотуризмни ривожланган давлатлар тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда йўлга қўйиш.

Иккинчи жиҳат, экотуристлик саёҳатларни амалга ошириш учун воситалар бўлиб – транспорт, экологик тоза маҳсулотлар (мевалар, турли таомлар), ихтисослашган гидлар ҳамда барча ахборот турларини мавжудлиги ҳисобланади.

Экотуристлик саёҳатларда нафақат замонавий транспорт тармоқларидан, балки от, туя, эшаклардан фойдаланиш катта самара Беради. Серкуёш ўлкамиз шириндан ширин турли меваларга эга. Ундан ташқари ҳар хил миллий таомларнинг ўзига хослиги саёҳатчиларни

Ўзига жалб қилади. Чунки, ҳозирги даврда экологик тоза маҳсулотларга талаб ортиб бормоқда. Лекин бу имкониятлар ҳақида информацияларнинг камлиги асосий муаммодир. Умуман олганда мамлакатимизнинг бетакрор табиати ҳақида ташвиқот-тарғибот ишларини жадаллаштириш ҳозирги куннинг асосий вазифасидир.

Учинчи жиҳат, яъни саёҳатларни амалга ошириш учун шарт-шароитнинг қай даражада эканлиги – ҳудуднинг экологик, санитар-эпидемиологик ҳолати, расмийлаштириш ишлари ҳамда саёҳат хавфсизлиги каби жиҳатлар белгилаб беради. Бу борада айни кунларда кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг табиий шароити ва уларнинг экологик ҳолатини инобатга олиб, туристик объектларни ўрганиш ва аниқлаш, туристик йўналишларни белгилаш, уларни хизмат кўрсатиш имкониятидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш соҳасини йўлга қўйиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

5-боб. САВДО ВА КОНСАЛТИНГ ХИЗМАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

5.1. Савдо хизмати ва уни ривожлантириш муаммолари

Бозор иқтисодиёти шароитида савдо корхоналари фаолиятини тадқиқ қилиш, унинг муаммоларини аниқлаш ва ечимини топиш мураккаб жараён бўлиб, улар қуйидагиларга боғлиқ деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, савдонинг келиб чиқиш моҳиятини илмий асосланган ҳолда ёритиш;

иккинчидан, савдони жамиятда тутган ўрни, аҳамиятини аниқлаб олиш;

учунчидан, савдода вужудга келадиган иқтисодий, ташкилий ва бошқариш муаммоларини аниқлаб олиш. Бу эса ўз вақтида савдо жараёнидаги иқтисодий муносабатларни, унинг хўжалик механизмини чуқур билишни тақозо қилади;

тўртинчидан, савдони ташкил қилиш жараёнида, савдо корхоналари, шахобчалари фаолиятининг ҳолатини ва ривожланиш тенденцияларини ўрганиш;

бешинчидан, савдони ташкил қилишни чет эл илғор тажрибаларини таҳлил қилиш, уларни ижобий ва Республикамиз иқтисодиётига мос томонларидан фойдаланиш масалаларини ёритиш кабилардир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бизлар ушбу монографияда келтирилган масалаларни баҳоли кудрат ёритиб беришга ҳаракат қилдик.

Савдонинг келиб чиқиши ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида товар ишлаб чиқаришни, товар муомаласи ёки айирбошлашни вужудга келиши билан боғлиқ.

Тарихан савдони фойда олиш мақсадида моддий бойликларни қайта сотиш учун сотиб олиш деб тушунилган.

Савдо жараёнини қуйидагича ифодалаш мумкин:

П – Т – П¹ ... Т – П¹...

Савдо фаолиятига товар айирбошлаш шакли нуқтаи назардан қаралса, савдонинг вазифаси макон ва замон жиҳатидан бири-бирдан ажралиб турган ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги алоқани боғлашдан иборат.

Савдо мустақил ижтимоий – иқтисодий функция бажариб, бошқа иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи хўжалик тармоқлари қатори унинг фаолиятида ҳам мулкдор (мулк эгаси), ёлланган хизматчилар, меҳнат, тадбиркорлик, фойда қабилар ўз аксини топган.

Савдо ишлаб чиқаришнинг бир босқичидан иккинчисига ва ишлаб чиқарувчи кўлидан истеъмолчи кўлига маҳсулотларни етказиш вазифасини бажарган.

Савдо жараёнида маҳсулотлар товарга айланади. Чунки товар сотиш учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотдир.

Маҳсулот бирон – бир эҳтиёжни қондирмаса, яъни уни истеъмол қиймати истеъмолчилар томонидан ижтимоий тан олинмаса, унинг қиймати қопланмайди ва уни ишлаб чиқарувчи инкирозга учраши эҳтимолдан узоқ бўлмайди.

Савдони шаклланиши инсоният тараққиёти тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Ибтидо жамиятида алоҳида қабилалар эҳтиёжидан келиб чиқиб маҳсулотлари билан айрибошлашган.

Бир вақтлар туз пул ролини ўйнаган. Қайси қабилани тузи бўлса, ўшалар билан барча қолганлар маҳсулотини айрибошлашга қаракат қилган.

Савдони ривожланишида тилни билиш катта аҳамият тутган сабабли қадимда бир – бирини тилини билмаганлар учун, сўзлашмай маҳсулот алмаштириш вужудга келган. Бошқа юрт ёки элдан келганлар маҳсулотини денгиз бўйига қўйиб, узоқда туриб кутган, ерликлар кейин маҳсулот ёнига келиб олтин қўйиб кетиб қараб туришган, агар маъкул бўлса, маҳсулотни қолдириб, олтинни олиб кетган ёки яна юқоридаги жараён давом этган то айрибошлашни амалга оширгунча. Бу жараёнда биз ташқи савдони бирламчи бўлиб вужудга келишини кўрамиз. Бунга ўрта асрлардаги арабларнинг қарвон савдоси типик мисол бўлиши мумкин (Буюк ипак йўли, биржалар).

Шундай қилиб, савдо тарихидан ишлаб чиқариш ва истеъмолчилар алоқаларини енгиллаштириш, уларни харажатларини камайтириш, хўжалик фаолиятини кенгайтириш, энг асосийси уларни эҳтиёжларини қондиришга катта хисса қўшган. Улар йўл алоқаларини такомиллаштириш, пул-кредит муносабатларини ривожлантиришга ҳам ўз ҳиссаларини қўшган.

Товар муомаласи жараёнидан истеъмол товарларининг ишлаб чиқаришдан истеъмол соҳасига ўтиши босқичма-босқич амалга

ошади. Дастлаб товарлар улгуржи сотилиш соҳасига келиб тушади. Товар муомаласининг яқунловчи босқичи чакана савдога мансуб бўлади. Шу тарзда, истеъмол товарлари муомаласи жараёни иккита ўзаро боғлиқ, қисмлар - улгуржи ва чакана савдодан ташкил топади.

Улгуржи савдо кенг маънода истеъмол товарлари ва ишлаб чиқариш воситалари ҳаракатининг турли шакллари, шунингдек, улар ҳаракати жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ифодалайди. У ишлаб чиқариш воситаларининг бир ишлаб чиқариш корхонасидан бошқасига, товарларнинг ишлаб чиқаришдан муомала соҳасига, шунингдек товарларнинг бир савдо корхонасидан бошқасига ва ниҳоят қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳамда хом-ашёларининг қишлоқ хўжалик корхонасидан истеъмолчилар (саноат ва савдо корхоналари)га ҳаракати билан боғлиқ.

Ушбу муносабатлар муайян давлат ичида амалга ошади. Маълумки, ҳозирги жаҳон иқтисодиёти ривожининг ўзига хос хусусияти, мамлакатлар ўртасидаги жаҳон иқтисодий интеграциянинг такомиллашиб бораётганлигидир. Халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашиб бориши билан давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар, хусусан халқаро савдо алоқалари ривожланиб бормоқда. Алоҳида мамлакатлар ўртасидаги барча олди-сотти битимлари улгуржи савдо шаклида амалга оширилади. Истеъмол товарлари улгуржи савдосининг зарурати шундаки, ишлаб чиқарилган буюмлар бевосита шахсий истеъмол соҳасига келиб тушмайди. Чунки, ишлаб чиқариш ва истеъмол замон ва макон нуқтаи назаридан бир-биридан фарқланади. Истеъмол товарлари улгуржи сотилиши натижасида муомала соҳасидаги савдо бўғинлари орқали шахсий истеъмол ҳаракатини давом эттиради.

Улгуржи савдодан фарқли равишда, истеъмол товарларининг чакана савдоси товарларни бевосита шахсий истеъмол соҳасига ўтказиши ва муомаладан чиқаради.

Улгуржи савдо йирик партияларда амалга оширилади. Улгуржи савдода товарлар бир нечта бўғинлардан ўтиши мумкин, яъни бир неча бор сотилиши мумкин. Чакана савдода эса товарлар охириги истеъмолчиларга бир марта сотилади.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида собиқ Иттифок мамлакатларида улгуржи савдога бўлган қизиқиш бирдан сўнди, кўплаб алоҳида воситачи – савдогарларнинг пайдо бўлиши

натижасида чакана савдо тармоқлари парчаланиб кетди, уларнинг кўпчилиги фаолият кўрсатмаяпти. Буларнинг барчаси аниқ, объектив ҳолатлар билан боғлиқ бўлиб, ўтиш даври билан боғлиқ ва даврий характерга эга. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, улгуржи савдо мамлакат миқёсидаги товар муомаласи жараёнида, шунингдек кенг кўламли ташқи савдо муносабатларида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бозор иқтисодиёти шароитида улгуржи савдонинг иқтисодий аҳамияти гоят катта бўлиб, бу унинг хусусиятлари ва у бажарадиган функциялар билан аниқланади.

Улгуржи савдонинг хусусиятларини товарларнинг ишлаб чиқариш ассортиментида савдо ассортиментига айлантириш, шунингдек савдо битимларининг кенг кўламда ишлатилишини киритиш мумкин.

Ривожланган мамлакатларда «Супермаркет» типидagi йирик чакана савдо корхоналари кенг тарқалган. Супермаркетларда ҳам катта миқдордаги товарлар бўйича битимлар амалга оширилади. Бироқ, бу улгуржи савдонинг аҳамиятини заррача ҳам камайтирмайди, балки бунда улгуржи ва чакана савдонинг функциялари уйғунлашиб кетади. Ушбу супермаркетлар улгуржи савдонинг муайян функцияларини бажарувчи йирик улгуржи омборларига ҳам эга бўладилар. Умуман олганда, супермаркетлар улгуржи - чакана савдо функцияларини бажаради.

Улгуржи савдонинг муҳим хусусиятларидан яна бири, унда ягона турдаги товарлар ёки бир типдаги муайян товарлар билангина савдо қилишга ихтисослашади (масалан, китоблар). Айрим улгуржи савдо корхоналари жуда кичик ҳажмдаги битимлар тузиш асосида муваффақиятли хўжалик фаолиятини амалга оширмоқдалар. Бироқ улгуржи савдонинг ушбу хусусияти савдо битимларининг ҳар томонлама ва кенг кўпчилик хусусиятлари билан солиштирилганда, иккинчи даражали бўлиб қолади.

Улгуржи савдонинг хусусиятларига савдо иштирокчиларининг ўзига ҳослиги ҳам киради. Амалиётда харид қилишнинг иккита мотиви ва шунга мувофиқ товарларни сотиб олишдан иккита мақсад кўзланади.

Биринчиси - харидор товарларни шахсий истеъмолини қондириш ёки саноат корхоналари уларни қайта ишлаб чиқариш бўйича манфаатларини қондириш мақсадида сотиб олади.

Иккинчи мотив ва мақсад - товарлар қайта сотиш учун харид қилинади. Шундай қилиб, улгуржи савдо корхоналари товарларни саноат истеъмолини қондириш ёки қайта сотиш учун жалб қилувчи мижозлар билан ҳам ишлайди.

Улгуржи савдонинг чакана савдодан фарклантирувчи асосий хусусиятларидан яна бири, у бажарадиган иқтисодий ва ташкилий – техник функцияларининг кенг кўламлигидир. Улгуржи савдонинг бу функциялари ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида ажратиш билан боғлиқ бўлган товарларни сақлаш ҳисобланади. Улгуржи корхоналарда омбор хўжалигининг мавжудлиги кичик ишлаб чиқарувчи ва чакана савдо корхоналари учун катта аҳамиятга эга. Улгуржи савдо корхоналарининг товарларни сақлаш функциясини бажариш бир томондан ишлаб чиқарувчиларга ўз маҳсулотларини йирик партияларда сотиш ва шу билан боғлиқ ҳолда катта миқдордаги маҳсулотларни сақлаш ҳаражатларини тежаш имконини берса, иккинчи томондан, чакана савдо корхоналарига жуда кам миқдордаги товар захиралари билан ишлашни таъминлайди ва аҳолининг талабини тўлиқ қондириш имконини беради.

Улгуржи савдонинг товарларни ташиш функциясини бажариши ҳам ишлаб чиқарувчи ҳам истеъмолчи корхоналар учун иқтисодий жиҳатдан қулайлик туғдиради. Бунда ишлаб чиқарувчилар кўп сонли мижозларга товарларни кичик партияларда юклаб жўнатиш заруратидан халос бўладилар.

Ўз навбатида чакана савдо билан шуғулланувчилар ҳам алоҳида ишлаб чиқарувчиларнинг барчаси билан алоқада бўлишини тақозо қилади.

Улгуржи савдо ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида ҳисоб – китобни амалга ошириш функциясини ҳам бажаради. Бу асосан кичик бизнес ва чакана савдо билан шуғулланувчилар учун қўл келади. Улгуржи савдо корхоналари товарларни қабул қилиб олар экан, ҳали товарлар сўнгги истеъмолчиларгача сотилмаган бўлсада, тўловни амалга оширади. Яъни, товарлар охирги истеъмолчиларга етиб боргунча бўлган даврда уларни аванслайди. Бу ишлаб чиқарувчилар фаолиятининг узлуксизлигини таъминлайди ва улар маблағлари айланувчанлигини тезлаштиради. Улгуржи савдо ўзининг ҳисоб–китоб функцияси орқали чакана савдо корхоналари ҳам товар операциялари бўйича

авансланади, яъни (банк ўрнида) уларнинг кредитланиши таъминланади.

Улгуржи савдо корхоналари бозор конъюнктурасини ўрганиш, шу билан бирга ишлаб чиқарувчилар, товарлар ҳаракатини таъминловчи алоҳида бўғинлар ва охириги истеъмолчиларни талаб ва таклифнинг ҳажми ҳақидаги ахборотлар билан таъминлаш соҳасида ҳам фаол ўрин эгаллайди.

Бозор иқтисодиёти амал қиладиган хорижий мамлакатларда ҳозирги кунда улгуржи савдо билан ишлаб чиқарувчиларнинг улгуржи фирмалари, тижорат улгуржи ташкилотлари, агентлар ва брокерлар шуғулланмоқдалар. Ишлаб чиқарилган товарларни ўзига қарашли бўлган улгуржи савдо фирмалари орқали сотиш электроника, автомобилсозлик, машинасозлик каби соҳа корхоналарида кенг тарқалган. Тижорат улгуржи ташкилотлари товарларга эгалик ҳуқуқини қўлга киритади, шунингдек, ҳар хил истеъмол товарлари билан шуғулланади. Агентлар ва брокерлар - булар воситачилар саналиб, улгуржи савдо билан шуғулланувчилар ҳисобланади. Бирок, булар товарларга эгалик ҳуқуқини қўлга киритмайдилар. Агентлар билан брокерларнинг фарқи шундаки, биринчисининг фаолияти доимийлик асосида бўлса, иккинчисиники вақтинчалик (бир марталик)дир.

Биржаларни олсак, тарихдан пул, товар, фонд биржалари вужудга келган. Биржа деганда олдиндан белгиланган жойда ва муайян вақтда биржа товарлари бўйича эркин улгуржи савдосига шароит яратувчи юридик шахс сифатида фаолият юритувчи корхона тушунилади.

Биржада товарлар бирлиги келтирилмайди, уларни эталони намойиш қилинади. Масалан, Амстердам акция биржаси, Ливерпул пахта биржаси, Лейпциг китоб биржаси, Прага шакар биржаси, Нью-Йорк керосин, пахта, кўмир, темир биржалари, 2005 йилда Ўзбекистонда ўтказилган пахта биржаси.

Юқорида келтирилган мисоллардан келиб чиқсак, ички ва ташқи савдо ривожланиши жараёнида бирламчи ўрин улгуржи савдога таълуқли. Иккиламчи бўлиб чакана савдо бошланган.

Савдога қандай таъриф бериш мумкин?

Бунинг учун савдонинг қандай хусусиятлари борлигини аниқлаб олиш керак.

Савдонинг хусусиятлари:

1. савдо – бу товар айирбошлаш, олди – сотти шакли;

2. савдо – бу товарларни ишлаб чиқаришларидан ишлаб чиқарувчиларга етказиш;

3. савдо – бу товарларни ишлаб чиқарувчилардан шахсий истеъмолчиларга етказиш;

4. савдо – бу товарларни қишлоқдан–қишлоққа, шаҳардан–шаҳарга, худуддан–худудга, давлатдан–давлатга етказиб бериш жараёнидир;

5. савдо – сотувчи билан сотиб олувчи ўртасидаги иқтисодий муносабатдир;

6. савдо – иқтисодиётнинг (халқ хўжалигининг) хўжалик юритувчи субъекти, тармоғи;

7. савдо – бозор элементлари (таклиф, талаб ва баҳо) намоён бўладиган жараён.

8. савдо – хизматнинг алоҳида тури бўлиб у бир томондан ишлаб чиқарувчиларга хизмат қилади, иккинчи томондан истеъмолчиларга, учинчи томондан Давлатга хизмат қилади ва тўртинчидан у бошқа иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига ҳам хизмат кўрсатади, уларни хизматларидан истеъмолчи сифатида фойдаланади ва улар билан алоқада бўлади.

Савдо биринчидан, товарларни сотиш билан боғлиқ бўлган алоқалар ва товар айирбошлаш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни ифодалайди иккинчидан, иқтисодиёт тармоғи сифатида ижтимоий меҳнат тақсимооти натижасида мустақиллашган савдо корхоналари мажмуасидир.

Савдонинг моҳияти (таърифдан) келиб чиқиб, унинг бажарадиган функцияларини аниқлаш зарур.

Савдо ўз моҳиятидан келиб чиқиб қуйидаги ижтимоий – иқтисодий функцияларни бажаради:

Биринчидан, товар айирбошлаш шакли сифатида товарлар қийматини айирбошлаш;

Иккинчидан, иқтисодиёт тармоғи сифатида товарларни ишлаб чиқишдан истеъмолчиларга етказиш.

Биринчи функция натижасида товарларни қиймати сотилади, унга сарф қилинган ижтимоий меҳнат қопланади ва қўшимча қиймат вужудга келади.

Иккинчи функция натижасида товарларни истеъмол қиймати истеъмолчиларга етказилади, истеъмолчилар томонидан тан олинади, сотилади ва мулк шакли ўзгаради.

Амалий нуқтаи назардан истеъмол товарларини тақсимои тугайди (пул ўрнига товар ўтади).

Савдо ижтимоий–иқтисодий функцияларни бажариш билан бир қаторда ташкилий–иқтисодий ҳамда техник–технологик функцияларни ҳам бажаради.

Ташкилий – иқтисодий функциялар:

1. таклиф имкониятларини ўрганиш;
2. талаб ва эҳтиёжни ўрганиш;
3. баҳони шакллантириш;
4. товарлар рекламасини ташкил қилиш;
5. шартномалар тузиш ва буюртмалар бериш;
6. истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш.

Техник – технологик функциялар:

1. товарларни ишлаб чиқаришдан истеъмолчиларга етказишни ташкил қилиш (транспорт корхоналари билан алоқа ўрнатиш, товарларни сон ва сифатда қабул қилиш ва ҳ.к.)

2. товарларни сақлаш;
3. товарларни қадоклаш;
4. товарларни транспорт воситаларига юклаш, тушуриш.

Савдонинг иқтисодийётида тутган ўрни, аҳамияти, савдонинг хусусиятлари, бажарадиган функцияларидан келиб чиқади.

Савдо аҳоли ҳаётини таъминлайдиган алоҳида соҳа бўлиб ҳисобланади. Уни иштирокида ишлаб чиқарилган товарлар истеъмолчилар томонидан ижтимоий тан олинади, товар таклифи билан истеъмолчилар талаби келиштирилади.

Товар таклифи билан истеъмолчилар талабини келиштириш орқали савдо ишлаб чиқаришга фаол таъсир қилади, у ишлаб чиқариш ҳажмини ва таркибини (ассортиментини) белгилашга таъсир қилади.

Савдонинг ишлаб чиқариш билан алоқаси – уларни хўжалик алоқалари, тижорий ишлари орқали амалга ошади.

Жамиятда савдо корхонасисиз ишлаб чиқарилган истеъмол товарлар истеъмолчиларга етиб бормайди.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигига савдо иқтисодий имкониятлар яратади. Ҳар қандай ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари ўзи ишлаб чиқарган товарни сотилишини таъминлаш шарт, акс ҳолда унинг фаолияти тўхталиб қолиши

мумкин. Савдо корхоналари ишлаб чиқарувчиларга ўз харажатларини қоплаш ва тегишли даромад олиш имкониятини яратади.

Савдо ушбу вазифаларни бажариш орқали ишлаб чиқарувчиларга хизмат қилади.

Ишлаб чиқарувчилар тўғридан – тўғри истеъмолчиларни (бу ерда аҳоли назарда тутилмоқда) ўз товарлари билан таъминлаш имкониятига эга эмас ва уни бажара олмайди. Шу билан бирга савдо ишлаб чиқарувчиларни вақтини тежайди ва такрор ишлаб чиқаришни тезлаштиради.

Худди шундай савдо халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари билан ҳам алоқада бўлади. Савдо тақсимотини реал ҳолда амалга ошишини таъминлайди.

Савдо – пул, кредит, молия тизимини мувофиқлаштирилиши, жараёнини намоён бўлишига таъсир қилади (пул эмиссияси, касса режаларини бошқариши, инфляция, миллий даромадни шаклланиши) ва ҳ.к.

Савдонинг асосий вазифаларидан бири истеъмолчиларга хизмат қилиш бўлиб ҳисобланади.

Истеъмол такрор ишлаб чиқариш жараёнининг тўртинчи ва охириги фазаси. У маҳсулотларнинг ҳаракатини охириги босқичи.

Истеъмолда (ишлаб чиқариш ва шахсий) товарларни истеъмол қиймати намоён бўлади ва тан олинади.

Савдонинг шахсий истеъмол билан алоқаси аҳолининг истеъмол товарларига эҳтиёжини қондириш орқали намоён бўлади.

Савдода алоҳида шахс ёки истеъмолчилар гуруҳи учун мос келадиган товарларининг ассортименти шаклланади. Узлуксиз савдо амалга оширилади, яъни талабни узлуксиз қондириб бориш жараёни таъминланади.

Шахсий истеъмол орқали инсоният ишчи кучини такрор ишлаб чиқаради. Бу эса ишлаб чиқаришни ривожлантиришга манфаат туғдиради, чунки ҳар қандай тармоқ ишчи кучи билан узлуксиз таъминланиши зарур.

Савдода эҳтиёжни шакллантириш орқали истеъмол таркибига, аҳолининг умумий равишда яшаш даражасини оширишга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Масалан, товарларни реклама қилиш орқали (товарларнинг истеъмол функцияси, сифати, баҳоси ва ҳ.к.) аҳоли эҳтиёжини шакллантириш. Реклама, ҳар хил турдаги савдо шахобчаларини ташкил қилиш (элита ёки

арзон баҳодаги савдо шахобчалари ташкил қилиш каби) орқали аҳолининг ижтимоий-иқтисодий гуруҳлари орасида истеъмол даражаси ва таркибини тартибга солишдек мураккаб вазифани амалга оширади. Савдо ҳар хил фойдали маслаҳатлар бериш орқали оқилона истеъмолни шакллантиради. Бу эса аҳолининг ҳаётини ва истеъмол даражасини ортишига олиб келади.

Савдо шахобчаларида прогрессив савдо технологияларини жорий этиш, харидорларга зарурий шарт-шароитлар яратиш билан аҳолининг товар сотиб олиш харажатларини (товар сотиб олишга ва истеъмоли учун сарфланган меҳнат ва моддий харажатлар), товар сотиб олишга сарфланган вақтини тежашга ўз таъсирини кўрсатади. Аҳолининг бўш вақти эса жамиятнинг бойлиги, унинг тараққиёти учун асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Савдода аҳолини вақтини тежашга имконият яратиши орқали уларни бўш вақтларини оширади.

Бозор иқтисодиёти шароитида савдода тадбиркорликни ўзига хос хусусиятларига эга бўлишини тақозо қилади. Ушбу хусусиятларга қуйидагиларни киритиш мумкин.

Биринчидан, савдони бажарадиган функцияларидан келиб чиқиб, бошқа тармоқ ва соҳалардаги тадбиркорликдан фарқли функциялар бажаради.

Иккинчидан, савдонинг хўжалик механизмидан келиб чиқиб, унинг таркиби, бошқарилиши, хўжалик алоқалари, молиявий ресурсларни шакллантириш даромад манбалари ва харажатлари шаклланиши кабиларда савдодаги тадбиркорлик бошқаларидан кескин фарқ қилади.

Учинчидан, меҳнат жараёни ҳам ўз хусусиятларига эга.

Тўртинчидан, савдодаги тадбиркорлик бир томондан ишлаб чиқарувчилар ва таъминотчилар билан иккинчи томондан юзлаб ва минглаб харидорлар билан муносабатда бўлади. Шу сабабли уларни касбий маҳорати, психологияси ўзгача шаклланади.

Ҳар қандай миллий иқтисодиёт табиий ресурслар, ишчи кучи, технология, зарурий тадбиркорлик ва бошқарув кўникмаларидан иборат механизмидан ташкил топади.

Жамиятнинг асосий мақсади инсон эҳтиёжлари келажagini кўра билиш ва қондиришдан иборат. Бу эса, товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш орқали амалга ошади. Ушбу вазифаларни максимал самарали бажариш учун капитал ва менежмент зарур бўлади.

Иқтисодий ҳаракатга келтириш унинг хўжалик механизми орқали амалга ошади.

Аниқ шароитда хўжалик механизми – бу ташкилий тузилмалар (таркиб), хўжалик юритиш шакллари, бошқариш усуллари, ҳуқуқий нормалар мажмуаси орқали иқтисодий қонунлар талабларини жамият томонидан ишлатишдир. Хўжалик механизмининг элементларига қуйидагилар киради: режалаштириш, хўжалик ҳисоби, моддий рағбатлантириш, бошқарувни ташкилий – тарқиб тузилмаси, баҳо, ҳуқуқий нормалар, иқтисодий дастаклар ва воситалар (солиқ, кредит, санкция, тўловлар – бюджетга, иш ҳақи, рағбатлантириш фонди).

Хўжалик механизм ижтимоий – иқтисодий муносабатлар тизими ичида амал қилади шу сабабли хўжалик механизм моҳиятини қуйидагича ифодалаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хўжалик механизмининг моҳияти хўжалик субъектларини товарлар хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнидаги иқтисодий фаолиятларини ягона алоқалар тизимига келтиришда намоён бўлади. Ушбу жараёнда хўжалик механизм бир қатор функцияларни бажаради. Уларга баҳолаш, ташкилий-бошқарув, тақсимлаш, айирбошлаш, истеъмол таркибини шакллантириш, рағбатлантириш, такрор ишлаб чиқариш иштирокчиларини жамиятдаги ижтимоий ва иқтисодий жавобгарлигини таъминлаш кабиларни киритиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хўжалик механизми ижтимоий-иқтисодий муносабатлари билан ўзаро боғлиқлигини қуйидагича ёритиш зарур.

Биринчидан, ишлаб чиқариш муносабатлари соҳаси билан алоқаси. Ушбу соҳада хўжалик механизм ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган барча иқтисодий муносабатларни қамраб олади. Масалан:

- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш бўйича муносабатлар;
- ишлаб чиқариш корхоналарини тармоқлар, регион, давлат ва давлатлараро миқёсида кооперациялаштириш муносабатлари;
- табиий, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланиш муносабатлари;
- инвестициялаш муносабатлари;
- маҳсулотларни баҳолаш муносабатлари ва ҳоказолар.

Иккинчидан, тақсимот соҳасидаги муносабатлар. Табиий бойликлар, меҳнат, моддий ресурсларини хўжалик субъектлари ўртасида тақсимлаш (бу тақсимот пул даромадлари тақсимлаш, ишчи кучи моддий-техник қувватларини ва табиий бойликларни тақсимлашда ўз ифодасини топади);

- давлат ва хўжалик субъектлари ўртасида даромадларни тақсимлаш;

- хўжалик субъектлараро, улар ичида, яъни хўжалик субъектлари ва ишчи хизматчилар, акционерлар ўртасида даромад тақсимои ва бошқалар.

Учинчидан, айрибошлаш жараёнидаги муносабатлар;

Тўртинчидан, истеъмол соҳасидаги муносабатлар.

Ушбу муносабатлар бир бири билан тигиз боғлиқ бўлиб, бир бирига қўшилиб кетади, бири бирига айланади.

Ушбу муносабатлар макроиктисодий, мегоиктисодий ва микроиктисодий даражаларда намоён бўлади.

Масалан, макроиктисодий даражада хўжалик механизми жамиятни бошқариш билан боғлиқ функцияларни бажаради. Бу даражада вазирликлар, кўмиталар ва бошқа таркибий тузилмалар тузилади, давлат миқёсида программалаштириш, режалаштириш, давлат мулкидаги корхоналарни бошқариш жамиятдаги иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, пул муомаласини таъминлаш, кредит, солиқ тизимларини ишга солиш, давлат буюртмаларини бажартириш, таълим, соғлиқни сақлаш, мудофаани ташқи алоқаларни таъминлаш ва бошқа ишлар амалга оширилади.


Мезоиктисодий даражада тармоқлараро ва соҳалараро муносабатлар амалга оширилади. Ушбу алоқалар олди-сотти, шартномалар асосида алоҳида таркибий тузилмалар яратилмасдан амалга оширилади. Айрим ҳолларда тармоқлараро бирлашмалар ёки корпорациялар тузилиши мумкин.

Микроиктисодий даражада – хўжалик субъектларини хўжалик механизми назарда тутилмоқда.

Савдонинг хўжалик механизми унинг жамиятдаги тутган ўрни, хусусиятлари, бажарадиган функцияларидан келиб чиқади.

Савдо “бозор иқтисодиёти”нинг таркибий ажралмас қисми бўлмиш “**бозор**”нинг бир соҳаси сифатида истеъмол товарларини ишлаб чиқаришдан истеъмолчиларга олди – сотти жараёни орқали етказишлик каби мукамал функцияни бажаради.

Бу жараёни қуйидагича ифодалаш мумкин.



Савдо жараёнида бозорнинг барча элементлари иштирок этади, яъни таклиф, талаб ва баҳо. Савдода рақобат орқали бу элементлар мувофиқлаштирилади.

Ушбу жараёнда савдо жамият иқтисодийнинг кўп тармоқлари ва ҳар хил истеъмолчилар билан иқтисодий алоқага чиқади, ўзининг бошқарув ташкилий тузилмаларини тузади, савдонинг турлари (улгуржи, чакана каби), шаҳобчалари ва ҳар хил воситалари вужудга келади.

Бу жараёнда махсус – технологик ва ҳўжалик операциялар бажарилади.

Савдо корхоналарида ўзига хос меҳнат, моддий ва молиявий ресурслар шаклланади ва фойдаланилади.

Бу жараёнда аҳолига товар сотиш билан бир қаторда товарларни сотиш, харидорлар уйларига етказиш, истеъмолни ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган хизмат амалга оширилади.

Савдога хос тадбиркорлик ривожланади, алоҳида воситачилар гуруҳи вужудга келади.

Молиявий субъектлар билан алоқалар ўрнатилади, иқтисодий – моливий воситалар ишлатилади.

Олди – сотти жараёнига боғлиқ ҳуқуқий воситалар ва нормалар ўз аксини топади.

Ушбу жараёнда ижтимоий воситалар ишга тушади, психологик муҳит яратилади ва ниҳоят, товар – пул муносабатлари билан боғлиқ бўлган ижтимоий – иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва психологик муносабатлар шаклланади.

Шундай қилиб, савдонинг ҳўжалик механизми, жамият ҳўжалик механизмининг ажралмас қисми, уни ҳаракатлантирувчи актив восита сифатида намоён бўлади.

Савдонинг ҳўжалик механизми – унинг фаолияти учун зарур бўлган бошқарув усул – услублари, ташкилий тузулмаси, конкрет ҳўжалик юритиш шакллари, ҳуқуқий, психологик восита ва жараёнлар мажмуидир.

Савдонинг ҳўжалик механизми қуйидаги элементлардан ташкил топади.

Биринчидан, савдони ташкил қилиш шакллари, савдо корхонаси ва тадбиркорликнинг шакл ва турлари, уларнинг ихтисослашиши, типланиши, кооперативлашиши, ассоциациялашуви ва хоказо.

Иккинчидан, уни бошқариш таркиби, усул ва шакллари. Бу элемент иқтисодий муносабатларни бошқарув аспектига тегишли ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун ишлатиладиган маъмурий ва иқтисодий усулларни ўз ичига олади.

Учинчидан, савдонинг давлат органлари ва иқтисодиётнинг бошқа субъектлари билан молиявий – кредит, пул муносабатлари, олди – соттди ва хўжалик алоқалари.

Тўртинчидан, савдода ишлатиладиган иқтисодий рағбатлантириш шакллари, усуллари, иқтисодий дастаклар (баҳо, иш ҳақи, фойда кабилар).

Бешинчидан, савдо фаолиятини тартибга солишни ҳуқуқий шакл ва усуллар. Ҳуқуқий қонунлар, давлат органларининг норматив ҳужжатлари, кўрсатмалари, савдо ташкилотлари ва корхоналарнинг низоми, устави ва ҳоказолар.

Олтинчидан, савдо муносабатларига таъсир қилувчи ижтимоий – психологик омиллар.

Еттинчидан, давлатнинг иқтисодий сиёсати. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон Республикаси давлатининг иқтисодий сиёсатининг бешта устивор йўналишлари ташкил қилади. Унинг асосий мазмуни қуйидагиларда ўз ифодасини топади.

1. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги.

2. Давлат бош ислоҳатчи.

3. Қонун ва Конституциянинг устунлиги.

4. Кучли ижтимоий – сиёсат юритиш.

5. Бозор иқтисодиётига босқичма - босқич ўтиш.

Бу тартиб ва қоидалар савдо иқтисодиётида ўз ифодасини топади ва унинг фаолиятини йўналтиради.

Саккизинчидан, рақобат, журъат, хавфсизлик, тижорат сирларининг шакл ва усуллари.

Савдо ташкилий–таркибий тузилиши нуқтаи назардан жаҳон амалиётида бир–биридан фарқланадиган ҳар хил шаклларга ва турларга бўлинади.

Мулк шаклидан келиб чиқиб, савдо хусусий, жамоавий (кооператив, акциядор) давлат ва аралаш шаклларга бўлинади. Товар-

ларни ишлаб чиқаришдан истеъмолчига қараб силжиши нуқтаи назардан улгуржи ва чакана савдога турланади.

Худудий ташкилланиш жиҳатидан ташқи ва ички савдога бўлинади.

Ушбулардан ташқари улгуржи ва чакана савдо ташкилий-хуқуқий жиҳатларидан, товар бўйича ихтисосланиши, савдо шахобчаларни типланиши, товарларни сотишни ташкиллаштириш усулларига қараб ҳар хил турларга бўлинади. Масалан, 1. Улгуржи савдо - универсал, ихтисослашган, улгуржи воситачилар, ҳарид қилувчи марказлар, биржалар ва ҳоказолардан ташкил топади. 2. Чакана савдо - универсал, франшиза, супермаркет, гипермаркет, маркет ихтисослашган, почта орқали савдо, магазиндан ташқари, яъни кўчма садо, савдо уйлари, савдо марказлари, ўз-ўзига хизмат қилиш савдо шахобчалари, бозор савдоси (кийим кечаклар бозори), деҳқон бозори, майда савдо шахобчалари (ларёклар, киосклар, павъилонлар), савдо автоматлари ва ҳоказоларга турланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши ва бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириши муносабати билан ички савдони ташкил қилиш, уни ривожлантириш жараёнида ижобий ва салбий тенденциялар, таркибий силжишлар шаклланининг ўзгариши каби ҳодисалар рўй берди. Уларнинг асосийларига тўхталиб ўтамиз.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни савдода монопол фаолият учун шарт шаронт яратиб турган ташкилий таркибий тузилмаларни бартараф қилишдан бошланди. Давлат ва кооператив савдода давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш каби ишлар жадаллик билан амалга оширилди.

Республикада ўтказилаётган ислохатлар натижасида савдо соҳасидаги давлат ва кооператив тизими барҳам топди. Уларнинг ўрнида турли мулк шаклидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка таълуқли савдо корхоналари ва шахобчаларидан иборат хизмат соҳаси вужудга келди. Уларнинг умумий сони охириги 15 йилда 10 бараварга ортди. Улар учун яратилган эркинлик, савдо жараёнини соддалаштириш, назоратни камайтириш улар фаолиятини кенгайтиришга кенг йўл очиб берди.

Мустақиллик йилларида ички савдода ўтказилган таркибий ўзгартиришлар натижасида республика чакана товар айланиши кўрсаткичида 1991 йили давлат савдосининг ҳиссаси 47,5%ни ташкил қилган бўлса, 2005 йилга келиб, унинг ҳиссаси 1,1% ни

ташкил қилди. Чакана товар айланишини 98,9% нодавлат секторига, жумладан, фуқароларнинг шахсий мулкига асосланган савдонинг ҳиссасига 85,3% га тўғри келди. Савдо соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик шаклланди ва улар Республика савдосида асосий ўринни эгаллашди. Савдонинг янги шакли, яъни хусусий савдо шаклланди. Эски марказлашган ҳолда товар тақсимоги ўрнига янги бозор механизми вужудга келди, товар олди-сотти жараёнида рақобат муҳити шаклланди. Савдода вертикал бошқарув тизими барҳам топди. Баҳолар эркинлаштирилди. Хўжалик алоқалари бозор иқтисодиётига мослаштирилди. Ташкилий тузилмалар бутунлай янги таркибда тузилди. Вазирлик ва бошқармалар йўқ қилинди. Хусусий фирмалар, яқка тартибдаги савдо шахобчалари вужудга келди. «Ўзбексавдо» акционерлик компанияси, «Ўзбекбирлашув» акционерлик компанияси, «Ўзулгуржи-савдо инвест» уюшмаси, вилоятларда «Матлуботтаъминотсавдо» акционерлик компаниялари, туманларда «Матлуботсавдо ишлаб чиқариш кооперативлари» ташкил топди. Ушбу ижобий тенденциялар билан бир қаторда савдо соҳасида салбий ўзгаришлар ҳам кузатилмоқда. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, маҳсулот етказиб беришнинг марказлашган тизими бекор қилиниши муносабати билан савдо шахобчаларига аксарият ҳолларда товарлар майда улгуржи воситачилар орқали бозорлардан келтирилмоқда. Натижада товарларни силжитиш бўғинлари кўпайиши, баҳони назорат қилиб бўлмайдиган даражада ортиб бориши товарларни сифатини назорат қилиб бўлмайдиган ҳолатлар вужудга келди. Чет эллардан (Хитой, Туркия, Эрон ва бошқалар) сифатсиз товарлар ҳар хил йўллар билан ички бозорни тўлдириш ҳоллари кузатилмоқда.

Бугунги кунда улгуржи ва чакана савдода товарларни қабул қилишда сифатни текшириб олиш, уларни сақлаш, сотиш жараёнларида белгиланган қондаларга риоя қилмаслик ҳолатлари кўплаб учраб туради.

Иккинчидан, Республикада мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнида матлубот кооперациясини улгуржи савдо базалари ва чакана савдо шахобчалари кўп ҳолларда асоссиз сотилиб юборилди. Натижада қишлоқ жойларнинг олис ва бориш қийин бўлган тоғли ҳудудларда яшовчи аҳолига товарлар етказиш муаммоси вужудга келди.

Учинчидан, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхона-ларни аҳволининг ёмонлашуви, аҳолини товарлар билан таъмин-лаш жараёнини бузилишини асосий сабаби, савдо жараёнидан улгуржи савдони барҳам топганлигида. Истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан савдонинг шартномавий алоқалари узилиб қолди. Бежиз эмас, Республикамиз Президентини «Улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт шароит яратиш чора тадбирлари тўғрисида» ги 2006 йил 23 феврал фармони ва шу йил 6 мартдаги «Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ги қарорни қабул қилиниши. Ушбу фармойиш ва қарор асосида Рес-публикамиз вилоятларида худудий улгуржи савдо базалари, Рес-публикамизда эса «Ўзулгуржисавдо инвест» уюшмаси ташкил қилинди.

Республикада савдони такомиллаштириш муаммолари ҳуку-матнинг долзарб масаласи даражасига кўтарилди.

2006 йил 4 август куни Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилишда «Республикага четдан товарлар олиб келиш ва сотиш, ички истеъмол бозорини мамлакат саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган махсулотлар билан тўлдириш ва маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятини рағбатлантириш, улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида» ги масала муҳокама қилинди. Бу йиғилишда қишлоқ худудларида уюшган савдо корхоналарининг фаолияти етарли даражада ташкил этилмаганлиги, оқибатда, айниқса, олис чўл зоналари ва бориш қийин бўлган тоғли худудларга асосий турдаги озиқ-овқат товарларини етказиб беришда узилишлар рўй бераёт-ганлиги, ишлаб чиқаришдан товарларни улгуржи харид қилиш ва уларни чакана савдо шахобчаларига етказиб бериш бўйича шартно-мавий муносабатлар йўлга қўйилмаганлиги қайд этилган.

Бугунги жаҳон амалиётида хусусий савдо ҳам уюштирилган ҳолда ташкиллаштирилган. Бизнинг фикримизча, Президентимиз-нинг юқорида келтирилган Фармойиши ва қарори республикамизда савдони уюштирилган ҳолда ташкиллаштиришга асос солади.

Тўртинчидан, савдо шахобчаларини ихтисослашиши ва типланиши бузилиб кетди, улар майдалашиб кетди. Хозирги кунда битта савдо шахобчасига ўртача 2,4 сотувчи тўғри келади. Ушбу кўрсаткич Қорақалпоғистонда – 1,50, Андижонда – 3,20, Бухорода

– 2,20, Жиззахда – 1,70, Қашқадарёда – 2,00, Навоийда – 2,60, Наманганда – 4,70, Самарқандда – 1,90, Сурхондарёда – 2,70, Сирдарёда – 1,60, Тошкентда – 1,30, Фарғонада – 3,80, ва Хоразмда – 3,0 кишини ташкил қилади.

Савдо шахобчаларининг ихтисослаштириш ва ҳозирги кунда майда, универсал, жазирама офтобда озик–овқат, ноозик–овқат товарлари билан аралаш ҳолда савдо қилаётган савдо шахобчаларига барҳам беради ва савдони маданиятини юксалтиришга олиб келади деб ҳисоблаймиз.

Бешинчидан, савдо корхоналари ва шахобчалари истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳолати, аҳолининг талаби тўғрисида ахборотларга эга эмас, уларни ўрганиш масаласи билан шуғулланмайди. Бизнинг фикримизча талаб ва таклифни хажмини, таркибини, жойланишини, ўзгариш тенденцияларини ўрганадиган махсус (чет эллардаги каби) ташкилотлар ёки илмий тадқиқот муассасаларни ташкил қилиш вақти келди.

Олтинчидан, савдо шахобчасига махсус тайёргарлиги йўқ, савдонинг хусусиятлари, унинг нозик маданий – психологик томонларидан ҳабарсиз, бозор иқтисодиёти шарт – шароитларини тушуниб етмаган шахсларнинг кириб келганлиги савдо фаолиятини тўғри олиб бормаслик, унинг қонун – қоидаларини бузишга олиб келмоқда.

Ҳозирги кунда савдо сотувчиларини оммавий ҳолда махсус тайёрлов курсларидан ўтказиш, раҳбар ходимлари ва мутахассисларини олий ва ўрта махсус таълим юртларида малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш зарурият бўлиб қолмоқда.

Еттинчидан, ишлаб чиқариш корхоналари ва улгуржи савдо базаларининг шартномавий алоқаларини бир томондан, иккинчи томондан улгуржи савдо базалари ва чакана савдо шахобчалари шартномавий алоқаларни тиклаш, уларни ҳуқуқий асосларни яратиш, савдо тўғрисида қонун қабул қилиш ва уни ривожлантиришни давлат дастурини ишлаб чиқиш зарур деб ҳисоблаймиз.

5.2. Бозор инфратузилмасида консалтинг хизматининг тугган ўрни

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишдаги фаол ҳаракати натижасида бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардаги хўжалик юритишнинг самарали усуллари ўрганилиб,

амалда тадбик этилмоқда. Шу ўринда бозор инфратузилмасининг муҳим элементларидан ҳисобланган консалтинг хизматлари бозорини шакллантиришнинг долзарблигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Консалтинг фаолияти жаҳон иқтисодиётининг тез суръатда ўсиб бораётган тармоқларидан бири ҳисобланади. У ўсиш суръати буйича фақат ахборот технологиялари бозори (интернет технология ва телекоммуникация)дан кейинги ўринда туради. Бу бевосита замонавий бозорнинг асосан, фан-техника, технологиялар соҳасида тез суръатда тараққий этаётгани билан боғлиқдир. Рақобат курашининг кучайиши бозорда ўзгаришлар динамикасининг ошишига шароит яратади. Бундай вазиятда келажакни олдиндан кўра билиш қийинлашиб, таваккалчилик натижасидаги ҳавф ортади, қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотлар етишмайди ва ўз навбатида ушбу ахборотларга эга бўлиш учун сарфланадиган харажатларнинг самарасиз кетиш эҳтимоли мавжуд бўлади. Бундай шароитда ташқи муҳитнинг доимий, тез ўзгарувчан шартларига мослашувчан ҳаракат қилувчи бошқарувга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларгина фаолият кўрсатиши мумкин.

Шундай бир вазиятда малакали консалтинг хизматининг роли янада ортади. «Мак-кинзи» компаниясининг энг тажрибали консултантларидан бирининг айтишича, консултантлар ҳеч қандай айтарли, оламшумул маслаҳатлар бермайди, балки, уларнинг кўпгина маслаҳатлари: нархларни ошириш, харажатларни камайтириш, нима фойдали, нима зарарлигини аниқлаш, фойдали операцияларни кенгайтириш, зарарлиларини тўхтатиш каби кўринишлардан иборат бўлади.

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда консалтинг хизматини ташкил этиш жараёни шаклланмоқда, бу борада қатор мақолалар, қўлланмалар ва консултант сифатида ишлаш услублари бўйича амалий тавсиялар чоп этилган. Хусусан, мунтазам нашр этилаётган «Экономическое обозрение» журналида консалтинг фаолияти таҳлилига бағишланган мақолалар, консалтинг компанияларининг илғор мутахассислари билан мулоқат натижалари нашр этилмоқда.

Олиб борилган таҳлилларнинг натижаси бўйича бугунги кунда Ўзбекистон консалтинг хизматлари бозорининг 70 фоиз улуши хорижий фирмаларга тўғри келар экан. Бу шундан далолат берадики, илғор маҳаллий, давлат ташкилот ва корхоналар ўз муаммолари бўйича хорижий консултантлар билан ишлашга интилмоқда. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда маҳаллий консалтинг хизматлари бозорини шакллантириш ва уни

тараққий этириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканлиги маълум бўлмоқда.

Бугунги кунда хусусийлаштириш жараёнининг якуний босқичи амалга оширилиб, бу келажакда бозорнинг эркинлашувиغا асос яратади, буни валюта, корпаратив бошқарув тамойилларини жорий этиш, хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш каби йўналишларда кузатиш мумкин. Бундай муносабатларда корхоналарни бошқариш системасининг очиклик аҳамияти ошиб, унинг хўжалик фаолиятидаги самарадорлиги, молиявий менежментини оптималлаштириш эвазига фойданинг ўсишини таъминлаш, кенг кўламдаги маркетинг тадбирларини амалга ошириш асосида корхонанинг бозордаги ўрнини мустаҳкамлаш вазифаларини бажариш муҳимдир. Бу масалаларнинг ечимини топишда хорижий самарали усуллар ва амалга оширилган тахлиллар ёрдамида корхонанинг аниқ муаммоларига малакали ва тизимли ёндоша оладиган мустақил консултантларни жалб қилиш орқали амалга ошириш мумкин.

Ўзбекистонда консалтинг хизматлари бозорининг тараққиёти ва ўрни ҳақида фикр юритишдан олдин, мавжуд шарт-шароитлар ҳақида тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Бу борада ҳозирги вазиятни баҳолаш натижасида, қўйидаги алоҳида хусусиятларни ва муаммоларни аниқлаш мумкин:

- маҳаллий консултантлар томонидан консалтингнинг барча йўналишлари қамраб олинмаганлиги;
- ҳамма консалтинг фирмалари ҳам тўла ихтисослашувга эга эмаслиги;
- айрим ҳолларда кўрсатиладиган хизмат сифати анча паст эканлиги;
- бозор талабига мос ҳолда барча хизмат турлари бўйича хизматлар таклифининг йўқлиги;
- бир қанча хизмат турлари бўйича қиммат нархлар шаклланганлиги.

Бундан ташқари, консалтинг хизматида махсус ёндошув зарурлиги, хизмат кўрсатиш жараёнига сарфланадиган вақтнинг мавҳумлиги, тахлил натижаларини объектив баҳолаш ва Самарадорлигини билиш қийинлиги, шу билан бирга Ўзбекистонда фаол равишда ташқи консултантларни жалб қилиш ва берилган консалтациялар учун муносиб ҳақ тўлаш маданияти етарли даражада шаклланмаганини қайд этиб ўтиш лозим.

Ҳозирги жамият тараққиётининг яна бир муҳим томони шундан иборатки, товар ишлаб чиқаришга нисбатан хизматлар ишлаб чиқариш ва маълумотлар тўплаш жараёнлари сезиларли даражада устунлик қилмоқда. Бундай ҳолатни АҚШ, Ғарбий Европа ва Осиё-Тинч океани давлатларида кузатиш мумкин. 2000 йиллар охирида, АҚШ да ички ялпи маҳсулот (ИЯМ) улуши хизматлар соҳасида 78 фоиздан 85 фоизгача ўсди. Бу ҳолатни Японияда 68 фоиздан 76 фоизга, Буюк Британияда 76 фоиздан 82 фоизга ошганини кузатиш мумкин. Ҳозирги пайтда АҚШ да фойдали меҳнат билан банд аҳолининг 75 фоизи хизматлар соҳасида меҳнат қилмоқда. Шу билан биргаликда ишловчиларнинг 80 фоизи ақлий меҳнат билан банд бўлиб, 87 фоиз кадрлар юқори малакага эга эканлиги маълум.

Бундай ҳолат кўпроқ фан, таълим, соғлиқни сақлаш, телекоммуникация, компьютер, инженеринг ва бошқарув хизматларида кўзга ташланмоқда. Юқорида келтириб ўтилган маълумотлар шуни кўрсатадики, замонавий босқичнинг айрим хусусияти номоддий товарлар — хизматлар улушининг ортишида намоён бўлмоқда

Хизматлар ичида «билимларни ишлаб чиқариш» хизмати муҳим аҳамият касб этади. Бундай ишлаб чиқаришни кўзлаган ҳолда йўл тутиш учун ишлаб чиқариш жараёнида истеъмолчилар иштирок этиб, ишлаб чиқарувчининг буюртмани кўнгилдагидек бажаришини гувоҳи сифатида дастлабки маълумотларга эга бўлиши керак. Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчининг бевосита фаол иштирокида яратилган маҳсулот, товар — хизматлар ичида алоҳида хусусияти билан фарқланади. Замонавий бозор шароитида анъанавий натура-буюм шакли тугатилиб, бевосита тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи алоқаси ва бунинг бутун ишлаб чиқариш жараёнида амал қилиши бундай турдаги товар-хизматларнинг аҳамияти ва ролини янада оширади.

Хизматлар фаолиятини ишлаб чиқариш моддий-буюм тузилмасининг қаторига қўшилишига қуйидагилар асос бўлади:

Биринчидан, ишлаб чиқаришнинг умумий шартларини яратувчи ва ишлаб чиқариш жараёнини кучли ҳаракат билан ташкил этувчи омил ҳисобланган тизимдаги ишлаб чиқарувчи инфратизимнинг мавжудлиги;

Иккинчидан, иқтисодий тизимда ўзаро алоқадорлик ва бир-бирига боғлиқликнинг ўсиш жараёнининг тараққиёти, шу асосда хизмат қилувчи ишлаб чиқаришнинг ўрни ва масъулиятнинг ўзгариши;

Учинчидан, ноаниқ ёки кам аҳамиятли манбаларнинг хўжалик айланма маблағларида пайдо бўлиши ва қўшилиши, жумладан номоддий манба-хизматлари(маълумотлар);

Тўртинчидан, марказлашган бошқарувга эга, шахсий ишлаб чиқариш атрофида кучли инфратузилма шаклланган тармоқли ишлаб чиқаришни ташкил этилиши;

Бешинчидан, номоддий ишлаб чиқариш билан моддий ишлаб чиқариш соҳаларини аралашувининг жадаллашиши, иқтисодий муҳитнинг мураккаблашуви ва хўжалик юритувчи субъектларнинг тўғри ва эгри харажатларни камайтириш мақсадидаги мослашиши зарурияти.

Моддий ишлаб чиқаришнинг хизматлар ҳажми «софтизация коэффиценти»ни аниқлашда асосий кўрсаткич бўлиб хизмат қилади. Бу япон иқтисодчилари томонидан кашф этилган илмий янгилик бўлиб, «софтизирланган» элементлар улушида, алоҳида тармоқлар иқтисодий ўсиш суръатининг боғлиқлигини кўрсатади.

Кузатишларга кўра, 1990 йиллар япон иқтисодиётида юқори «софтизация коэффиценти» бўлиши, ишлаб чиқаришнинг юқори суръатдаги ўсишини таъминлади. Олинган ҳисоб-китоблар асосида «софтизирланган» тармоқлар фарқли равишда ўзгариши кўпроқ электрон ишлаб чиқариш, аниқ ва умумий (транспорт ва электротехник) машинасозлик соҳасида кузатилган бўлиб, камроқ «софтизирланган» тармоқлар (нефтни қайта ишлаш, металлургия, текстил, озиқ-овқат)га нисбатан паст ўсиш суръати кузатилган. Хусусан, иккита тармоқда (озиқ-овқат ва нефтни қайта ишлаш) ишлаб чиқариш ҳажмини камайиши юз берган.

Ишлаб чиқаришнинг барча соҳасида, юқори технологиялар ҳукмрон иқтисодий ривожланишида бундай хизмат кўрсатиш фаолияти ҳажми ўсишини инобатга олиш зарур. 1980 йиллар ўрталарида тадқиқотчиларнинг аниқлашича, АҚШ да фаол аҳолининг 50 фоизга яқини учинчи бир секторда ўз қобилиятларини қўллашга имконият топса, атиги 23 фоиз аҳоли бевосита охириги истеъмолчига хизмат кўрсатишга жалб этилган. Бу бир ҳақиқат ва аксинча, баъзи ҳисоб-китобларга қараганда, ишлаб чиқариш корхоналарида агар 100 кишидан ортиқ ишловчилар фаолият кўрсатса, уларнинг атиги 60 фоизи ишлаб чиқариш операциялари

билан банд бўлган, бу кўрсаткич 1000 кишидан ортиқ ишчилар фаолият кўрсатган корхоналарда 55 фоизгача паст бўлган. Қолган ишчилар бошқарув аппаратида фаолият кўрсатувчи, корхона фаолиятида ахборот таъминоти ёки илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланувчилардан иборат бўлган. Бошқача қилиб айтганда, моддий ишлаб чиқаришда номоддий хизматлар ҳам моддий ишлаб чиқариш каби бир хил аҳамият касб этади.

Шу сабабли, моддий ишлаб чиқариш тизимида хизматлар фаолияти ташкил этган меҳнат улуши оралиқ маҳсулот ҳисобланиб, ишлаб чиқариш хизматлари деб аталади. Шунини таъкидлаш жоизки, хизмат кўрсатиш харажатлари моддий ишлаб чиқариш тизимида ноишлаб чиқариш харажатлари деб аталади. Турли хил номоддий хизматлар (аудиторлик, консултация, молиявий ва бошқалар) кўрсатувчи ташкилотлар хизмати, мос тармоқнинг номоддий ишлаб чиқариш соҳасидаги тугалланган маҳсулоти ҳисобланади

Моддий ишлаб чиқаришнинг ўсиб бориши, бозор инфратузилмасида «ишчанлик хизмати»ни кенгайтиши ва ривожланишини тақозо этади.

Жаҳон тажрибасига кўра ишчанлик ёки иқтисод ва малакали бошқарув бўйича хизматларга қуйидагилар киради.

- Аудит;
- Бухгалтерлик хизмат кўрсатиш;
- Юридик маслаҳат;
- Бошқарув консултациялари;
- Инженеринг;
- Ишлаб чиқаришда ахборот таъминоти хизмати;
- Реклама ва жамоатчилик билан муносабатлар ўрнатиш;
- Тренинг;
- Рекрутмент;
- Ахборот технологиялари таъминоти хизмати;
- Инвестицион хизмат кўрсатиш.

Хизмат кўрсатиш соҳаси бошқа фаолият турларини макро ва микроиқтисодий тартибга солиш ва иқтисодий мутаносибликни таъминлашда, асосий ва инфратузилмали ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишдаги бандлик ҳамда давлат бошқарувида муҳим аҳамиятга эга. Хизматлар кўрсатиш иқтисодий жараёнларни тартибга солишнинг ўзига хос шаклини тақдир этиб, халқ хўжалиги бошқарувида марказий, ҳал қилувчи ўрин тутди. Бу иқтисодга илмий билимларни киритиш усули бўлиб, либерал тузилмаларда

кам қўлланиладиган марказлашган бошқарув ва режалаштиришнинг функцияларини ўзида мужассам этади.

Хизматлар кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иктисодий тараққиётдаги роли, самарали бошқарув, иктисодий барқарорлик ва аҳолининг ижтимоий фаровонлигига олиб келади.

Хизматлар кўрсатиш функциялари қуйидагича:

- бошқарув тизими компонентларини шакллантириш (кадрлар, ахборотлар, техник бошқарув.);
- бошқарув жараёнига жорий хизмат кўрсатиш (кадрларни қайта тайёрлаш, кадрларни танлаш ва баҳолаш, ҳисоб-китобларни йўлга қўйиш, юридик ва информацион ёрдам);
- бошқарув консултацияларига хизмат кўрсатиш;
- бошқарувда инновацион янгиликларни топиш, жорий этиш ва тарқатиш.

Хизмат кўрсатиш жараёни корхонанинг сертармоқ соҳаларида шакланган стандартлар ҳамда бошқарув сифатига таъсир этиб, бошқарувнинг усуллари ва жараёни тузилмаси ҳақидаги истикболли ишланмалардан иборат маълумотларни фақатгина буюртмачига етказади.

Хизмат кўрсатувчи мутахассислар корхонада «вақтинча ишловчи» сифатида фаолият кўрсатиб, харажатларни камайтириш ва бошқарув ресурсларини самарали қўллаш бўйича мақсадли иш юритади.

Шундай қилиб, хизматлар кўрсатишнинг ўрни, биринчидан, хизмат кўрсатилган халқ хўжалиги соҳасида (моддий ва номоддий) сифатли ва самарали фаолият юритиш шарт-шароитларини яратиши; иккинчидан, инфратузилма мажмуасининг барча элементлари бир хил шаклланиши ва узвий алоқадорликда ишлашини таъминлашда янада яққол намоён бўлади. Бундай икки томонлама ёндошув ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига кириб бориб, тадбиркорлик фаолиятини янада рағбатлантиради

Юқорида эътироф этилган хизмат кўрсатиш соҳаси хизмат кўрсатувчи томонидан мустақил равишда, холисона алоҳида илмий ва соҳага тегишли махсус билимлар асосида амалга оширилади.

Фарқли равишда хизматларнинг бир қисми (бошқарув консултацияси) маслаҳат ва тавсиялар бериш асосида бўлса, қолган қисми (аудит, бухгалтерлик, юридик, рекрутментлик хизматлари ва бошқалар) менежмент функциялари бўйича ташқаридан жалб этилган мутахассислар ҳамда штатдаги менежерлар ва корхона

мутахассислари билан ҳамкорликда аниқланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, хизматларнинг бир қисми ташқи хизмат кўрсатишга қирмайди. Буни қатор фирмаларда ташкил қилинган ички штатли консултацион тузилма фаолияти орқали изоҳлаш мумкин. Бундай ички тузилманинг ташқи консултантлардан асосий фарқини нисбатан мустақилликка эга эмаслиги, холисона ёндошув даражаси пастлиги билан баҳолаш мумкин. Ташқи консултантлар амалиёт даврида махсус шакллар асосида иш юритса, ички консултантлар иш жараёнига яқин бўлиб, абонемент хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга оширади.

Ҳозирги пайтда хизмат кўрсатувчи кўпчилик фирмалар ва алоҳида фаолият юритувчи мутахассислар, бир вақтнинг ўзида ўз соҳаси бўйича ҳам консалтинг хизмати билан шуғулланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, консалтинг фаолиятининг хусусиятларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

- Биринчидан, консултантлар бошқарув ходимларига профессионал ёрдам кўрсатади. Тажрибали консултантлар янги ва олдинги мижозларга турли вазиятларда ёрдам бериб, илғор тажрибаларни қўллаш жараёнларида иштирок этади. Шу сабабли улар тезда умумий ҳолатни билиши ва юзага келган муаммо таҳлили билан танишлиги, уни ечиш йўллари ҳақида етарли билим ва тажрибага эга бўладилар;

- Иккинчидан, консултантлар асосан маслаҳат бериш билан шуғулланади. Бу улар фақат маслаҳатчи бўлиб, ўзгаришлар ечимини топиш ва амалга тадбиқ этишда иштирок этмаслигидан дарак беради. Консултантлар маслаҳатнинг сифати ва тугалланганлигига жавобгардирлар. Мижозлар қабул қилинган маслаҳатнинг тўла бажарилишига масъул ҳисобланади;

- Учинчидан, консултация - бу мустақил хизматдир. Консултант ҳоҳлаган вазиятни баҳолаб, объектив тавсиялар беради, бунда ўзининг шахсий манфаатлари инобатга олинмайди.

Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган консалтинг тизимининг тавсифланиши қуйидагича ифодалаш мумкин (1-чизма).

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган консалтинг тизимининг таснифланишини (иктисодий ва молия, психология, социология ва кам ҳолларда аниқ илмий йўналишлар)га қаратилган бўлиб, ҳозирда стратегик режалаштиришга, персонални бошқаришга, тизимли ривожлантиришга ихтисослашмоқда.


Индивидуал консултантлар одатда ўзларининг фаолиятини илмий-тадқиқот институтларда ва ўқув юртларда бошлашган. Улар ўзларининг устунликларини сезиб, олдинги иш жойларини тарк этган

ва мустақил равишда иш бошлашган. Уларнинг ихтисослашган соҳалари асосан иқтисодиёт, менежмент ва молия масалалари бўйича маслаҳатлар бериш, тренинглар ўтказишдан иборат.

Кичик жараёнга мўлжалланган фирмалар Бундай фирмалар тор билимли экспертлар тизимда фаолият кўрсатмоқда (молия, қонунчилик, солиқ, айрим ишлаб чиқариш корхоналар маркетинги, инвестицион лойиҳалаштириш, ёки ҳудудий режалаштириш). Фақат баъзи ҳолларда уларнинг миқозлари шахсий корхонанинг раҳбари бўлиши мумкин. Кўп ҳолларда бундай фирмалар маҳаллий бошқарув органларга, банк инвесторларга хизмат қилишади.

1-чизма

Ўзбекистон хизмат бозорида фаолият кўрсатаётган консалтинг тизимининг тавсифланиши



Бу экспертлар кўрсатадиган консултатив хизматлар молиявий аудит, бизнес режани тузиш ёки инвестицион дастур тайёрлашдан иборат. Республикада консултатив фаолиятининг кўп қисмини айнан шу каби фирмаларга тўғри келади. Одатда бундай фирмаларда 2-3 киши ишлайди.

Йирик экспертга мўлжалланган фирмалар. Ўзбекистонда бундай фирмалар жуда кам. Одатда улар янги ахборот технологияларга, автоматли бошқарув тизимга ёки комплекс инвестицион лойиҳалар тайёрлашга ихтисослашган фирмалардан иборат.

Йирик давлат илмий марказлари (илмий тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари) Бундай марказлар сони республикада кўп бўлиб, уларга илмий тадқиқот институтлари, Фанлар Академиясининг институтлари, университетлар ва бошқалар Киради. Одатда бундай марказлар давлат бюджетидан маблағ билан таъминланиб, унинг етишмаслиги туфайли бу марказлар эркин бозорга чиқиб, ўз экспертли билимларини «сотишни» ўрганмоқда.

Уларнинг хизмат кўрсатиш қобилияти юқори бўлиб, аммо уларнинг «сотиш» тажрибаси анча кам. Кўп ҳолларда бундай марказлар ёки уларнинг ходимлари консултатив фирмаларининг бошқарувчиси бўлишади.

Консалтнинг хизматидаан таъқари турли фаолият билан шуғулланувчи фирмалар. Бундай фирмалар кўп улар бир неча соҳаларни бирлаштиради. (турли товарларни сотиш, сервис, биржали бизнес ва бошқалар) Уларнинг мижозлари бўлиб, бошқа ишлаб чиқариш корхоналар ҳисобланади. Бундай фирмаларнинг хизматлари қўшимча хизматлар турига кириб, шуъба корхонасига фойда келтириш ва ёрдам беришда иштирок этади.

Ўзбекистон бозорида фаолият кўрсатувчи хорижий фирмалар кичик корхоналар очиб, асосан аудит ва эксперт консултатив кўринишда эди. Ҳозирда бу каби фирмалар кенг тармоқли корпорацияларга айланиб, ишловчи мутахассислар сони 50 тадан кам эмас (шуларнинг 2/3 қисми маҳаллий мутахассислар), улар кучли тармоқларга бўлиниб, бошқарув консултацияларига ихтисослашгандир. Аудит соҳасида улар мижоз ахтарнишга муҳтож эмас (кўп ҳолларда маҳаллий мижозлар фақат ном учун ҳам юқори нархлар тўлашга рози).

Ўзбекистоннинг кичик консултатив фирмалари кўп ҳолларда улар хориж фирмалари билан ҳамкорликда ишлайди. Бу каби фирмаларнинг эгалари (кўп ҳолларда улар раҳбарлик ҳам қили-

шади) ўз фаолиятини хорижда бошлаб кўп йиллар давомида хорижда ишлаган мутахассислар ҳисобланади. Бу фирмалар хориж стандартларига бўйсиниб, хорижликларникидан кам бўлмаган хизматларни таклиф қилишади.

Буларнинг ҳаммаси консалтинг хизмати сифатига ва самарадорлигига юқори талаб қўяди ва фаолият мижозларнинг қизиқишларига қараб йўналтирилади. Шунини айтиш керакки, Ўзбекистондаги консалтинг хизмати Ғарбий Европа амалиётидан фарқ қилмайди ва баъзан Ғарбий амалиётчилар жорий этган қатъий талаблардан ҳам устун туради. Аммо ҳозирги пайтда Ўзбекистонда консалтинг хизмати фаолиятини ривожлантириш бўйича қатор муаммолар мавжуд:

- малакали мутахассислар етишмайди;
- ҳуқуқий-меъёрий база тартибга солинмаган;
- консалтинг хизматининг сифати доимо савол бўлиб туради;
- консалтинг фаолияти услублари Ўзбекистон иқтисодиётига мослаштирилмаган;
- консалтинг фаолияти натижалари объектив баҳоланмайди.

Буларнинг барчаси бозор иқтисодиёти тизимида консалтинг хизматларининг бугунги кундаги ўрнини белгилайди, бу соҳада маълум ечимини кутаётган муаммолар борлигини кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида ушбу соҳада илмий тадқиқотларни олиб бориш ва натижаларнинг амалиётга тадбиқ этишни тақозо этади.

5.3. Туристтик хизматларнинг тавсифланиши ва ўзига хос хусусиятлари

Замонавий туризмни ўзига хос хусусиятларини белгилаш мақсадида унинг муҳим таснифий белгиларини аниқлаб олиш зарур бўлади. Жумладан, географик белгилари, туристик оқим йўналиши, сафар мақсади, ҳаракатланиш усули, туристларни жойлаштирув воситалари ва иштирокчилар сони бўйича, ташкилий-ҳуқуқий шаклларини тавсифлаш мақсадга мувофиқдир. Буни қуйидагича ифодалаш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Туризм соҳасининг тавсифланиши

№	Тавсифланадиган белгилар	Туризм турлари
1	Географик принципи бўйича	1.1 ички 1.2 халқаро
2	Туристтик оқимлар йўналиши бўйича	2. 1 кирувчи 2. 2 чиқувчи

3	Мақсади бўйича	3.1 рекреацион 3.2 соғломлаштирувчи дам олиш 3.3 билимини оширадиган дам олиш 3.4 малакавий иш туризми 3.5 илмий туризм 3.6 спорт туризми 3.7 шоп-турлар 3.8 саргузаштли 3.9 зиёрат (хаж) сафари 3.10 қўмсаш 3.11 экотуризм 3.12 экзотик
4	Молиялаштириш манбаи бўйича	4.1 социал туризм 4.2 тижорий туризм
5	Харакатланиш усули бўйича	5.1 яёв 5.2 авиатранспорт 5.3 денгиз транспорти 5.4 дарё транспорти 5.5 автотуризм 5.6 темир йўл транспорти 5.7 велосипед транспорти 5.8 уловларда 5.9 аралаш
6	Жойлашув воситалари бўйича	6.1 отеллар меҳмонхоналар 6.2 мотеллар 6.3 пансионатлар 6.4 кемпинглар 6.5 палаткалар ва ҳ.к.
7	Иштирок этувчилар сони бўйича	7.1 индивидуал 7.2 оилавий 7.3 гуруҳлар бўлиб
8	Ташкилий шакллари бўйича	8.1 ташкил қилинган 8.2 ташкил қилинмаган

1. **Ички туризм** - ўз давлати чегараси доирасида доимий яшовчи фуқароларни вақтинчалик ташриф буюрувчи жойда (тўланадиган фаолиятсиз) туристик мақсадларда саёҳат қилишга айтилади.

Ички туризм давлат чегараларини кесиб ўтиш билан ва туристик расмийчилик билан боғлиқ эмас. Миллий валюта, тил, хужжатлар олдингидек ўзгармасдан қолади. Дунёдаги сафарларнинг 80-90 фоизи ички туризм улушига тўғри келади. Унга кетаётган харажатлар халқаро туризм харажатларидан 5-10 баробар ортиқдир Айниқса у АҚШда оммабоп ҳисобланади.

2. **Халқаро туризм** –вақтинчалик келган жойида фаолияти тўланмайдиган, доимий яшайдиган мамлакат чегарасидан ташқарига туристик мақсадларда сафар қилиш тушунилади.

1968 йилда Римда саёҳатлар ва туризм бўйича БМТнинг биринчи конференциясида халқаро туризмга қуйидаги таъриф берилди.

Чет эл туристи – бу вақтинчалик ташриф буюрувчи, яъни исталган шахс, ташриф буюраётган давлатида малакавий фаолияти тўланмайдиган исталган мақсадларда доимий яшаётган давлатидан ташқарига бошқа давлатга ташриф буюришидир.

Чет эллик туристларга мазкур давлатга 24 соат муддатдан кам бўлмаган муддатга вақтинчалик ташриф буюрган шахслар киради. Шунини қайд қилиш керакки, баъзи давлатларда БМТ статистик комиссиясининг тавсияларидан четланишга рухсат берилади. Масалан, баъзи давлатларда 3 кун муддатдан кам бўлмаган муддатга ташриф буюрганлар халқаро туристлар ҳисобланса, баъзиларида 2 ҳафта, учинчиларида эса бу муддат 1 ойдан кам бўлмаган муддатда ташриф буюрганлар халқаро туристлар ҳисобланади.

Барча халқаро туристик саёҳатларнинг ўртача 65 фоизи Европага, тахминан 20 фоизи Америкага ва тахминан 15 фоизи қолган минтақаларга тўғри келади.

Туристларни нисбатан кўпроқ қабул қилувчи давлатларда халқаро туризмни ривожлантириш, чет эл валютаси оқимини кўпайтириш ва янги иш ўринларини ташкил этиш билан изоҳланади. Кўпгина давлатлар халқаро туризм орқали тўлов баланси муаммоларини ҳал қилишга ҳаракат қиладилар.

Ташриф буюрувчи чет эл туристлар товар ва хизматларни тўлай туриб, қабул қилаётган давлат бюджетига валюта тушумини таъминлайди. Шу билан бирга унинг тўлов балансини фаоллаштиради. Шу сабабли чет эл туристларини келиши «актив туризм» номини олди.

Туристларни чиқиб кетиши эса миллий валютанинг оқиб кетиши билан боғлиқ бўлади. Бундай турдаги туристик операциялар халқаро тўловларда мамлакат туристлар экспорти тўлов балансининг пассиивида қайд қилинади, туризмни ўзи эса “пассив” деб номланади.

Туризмни “актив” ва “пассив” қисмларга бўлиниши фақатгина халқаро туризмга хосдир.

Кейинги йилларда, ички ва халқаро туризмни бир-бирига яқинлаштириш тенденцияси кузатилди, бу эса туристик расмийликларни соддалаштириш билан асосланган (масалан, бирлашган Европадаги Шенген битими).

3. *Кирувчи туризм*- фаолияти тўланмайдиган туристик мақсадларда доимий яшамайдиган шахсларни ўзга мамлакат худудига ташрифи, саёҳати ҳисобланади.

4. *Чикувчи туризм* – бир мамлакат худудида доимий яшовчи шахсни бошқа мамлакатга фаолияти тўланмайдиган саёҳати, ташрифи ҳисобланади.

5. *Рекреацион туризм* – дам олиш мақсадидаги туризм бўлиб, қатор давлатлар учун туризмнинг оммавий шакли бўлиб ҳисобланади. Испанияга, Италияга, Францияга, Австрияга чет эл туристларини ташрифи аввало мана шу мақсадни кўзда тутди. Рекреацион туризм саёҳатни давомийлиги билан, маршрутга кирувчи шаҳарларни сони кўп бўлмаганлиги, ҳаво транспортдан кенг фойдаланган ҳолда, аввало чартер ҳаво рейслари билан ажралиб туради.

Дам олиш мақсадида сафарлар турли хилма-хиллиги билан фарқланади ва қизиқарли томоша дастурларини (театр, кино, фестивал ва ҳ.к) қизиқишлар бўйича машгулотлар (ов,балиқ овлаш,мусикали,бадий ижодиёт ва ҳ.к) ташриф буюрган мамлакатни миллий маданиятини ўрганиш билан боғлиқ бўлган этник саёҳатларни ўз ичига олиши мумкин.

6. *Созломлаштирувчи дам олиш туризми* ўта шахсий индивидуал характер касб этади. Лекин кўпгина ҳолатларда, кира ҳақиға чегирмалар олиш мақсадида ҳамкорлик учун туристлар бирлашадилар.Туризмни бошқа турларига нисбатан даволаниш учун турлар одатдаги муддатлардан кўпроқ бўлиб 24-28 кунни ташкил этади.

Инсон организмга таъсир этиш воситасига қараб даволаниш учун дам олиш иқлимли,денгиз, балчиқ билан даволаниш ва ҳ.к.ларга бўлинади.

7. *Танишув (экскурсион) туризм*. Туризмни бу тури ўз ичига танишув (билиш,кўриш) мақсадлари билан боғлиқ ташриф ва саёҳатларни ўз ичига олади.

Экскурсия билишнинг бир шакли бўлиб, шахс интеллекти ва дунёқарашини кенгайтириш функциясини бажаради. Танишув саёҳатининг турли кўринишларидан бири бу автомобил туризми ҳисобланади,бошқа транспорт воситаларига қараганда автомашина ва автобусларда саёҳат қилиш туристларга анчагина кенгрок танишиш имкониятларини яратади.

8. Малакавий иш туризми. Туризмнинг мазкур турига иш мақсадлари туфайли сафарлар киради. Ҳозирги замонавий тараққий этган жамиятда ҳаёт халқаро алоқаларни боғлаш заруриятини чиқармоқда. Сўнгги йилларда ишчан соҳа вакилларининг ташрифлари оммавий тус олмоқда.

Қатор туристик фирмалар турли мақсадларда бизнесменларни гуруҳ-гуруҳ бўлиб ташрифларини ташкил этишга ихтисослаштирилмоқда. Ишчанлик туризмини каттагина афзаллиги шундаки, уни юқори мавсум бўлмаган пайтда ҳам ташкил этиш имкониятини беради. Бунда турфирмалар нафақатгина соф туристик хизматларни-транспорт, жойлашув, овқатланиш, саёҳат хизмати билан чегараланмасдан, балки, ўзига хос махсус хизматлар-савдо шерикларининг имкониятлари тўғрисида маълумотларни йиғиш, таржима, зарур бўлган иқтисодий маълумотларни тақдим этиш ишчанлик учрашувларини ташкил этиш ва ҳ.к. Бунинг учун ташриф буюрувчиларга тегишли йиғилишлар ўтказишда заллар ва махсус воситаларга мавжуд бўлган конгресс-марказлар ташкил этилади. Кўпгина ҳолатларда конгресс иштирокчиларини уларнинг оила аъзолари кузатиб борадилар, ҳамда уларга ҳам форум ташкилотчилари туристик фирмалар билан биргаликда соф туристик дастурларни тақдим этадилар. Айрим ҳолатларда иштирокчиларнинг ўзлари ҳам шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишади, конгресс тугагандан сўнг эса мамлакат бўйлаб туристик саёҳатларни амалга оширадилар.

Туризмни мазкур турининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки ишчанлик вазиятида ўтадиган учрашув иштирокчилари оддий туристга қараганда мамлакат бўйлаб саёҳат пайтида кўпроқ маблағ сарфлайди. Шунинг учун кўпгина давлатлар халқаро форумларни ва шунга ўхшаш тадбирларни ўзларида ўтказишга ҳаракат қиладилар.

9. Илмий туризм. Таълим олиш мақсадида, малака ошириш мақсадида сафар қилиш халқаро туризмнинг нисбатан янги турлари сафига киради. Хорижда таълим олиш учун сафар қилиш Ўзбекистонда ҳам турбизнесининг ўрнатилган сегментларидан бири бўлиб ҳисобланади. Сафарлардан оммабоп бўлиб бораётган бу тури тил ўрганиш мақсадида, айниқса Буюк Британияга ва бошқа инглиз тилида сўзлашадиган давлатларга сафарлар кенгайиб бормоқда.

10. Ҳозирги вақтда каттагина қизиқиш уйғатаётган бу *спорт – туризми* ҳисобланади. Бу сафарларнинг асосий мақсади туристларга ўзлари танлаган спорт тури билан шуғулланишга имконият яратиб беришдан иборат.

Спорт туризми зарурий база мавжудлигини талаб этади: турли инвентарларни, махсус трассаларни, арқон йўллар, спорт майдончаларини, асбоб-ускуналарни талаб этади. Спорт саёҳатларига қўйиладиган асосий талаблардан бири бу дам олувчиларни хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади. Спорт саёҳатлари, сафарларнинг мақсадига боғлиқ равишда қуйидаги турга бўлинади: актив ва пассив. Биринчи ҳолатда бу қандайдир спорт тури билан шуғулланиш ҳисобланса, иккинчи ҳолатда шунчаки иштирок этиш ҳисобланади.

11. *Шоп-турлар* Россия ва МДХ давлатлари учун хосдир. Хорижга ташрифнинг мақсади бўлиб, олиб қайта сотиш учун халқ истеъмолчи товарларини харид қилиш ҳисобланади (пойафзал, трикотаж ва бошқа товарлар – Туркияда, Италия, Португалия, Сурияда; ёзги тўқима кийимлар – Индонезияда; пўстинлар – Греция ва Аргентинада; мебел – Польша ва Италияда; теле-радио маҳсулотлар БААда; автомашиналар Германияда, Швецияда, Финландияда, Галландияда).

Бу турдаги бизнес “Мокилар” мазкур давлатларни бюджетига сезиларли даромадларни олиб келмоқда. Масалан, Туркияда “Мокилар” ҳар йили 8-10 млрд доллар миқдорда маҳсулотларни харид қиладилар. Мамлакат ҳукумати ҳар томонлама шоп-туризмни қўллаб қувватламоқда. Туркиянинг туризм бўйича вазир маслаҳатчиси оммавий ахборот воситалари орқали ҳабар қилишича, сифатсиз товарни сотиб олган туристлар 15 кун муддат ичида уни алмаштирилишини, тўланган суммани қайтариш ёхуд камчиликларини бепул бартараф этишини талаб қилишлари мумкин.

Агар нуқсонни кўринмайдиган товарлар харид қилганда истеъмолчи икки йил ичида сотувчига ўз даъвосини билдириши зарур, хатто “Мокилар” учун авиабилетлар нархини 50 %га пасайтириш режалаштирилмоқда.

12. *Саргузаштли туризм* – ўзига хос тарзда дам олишни бир тури бўлиб, туристларни нафақатгина улар учун жалб қилувчи жойлар билан таъминлаш, балки ғалати, ғайритабiiий фаолият тури билан шуғулланишга жалб қилади. (“Шохона ов” “Ласос овлаш” “Қароқчилар хазинасини излаш” ва ҳ.к.).

Саргузаштли туризм қуйидаги турларга бўлинади:

- сафар экспедициялари;
- сафари –турлар (ов, балиқ овлаш, капалак тутиш ҳ.к.)
- денгиз саёҳатлари (яхтинг).

Саргузаштли турлар мавзуси ва географияси жуда кенг ва турли тумандир. Одатда бу гуруҳли турлар ҳисобланади. Бундай туризмнинг ўзига хос жиҳати шундаки ов қилишга, балиқ овлашга, тегишли рухсат берувчи турли лицензияларни олиш ҳисобланади. Саргузаштли туризм маълум хавф-хатар билан боғлиқдир, шу сабабли, бундай турларни хавфсизлигини таъминлаш учун юқори малакали, тажрибали инструкторлар зарур бўлади. Туризмнинг мазкур тури жуда юқори нарх билан белгиланади ва уни элитар дам олиш туркумига киритиш мумкин.

13. *Диний туризм* (ҳаж сафари, зиёрати) ҳозирги вақтда жуда юқори талабга эга бўлиб, оммавий тус олмақда. Мустақиллигимиз шарофати билан ҳар йили юзлаб ватандошларимиз Маккаю Мадинага ҳаж ва умра сафарларини амалга оширмоқдалар.

Туризмда диний мақсадларнинг бир неча турларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

1) ҳаж зиёрати (гуноҳларни ювиш мақсадида, диний эътиқод мақсадида зиёратгоҳ жойларга ташриф буюриш).

2) танишув ташрифи (диний қадамжолар, ҳайкаллар; дин тарихи, дин маданияти билан танишув);

3) илмий ташрифлар (диний масалалар билан шуғулланувчи тарихчилар ва бошқа мутахассисларнинг ташрифи).

Туризм мазкур турининг жиддий муаммоси бўлиб, бу соҳада юқори малакали кадрларнинг йўқлиги ҳисобланади. Шу нарса жуда муҳимки, улар нафақатгина тарихий ва архитектура ёдгорликларини кўрсатиш, балки чуқур маънавий ва диний билимлар билан таниш бўлиши зарур.

14. *Соғиниш, қўмсаш туризми*. Туризмни мазкур тури қариндошлариникига, туғилган жойларга ва яқинлариникига ташриф қилиш эҳтиёжига асосланган ва халқаро туристик алмашувда муҳим ўринни эгаллайди. Масалан, Германиялик туристлар учун кўпроқ Волгабўйи турлари оммабоп ҳисобланса, яҳудийларда Исроилга саёҳат ҳисобланади ва ҳ.к.

15. *Экотуризм* атроф муҳитни сақлашда иқтисодий рағбатлантириш учун шароит яратади. “Экотуризм” тушунчаси саёҳатларни жуда кенг қирраларини қамраб олади, яъни, ўқувчилар учун

унча катта бўлмаган танишув турларидан тортиб, то миллий парклар ва қўриқхоналарларга узлуксиз туристик саёҳатларни қамраб олади.

Туризмни мазкур туридан олинадиган фойда қисман табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига йўналтирилади.

16. Экзотика (ғалати, ажиб) туризми. Кейинги йилларда ўзининг ажиблиги билан таажжубланарли турлар пайдо бўла бошлади. Булар қаторига куйидагиларни киритса бўлади “Манос тревел” номли грек турфирмаси Ойга саёҳатни режалаштиради. Россия космодромидан хорижий бизнесменларни космосга қиладиган саёҳатлари, бу албатта туристлар томонидан жуда катта ҳаражатлар қилишни тақозо этади. Бунда ушбу туристлар муаллақ, мувозанатсиз ҳолатига тушади ва космосни кўриш шарафига муяссар бўлади. Парвозга ёзилувчилар ҳозирдан бошланган, биринчи туристлар 5 минг доллардан кафолат сўммасини ўтказиб жойларни брон қилдилар.

“АПСАРА” номли француз фирмаси Антарктида ва Арктикадаги музликларга саёҳатларни ташкил этди. Антарктидага биринчи круиз 1989 йилда ташкил этилган. Саёҳат ўз таркибига мазкур экзотик жойларда нафақатгина яшашни балки, у ерда туристлар маҳаллий аҳоли, тюленлар, моржлар ва пингвинлар ҳаётини кузатиш имкониятига эга бўладилар.

Сув ости дунёси билан танишувчилар кейинги вақтларда анча кўпаймоқда. Бу йўналишда энг истиқболли лойиҳа бу мусаффо сув ости қайиғида саёҳат ҳисобланади. Унинг маршрутларидан бири. “Титаник” кемаси чўкиб кетган жойда режалаштирилмоқда.

Германияда экзотикани яхши кўрувчи туристларда собиқ қамоқ камераси оммабоп саналади, чунки у ерда атиги 20 ДМ тўлаш эвазига турист ўзини махбус деб ҳисоблаши мумкин.

“Одеон-отель” Париж фирмаси ўз мижозлари учун малика Дианани сўнгги ер усти йўлини тўлиқ такрорловчи маршрутни ишлаб чиқди. Машъум фожиали ва сирли трагедияни бошидан кечиришни истовчи туристлар қора мерседесда “Риту” отелидан то фожа рўй берган жойгача сайр қиладилар. Сафар харажати 25 долларни ташкил этади.

17. Ижтимоий туризм – бу давлат томонидан ижтимоий эҳтиёжларга ажратиладиган маблағлар ҳисобидан саёҳат қилиш ҳисобланади. Социал туризмни мақсади фойда олиш эмас, балки

даромади кам бўлган кишиларни дам олишга бўлган ҳуқуқини амалга ошириш учун уларни қўллаб қувватлаш ҳисобланади.

Туризмни мазкур тури чет элда кенг тарқалган. Собиқ Иттифок даврида туризмни мазкур тури ҳам оммабоп ҳисобланган, унинг улушига ички туризмнинг қарийб 80 фоизи ва халқаро туризмнинг 50 фоизи тўғри келарди. Туризмни моддий-техника базасини мустаҳкамлашга давлатнинг каттагина маблағлари йўналтирилди.

Давлат томонидан ажратилган бевосита инвестициялардан ташқари давлат суғуртаси ва касаба уюшмаларининг имтиёзли йўлланмалари тақдим этилган.

18. Ташкил этилган туризм – бу тур ташкилотлар томонидан ташкил этилган алоҳида шахсларни ёки бир гуруҳ туристларнинг саёҳатидир. Ташкил этилган туристлар, туристлар йўлланмасини харид қилиш йўли билан саёҳат ҳуқуқини қўлга киритадилар. Бунда хизматлар миқдори турлича бўлиши мумкин. Масалан, туристлар овқатланиши учун курсовкани ёки хизматлар комплексини яъни транспорт хизматлари, овқатланиш, яшаш, трансфер, саёҳат хизматлари ва х.к.ни харид қилиб олишлари мумкин.

Ташкил этишига қараб тескари туризмни турини ташкил этилмаган ёки фаол, ташаббускор шакли дейилади.

Туризм соҳасининг тавсифи бўйича хулоса қиладиган бўлсак, шунини қайд қилиш керакки, испан мутахассиси Х.Монтанер Монтехано тадқиқотларига мувофиқ французлар мамлакати маданиятига яқин бўлган давлатларга оилавий саёҳатни ёқтиради, куёш нурида дам олишни хуш кўради, шу билан бирга улар узок саёҳатлардан қочишга ҳаракат қиладилар.

Италия туристлари фаол, ташаббускор туризмни афзал кўрадилар, табиат қўйнида дам олишни, янги кишилар билан танишишга ҳаракат қиладилар.

Инглизлар учун саёҳатларни танлашда асосий мезон бўлиб, иқлим, ошхона, рекреация имкониятлари ҳисобланади. Бунда ҳам ташкил этилган, фаол ташаббускор саёҳат турлардан фойдаланиши мумкин.

Германия туристлари кемпингларда, оилавий пансионатларда ташкиллаштирилган дам олишни маъқул кўришади. Улар учун саёҳат қилинган жойдаги экологик вазият муҳим аҳамиятга эга.

Россияликларга келсак, жамоат фикрини ўрганиш бўйича бутун Россия сўров натижаларига кўра 72 % аҳоли 2004 йил ёз мавсумида таътилни уйда ўтказишни режалаштирган.

Туристтик хизматларнинг хусусиятлари

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлар одатдаги мухит даражасидан ташқарида бўлиб қолдилар, чунки ягона товар бўлиб моддий маҳсулот, аниқроғи унинг торгина қисми – халқ истеъмоли товарлари ҳисобланар эди. Янги муносабатлар капитал бозори, ишчи кучлари хизмат бозори ва ҳ.к. каби бозорнинг янги сегментларини ўзлаштиришни талаб этади.

Чет элда хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг тез тараққий этувчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Дунёдаги ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотда хизматлар улуши 70 фоиздан ҳам ошади.

Ўзбекистонда туризм бозорини ўрганиш ва ривожлантириш учун, аввало туристик хизматларнинг моҳиятини аниқлаш зарур.

Хизмат термини халқаро стандартларда берилишича – бу ижро этувчи ва истеъмолчи ўртасидаги бевосита ўзаро таъсирнинг натижасидир ҳамда истеъмолчи эҳтиёжини қондириш бўйича ижрочининг шахсий фаолияти натижаси ҳисобланади. Ушбу тушунчанинг таркиби қуйидагилардан иборат:

1. Хизмат истеъмолчилари ва ижро этувчиларнинг ўзаро таъсири;

2. Ижрочиларнинг ўзлари томонидан хизмат кўрсатиш жараёни (яъни, маълум ишларни бажариш);

3. «Қайта ташкил қилинган маҳсулот» ёки «хизматлар натижаси» кўринишидаги ушбу фаолият натижалари.

Туристтик хизмат – туристларни мос равишдаги эҳтиёжларини қондириш бўйича туристик корхона фаолияти натижаси ҳисобланади. Туристтик корхонанинг иши барча саёҳатларни ташкил қилиш билан бирга алоҳида хизматларни ташкил қилиши ҳам мумкин.

Бошқа исталган хизмат турлари каби туристик хизматлар ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади, буни шартли равишда «учта С» билан белгиласак у қуйидаги ҳолатда бўлади:

• Сезилмаслик. Туристтик хизматлар моддий маҳсулот бўлиб ҳисобланмайди. Улар ижтимоий – маданий (номоддий) соҳаларга тегишли бўлади, чунки истеъмолчини ижтимоий-маданий хизматларга бўлган эҳтиёжини жисмоний, этик, интеллектуал, маънавий ва ҳ.к. эҳтиёжини қондириш бўйича хизматларни ижро этувчилар фаолияти аниқлайди. Уларни харид вақтида кўриш ёки баҳолаш

мумкин эмас. Бундай хизматлар объекти бўлиб, шахсан истеъмолчи хисобланади (турист);

- Сервисни ва истеъмолчини ўзаро боғлиқлиги. Хизматлар истеъмолчи ва ижро этувчиларнинг ўзаро таъсири натижасидан ташкил топганлиги сабабли, туристик хизматларни кўрсатиш жараёни (ишлаб чиқариш) истеъмол билан бирга параллел равишда юз беради. Маълумки, моддий шаклда товарларни ишлаб чиқариш, сотувдан олдин бўлади, фақат ундан кейингина истеъмол жараёни бошланади;

- Сақланмаслик. Туристик хизматларнинг сақланмаслиги (сақлаш мумкин эмаслиги). Туристик хизматларнинг ҳаётий цикли моддий товардан тубдан фарқ қилади, хусусан сақлаш босқичининг мавжуд бўлмаганлиги билан туристик хизматларни сақланмаслиги бозор конъюнктурасини яхшилаб ўрганишни, талаб ва таклифни мутаносиблигини талаб этади, чунки хизматлар талаб бўлмаганга қадар «омборларда» туриб қоладиган махсулот эмас.

Туристик хизматларнинг хусусиятлари қуйидаги кўринишга эга (3-чизма).

3-чизма

Туристик хизматларнинг «учта С» билан ифодаланиши



Туристтик хизматлар таркибида асосий ва кўшимча хизматлар билан фарқланади. Туристтик корхоналар кўрсатадиган асосий хизматларга қуйидагилар киради :

- Ташишни ташкил этиш бўйича хизматлар;
- Жойлаштириш;
- Туристларни овқатлантириш;

Туристтик корхоналар кўрсатадиган кўшимча хизматларга қуйидагилар киради :

- Саёхатни (экскурсияни) ташкил этиш бўйича хизматлар;
- Туристларни суғурталаш бўйича хизматлар;
- Гид (туристларга изоҳ, тушунтириш берувчи шахс), гид-таржимон хизматлари;
- Туристларни яшаб турган жойидан унинг вақтинчалик келиб тушган жойигача-мамлакатгача ва тескари (трансфер) ташиш бўйича ҳамда саёхат шартларида кўзда тутилган мамлакат худудида (вақтинчалик келган жойидан) исталган бошқа ташишлар бўйича хизматлар;
- Техникани таъмирлаш бўйича хизматлар;
- Прокот бўйича хизматлар;
- Валюта айирбошлаш;
- Телефон хизмати;
- Почта хизмати;
- Маиший хизмат кўрсатиш хизматлари;
- Пляжлардан фойдаланиш хизматлари ва ҳ.к.

Бундай бўлиниш истеъмол хусусиятлари нуқтан назаридан олиб қараганда, аҳамиятли фарқлар йўқлиги сабабли шартлидир. Йўлланмада қайд қилинган ва асосий дастурга киритилган хизматлар асосий ҳисобланади. Кўшимча хизматларни етиб келган жойида туристни ўзи мустақил харид қилади. Улар йўлланма нархига кирмайди.

Туризмнинг асосий хизматларига транспорт хизматлари, жойлашиш ва овқатлантириш хизматларидан ташкил топади. Аммо, танишув (экскурсион), малакавий иш туризми., спорт, диний мақсадларда саёхатлар ташкил этилганда кўшимча хизматлар ҳам ушбу турларнинг асосини ташкил этади. Асосий ва кўшимча хизматлар ўртасидаги фарқ, уларни дастлабки харид қилинган йўлланма пакетига киритилган хизматлардан ташкил топади. Туристларга номоддий хизматлардан ташқари моддий хизматлар

ёки махсус махсулотлар тақдим этилиши мумкин, масалан шаҳар режаси, метро хартаси, сувенирлар, туристик жиҳозлар.

Шундай қилиб Ўзбекистонда туризм бозорини ўрганиш ва ривожлантириш жараёнида, келгусида туризмни асл моҳиятини белгиловчи қўйидаги учта жиҳатларни ҳисобга олишни ҳозирги давр талаб қилмоқда:

- дам олиш ва кўнгил очар фаолият сифатида;
- бевосита туризмга хизмат қилувчи тармоқни қамраб олувчи бизнес сифатида;
- туризм бозорига йўналтирилган моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоғи корхонасининг фаолияти сифатида.

6-боб. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА АУДИТ ВА АУДИТОРЛИК ХИЗМАТИ, УНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

6.1. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аудит ва аудиторлик хизматининг тутган ўрни

Мамлакатимизда демократик ўзгаришлар содир бўлмоқда, иқтисодий ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда республика ва унинг халқи олдига ўта мураккаб ва келажак истиқболлини белгиловчи мақсад ва вазифалар қўйилган. Ушбу вазифалар биринчи навбатда Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқ турмуш даражасини кўтаришга қаратилган.

Ҳозирги даврнинг устивор вазифалари таркибига иқтисодиётнинг барча бўғинларини изчил ва барқарор ривожини таъминлаш масалалари киритилган. Мазкур вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши иқтисодий ривожланиш йўналишларига боғлиқ бўлган омилларни тўғри баҳолаш, ҳисобга олиш ва назорат қилишни тақозо қилади. Бугунги кунда мамлакатимизда бозорга ўтиш тамоилларига мос бўлган, халқаро андозалар талабларидан келиб чиқадиган ҳуқуқий асос яратилган. Буни мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан ҳам билса бўлади.

Янги шароитда турли мулкдаги корхоналарнинг фаолиятлари ривожланмоқда. Улар ўз-ўзини бошқариш, ўз харажатларини ўзлари қоплаш, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш каби тамоиллар асосида фаолият юритмоқдалар. Мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиши, чет эл инвестицияларининг иқтисодиётимизга тезкорлик билан кириб келиши корхона ва фирмалар олдига янги вазифалар ҳамда муаммоларни қўймоқда. Бугунги кунда бундай долзарб муаммолар ўз ечимини кутмоқда.

Мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган янги иқтисодий тизим вужудга келган. Ушбу тизим хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкларидан кўпроқ даромад ва фойда олишни тақозо қилади. Эндиликда мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш фақат самара келтириши керак. Бозор иқтисодиёти шароитида корхона ва ташкилотларнинг асосий мезони ҳам мулклардан самарали фойдаланиш туфайли олинадиган

даромад ёки фойда билан белгиланади. Бунга қабул қилинган қонун - қоидаларга тўлиқ амал қилиш туфайлигина эришиш мумкин.

Ҳисоб ва назорат бозор ҳўжалик механизмининг таркибий қисмлари ҳисобланади. Мазкур механизмнинг ривожлантирилиши бошқарув, ҳисоб ва назоратга ҳам янги талаб қўймоқда. Олдинги даврларга хос бўлган фақат юқоридаги бошқарув органларининг топшириғини бажариш, уларни олдида ҳисоб бериш эндиликда тамомила эскирди. Корхоналарда бош бухгалтерлар сохта “иккинчи шахс” эдилар. Эндиликда корхоналарнинг ҳуқуқлари кенгайди. Уларнинг турлари, фаолият йўналишлари тубдан ўзгарди. Корхоналарда ҳисоб ва назоратнинг янги объектлари - номоддий активлар, қимматли қоғозлар, хорижий инвестициялар вужудга келди. Эндиликда шундай савол муаммо бўлиб турибди: « Янги объектларни қандай қилиб бошқариш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш керак?». Ўз-ўзидан маълумки, янги усулларни ишлаб чиқмасдан туриб бирдан эскирдан воз кечиш тўғри бўлмайди.

Иккинчидан, бозор иқтисоди ривожланган мамлакатлардаги иш усул ва услубларини ўзимизда бирдан жорий қилиб бўлмайди. Сабаби шарт-шароитлар бошқа, имкониятлар ҳам турлича. Шунинг учун икки томоннинг усулларини ва мавжуд имкониятларини эътиборга олган ҳолда иш тугилиши керак.

Янги шароитда корхоналар мустақиллигининг кенгайиши туфайли уларнинг халқаро бозорга чиқишлари, тадбиркорликни ривожлантиришлари учун кенг имкониятлар яратилди.

Олдин ҳам ташқи фаолият бўлган, халқаро “бизнес тили”ни (“молиявий тил”- “бухгалтерларнинг тили”ни) оз миқдордаги корхоналарнинг ходимлари билганлар, холос. Эндиликда бу “тил” билан барча корхоналарнинг мутахассислари гаплашишлари керак. Бугунги кунда корхоналар олдида шундай саволлар келиб чиқмоқда:

“Қандай корхона (шу жумладан хорижий корхона) билан ўзаро шартномаларни тузиш керак”?

“ Сармояни қайси фаолиятга ва кимга сарфлаш керак”?

“ Қайси фаолиятдан кўп даромад (фойда) олинади”?

Бунинг учун корхона ўз мижозларининг хусусиятларини, ҳисоб-китоб юритиш ва назорат қилиниш тартибини билиши лозим.

(Бугунги кунда ҳар бир корхонанинг капитали-миллий характерга эга, ундан фойдаланиш эса миллатлараро, яъни интернационал характерга эга).

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики корхона ўз фаолиятини бир мамлакат чегарасидан қанча кўп чиқарса, у шунчалик халқаро, миллатлараро хусусиятга эга бўлади (корхона фақат мамлакат ичида фаолият юритса - у миллий компания ҳисобланади, холос).

Амалиёт маълумотлари билан яқиндан танишиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, Ўзбекистондаги кўпгина корхона ва фирмалар халқаро мақомни олмоқдалар (ҳозирги кунда республикамызда 4000 дан зиёд қўшма корхоналар мавжуд). Улар халқаро бозорга қуйидаги йўллар билан чиқмоқдалар:

- экспорт - импорт;
- реэкспорт, реимпорт;
- халқаро товар биржаларида иштирок қилиш;
- халқаро банклар хизматидан фойдаланиш;
- халқаро қимматли қоғозлар биржасида иштирок этиш (қимматли қоғозларни сотиш ва сотиб олиш);
- мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шу жумладан, халқаро дастурлар орқали;
- фан - техника ҳамкорлиги ("НОУ-ХАУ"-нинг сотиб олиниши ва жорий этилиши);
- халқаро ҳисоб ва назорат андозаларига ўтиш;
- халқаро аудиторлик фаолиятларда иштирок этиш ва бошқа йўналишлар.

Корхоналарнинг барча жараёнлари доимий равишда назорат қилиб борилиши керак. Ушбу назорат мулк шаклларига бевосита боғлиқ. Бугунги кунда иқтисодийтимизда бешта мулк шакли бўлиб уларда қуйидаги корхоналар фаолият юритмоқда:

- давлат корхоналари (уларнинг ҳиссаси тобора камайиб бормоқда);
- акционерлик жамиятлари;
- ширкатлар;
- ижара корхоналари;
- қўшма корхоналар;
- хусусий корхоналар;
- масъулияти чекланган жамиятлар;
- деҳқон ва фермер хўжаликлари ва бошқалар.

Мазкур корхоналарнинг фаолиятлари доимий равишда назорат қилиб борилиши керак. Назорат - бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ўрганиш, мавжуд ички имкониятларни топиш, камчиликларини аниқлаш, фаолиятни яхшилашга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Назорат бошқарув функцияси сифатида ўзининг мақсади ва вазифаларига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

- давлат назорати;
- маъмурий назорат;
- иқтисодий назорат;
- молиявий назорат;
- банк назорати;
- ички назорат;
- ташқи назорат;
- дастлабки назорат;
- жорий назорат;
- даврий (тасдиқловчи) назорат;
- аудиторлик назорати;
- бошқа турдаги назоратлар.

Мамлакатимизда давлат назорат ва бошқарув органлари орқали амалга оширилади. Бундай назоратнинг асосий масъулияти Республика прокуратураси зиммасига юклатилган. Прокуратура органлари барча мулкдаги корхоналар, мансабдор шахслар томонидан республикаимизда қабул қилинган қонунларга тўлиқ амал қилинишини назорат қилиб боради.

Республикаимизда иқтисодий назорат Молия органлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат Божхона қўмитаси молиявий назоратни амалга оширувчи асосий тизилмалар ҳисобланади. Мазкур назорат органлари орқали хўжалик юритувчи барча субъектларда бож ва солиқ сиёсатига амал қилиниши назорат қилиб борилади. Банк тизими орқали пул-молия ресурсларининг мақсадлилиги ва самарадорлиги текширилади. Ички назорат ушбу корхонанинг ходимлари ва моддий жавобгар шахслари томонидан амалга оширилади.

Ташқи назорат мулкдорлар, таъсисчилар, инвесторлар, акция эгалари ва бошқа назорат органлари томонидан амалга оширилади. Ташқи назоратнинг муҳим шакли - молиявий назорат ҳисобланади. Бозор иқтисодиётининг чуқурлашиб бориши туфайли назорат турлари ва шакллари ҳам такомиллашади.

Иқтисодий ислохотлар стратегиясининг муҳим таркибий қисми ҳисоб ва назоратдир. Янги шароитда кўпмулкчиликка асосланган корхоналар, фирмаларнинг фаолиятларини ҳисобга олиш, экспертизадан ўтказиш ўта долзарб масалалар жумласига киради.

Бунинг сабабларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

Биринчидан, мулк шакли, фаолият туридан қатъий назар корхоналардаги барча ресурслар самарали фойдаланилиши керак. Бунинг натижасида мулкдор кўпроқ даромад(фойда) олиши лозим.

Иккинчидан, корхоналарнинг фаолиятлари эндиликда ташқи бозор билан кўпроқ боғланган бўлади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда назоратни ривожлантириш, уни халқаро талаблар даражасига қўтариш борасида бир қанча муҳим ишлар амалга оширилди. Ушбу масалага қаратилган кўплаб қонунлар қабул қилинди, янги Низомлар жорий этилди. Жумладан: Республика аудиторлар Палатаси ташкил қилинди; аудиторлар ва аудитор ташкилотлари (фирмалари) тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилди; аудиторларга сертификатлар беришнинг янги тартиби жорий этилди, Республика бухгалтерлар ва аудиторлар Ассоциацияси фаолият юритмоқда, олий ўқув юртлари қошида Республика бухгалтерлар ва аудиторлар Ассоциацияси билан ҳамкорликда аудит соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўлга қўйилган. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти талаблари асосида “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қайта ишланди ва тасдиқланди¹. Ҳозирги кунда худудларда аудиторлик фирма (ташкилот)лари ташкил қилиниб муваффақиятли фаолият юритмоқдалар. Энди «аудит» сўзининг моҳияти, аудиторлик фаолиятининг мазмунини кўриб чиқайлик. Иқтисодий адабиётларда «аудит» сўзининг мазмуни ҳар хил тарзда талқин қилинади. Айримлар «аудит» сўзи лотин тилидан олинган бўлиб «у эшитади» маъносини билдиради десалар, бошқалар эса ушбу сўз инглиз тилидан олинган бўлиб «у ёрдам беради» («кўмаклашади») деган маънога эга деб таъкидлайдилар. Аудит бу «текшириш», «стафтиш қилиш», «терговчи» деган фикрлар ҳам бор. Америка Қўшма Штатларнинг нуфузли иқтисодиёт университетларида ўтиладиган «Аудит» дарслигида аудитга шундай таъриф берилган: «Аудит» (auditing) – дахлсиз ходим томонидан ахборотларнинг белгиланган мезонларига мослигини аниқлаш ва холисона хулоса

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. -Т.2000 йил, 26 май.

бериш мақсадида хўжалик тизими тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва баҳолаш жараёнидир”.

А у д и т - бу муайян ваколатлар берилган шахслар, яъни аудиторлар томонидан хўжалик юритаётган барча субъектлар фаолиятларининг республикада қабул қилинган қонун-қоидаларга мувофиқлигини текшириш ёки экспертиза қилишдир. Аудиторлик фаолияти ўз ичига бундан ташқари янги корхоналарни очиш, молия-кредит, ҳисоб-китоб ишларини юритиш бўйича маслаҳатлар бериш (“консалтинг” хизмати), мутахассислар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, аудит соҳасида ўқув-услубий тавсиялар ишлаб чиқиш каби масалаларни ҳам ўз ичига олади.

Республикамизда аудиторлик фаолиятини кенг жорий қилиш борасида бу соҳада бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар амалиётини ўрганиш фойдадан холи бўлмайди. Мазкур мамлакатларда аудиторлик фаолияти қуйидаги босқичларда ривож топди:

Биринчи босқич – тасдиқловчи аудит (бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг тўғрилигини текшириш билан боғлиқ бўлган аудиторлик фаолияти);

Иккинчи босқич – мақсадли (йўналтирилган) аудит (аудиторлик фаолияти корхона, фирма фаолиятида содир бўлиши мумкин бўлган хато – камчиликларни олдини олишга қаратилган);

Учинчи босқич – тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган аудит (таваккалчилик, менежмент, бизнес фаолиятига қаратилган аудит).

Илмий – тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, мамлакатимиздаги аудиторлик фирмаларининг аксарият фаолиятлари кўпроқ тасдиқловчи аудитга қаратилган (биринчи босқич). Аудиторлик фирмалари олдинги тафтишчиларга ўхшаб корхоналарда содир бўлиб ўтган операцияларни текшириш билан чегараланиб қолмоқдалар, холос. Ваҳоланки, аудитнинг асосий мақсади ва вазифаси ҳозир содир бўлаётган (ёки содир бўлиши мумкин бўлган) ноқонуний операцияларнинг олдини олишдан иборат.

Бугунги кунда назорат ва аудит соҳасида қуйидаги муаммоли масалалар ўз ечимини кутмоқда:

Аудит билан назорат, тафтишнинг нима фарқи бор?

Аудитнинг кенг жорий қилиниши туфайли назорат-тафтиш тизимида қандай ўзгаришлар содир бўлади?

Аудиторларнинг асосий вазифалари ва функциялари тафтишчиларга нисбатан нимаси билан фарқ қилади?

Аудитнинг ташкилий шакллари қандай ривожланади?

Аудиторлик назорат билан бошқа назорат органлари қандай уйғунлашади?

Ички аудиторлик хизмати нима, унинг хусусиятлари қандай намоён бўлади?

Аудитор билан тафтишчининг фарқи бор, албатта. Аудитор, биринчидан, мулк эгасига ва текшириляётган корхонага бевосита бўйсинмайди. Аудитор албатта махсус сертификатга маълумотга ва иш тажрибасига эга бўлиши шарт. Аудитор аудитни хўжалик субъекти ҳисобланган юридик шахс билан тузилган шартномага асосланиб ўтказди. Аудит натижалари анча мукаммаллашган шаклда расмийлаштирилади ва буюртмачига тақдим этилади.

Ташқи аудит бўйича аудиторлар асосан аудиторлик фирмаларида (ташкилотларида) фаолият юритадилар. Аудиторлик фирмалари юридик шахс сифатида маълум кафолатларга эга. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонун-қоидаларга асосан бозор инфратузилмаларидаги қуйидаги хўжалик юритувчи субъектлар албатта ташқи аудиторлик текширувидан ўтказилишлари шарт¹:

- акционерлик жамиятлари;
- банклар ва бошқа кредит ташкилотлари;
- суғурта ташкилотлари;
- инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фондлар, уларнинг бошқарув компаниялари;
- манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари бўлмиш хайрия фондлари ва бошқа ижтимоий фондлар;
- маблағларнинг ҳосил бўлиш манбалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан қилинадиган мажбурий ажратмалар бўлмиш бюджетдан ташқари фондлар;
- устав фонди давлатга тегишли улуши бўлган хўжалик юритувчи субъектлар.

Республикамызда қабул қилинган тартибга асосан мажбурий аудиторлик текширувчидан бош торган хўжалик юритувчи субъектларга катта миқдорда жарима белгиланган.

Мамлакатимизда қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга асосан корхоналар белгиланган тартибда ва муддатларда солиқларни

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, Т.2000 йил, 26 май, 10-модда

бюджетга тўлаб турсалар, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари меъёр даражасида бўлса, улар ишончли аудиторлик хулосаларига эга бўлсалар фақат икки йилда бир марта тўлиқ (комплекс) текширувдан ўтказилади.

Аудиторларнинг (аудиторлик ташкилотларининг) корхоналарга турли масалалар бўйича “Консалтинг” хизматларини кўрсатишлари ҳам маълум тартибда амалга оширилади.

6.2. Аудит ва аудиторлик хизматининг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш махсус тамойилларига асосланган. Мулкка бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Кўпмулкчиликка асосланган корхоналарнинг мақсади мулкдан самарали фойдаланиб кўпроқ даромад (фойда) олишдан иборат. Акционерлик жамиятлари, қўшма корхоналар, кичик ва хусусий корхоналар республикамизда қабул қилинган қонунларга асосан фаолият юритмоқдалар. Бозорга ўтишнинг муҳим тамойилларидан бири – бу қонуннинг устиворлиги ва барча учун баробарлигидир. Янги шароитда фаолият юритишнинг ҳуқуқий асослари яратилган.

Мамлакат Конституциясига асосан кўплаб қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Булар жумласига куйидагиларни киритиш мумкин: «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги Қонун, «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги Қонун, «Аудиторлик фаолият тўғрисида»ги Қонун, «Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун, «Бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандартлари», «Аудиторлик фаолиятининг стандартлари», «Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом» ва бошқалар.

Маълумки, ҳар бир жамиятнинг иқтисодий негизини мулк ва мулкка бўлган муносабат белгилайди (Мулкчиликнинг дастлабки тушунчаси V – асрда Юстинионнинг «Рим ҳуқуқи» кодексига талқин қилинган). Мамлакатимизнинг Асосий қомусида «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли» деб эътироф этилган (36-модда). Давлатимиз барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баробар муҳофаза этилишини кафолатлайди (53 – модда).

Буюм ёки нарса юридик ёки жисмоний шахснинг мулкдор бўлиши куйидаги ҳуқуқий муносабатлар билан белгиланади:

- эгалик қилиш ҳуқуқи;
- фойдаланиш ҳуқуқи;
- тасарруф этиш ҳуқуқи.

Шахснинг буюмга эгалик қилиши ҳуқуқий меъёрномалар орқали белгиланади. Буюмга эгалик қилишнинг субъектив ва объектив томонлари бўлади. Мулкдан фойдаланиш – бу нарсани ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий-иқтисодий муносабатлардир. Мулкдан фойдаланиш учун албатта унинг эгаси бўлиш шарт эмас. Мисол учун, ижарага олинган бино ёки жиҳоз ижараси томонидан фойдаланиб маълум миқдордаги манфаатлар олинади. Мулкнинг эгаси эса ижарага берувчи шахс ҳисобланади. Ижарачилар ўртасидаги муносабатлар «Ижара тўғрисида»ги Қонун, ижара шартномалари орқали мувафакқияттирилиб борилади.

Аудитнинг тўғри ташкил этилиши, ўтказилиши ва самарадорлиги унинг ҳуқуқий асосларига бевосита боғлиқдир. Аудитнинг ҳуқуқий асослари деганда аудитни ташкил қилиш, ўтказиш ва натижаларини расмийлаштиришга асос бўладиган ёки ушбу жараёнларни амалга ошириш учун ҳуқуқ берадиган меъёрий ҳужжатларнинг мажмуаси тушунилади. Аудитнинг ҳуқуқий асослари унинг келиб чиқиш тарихи билан бевосита боғлиқдир. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики аудит тўғрисидаги ҳуқуқий меъёрномалар даставвал Буюк Британияда 1844 йилда қабул қилинган.

Мажбурий аудит тўғрисидаги қонун Буюк Британияда-1862 йилда, Францияда -1867 йилда, АҚШда эса - 1937 йилда қабул қилинган. АҚШда аудит тўғрисидаги расмий қарор 1917 йилда чиққан бўлиб унинг асосий мақсади фирма балансларини экспертизадан ўтказишдир. Кейинчалик кўплаб мамлакатларда аудитни ривожлантиришга қаратилган қатор ҳуқуқий - меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган.

Аудитнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи меъёрий ҳужжатларни бир неча турларга ажратиш мумкин. Жумладан:

- аудитни ташкил қилиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар;
- аудитни ўтказиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар;
- аудит натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштиришга қаратилган меъёрий ҳужжатлар;

- аудиторларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар.

Мамлакатимизда аудиторлик фаолияти ҳам давлат томонидан, ҳам касбий (профессионал) жамоа ташкилотлари томонидан бошқариб борилади ҳамда мувофиқлаштирилади. Шу мақсадларда Ўзбекистонда махсус қонунлар, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ва касбий жамоа ташкилотлари тузилган.

Қуйида аудиторлик фаолиятига оид айрим ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг мазмунинга ва аҳамиятига тўхталиб ўтамиз.

Аудиторлик фаолиятининг асосида мамлакат Конституцияси ётади. Мазкур Конституцияга асосан кўплаб қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинади. Юқорида аудитнинг предмети ва объектлари турли мулкдаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг мамлакатда қабул қилинган қонун-қондаларга мослигидан иборат деб эътироф этган эдик. Демак, аудитнинг ҳуқуқий асослари “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси”, ушбу ҳужжат асосида қабул қилинган “Мулк тўғрисида”ги, “Қорхоналар тўғрисида”ги, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунлар, “Солиқ Кодекси”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом” ва бошқа меъёрий ҳужжатларидан иборат.

Аудитнинг моҳияти, турлари, предмети, объектлари, аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунда батафсил ёритилган. Ушбу қонун МДХ мамлакатлари ичида даставвал биринчи бўлиб Ўзбекистонда 1992 йил, 9 декабрда қабул қилинган эди. Мазкур қонун иқтисодиётимиздаги ўзгаришлар эътиборга олиниб янги таҳрирда қайта кўриб чиқилди ва тасдиқланди¹. Бу қонунда аудиторлар, аудиторлик ташкилотлари (фирмалари)нинг функциялари ва вазифалари, аудиторларнинг ҳуқуқ ва масъулиятлари батафсил ифодаланган. Республикаимиздаги аудиторлар ва аудиторлик ташкилотларнинг фаолиятлари касбий ташкилот Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар Палатаси томонидан бошқарилади.

Аудитнинг муҳим ҳуқуқий ҳужжатларидан бири - бу томонлар ўртасида тузилган ўзаро шартномадир. Ушбу шартнома хўжалик юритувчи субъектнинг буюртмасига асосан тузилиб аудитнинг

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. Т.2000 йил 26 май

объекти, ўтказилиш даври, томонларнинг мажбуриятлари, аудиторлик хизматининг қиймати кўрсатилади.

Аудиторга аудит ўтказиш учун “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун, “Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари” ва “Аудиторлик фаолиятининг стандартлари ” асос бўлади. Аудитор текширув мақсади, объекти ва вазифаларини эътиборга олиб аудит усуллари мустақил равишда белгилаши мумкин.

Аудитор томонидан ўтказилган ташқи аудит натижалари аудиторлик ҳисоботи ва ҳулосасида ўз ифодасини топади. Ушбу ҳужжатлар ҳам аудиторлик фаолиятининг муҳим ҳуқуқий асосларига киради.

Аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказиладиган текширувлар аудит стандартлари бўйича маълум кетмакетликда амалга оширилади. Ташқи аудитни ўтказишга асос бўлиб хўжалик юритувчи субъектнинг аудит ўтказиш тўғрисидаги ёзма буюртмаси ҳисобланади. Ушбу буюртма аудиторлик ташкилотига (ёки аудиторга) тақдим этилган. Аудиторлик ташкилоти буюртманинг предмети, объектлари билан танишгандан сўнг ўзининг аудит ўтказиш бўйича розилигини “Ёзма-мажбурият” шаклида ифодалайди. Ушбу ҳужжатда аудит ўтказиш шартлари, томонларнинг мажбуриятлари, аудит ўтказиш даври ва муддати, аудиторлик хизматининг қийматини аниқлаш тартиби ва бошқа шартлар ифодаланган. Буюртмачи-корхона “Ёзма-мажбурият” шартларига рози бўлгандан сўнг уни аудиторлик ташкилотига қайтаради. Шундан сўнг “Аудиторлик шартномаси” тузилади. Ушбу шартномада аудитни ўтказиш муддати, аудит предмети, аудитда иштирок этувчи (аудиторлар), аудиторлик хизматининг қиймати, шартнома шартларининг бажарилиш тартиби, аудитдаги таваккалчилик (риск) даражаси кўрсатилган. Шартнома икки томонлама тасдиқлангандан сўнг аудиторлик ташкилоти “Аудитни ўтказиш режаси” ва “Аудит ўтказиш дастури”ни тузади. Аудитни ўтказиш режасида аудит ўтказиш даври, текширилишга режалаштирилган иш ҳажми, уни текшириш муддати ва ижрочилар кўрсатилади. Бундан ташқари ушбу ҳужжатда аудитнинг ҳаққонийлигини таъминловчи масалалар текшириш жараёнида кўпроқ эътибор бериладиган объектлар, аудит стандартлари ифодаланган. Аудитнинг умумий режасига асосан “Аудитни ўтказиш дастури” тузилади. Ушбу дастурда аудитда қўлланиладиган усуллар, текшириш муддати, аудит натижаларини расмийлаштириш тартиби ифодаланган. Аудитни

Ўтказиш режаси ва дастури аудиторлик ташкилоти ҳамда аудиторлик гуруҳи бошлиғи (ёки аудитор) томонидан тузилади ва тасдиқланади. Ушбу ташкилий ишлар бажарилгандан сўнг бевосита аудиторлик текшируви амалга оширилади. Аудитор аудит объекти ва режасига асосан корхона фаолиятини экспертизадан ўтказди. Ушбу жараёнда аудитнинг вазифаларига қараб дастлабки ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари, бухгалтерия ҳисоби счетларидаги ёзувлар, “Молиявий ҳисобот” маълумотларидан кенг фойдаланилади. Текшириш натижалари аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасида ўз ифодасини топади.

Аудитор текширув жараёнида қуйидаги тамоилларга амал қилиши керак:

- бетарафлик;
- тўғрилиқ;
- ошкоралиқ (ҳаққонийлик);
- касбий маҳоратлилиқ;
- виждонийлик;
- хайрихоҳлик.

Аудиторнинг аудит жараёнидаги бетарафлиги унинг текширилаётган ҳўжалиқ юритувчи субъектга нисбатан молиявий, моддий, манфаатдорлигининг йўқлиги, корхона раҳбарлари ва масъул ходимлари билан қариндошчилик алоқаларининг йўқлиги билан ифодаланади. Аудитор иш жараёнида касбий ахлоқ нормаларига тўлиқ амал қилинган ҳолда ўзининг тўғрилиги, поклигини исботлайди. Аудитор аудит жараёнида корхонанинг барча ҳужжатларидан тўғри фойдаланиши, уларнинг тўлиқ сақланишини таъминлаши, текширилаётган корхонанинг тижорат сирини учинчи шахсга ошкора қилмаслиги керак. Аудитор ўз фаолияти давомида масалаларга касбий маҳорат ва масъулият билан ёндошиб содир бўлган операцияларнинг қайдаражада қонуний эканлигини асослаб беради. Аудиторнинг текширув жараёнидаги ҳатти-ҳаракатидан буюртмачи ва унинг ходимлари қониқиш олаётганликлари ва беғараз ёрдам кўрсатилаётганлигини сезишлари керак. Шундагина аудит натижаларидан кўзланган мақсадга эришилган бўлади.

Аудиторлик назорати ва хизматига бўлган талабнинг тобора ошиб бориши унинг ҳуқуқий асосларига янгича талаблар қўяди. Шу боис мамлакатимизда аудиторлик хизматига онд кўплаб меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

6.3. Аудиторлик хизматининг турлари ва шакллари

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, уни халқаро стандартлар талаблари даражасига кўтариш аудиторлик фаолиятини тўғри ташкил қилишга бевосита боғлиқдир. Лекин, шуни ҳам қайд қилиш керакки, бугунги кунда ушбу фаолият кутилаётган натижаларни тўлиқ бермаяпти. Аудит соҳасида ўз ечимини кутаётган бир қанча муаммолар бор. Булар жумласига аудитнинг назарий, услубий ва ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган муаммолар киради. Қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда, махсус адабиётларда аудитнинг турлари ва ташкилий шакллари кенг ёритилмаган ҳамда чуқур асосланмаган.

Аудиторлик фаолиятига оид меъёрий ҳужжатлар ва махсус адабиётларни ижодий таҳлил қилиш уларнинг қуйидаги турларини аниқлашга имкон берди. Тадбиркорлик фаолиятига кирувчи аудит мақсади, вазифалари ва текшириш объектларига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

- ташқи аудит;
- ички аудит;
- молиявий аудит;
- қонунларга мосликнинг аудити;
- иқтисодий самарадорликнинг аудити;
- таваккалчиликнинг аудити (риск аудити);
- операцион аудит;
- бошқарув аудити;
- ижтимоий аудит;
- экологик аудит;
- консалтинг хизмати.

Молиявий аудит хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий кўрсаткичларини текширишга қаратилган. Бундай аудит кўп ҳолларда таъсисчилар, инвесторлар ва бошқа ташқи манфаатдорларнинг буюртмалари асосида ўтказилади. Молиявий аудитнинг асосий мақсади молиявий натижаларнинг ҳаққоний, асосли эканлиги, молиявий ҳисобнинг тўғри тузилганлигига ҳолисона баҳо беришдан иборат.

Турли мулкдаги корхоналар фаолиятлар давомида қабул қилинган қонун-қоидаларга риоя қилишлари керак. Мулк тўғрисида, корхоналар тўғрисида, ижара тўғрисидаги қонунларнинг ва солиқ қонунчилигига тўлиқ талабларига амал қилиш барча

хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий вазифаларига киради. Шу мақсадларда қонунларга мосликнинг аудити ўтказилади. Бундай аудит кўп ҳолларда давлат ҳамда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларнинг буюртмасига асосан ўтказилади.

Корхона самарадорлигининг аудити мавжуд моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ички имкониятларни аниқлаш мақсадида ўтказилади. Бундай аудит кўп ҳолларда хўжалик фаолиятининг таҳлили шаклида ўтказилади. Унинг буюртмачилари асосан корхона маъмурияти ёки таъсисчилари ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётининг ривожланиши хавф-хатарнинг мавжудлиги, таваккалчилик (риск) билан бевосита боғлиқдир. Корхона ўз ривожланиши ва барқарорлигини таъминлаши учун келажакда содир этилиши мумкин бўлган хавф-хатар, таваккалчилик натижаларини олдиндан билишга манфаатдордир. Шу мақсадларда таваккалчиликнинг аудити ўтказилади. Унинг натижасида содир бўлиши кутилаётган хавф-хатарнинг олди олинади.

Корхоналарнинг фаолияти маълум операциялар ва жараёнлардан иборат. Жумладан, таъминот жараёни, ишлаб чиқариш жараёни ва реализация (тақсимот) жараёни. Ушбу жараёнлар билан корхонанинг ички бўлинмалари (цехлар, бригадалар) шуғулланади. Корхона жараёнлари ва бўлинмалардаги ички имкониятлар операция (ташаббус) ва ички аудит орқали аниқланади. Бундай аудит турли корхона маъмурияти, цех, бригадаларнинг ташаббуси билан ўтказилади. Мазкур аудит турининг асосий хусусияти шундан иборатки, у орқали мавжуд камчиликлар шу операциянинг ўзида аниқланади ва унинг олди тезкорлик билан олинади. Натижада мавжуд камчилик кейинги босқичга ўтмайди. Бундай аудит айниқса кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун қулай келади.

Бошқарув аудити (менежментлик аудити) корхона таркиби, қабул қилинаётган бошқарув қарорларининг нечоғлик тўғрилигини аниқлашга қаратилган. Ушбу аудит орқали менежерларнинг иш услуби ва натижалари ўрганилади. Аудиторлик текширув натижасида корхона самарадорлигини оширишга қаратилган бошқарув (менежерлик) бўйича тавсиялар берилади.

Экологик аудит орқали экологияни ҳимоя қилишга қаратилган, хом ашёлардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришга чиқиндисиз технологияни жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.

Аудит турлари ичида мижозларга турли хизматлар кўрсатиш алоҳида ўрин тутади. Аудиторлик фирмалари (ташкилотлари) хўжалик юритувчи субъектларга қуйидаги хизматларни кўрсатиши мумкин: бухгалтерия ҳисобини миллий андозалар (стандартлар) асосида юритиш, бизнес-режаларни тузиш, жорий ва яқунланувчи ҳисоб маълумотларини ўзаро мувофиқлаштириш, яъни бухгалтерия ҳисобидаги счётларни қўллаш бўйича маслаҳатлар бериш, солиқларни ҳисоблаш ва бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттириш, хўжалик жараёнлари (операциялари) ҳисобининг маълум турлари бўйича маслаҳатлар бериш ва бошқа хизматлар. Аудиторлик ташкилотлари ўзаро келишувларга асосан иқтисодий ислоҳотларнинг маълум йўналишлари (муаммолари) бўйича услубий семинарлар ташкил этиши, мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш билан ҳам шуғулланадилар.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти мураккаб операциялар ва жараёнларни ўз ичига олади. Фаолиятда содир бўлаётган барча ўзгаришларни доимо кузатиб бориш ва назоратини таъминлаш корхоналарда бироз қийин кечмоқда. Ушбу муаммонинг ечими ички аудиторлик хизмати орқали ҳал қилинади.

Ички аудиторлик хизмати - бу корхоналар фаолиятини манфатдорларнинг буюртмасига асосан дахлсиз аудиторлар томонидан тўғри баҳолаш, текшириш ва хулосалар беришдир. Ички аудитнинг мақсади корхонадаги тўлиқ фойдаланилмаган имкониятларни аниқлаш, корхона ходимларининг ўз вазифаларини тўлиқ бажаришларига яқиндан ёрдам беришдан иборат.

Ички аудиторлик хизматининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- корхонада ички тартиб-қоидаларга тўлиқ риоя қилинишни текшириш;

- корхона (фирма) сиёсатига амал қилиш ва сирини сақлашга қаратилган чора-тадбирларнинг бажарилишини текшириш;

- корхона самарадорлиги кўрсаткичларининг ҳаққонийлигини аниқлаш;

- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг тўғрилигини текшириш;

- корхонаниннг жорий ва истиқболли бизнес-режасини тузишда ёрдам бериш;

- корхона фаолиятига оид жараёнлар бўйича маслаҳатлар (консультациялар) беришдан иборат.

Ички аудиторлик хизматининг объектлари турлича бўлиши мумкин: корхонанинг тўлиқ фаолияти ёки алоҳида хўжалик жараёнлари (операциялари) бўлиши мумкин. Ушбу аудит тури натижасига асосан корхона раҳбарлари ва бошқа манфаатдор шахслар керакли бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятига эга бўладилар.

Ташқи аудит - бу ташқи манфаатдорларнинг буюртмаларига асосан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва экспертиза қилишдир. Ташқи аудитнинг асосий буюртмачилари давлат органлари, таъсисчилар, инвесторлар, кредиторлар, солиқ идоралари, банк муассасалари ва бошқа манфаатдорлар ҳисобланади.

Ташқи аудитнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- корхона фаолиятида қабул қилинган қонунлар, низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга тўлиқ амал қилинишини текшириш;
- корхона мулкнинг мақсадли фойдаланиши ва самарадорлигини таҳлил қилиш;
- четдан жалб қилинган сармояларнинг тўғри фойдаланишини текшириш;
- солиққа тортилувчи кўрсаткичлар ва солиқларнинг тўғри ҳисобланишини, бюджетга тўлиқ ўтказилишини назорат қилиш;
- ўзаро ҳисоб-китобларнинг тўғри амалга оширилишини текшириш;
- корхонанинг ҳисоб сиёсати ва унга тўлиқ риоя қилинишини аниқлаш;
- молиявий ҳисоботнинг асослиги ва ҳаққонийлигига ҳолисона баҳо беришдан иборат.

Ташқи аудит бетараф ва даҳлсиз аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари (фирмалари) томонидан ўтказилади. Ушбу аудит турининг асосий объектлари қуйидагилардан иборат: молиявий натижалар; ўзаро ҳисоб-китоб операциялари, шу жумладан экспорт-импорт, реэкспорт, реимпорт, барьер операциялари; хорижий инвестициялар, пул-валюта операциялари, қимматли қоғозлар, хусусийлаштириш билан боғлиқ операциялар. Ташқи аудит натижалари бўйича маълум манфаатли қарорлар қабул қилинади.

Аудит фан сифатида ўзининг предмети, усули ва объектларига эга.

«Аудит» фанининг предмети хўжалик юритувчи субъектлар, уларнинг фаолиятлари ҳисобланади. Маълумки корхоналар ўз уставларига асосан фаолият юритадилар. Ушбу фаолият жараёнида

молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланилади. Корхонанинг активлари доимо даромадга, фойда олишга қаратилган бўлиши керак. Лекин, ушбу натижаларга фақат қабул қилинган, жорий қилинган қонун – қоидаларга тўлиқ амал қилиш орқали эришилади, холос. Корхоналар ўз фаолиятларида меъёрий ҳужжатларга, қабул қилинган андозаларга риоя қилишлари шарт. Ҳар бир корхона ўзининг ҳисоб сиёсатини белгилайди ва унга асосан ҳисоб-китобларини юритади. Аудит пайтида корхона фаолиятининг қабул қилинган қонунларга монандлиги, ҳисоб маълумотларининг корхона молиявий хўжалик кўрсаткичларига мувофиқлиги текширилади.

Аудитнинг предмети тафтишдан ўлароқ корхонанинг фақат бир фаолият тури, ёки биргина кўрсаткичи бўлиши мумкин. Мисол учун, савдо фаолияти, ишлаб чиқариш фаолияти ёки бўлмаса пул маблағлари, товарлар, қимматли қоғозлар, валюта операциялари ва бошқалар.

Аудитнинг предметиға молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги, ҳисоб сиёсатиға, солиқ сиёсатиға тўлиқ амал қилишлик, текшириш ҳам киради.

Аудитнинг аниқ предмети ёки объекти миқоз билан тузилган шартномаға бевосита боғлиқ.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг фаолияти кенгайиб ривожланиб бормоқда. Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида аудитнинг асосий объектлари қуйидагилардан иборат бўлиши керак деб ҳисоблаймиз:

- мулкларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан боғлиқ бўлган операциялар;
- молиявий натижаларни шакллантирувчи кўрсаткичлар (харажатлар, даромадлар, фойда, зарарлар);
- валюта операциялари;
- ташқи иқтисодий фаолият, чет эл сармоялари, товар биржалари;
- ҳисоб-китоб операциялари (дебиторлик, кредиторлик қарзлари);
- қимматли қоғозлар билан боғлиқ жараёнлар.

Аудитнинг предметиға хўжалик юритувчи субъектларға долзарб масалаларда консалтинг хизматини кўрсатиш ҳам киради. Аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари корхоналарға ўзаро тузилган шартномаларға асосан «Бизнес-режа» тузиш, ҳисоб сиёсатини белгилаш, солиқларни тўғри ҳисоблаш, маҳсулот таннар-

ҳини асослаш, молиявий ҳисобот тузиш каби масалаларда яқиндан ёрдам беради.

Аудит натижаларининг самарадорлиги унда қўлланиладиган усуллар, яъни аудит услубига ҳам бевосита боғлиқдир.

Аудитнинг ўзига хос усуллари ва услубиёти мавжуд. Бу усуллар аудитнинг хусусиятларидан келиб чиқади. Корхонада аудит ўтказиш мутахассис аудитордан маълум билимни ва иш тажрибасини талаб қилади. Бозор шароитида турли мулкка асосланган корхона ва фирмаларнинг фаолияти бир-биридан фарқ қилади. Уларнинг сўнги натижалари ҳам турли операциялар, омиллар туфайли шаклланади. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг қабул қилинган қонун-қоидаларга монандлигини экспертиза қилиш, асосли хулосаларга келиш ва тавсиялар бериш аудитордан кўп билим ва савияни талаб қилади. Аудит натижасида ишончли хулосага келиш ушбу жараёнда қўлланиладиган усулларга бевосита боғлиқдир. Ушбу усулларни қуйидагича эътироф этиш мумкин.

Аудит услубининг асосида мангикий мулоҳаза, илм-фан ютуқлари, хўжалик жараёнининг ўзгарувчанлиги ётади. Корхоналар фаолиятидаги операциялар туфайли маблағлар бир шаклдан бошқа шаклга ўзгариб туради. Ушбу жараён натижасида корхона самара (наф) олиши керак. Бу самара, ўз навбатида қабул қилинган қонун-қоидага тўлиқ амал қилинган ҳолда эришилган бўлади. Ноқонуний операциялар мижозларга фақат зарар келтиради.

Аудит жараёнида иқтисодиётимизга хос бўлган ҳамда халқаро амалиётда кенг фойдаланиладиган усуллар (халқаро андозалар) қўлланилади. Махсус адабиётларда аудитнинг халқаро амалиётига хос андозалари (стандартлари) қуйидагича гуруҳларга бўлинган¹:

- аудитни ташкил қилиш билан боғлиқ андозалар;
- аудит жараёнини ўтказиш билан боғлиқ андозалар;
- аудит натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш билан боғлиқ андозалар.

Халқаро амалиётда қўлланиладиган аудитнинг умумий андозалари 10 дан зиёд бандлардан иборат бўлиб уларда аудитни ташкил қилиш тартиби, аудит ўтказувчи шахсга қўйиладиган талаблар, аудитни ўтказиш жараёндаги талаблар, аудиторлик ҳисоботи ва хулосаларининг мазмунинга тегишли меъзонлар ўз аксини топган.

¹ Арнс Э.А. Лоббек Дж.К. Аудит. - М.: Молия ва статистика, 1995, 25-27 бетлар

Аудитнинг миллий андозалари иқтисодиётимизнинг бозорга ўтиш тамоиллари асосида тузилган. Аудитор аудит жараёнида турли усулларни мустақил белгилайди ва қўлайди. Ушбу усуллар таркиби аудитнинг предмети, мақсади ва вазифаларига бевосита боғлиқ. Аудит назарияси ва амалиётида ушбу усулларнинг қуйидаги турлари келтирилган:

- солиштириш усули (иқтисодий ходисалар, кўрсаткичларни ўзаро ва бизнес-режа билан солиштирилади);

- гипотеза усули (ходисаларнинг содир бўлиши, натижалари турли шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда ўрганилади. Бундай усул кўпинча “яширин иқтисод” натижаларини аниқлашда кенг фойдаланилади);

- таҳлил ва синтез усули (аудит объекти бўлган фаолият ёки кўрсаткич омиллар асосида ўрганилади, мавжуд ички имкониятлар аниқланади);

- тафтиш усули (корхонанинг фаолиятига ҳолисона баҳо бериш учун барча операциялар тасдиқловчи назоратдан ўтказилади);

- инвентаризация усули (корхонадаги ҳақиқий активлар ва мажбуриятларнинг бухгалтерия ҳисоби маълумотларига монандлиги текширилади);

- калькуляция усули (бajarилган ишлар, ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи, овқатланиш корхоналардаги таомларнинг сотилиш баҳоси аниқланади);

- экспертиза усули (хужжатларнинг реаллиги, ҳаққонийлиги, маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари лаборатория йўли билан аниқланади);

- бухгалтерия счёtlари ва иккиёклама ёзув усули (корхона активлари ва мажбуриятларининг ҳаракати ва қолдиқлари текширилади);

- баланс усули (корхона активлари ва мажбуриятларининг маълум муддатдаги ҳолати, уларнинг жорий ҳисоб маълумотларига мувофиқлиги аниқланади);

- хужжатлаштириш усули (корхонадаги ходиса, жараёнларни расмийлаштириш, дастлабки маълумотларни умумлаштириш орқали назорат қилиш).

Аудитор текшириш жараёнида меъёрлаштириш, баҳолаш, гуруҳлаш усулларида ҳам фойдаланади. Аудит усуллари ҳар бир ходисанинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг оқибатлари, хўжалик жараёнларнинг қонун-қоидаларга (меъзонларга) мувофиқлигини

аниқлашга ёрдам бериши керак. Аудиторлик фаолиятнинг ривожланиши туфайли унинг услуги, унда қўлланиладиган усуллар ҳам такомиллашиб бораверади. Кейинги пайтларда айрим махсус адабиётларда аудитнинг қуйидаги усулларига катта эътибор берилмоқда: ходимлар (ёки учинчи шахслар) билан оғзаки сўровлар ўтказиш, текширилаётган корхона бўйича муқобил (альтернатив) баланс тузиш¹; аудит объектлари бўйича тестлар, сўровлар ўтказиш, компьютер ахборотлари технологияларидан кенг фойдаланиш каби усуллар². Шунинг ҳам қайд қилиш керакки, аудиторлар (аудиторлик ташкилотлари) аудит жараёнида қабул қилинган умумий (анъанавий) усуллардан фойдаланиш билан бир вақтнинг ўзида улар ўзларига маъқул бўлган ёки бошқалар учун “тижорат сири” бўлган ноанъанавий (локал) усуллардан ҳам фойдаланишлари мумкин. Шундай қилиб, қўлланиладиган аудит усуллари аудитнинг тури, мақсади ва вазибаларига бевосита боғлиқ.

Аудитнинг турлари ва уларда қўлланиладиган усуллар бевосита аудит шаклларига боғлиқдир. Аудитнинг шакллари – бу қўйилган мақсадга қараб аудит жараёнини ўтказиш тартибидир. Шунинг ҳам қайд қилиш керакки, меъёрий ҳужжатлар ва махсус адабиётларда аудитнинг шакллари илмий жиҳатдан тўлиқ асосланмаган ва етарлича ёритилмаган. Бизнинг фикримизча аудит турлари уларнинг вазибалари ва объектларига қараб белгиланса, аудит шакллари эса аудитнинг мақсади ва ўтказилиш тартибига қараб аниқланади. Аудит шаклларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Аудитнинг тасдиқловчи шакли;
- Аудитнинг мақсадли (йўналтирилган) шакли;
- Аудитнинг таваккалчиликка асосланган шакли.

Айрим адабиётларда яна мажбурий аудит, ташаббус билан ўтказиладиган аудит, дастлабки аудит, келишилган аудит шакллари ҳам эътироф этилган. Ушбу аудит шакллари қўйилган мақсадлари ва ўтказилиш

тартиби билан бир-биридан фарқ қилади.

Аудитнинг тасдиқловчи шакли орқали содир бўлиб ўтган операциялар ва жараёнлар текширилади. Бундай текширув олдин кенг қўлланиб келинган комплекс тафтишга мос келади. Аудитнинг

¹ Суйц В.П. ва бошқалар. Аудит: общий, банковский, страховой. -М.: ИНФРА-М, 2000. 157-158 бетлар

² Подольский В.И. ва бошқалар. Аудит. Дарслик. М.: ЮНИТИ. 2000, 315 бет

бундай шаклида ички, ташқи, молиявий ва иқтисодий самарадорликнинг аудити турлари кенг фойдаланилади.

Аудитнинг мақсадли ёки йўналтирилган шакли маълум мақсадга, вазифага қаратилган бўлади. Корхона (фирма) ўз ривожланишининг истиқболлини белгиламоқчи бўлса ёки инвестицияни маълум йўналиш орқали ва шаклда (хом ашё, товар, пул, асбоб-ускуналар шаклларида) жалб қилмоқчи бўлса йўналтирилган (мақсадли) аудит шаклидан фойдаланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона ва фирмалар ўз фаолиятларини таваккалчилик асосида юритадилар. Таваккалчилик - бу маълум шарт-шароитларни ҳамда имкониятларни ҳисобга олган ҳолда дадил бошқарув қарорларини қабул қилиш ва мақсадли натижаларга эришишдир.

Таваккалчилик ҳар доим ҳам ижобий самара беравермайди. Чунки, содир бўлаётган хавф-хатарлар («яширин иқтисод» белгилари) корхона фаолиятига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Шундай пайтларда таваккалга асосланган аудит шаклини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу аудит шакли ташқи иқтисодий алоқалар, қўшма корхоналар, халқаро банклар фаолиятида кенг қўлланилади. Бундай аудитни ўтказувчи мутахассис-аудиторлар юқори малакага ҳамда халқаро сертификатга эга бўлишлари керак. Таваккалга асосланган аудит натижасида тадбиркорликни ривожлантириш, кўпроқ самара олишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилади.

Янги ташкил этилган корхона ва фирмаларда аудитнинг дастлабки, ўзаро келишилган шакллари қўлланилиши мумкин. Бундай аудит туфайли корхонанинг эришилган натижаларига ҳолисона баҳо берилади, истиқболли режаси тузилади. Шундай қилиб аудитнинг бир қанча турлари ҳамда шакллари мавжуд бўлиб, улар бир-бирларини тўлдиради ва ўзаро боғланган.

6.4. Аудиторлик хизматини ривожлантириш истиқболлари

Аудиторлик хизматини ривожлантириш маълум ташкилий-ҳуқуқий масалаларни ижобий ҳал қилиш билан бевосита боғлиқдир. Иқтисодий ислохотнинг ҳозирги босқичида аудитни тўғри ташкил қилиш ва ривожлантириш борасида ўз ечимини кутаётган куйидаги муаммолар мавжуд:

- Аудитнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари. Қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунда аудитнинг турлари, шакллари, объектлари тўлиқ ўз ифодасини топмаган. Ушбу қонун иқтисодиётимиздаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилиши керак деб ҳисоблаймиз. Ички аудит, ташқи аудит, уларнинг хусусиятлари, бир-биридан фарқи, объектлари мазкур қонунда тўлиқ ўз ифодасини топмоғи керак. Ташқи аудитнинг объектлари асосан чет эл сармоялари, қимматли қоғозлар, номоддий активлар, валюта операциялари, экспорт-импорт, реэкспорт операциялари бўлиб бундай аудитни ўтказувчи аудиторлар албатта халқаро сертификатларга эга бўлишлари керак деб ҳисоблаймиз. Аудиторлар фақат бухгалтерия ҳисоби маълумотларини экспертиза қилиш билан чегараланиб қолмасдан, балки, тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган операция ва жараёнларига ўз эътиборларини қаратишлари лозим.

- Аудитнинг ташкилий шаклларини такомиллаштириш масалалари. Турли мулкдаги корхона ва фирмалар ички (тармоқлараро) аудиторлик фирмаларига эга бўлишлари мумкин. Ушбу фирмалар олдиндан тасдиқланган иш режалари бўйича хўжалик субъектларига консальтинг хизматини кўрсатадилар; «профилактика» ишларини олиб борадилар. Қабул қилинган ҳукумат қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни корхона фаолиятида жорий қилишга яқиндан ёрдам берадилар. Айрим ҳолларда корхона самарадорлигини аниқлаш мақсадида комплекс тафтиш ўтказиб турилади.

Ташқи аудит таъсисчилар, мулк эгалари, сармоядорлар, кредиторлар, банк муассасаларининг буюртмаларига асосан ўтказилади. Бундай аудитнинг объекти маълум кўрсаткич (молиявий натижа, дивидент)дан иборат бўлади. Ташқи аудитни мулк эгасига дахлдор бўлмаган, мустақил фаолият юритаётган аудиторлик фирмалари ўтказилади. Ташқи аудитнинг объекти маҳаллий бюджет маблағлари, уларнинг мақсадли ва самарали фойдаланиши мумкин.

- Аудит соҳасидаги мутахассис-кадрларни тайёрлаш масалалари. Аудиторлик фаолиятини ривожлантириш шу соҳадаги кадрларга бевосита боғлиқдир. Аудиторларни тайёрлашда назария билан амалиёт узвий боғланиб ўрганилиши керак. Ички аудиторлик хизмати билан шуғулланувчи аудиторлар турли мулкдаги корхоналарнинг фаолиятларини чуқур билишлари керак. Ташқи аудит билан шуғулланувчи аудиторлар эса хўжалик юриштирининг, ҳисоб-китоб ишларининг халқаро андозаларини мукамал билиши-

лари керак. Шу боис аудиторияларни хорижий фирмаларга малака оширишга узлуксиз юбориб туриш фойдадан холи бўлмайди. Аудитнинг назарияси ва амалиётига бағишланган семинарлар, анжуманларни ўтказиб туриш ушбу бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади. Юқоридаги масалаларнинг ижобий ҳал этилиши ва ҳаётга тадбиқ қилиниши, фикримизча аудитнинг иқтисодий барқарорликни таъминлашдаги мавқеини янада оширишга олиб келади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар биринчи галда барқарор ва мувозанатлаштирилган ўсиш суръатларини таъминлаш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил пасайтириш, бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш орқали аҳолининг иш билан бандлигини тўла таъминланишига қаратилгандир. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, сўзсиз бозор иқтисодиёти институтлари, шу жумладан, молиявий хизматлар, суғурта ва аудиторлик фаолиятларининг сифатига ҳам бевосита боғлиқдир. Республикамизда турли мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритиш субъектларининг кескин кўпайиши ва уларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масалалари ўта долзарб бўлиб ушбу масалаларда аудиторлик хизматларини кўрсатишга янгича талаблар қўймоқда. Президентимиз эътироф этганларидек: «Ана шу институтларни ривожлантириш учун юртимизда тегишли ҳукукий асос яратилган, аммо бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишда сусткашлик ва юзаки қарашларга йўл қўйилмоқда.

Шуни қайд қилиш лозимки, бизни аудит тизимининг ҳозирги аҳволи қониқтирмайди, чунки у ҳали бизнес самарадорлигини реал баҳолашнинг зарур воситасига айлангани йўқ. Бу сектор шунчалик расмиятчилик учун ишламоқда ва ҳозирги кунга қадар молия бозорида етарли ишонч қозона олмаяпти». Ҳақиқатдан ҳам бозор муносабатларининг ривожлантирилиши туфайли бошқарув ва назорат тизимига янгича талаблар қўйилмоқда. Корхоналар фаолиятига давлат назорат органларининг керагидан ташқари аралашувига чек қўйиш, нодавлат бошқарув шаклларига ўтиш иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан чиқиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йилда мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан вазифалар, шу жумладан аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш, аудиторлик ташқи-

лотлари, профессионал аудиторларнинг масъулиятини оширишга қаратилган Президентнинг 2007 йил 4 апрелдаги қарори билан тасдиқланган «Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида»ги Низом ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги қарори билан тасдиқланган «Корхоналарда ички аудиторлик хизмати тўғрисидаги Низом» жойларда мамнуният билан кутиб олинди. Эндиликда аудиторлик фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асослари кенгайди, аудиторлик хизматига қўйилаётган янги талаблар, унинг самарадорлигини ошириш йўллари, аудиторлик ташкилотларининг ваколатлари, вазифа ва масъулиятлари, аудиторлик фаолиятининг янги турлари, аудиторлик ташкилотлари раҳбарлари ва аудиторларнинг аттестациясини ўтказиш тартиби, аудиторлик фирмаларига лицензиялар бериш тартиби нисбатан ўзгарди, аудиторларнинг нисбий сертификатларига қўйилаётган талаблар кучайтирилди. Бу ўз навбатида республикамизда 2000 йил 26 майда янги таҳрирда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунга тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишни тақозо этади. Ушбу қонунда корхоналарда ички аудиторлик хизматини ташкил қилиш, ташқи ва ички аудит учун сертификатлар бериш масалалари ўз аксини топиши керак деб ҳисоблаймиз. Аудиторлик фаолиятининг назарий, методологик ва ташкилий асосларини бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш, шакл-шубҳасиз ушбу бозор инфратузилмасининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

7-боб. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ ВА БАНК-МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

7.1. Ўзбекистоннинг пул-кредит сиёсати ва у билан боғлиқ хизматларни ривожлантириш муаммолари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йил 12 февралда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилнинг натижалари ва 2007 йилнинг асосий устувор вазибаларини белгилаш бўйича ўтказилган мажлисида сўзлаган нутқида мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишларини кўрсатиб берди. Бу йўналишлардан асосий мақсад ислохотларни амалга ошириш бўйича қилинаётган ҳаракатларимизни мазмунан янги босқичга кўтариш, миқдорий кўрсаткичлардан сифат кўрсаткичларига ўтиш, халқимизнинг фаровонлигини ошириш билан боғлиқ бўлган орзу-истакларимиз ва белгиланган тадбирларимизни амалга оширишдан иборатдир.

Мамлакатимиз Президенти мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб ҳаётимизни янгилашнинг устувор йўналишларини кўрсатиб бериб, уларни амалга ошириш механизмларини ҳам бирданига ишлаб чиқиб келмоқда. Улардан бири мамлакатимиз миқёсида адолатли пул-кредит сиёсатини олиб боришни узлуксиз такомиллаштириш масаласидир. Чунки, мамлакатимиз иқтисодиётида содир бўлган ўзгаришлар таркибида пул-кредит сиёсати муҳим рол ўйнайди. Зеро, бу соҳанинг ўзгариши, биринчидан, бутун иқтисодиётнинг ўзгаришига боғлиқ бўлса, иккинчидан эса, пул-кредит сиёсатининг тўғри йўналтирилиши бутун иқтисодиётнинг ривожланиши учун асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Пул-кредит сиёсати бозор муносабатларининг асосий дастакларидан бири сифатида доимий равишда иқтисодиётнинг ривожланиб бориши билан такомиллашиб боришни тақозо қилади. Мамлакатимизда қанча товар ва хизматлар ишлаб чиқарилса ва уларнинг айирбошлаш жараёни амалга оширилса, шунча миқдорда пул керак ва бу муносабатлар иқтисодиётимизда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Бу жараёни тартибга солиш учун ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос пул-кредит сиёсати шаклланган. Бу сиёсатнинг мазмуни

мамлакатимизда амал қилинаётган қонунлар асосида пул муомаласини ташкил этиш ва кредитни амалга ошириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлардан иборатдир.

Пул-кредит сиёсатининг шаклланишида мамлакатнинг пул тизими муҳим рол ўйнайди. Пул тизимига пул бирлиги, баҳо масштаби, пул эмиссияси, пулнинг шакллари, валюта паритети, пул муомаласини ташкил қилувчи институтлар киради. Давлатнинг пул-кредит сиёсатида шу тушунчаларнинг ҳаммаси бўйича эътибор қаратилиши лозим.

Мамлакатимиз қисқа, аммо шарафли йўлни босиб ўтди. Унинг 16 йиллик тараққиёт йўлини Президентимиз икки даврга бўлади. Биринчиси, 1991-2000 йиллар бўлиб, бунда миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган, мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври ҳисобланади. Иккинчи давр – 2001-2007 йилларни ўз ичига олган бўлиб, бунда фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври сифатида баҳоланди. Бу даврда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, сиёсий ҳаётимиз, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими, пул-кредит сиёсати ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилиниши таъминланди.

Тарихан шу қисқа даврда мамлакатимиз босиб ўтган йўлнинг биринчи босқичидаги ўтиш даврининг таҳлили шуни кўрсатдики, “...истиклол ўзбек халқига тухфа тариқасида”⁶ берилгани йўқ. Ҳақиқатда янги ўзига хос, олдин аналоғи бўлмаган йўлни барпо қилиш ва бутун халқни шу йўлдан эргаштириш, мустақиллик йўлидан олиб бориш, унча осон кечмаганлиги ҳаммага аён. Чунки, халқимизнинг, энг аввало, тафаккур тарзи, маънавияти бу жараёнга тайёр эмас эди. Зеро, мустақиллик қўлга киритилган пайтдаги яшаётган авлод мустабид тузумда, ўта мафқуралашган, миллий ўзлигимиз топталган бир вазиятда шаклланган эди.

Пул-кредит сиёсати ҳам ўта марказлашган ва мафқуралашган, қаттиқ режа асосида фақат Давлат банки, деб аталадиган ташкилотнинг қўлида эди. Иқтисодиётимизни ўнглаш учун, унинг бир қанча дастакларини, хусусан, банк-молия, пул-кредит сиёсатларини ҳам такомиллаштириш лозимлигини тақозо қилди. Шу туфайли мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ мазкур масалага мамлакатимиз раҳбарияти катта аҳамият бериб келмоқда. Ушбу соҳани

⁶ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Халқ сўзи. 2007 йил 31 август. -1 бет.

тартибга солиш бўйича бир қанча қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Булар айнан мамлакатимизда пул-кредит сиёсатини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари сифатида намоён бўлди.

1996 йил 25 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Бу қонунга мунтазам ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиб борилди. Аммо банклардаги кўпгина операциялар, одамларнинг маблағлари каби жиҳатлар учун унинг сири бўлишни тақозо қилди. Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, 2003 йил 30 августда “Банк сири тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Банк сирига қонунда белгиланганидек, ўз мижозларининг операциялари, ҳисоб рақамидаги ва омонотидаги маълумотлар, банк мижозларининг маълумотлари, мижозларнинг банк сейфлари ва биноларида сақланиб турилган мол-мулки, унинг хусусияти ва қиймати ҳақидаги маълумотлар, мижоз топшириғига биноан ёки унинг фойдасини кўзлаб амалга оширилган банклараро операциялар ва битимлар тўғрисида маълумотлар, банк ўртасида содир бўлган бошқа банклар тўғрисидаги маълумот кабилар.

Мамлакатимизда пул-кредит сиёсатини тартибга солиш борасида булардан ташқари Президентнинг бир қанча фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳам қабул қилинди. Булар жумласига 2002 йил 27 июнда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасида нақд хорижий валюта муомаласини тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонини, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 июлда қабул қилинган “Биржадан ташқари валюта бозори фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2002 йил 5 августда қабул қилинган “Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2003 йил 11 июнда “Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва алмаштириш курсларини бир-хиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2003 йил 1 октябрдаги «Валюта операцияларини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини мисол келтириш мумкин.

Бугунги кунда мазмунан бутунлай янги банклар тизими вужудга келди. Марказий банк билан бирга бир қанча тижорат банклари шаклланди ва ривож топмоқда. Бу тизим ҳам бозор муносабатларига мос ҳолда рақобат муҳитида фаолият кўрсатмоқда ва ривожланмоқда.

Бозор муносабатларининг чуқурлашуви, хўжалик юритувчи субъектларнинг майдалашуви ва кўпайиши банк-молия хизматларига бўлган талабни кескин ошириб юбордилар. Натижада хизматларнинг мазкур тури ҳам тез ривожланиш босқичига кирди. Банк-молия хизматлари, микрокредит бериш хизматлари билан биргаликда 2010 йилда 2006 йилга нисбатан 2,2 баробарга оширилиши белгиланган бўлса, шу даврда, таъкидланганидек, умумий хизмат тури 2,0 мартага оширилиши кўзда тутилган. Кўриниб турибдики, мазкур хизматнинг ҳажми ҳам жадал ривожланиш босқичига кирган. Буни унинг ривожланишини йиллар бўйича таҳлил қилганда ҳам кўриш мумкин. Ушбу хизмат тури 2007 йилда 117,2 % оширилиши белгилаб берилган бўлса, 2008 йилда унинг ҳажми 120,5 %, 2009 йилда – 123,5 ва 2010 йилда ҳам 126,5 % ўсиши кўзда тутилган. Ҳозирги пайтда тижорат банклари ўртасида рақобат муҳити вужудга келди ва банк-молия хизматлари сифатининг яхшиланиши учун ҳам шароит яратилмоқда.

Мамлакатимизда банк-молия хизматларининг ривожланиши табиий, чунки ҳар бир ҳудудда бунга эҳтиёж бор. Ҳозирги пайтда тумандаги 20 та жамоа хўжалиги ўрнига 500-700 та ва ундан ҳам кўпроқ фермерлар, яъни хўжалик юритувчи субъектлар пайдо бўлган. Буларнинг ҳар бири ўзлари алоҳида ҳисоб рақамларига, банк операцияларига эга. Буларга хизмат қилишни яхшилаш ва такомиллаштиришда, албатта банк-молия хизматлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур соҳа Самарқанд вилоятида ҳам ўзига хос хусусиятларга эгаллиги туфайли, уни жадаллаштириш масаласи ҳам муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга моликдир. Мазкур вилоятда банк-молия хизматлари ҳажмини 2007 йилда 130,0 %га ошириш кўзда тутилган. Бу республика кўрсаткичидан анча юқори. Бу ерда унинг ўсиш суръати 117,2 %ни ташкил қилади. Худди шундай ҳолат келгуси йилларда ҳам сақланиб қолган. 2008 йилда Самарқанд вилоятида мазкур хизмат ҳажми 123,2 % оширилиши кўзда тутилган бўлса, республикада ушбу кўрсаткич 120,5 %ни ташкил қилади. 2009 йилда мазкур кўрсаткичнинг миқдори мос равишда 125,0 % ва 123,5 % қилиб белгиланган бўлса, 2010 йилда 129,1 ва 126,5 %га ўстириш кўзда тутилган.

2007-2010 йиллар давомида Самарқанд вилоятида банк-молия хизматлари бўйича энг юқори кўрсаткичга эришиш белгиланган. Шу даврда республикада мазкур хизматларни 2,2 марта кўпай-

тириш кўзда тутилган бир пайтда 4 та вилоятда (Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё) ва Қорақалпоғистон республикасида унинг ўсиши 2,0 мартага кўпайтириш белгиланган. Самарқанд вилоятида эса – 2,4 марта ошириш кўзда тутилган. Булардан ҳам кўриш мумкинки, айрим кўрсаткичлар бўйича Самарқанд вилояти етакчи ўринларни эгаллаб турибди. Демак, иқтисодийнинг айрим йўналишлари вилоятда тез ривожланишни талаб қилиши билан бирга, банк-молия хизматлари иқтисодий дастак сифатида такомиллаштиришни ҳам талаб қилади. Бу эса ҳудудимиз олимлари эътиборини мазкур масаланинг назарий ечимларини ҳал қилишга қаратишни тақозо қилади.

7.2. Банк-молия хизматлари соҳасини ривожлантириш муаммолари

Тараққиётнинг замонавий шароитларида йўналишли ва Самарали молия-кредит хизматлари ривожини кўп жиҳатдан жамият ҳаёт фаолиятини модернизациялашга боғлиқ. Аҳоли ижтимоий ривожини ва турмуш даражасини юксалишида, моддий ишлаб чиқариш билан биргаликда, хизматлар соҳасини ҳам кун сайин катта аҳамият касб этиб бораёпти. Турмуш даражасини нафақат моддий ишлаб чиқариш суръатлари ва ривожланиш кўламини билан, балки хизматлар истеъмоли даражасини ва суръатларига қараб аниқланаёпти. Хизматлар аҳоли истеъмолида ҳаётини муҳим маҳсулотларнинг таркибий қисми ва аҳоли даромадлари ҳамда истеъмоли ўсишининг зарур шартини ҳам ҳисобланади.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш иқтисодийга катта таъсир кўрсатади. Биринчидан, моддий маҳсулотлар ва хизматларнинг умумий ҳажминини бўйича аҳоли истеъмолида хизматлар ҳиссасини оширади, бу эса аҳолининг турмуш даражасини ва эҳтиёжларини таркибидаги ижобий ўзгаришларни акс эттиради. Иккинчидан, пулли хизматлар давлат даромадлари манбаини кенгайтиради, бунда аҳоли турмуш даражасини яхшилашда давлатнинг қўшимча имкониятлари туғилади.

Демак, хизматлар соҳасини кенг қамровли тушунча бўлиб, у аҳолига хизматлар кўрсатувчи турли тармоқларни умумлаштиради. Бу тармоқларда қилинаётган меҳнат буюмлар кўринишида моддийлашмайди, балки «хизматлар» шаклида ўз таъсирини билан кишиларнинг эҳтиёжини бевосита қондиради, яъни истеъмоли

қийматлари сифатида гавдаланади. Албатта, аҳолига кўрсатиладиган хизмат бўйича алоҳида тармоқлар бир-биридан анча фарқ қилади. Айрим хизмат турларининг хусусияти ва ихтисослашувидаги тафовутларга қарамасдан, уларнинг барчаси биргаликда хизматлар соҳасини ташкил этади. Улардан ҳар бирининг «хаётий фонд» - мамлакат истеъмоли фондиди ишлаб чиқаришда қайсидир даражадаги иштироқи уларни бирлаштиради. Хизматлар соҳаси жамоатчилик меҳнатини сарфлашнинг катта соҳаси ва аҳоли даромадларининг муҳим манбаидир.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда хизматлар тармоқларини мустақил соҳа сифатида ажратиш зарурати етиб келди. Миллий хўжаликни моддий ишлаб чиқариш соҳаси, хизматлар соҳаси ва ноишлаб чиқариш соҳаси сифатида таснифлаш тўғрироқ бўлади. Дастлабки икки соҳа ишлаб чиқариладиган меҳнат соҳасини ҳосил қилади, уларда ялпи маҳсулот, миллий даромад ва аҳолининг истеъмол фонди яратилади. Учинчиси – ноишлаб чиқариш меҳнат соҳаси.

Ўз принципиал жиҳатларини хизматлар соҳаси тараққиётида кўрувчи стратегик йўналиш айтиш пайтда маълум. Биринчи навбатда, у, шубҳасиз, кенг маънодаги хизматлар кўламини кенгайтиришдир. Хизматлар атамасининг замонавий тушунчаси аввалги, номоддий неъмат сифатидаги тушунчадан ажралиб чиқиб, бизни хизматларга товар шаклига эга бўлган неъмат сифатида қарашга олиб келади. Хизматлар кўрсатиш бўйича алмашиш, моддий неъматлар билан алмашишдан фарқли равишда, хизматлар томонидан бир томонлама номоддий ҳисобланади. Неъматлар – хизматлар билан алмашиш бўйича инсонлар ўртасидаги муносабатларни «субъект-субъект» шаклида тасаввур қилиш мумкин. Ушбу ижтимоий муносабат моддий объектларни жалб қилиш билан боғлиқ: номоддий – хизматлар ва моддий – пул. Шунинг учун хизматлар яратилишининг дастлабки палласида ишлаб чиқарувчи ва сотувчининг ҳаракатини қуйидаги усул амалга оширади: субъект неъмат (хизмат) – неъмат (пул, товар, хизматлар) – субъект. Иқтисодий тизимда неъмат – хизматлар ҳаракати моддий неъматлар алмашинувидаги каби хусусиятларни сақлайди ва хизматлар соҳасида муносабатларнинг иррационаллиги тўғрисидаги тахмин ва хизматларни «номоддий неъматлар» кўринишида тушунишни бутунлай инкор қилади.

Ғарб иқтисодчиларининг хизматлар соҳаси назариясига оид ишларига нимаики фойдали қазилмаларни қазиб олиш, саноат ва

кишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлмаса, барчаси киритилади. Шундай қолдиқ усули кўриб чиқиладиган тушунчанинг моҳиятини очиш ва хизматлар таърифини шакллантиришга имкон бермайдиган жиддий нуқсонга эга. Турли хил хизматни иқтисодий муносабатларнинг ҳар қандай иштирокчисига тегишли бўлган одам ёки буюмнинг ўзгарган ҳолати сифатида таърифлайди, унга мазкур муносабатлар ўзга қатнашчиларнинг онгли ҳаракатлари натижасида эришилади. Хизматлар фаолиятининг бошқа Ғарб талқинлари билан таққослаганда, ушбу таъриф, бизнинг назаримизда, хизматларнинг иқтисодий тоифа сифатида энг сезиларли хусусиятларини акс эттиради, чунки унда хизматларни ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги иқтисодий муносабатлар, улар орасидаги бевосита алоқага таяниш ва хизматлар ишлаб чиқарувчининг онгли фаолияти натижасида фойдали самарага эришилишига ишора бор.

Иқтисодий моҳият ва иқтисодий хусусиятлари бўйича хизматлар умумий «қариндошлик» хусусиятларини кўрсатувчи ягона илдиз тизими, маълум бир хил хусусиятларга эга, «турга мансуб» хусусиятлари эса тоифалар маъносида ишлаётган иқтисодий тизимдаги ўзига хос ишлаб чиқариш муносабатлари билан боғлиқ бўлган янги жиҳатларни кўрсатади.

Хизмат бу – неъмат, унинг натижаси маҳсулот – товар (моддий хизмат) ёки фаолиятнинг ўзи (номоддий хизмат) кўринишида аҳоли эҳтиёжларини қондиришга қаратилган.

Сўнги йилларда юртимиз иқтисодиётида институционал ўзгаришлар юз бераяпти. Янги бозор институтлари пайдо бўлди. Эндиликда жамиятга хизмат кўрсатувчи молия ва банк муассалари фаолият олиб бораёпти, булар, жумладан, давлат ва нодавлат пенсия жамғармалари, суғурта компаниялари, банк бўлмаган институтлардир. Кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастури ҳам хизмат турларини кенгайтириш билан чамбарчас боғлиқ. Бу ўзгаришларнинг барчаси молия ва банк тизимининг ривожланишига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатади. Молия-банк тизими ўз ривожига бугунга келиб оптимал ҳолатга етди ва ҳозир сифатли томонлар (фаолият соҳасини кенгайтириш)ни ривожлантириш, молия институтлари фаолиятини универсаллаштиришга кўпроқ эътибор қаратила бошлади.

Шу билан бир вақтда, суғурта ташкилотлари ва банкларнинг сифати учун кураш, эҳтимол, айнан шу сабабдан қисқариши

мумкин. Жумладан, сўнги йиллардаги хориж амалиёти ўз миқозларига турли-туман сифатли хизматларни кўрсатувчи банклар, одатда, хизмат турлари чекланган банклар олдида устунликка эга эканлигини кўрсатиб қўймоқда. Бозорнинг каттиқ шартлари ва рақобат банкларни нафақат яшаб қолиш, балки, яшаб қолиш ва гуркирашни истаганлар учун мукамаллик ва рақобатбардошлик учун ҳам курашга мажбур қиляпти.

Ҳозирги вақтда Ғарб суғурта компаниялари ва банкларининг кўпчилиги миқозларга комплекс хизмат кўрсатиш йўлини танлашяпти. Бу шуни англатадики, улар суғурта, ҳисоб-китоб, кредит ва касса хизматидан ташқари, миқозларига ҳар бир миқознинг муайян истаklarини қондиришга йўналтирилган хизматларни ҳам кўрсатишади. Иқтисодчилар томонидан АҚШнинг замонавий тижорат банки 100 дан зиёд, Англиянинг клиринг банки тахминан 150 хил, Япониянинг асосий тижорат банки 300 дан ортиқ турли операция ва хизматлар кўрсатиши таъкидланаяпти. Банклар миқозларга тўла ҳажмда хизмат кўрсатишяпти: солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш, лизинг ва факторинг хизматлари, миқозлар контрагентларининг тўлов қобилияти тўғрисидаги маълумотлар, акция ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар эмиссиясида кўмак бериш, инвестициялаш соҳасида миқозларга маслаҳатлар бериш ва ҳ.к.

Молия-банк хизматлари бозорида рақобатли курашда банк бўлмаган молия институтлари ҳам қатнашишади. Агар жаҳон тажрибасига назар ташланса, шуни пайқаш мумкинки, АҚШда банк бўлмаган муассасалар аъъанавий банк хизматлари бозорида фаол рақобат олиб боришади – улар ҳозир пул ҳисоб-китобларини ўтказишади, фирмаларни қисқа муддатли кредитлаш ишлари, кредит карточкалари орқали операциялар ва ҳоказоларни амалга оширишади. Бизнинг республикамизда барча хоҳловчиларга кўчар мулк гарови шарти билан кредитни тез олишни таклиф қиладиган ломбардлар, брокерлик компаниялари каби молиявий воситачилар фаол иш олиб боришяпти, улар қимматбаҳо қоғозлар бозорида тижорат банкларини анча сиқиб қўйишди. Булар ва шунга ўхшаш бошқа жиҳатлар шуни кўрсатмоқдаки, банклар молия-банк фаолиятининг маҳсулоти сифатида хизматларнинг имкон қадар кенг кўламини таклиф эта олишлари керак.

Ф. Котлер бир томон (бизнинг шароитимизда банк) бошқа томон (банк миқозлари)га таклиф қиладиган ҳар қандай тадбир ёки неъмат хизмат ҳисобланишини таъкидлаган. Молия-банк хизмат-

лари фаолият сифатида улар томонидан бажариладиган айрим тадбирларни мижоз манфаати ва фойдаси учун бажаришдир. Бир вақтнинг ўзида, молия-банк хизматлари молия-банк муассасаларининг ихтисослашган товари бўлиб, ҳар қандай тижорат корхонаси сифатида у уни амалга оширишнинг максимал ҳажмига эришишга интилади. Тижорат банклари ва молиявий воситачиларнинг алоҳида гуруҳлари ўртасидаги рақобат кучайиши билан биз молия-банк хизматлари тизимини ривожлантиришни мақсадга йўналтирилган, аниқ мўлжалли фаолият сифатида ривожлантириш тўғрисидаги масалани кўтариш жоиздир.

Ихтисослашган адабиёт, тижорат банкларининг реклама йўналишларида, кўпинча, «банк хизматлари комплекси» атамасини учратиш мумкин, лекин комплекс деганда барча банк хизматларининг бир бутунлики, банк операциялари жамланмасини ташкил қилувчи тўплам тушунилади, банк хизматлари тизими деганда эса биз нафақат оддий тўпламни, балки кўп элементлар, хусусан, уларнинг ўзаро муносабати ва алоқаларини тушунамиз ва шу билан биргаликда, булар қандайдир бутунлик, ягоналикни англатади. Яъни, «комплекс» атамаси банк хизматларининг оддий рўйхатини кўзда тутди ва аксарият ҳолларда банк мижозлари бўлмаган ташқи фойдаланувчилар учун реклама мақсадларида ишлатилади, «тизим» атамаси каттароқ ҳажмдаги тушунча бўлиб, банклар ва уларнинг мижозлари ўртасида туғиладиган муносабатларни ҳам ўз ичига олади.

Молия-банк хизматлари тизимини ривожлантириш учун кўрсатилаётган хизматларни кенгайтиришга эътибор қаратиш ва умуман, аниқ гуруҳдаги мижозларга мўлжалланган адресли хизматларни кенгайтириш керак. Хизматларни кенгайтириш, биринчи навбатда, мавжуд мижозларга қаратилиши керак, чунки операциянинг бир турини амалга ошириш учун молия-банк муассасаларига мурожаат қилаётган кишилар ва фирмалар потенциал мижозлар ҳисобланишади. Мисол учун, агар мижоз банкдан йўл чеклари ёки хорижий валюта сотиб олса, унга хорижий сафар пайтида бахтсиз ҳодисадан суғурталанишни таклиф қилиш мумкин. М. Доуни айтганидек, ифодалайдиган бўлсак, банк молия-банк маҳсулотларининг бутун тўпламини битта пештахтадан сотиши керак.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари ўз мижозлари учун 100 турдан ортиқ операция ва хизматларни

таклиф қилишади. Агар банклар ўртасида таққослаш ўтказилса, шунга илғаш мумкинки, операция ва хизматларнинг энг кўпини республика банклари кўрсатишади. Тижорат банклари индивидуал битим лойиҳаларини ишлаб чиқишади, улар ўз мижозларининг манфаатларини судда ҳимоя қилиш, мижозлар буюртмаси асосида турли бозорларнинг маркетингини ўтказишга тайёр, хорижда бизнесни ривожлантириш бўйича маслаҳатлар беришади, кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқишда қатнашишади, кастодианлар сифатида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларини юритишади, тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини ўргатишади. Афсуски, маҳаллий хусусиятдаги банклар бир мунча кам сонли операцияларни амалга оширишади. Лекин шу билан бир вақтда, республика банкларининг ҳудудлардаги ваколатхона ва филиаллари бош банклари номидан янада тор хизматларни кўрсатишади. Агар уларнинг мижози филиал бажариш ҳуқуқига эга бўлмаган хизматга муҳтож бўлса, уларни бош банк кўрсатади. Шундай қилиб, мижозлар банклар кўрсатиши мумкин бўлган барча хизматларни олишолмайди ва айтиш мумкинки, алоҳида ҳудудларда хизмат ва операцияларнинг реал сони анча кам ҳамда филиалларнинг операцияларини кенгайтириш ва улар менежерларининг ролини кучайтириш эҳтиёжи пайдо бўлмоқда.

Банк хизматлари кўламини кенгайтириш тизимни кенгайтириш дегани эмас, бу ерда у фақат қўллаб-қувватланади. Тизимнинг пайдо бўлишини схема тарзида қуйидагича тасаввур қилиш мумкин: кичик фирмага хизмат кўрсатувчи банк бошланғич ссуда бериши, кечиктириб тўлаш шарти билан истеъмол товарларини кредитга олиши, ҳужжатларни бухгалтерлик расмийлаштируви, алоҳида молиявий хизмат қилиш хизматларини кўрсатиши, яъни фирманинг ривожланиши, унинг қувватларини оширишга, мос равишда энди ўрта бизнес учун характерли янги эҳтиёжлар (лизинг операциялари, ўрта муддатли кредитлаш)нинг пайдо бўлишига имкон яратиши мумкин, бунинг натижасида эса банк ўзи учун йирик мижозларни кашф этиши мумкин. Манзилли хизматлар кўрсатишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳам ана шунда. Шундай қилиб, ўз мижозларининг оёққа туриши ва ривожланишига ёрдам берган банк улар билан амалга ошириладиган операциялар ҳажмини кенгайтиради ва тегишлича, даромадларини оширади. Мамлакатимиз банкларининг айримлари ўз тариф сиёсатида алоҳида йирик мижозлар учун хизмат ва тарифларнинг махсус турларини ҳисобга олишган.

Шуни инобатга олиш керакки, фирма ва компанияларнинг директор ва хизматчилари, худди якка тартибдаги тадбиркорлар каби, банк хизматлари ва бошқа молия хизматларининг депозит ҳисобрақамларини очиш, пул ҳисоб-китоблари, суғурталаш, пенсия хизмати каби турларига муҳтож. Бу ерда ҳам банкларда якка мижозларнинг кўп сонли синфи кўринишидаги фаолият уфқлари кўринади.

Ривожланган давлатларда майда мижозлар учун анчадан буён рақобат боради, у аввал фақат йирик фирмалар ва бадавлат мижозларга хизмат кўрсатишни маъқул кўрадиган «улгуржи» банкларнинг кичик бизнес ва паст табақаларнинг жамғармаларини жалб қиладиган «чакана» банкларга айланишида кўринади. Бугунги кунга келиб амалиётда ривожланган давлатларнинг банклари жисмоний (хусусий) ва юридик шахсларга хизмат кўрсатишдаги тафовутлар сезилмас бўлиб бораёпти. Мисол учун, хусусий шахс тадбиркор бўлиши ёки кейинчалик шундайга айланиши, ўз ишини очиши мумкин, шунинг учун банк хизматларини мижозлар турига қараб ажратиш қийин. Молия-банк хизматининг марказида одам, унинг шахсий сифатлари ва молиявий имкониятлари туриши лозим.

Бизнинг банкларимиз эса якка мижозларга хизмат кўрсатиш тажрибасини кенгайтиришнинг имкониятларини муносиб баҳолашмаяпти ва бу соҳани қалтис, юридик шахсларга хизмат кўрсатишга қараганда кам даромадли, деб ҳисоблашмаяпти ва унга бирламчи муносабат билдиришмаяпти.

Шубҳасиз, иқтисодийнинг аҳволи, меҳнат харажатларининг юкори даражалилиги ва ҳаттоки, керакли тажрибанинг йўқлиги (мисол учун, кредитлашда) каби объектив сабаблар бор, лекин иқтисодийнинг барқарорлашуви, инфляция ўзгаришларини енгиб ўтиш, бу соҳада зарур тажриба орттиришдан кейин банклар аста-секин аҳолига хизмат қилиш тажрибасини кенгайтиришлари мумкин. Бозор ўзгаришлари бошланиши баробарида банк хизматлари соҳаси муаммоларининг барҳам топганлиги тўғрисида гапириш учун юртимиз банкларининг ривожланиш босқичи ҳали анча торлик қилади. Боз устига, банк фаолиятини назарий ўрганишлар, ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш билан уйғун ҳолда, тўғри амалиёт мижозларга банк хизматлари кўрсатишнинг янада ривожланишига ёрдам беришига ишончимиз комил.

Молия-кредит механизми орқали хизматларнинг таъсир даражаси молия-кредит сиёсатининг мақсадли йўналиши билан аниқланади ва у, биринчи навбатда, унинг устувор йўналишларини

танлашга боғлиқ. Шу ҳақда гапирар эканмиз, адолат юзасидан айтиш лозимки, иқтисодий адабиётларда ҳам молиявий, ҳам банк хизматлари соҳасидаги тадқиқотлар келтирилган. Лекин ушбу хизматлар йўналишларининг етарлича назарий маъноси йўқ, жумладан, молия-кредит хизматларининг иқтисодий табиати, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, уларнинг илмий таснифи масалалари юзасидан умумий тан олинган нуқтаи назар мавжуд эмас. Ҳозирги вақтгача ушбу муаммо бўйича Ўзбекистонда жиддий илмий изланиш амалга оширилмаган.

«Молиявий» ва «банк» хизматлари, жумладан, «инновацион хизмат» тушунчаларининг турли таърифларини ўрганиш асосида «молия-банк хизмати» тушунчасига таъриф беришга уриниш бўлган. Бунинг учун «молиявий хизмат» ва «банк хизмати» тушунчаларининг иқтисодий адабиётлардаги таърифлари мазмуни-ни ўрганишга доир тадқиқотлар ўтказилган.


Молия-банк фаолияти бу - ўзига хос соҳа бўлиб, у доимий ривожланишда. Хизматларнинг бу турлари ҳам такомиллашади, уларнинг янги хиллари, хусусан, инновацион банк хизматлари пайдо бўлади. Бу объектив жараён бўлиб, бозор қонунлари ва ўта юқори эҳтиёжларни қондириш талаби таъсири шароитларида амалга ошади, у эса жамият ривожланишининг шартларидан бири бўлиб, шахс, бир гуруҳ шахслар, жумладан, суғурта ташкилотлари, банкнинг ва умуман, жамиятнинг ишлаб чиқариш таракқиётига алоқадор мижозлари эҳтиёжларининг ўсиши ва такомиллашинини акс эттиради. Молия институтлари учун унинг таъсири шунда кўринадики, эҳтиёж – уларнинг динамик категорияси ва қондириш негизида мижозларнинг фаолияти турли шакл ва соҳаларга жалб қилиниши билан боғлиқ янги ва юксак эҳтиёжлар пайдо бўлади. Улар мижозларнинг, жумладан, банк хизматларига пайдо бўлувчи ўта юқори эҳтиёжларининг пайдо бўлиши ва кейинчалик улар қондирилишининг олдини олиши мумкин. Молия-банк ва инновацион хизматларнинг иқтисодий табиати ва пайдо бўлишининг асоси айнан ана шунга тақалади.

Молиявий институтлар хизматлари иқтисодий табиатининг турли таърифларини ўрганиш асосида ўзига хос хусусиятлар аниқланган, улар қуйидагилардир: хизматнинг мижозга кучли йўналтирилганлиги, негаки, уларнинг хусусияти – киритилган маблағлар катта бўлгани ҳолда, қисқа фурсатда кўшимча даромад келтириш. Шунини нобатга олиб, биз илмий муомалага молия-банк хизматлари

тушунчасининг қўйидаги таърифини киритишни таклиф қиламиз: молия-банк хизматлари бу уларнинг хизматларнинг аввалги кўринишидан сезиларли фарқ қиладиган, хизмат кўрсатишнинг сифат бўйича янги даражаси бўлган, кўшимча даромад келтирадиган, қисқа ҳаёт цикли давомида рақобат курашида устунлик берадиган ва қўйилмаларнинг хавфлилик даражаси юқорилиги билан характерланадиган ҳамда улар фаолиятининг ривожланишига ижобий таъсир қиладиган янги ёки такомиллашган шаклларини киритишга қаратилган фаолиятдир. Ушбу таърифда молия-банк хизматларининг ўрни ва аҳамияти бирмунча кенгрок ифода топади.

Молия-банк хизматларини жорий этиш ва бошқариш, нарх ҳосил бўлиши сиёсатини амалга ошириш, реклама стратегиясини ишлаб чиқиш ва маркетингни кучайтиришга доир молия-банк хизматларининг ҳаётлий циклини тасвирлаш мумкин, у 1-чизмада келтирилган.

1-чизма. Молия-банк хизматларининг ҳаётлий цикли



Хизматлар ҳаётлий цикли чизмасининг аҳамияти шундаки, у молия институтларига уни режалаштириш, ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва ривожлантириш ишларини самарали ташкиллаштириш имконини беради.

Ҳар бир турдаги хизматларнинг ривожланишини бошқариш учун хизматлар таснифини ишлаб чиқиш муҳимдир. Лекин, иктисодиёт фанида молиявий институтлар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг умум қабул қилинган таснифи йўқ.

Молиявий институтлар субъектларининг таснифлари ва фаолиятини ўрганиш баробарида, биз уларнинг ўзига хосликларини акс эттирувчи хизматлар таснифини таклиф қиламиз. У 1-жадвалда акс этган.

Молиявий хизматлар таснифи

Белги	Тури	Таърифи
Янгилик даражаси	Принципиал-радикал	Мижозларга фақат схематик равишда таклиф қилинадиган, уларни истъомол қилишни сезиларли ўзгартирадиган, янги сифатларга эга хизматлар
	Такомиллаштирилган	Эҳтиёжларни қондиришнинг такомиллашган усулларини таклиф қилувчи, шунингдек, ўтказилишида кичик ўзгаришларни талаб қиладиган хизматлар
	Модификацион	Истъомол қилишда нарх афзалликлари билан боғлиқ ўзгаришларни сакловчи хизматлар
Қўлланиш мақсади	Реактив	Молия институтлари ўрнининг рақобатбардошлигини таъминловчи хизматлар
	Стратегик	Кейинчалик истикболда қўшимча даромад келтирадиган рақобатбардош устунликларни таъминловчи хизматлар
Эҳтиёжларни қондириш хусусияти	Мавжуд эҳтиёжларга мўлжалланган	Молия институтларининг мавжуд хизматларига миждозлар эҳтиёжининг ортиши туфайли яратилган хизматлар
	Янги, ўзган эҳтиёжларга мўлжалланган	Мижозларнинг янги эҳтиёжлари пайдо бўлиши учун яратилган хизматлар, улар киритилиши билан уларга эҳтиёж пайдо бўлади
Ҳаётий цикл босқичлари	Ишлаб чиқиш босқичида	Ишлаб чиқиш босқичидаги хизматлар
	Бозорга чиқариш босқичида	Бозорга чиқариш босқичидаги хизматлар
	Ўсиш босқичида	Ўсиш босқичидаги хизматлар
	Етуклик босқичида	Етуклик босқичидаги хизматлар

Ҳозирги кунда юртимиз иқтисодиёти молия институтлари ривожланишининг катта суръатлари билан характерланади. Банк сектори ва уларнинг хизматлари, айниқса, катта суръатлар билан

ривожланмоқда. Замонавий тижорат банкларида сўнги йилларда рақобатли устунликларга эришиш учун банк фаолиятининг алоҳида сегментларида инновацияларни жорий қила бошлашди, жумладан: 1) мижозларга хизмат кўрсатиш соҳасида; 2) хизматлар кўрсатиш соҳасида; 3) таркиб ва ташқи кўринишда; 4) технологиялар соҳасида; 5) фаолиятни бошқариш соҳасида.


Банкларда инновацион хизматларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, аввало, банк тузилмалари орасида рақобат кучайишига таъсир қилади. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, хорижий банкларнинг жадал кириб келиш жараёнида юртимиз молия бозорида вазиятнинг ўзгаришига сабаб бўлиши, афсуски, уларнинг фойдасига кузатилиши мумкин. Агар ривожланган давлатларнинг универсал хизматлар пакетини таклиф қиладиган банклари келса ёки мавжуд хорижий банклар ўз бизнеси кўламини жадал кенгайтирса, у ҳолда юртимиз банклари Ғарб банкларига муносиб рақобат кўрсатиши учун банк хизматларининг сифатини оширишлари ва спектрини жаҳон андозалари даражасида кенгайтиришларига тўғри келади. Бундай шароитда тижорат банклари томонидан инновацион хизматларни қидириш ва жорий қилиш алоҳида долзарблик касб этади.

Шу тариқа, айтиб ўтилганларни инобатга олган ҳолда, биз молия институтлари хизматларининг тизимлашган ҳолдаги таҳлилни ўтказишни мақсадга мувофиқ, деб биламиз. Бунинг учун қондириладиган талаблар хусусияти бўйича ва мавжуд ҳамда бўлажак ўсувчан эҳтиёжларни қондириш бўйича хизматларни таклиф қиламиз. Биринчиларига қуйидагиларни киритишни: МДХ давлатлари бўйича тезкор электрон пул жўнатишларни; халқаро тизим доирасида пул жўнатишлар бўйича электрон хизматларни; интернет-технологиялардан фойдаланган ҳолда нақд пулни тезкор тўплаш ва кўчириш бўйича электрон хизматларни; микропроцессорли карточкаларни; форвард хизматларини; фьючерс хизматлар; опцион битимлар бўйича хизматлар; форфейтинг хизматлари; лойиҳали кредитлаш (молиялаш). Иккинчи гуруҳга эса қуйидагиларни киритиш мумкин: телебанкнинг; интернет-банкнинг; уй банкинги (homebanking); корпоратив молиялаш; фидуциар хизматлар.

Етакчи тижорат банклари, жумладан, ЎзР ТИФ Миллий банки, АТ «Пахтабанк» ва бошқаларнинг фаолиятини ўрганиш асосида аниқландики, улар томонидан алоҳида инновацион банк хизматлари, жумладан, республика бўйича тезкор электрон пул жўна-


тишлар хизматларини ривожлантиришни таъминлаш бўйича уринишлар бўлаяпти. Банк хизматларининг ушбу бозорида юртимиз банклари орасида энг катта ҳиссага ЎзР ТИФ Миллий банки эга. Банк жорий қилинган «Быстрые переводы» тизимини такомиллаштираяпти: жўнатишларнинг рекорд тезлиги 2002 йилда - 24 секунд, 2004 йилда - 20 секунд, 2006 йилда - 13 секунд даражасида қайд қилинган. 2002 йилдан 2006 йилгача бўлган даврда пул жўнатмалари ҳажми 44 фоизга ортган. 2006 йилда фуқаролар умумий жўнатмаларининг ҳажми 2004 йилга қараганда 1,2 баробарга ўсган.

«Парвина-банк» ХЕАТБ, «Кредит-стандарт банк»нинг Самарқанд бўлими кабилар 2006 йилнинг 1 январидан касса операцияларини такомиллаштириш имконини берадиган ахборот технологияларидан фойдаланишга асосланган инновацион хизматларни жорий қилишди. Ҳозирги вақтда бундай хизматларнинг устун томони мижозлар ёки фуқаролар томонидан тушган тушумни тезкор жўнатишни таъминлашдир, бу ҳақда 2- ва 3-чизмалар гувоҳлик беради.



2-расм. «Парвина-банк» ХЕАТБ томонидан мижозларга кўрсатиладиган инновацион хизматларнинг ривожланиши.

2- ва 3-чизмалардаги маълумотлардан кўринишича, 2006 йилда (1,096) 2005 йил билан таққослаганда, жўнатмалар сони 1,71 баробар ортган, 2006 йилда мижозлар базаси 1,81 баробар ўсган. Бу ушбу операциялардан келадиган даромаднинг ортишига олиб келган.



3-расм. "Парвона-банк" БХАТБнинг пул тушувлари жўзатиш бўйича инновацион хизматининг ривожланиши.

Пластик карточкалар бўйича хизматлар ҳам жадал ривожланди. 2006 йилда пластик карточкалар бўйича айланма 2005 йилга нисбатан 3 баробарга ортди.

Самарқанд шаҳридаги баъзи тижорат банкларининг пластик карточкаларни киритиш ва ривожлантириш бўйича фаолиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, банклар инновацион хизматларнинг ушбу турини фаол ривожлантиришяпти. Аммо ҳозирги вақтда ушбу карточкалардан Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш доираси бирмунча тор. Пластик карточкаларнинг ўз хотирасида кенг қўламдаги хизмат ва банк маҳсулотларини сақлаши мумкин бўлган имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмапти, мавжуд карточкалар эса маълумотнинг кичик ҳажмига эга.

Ипотека кредитлари бўйича хизматлар ҳам ривожланаяпти, улар ихтисослаштирилган банклар, жумладан, «Ипотека банк» томонидан таклиф қилинаяпти. Таҳлилнинг кўрсатишича, ипотека кредитлари кафолат орқали энг катта ривожланишга эришган. Сўнгги йилларда унинг ўсишида юқори суръатлар кўзга ташланмоқда. У битимда биринчи марта иштирок этаётган мижозлар ҳамда доимий мижозлар учун қизиқарли бўлмоқда.

Иқтисодиёт учун устувор бўлган яна бир инновацион хизмат - лойиҳали молиялаштириш. Тижорат банклари фаолиятини ўрганиш шуни кўрсатадики, лойиҳали молиялаш хизматларини «Саноат-қурилишбанк» ва бошқалар таклиф қилишяпти. Узоқ муддатли инвестицион лойиҳали молиялаш 5 йилдан ошмаган муддатга бериладиган бўлса, Ғарбда бу кўрсаткич 20-30 йил ва ундан ортиқ муддатни ташкил қилмоқда. Узоқ муддатли молиялашнинг янги

шакли бизда эндигина ўзлаштирилаяпти, шунинг учун бу соҳада банкларимизнинг тажрибаси катта эмас. Банкларнинг инвестицион лойиҳаларни молиялашдаги иштироки асосан катта бўлмаган лойиҳалар билан чекланмоқда. Йирик инвестицион лойиҳаларни эса Ўзбекистон банклари ҳозирча ўзлаштира олмаяптилар. Банкларнинг асосий молиявий фаолияти ўзларига тегишли ёки ўзларининг назорати остидаги субъектларда амалга ошириладиган лойиҳаларга қаратиб келинмоқда. Шунинг учун ҳам банк бозорида лойиҳали кредитлашни ривожлантириш тўғрисида гапиришга ҳали эрта. Лекин ушбу банк хизматини ривожлантиришнинг истиқболлари катта.

Хориж тажрибасининг гувоҳлик беришича, мижозларга хизмат кўрсатишнинг янги имкониятлари — инновацион хизматлар — интернет-банкнинг ва уй банкнинг (homebanking) мавжуд. Юртимиз тажрибасида хизматларнинг ушбу шакллари билан Халқ банки шуғулланиши мумкин эди, бугунги кунда банкларимиз ҳозирча интернет-банкнинг бозорини ўтказиш стратегиясида маълум тажрибага эга эмас, шунинг ўзи ҳам моҳиятан интернет-банкнинг кенг ривожланишига имкон бермайди. Интернет орқали хизмат кўрсатишга асосланган хизматлар соҳаси эса ҳали ривожланмаган. Уй банкнинг бозори эса талаб йўқлиги туфайли ҳал бўлмай қолаяпти ва бунда банклар инновацион хизматнинг фаол тарғиботи билан шуғулланмасдан, ҳозирча пассив ҳолатни эгаллашган. Лекин, адолат юзасидан шуни таъкидлаш керакки, интернет-хизматларни ишлаб чиқиш ва киритишда банклар тўқнаш келаётган қатор муаммолар мавжуд. Интернет-банкнинг хизматларининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган сабаблар аҳолининг ушбу банк тизимига ишончининг йўқлиги, интернет орқали транзакцияларнинг етарлича хавфсиз эмаслиги, аҳолининг компьютерлашиши даражасининг пастлиги ва интернетдан фойдаланишнинг кенг тарқалмаганлиги бўлиши мумкин. Лекин банкларнинг ўзида муаммонинг мавжудлиги, яъни улардан кўпчилиги, ҳатто, интернет-банкнинг ускуналарини ўрнатгандан кейин ҳам инновацион хизматни ривожлантира ололмадлиги, натижада, лойиҳаларнинг махсус бизнес-менежерларига интернет-сервисларни беркитиб бўлмаяпти. Бизнинг фикримизча, бундай лойиҳаларни ахборот технологиялари хизмати ходимлари назорат қилишини йўлга қўйиш мавжуд камчиликларни бартараф этишда қўл келади.

Инновацион банк хизматларининг ривожланиши кўп жиҳатдан ушбу хизматлар учун нарх ҳосил бўлиши усулига боғлиқ, ундан

ташқари, уларнинг ихтисослашуви жараёнида банк фаолиятидаги ўрнини ҳам ҳисобда тутиш муҳим аҳамият касб этади.

7.3. Банк хизматларини пластик карточкалар воситасида ривожлантириш

Пул, молия, кредит ва бошқа молиявий муносабатлар соҳасида бошқарув ҳамда тартибга солиш доимий такомиллаштиришни тақозо этиши баробарида, бирмунча мураккаблашиб борапти. Чунончи, бунда тўловлар тизимини пластик карточкалар воситасида ташкиллаштириш чоралари тизими муҳим ўрин тутди.

Пластик карточкалар орқали кўрсатиладиган хизматлар нафақат ялпи операциялар кўринишини ифодалай борапти, балки амалда нақд пулга эгалик қилиш ва банкдаги ҳисобрақамда пул сақлаш афзалликларининг идеал уйғунлигини намоян этмоқда.

Шу боисдан, реал бозор иқтисодиётида пластик карточкалар бозори субъектлари, иштирокчилари, воситачиларининг манфаатлари туташмоқда, кучаймоқда ҳамда бу ерда пластик карточкалар бозорини самарали ташкиллаштириш мақсадида банклар фаолиятида фаол иштирок этувчи молиявий воситачилик марказлари муҳим аҳамият касб этади.

Шунга боғлиқ ҳолда, республикамызда пластик карточкалар бозорини ривожлантиришга бозорнинг ҳам дебит, ҳам кредит воситалари хусусиятларига эга бўлган пул муносабатлари соҳасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг илғор шакли сифатида алоҳида ўрин ажратилиши лозим. Бунда, бизнингча, тўловлар ва ҳисоб-китобларнинг уларни амалга оширишда соддалик, ўз вақтидалик ҳамда тезкорликни таъминловчи ташкилий тизим муҳим бўлиши керак. Бунинг учун маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, техник базани такомиллаштириш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, банклар ва савдо, сервис ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида битимлар тузишга доир муаммолар мажмуига ечим топиш лозим.

Пластик карточкаларнинг жорий қилинишида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг 2006 йил 3 августидаги «Банк тизимини ислоҳ қилиш ва пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асос сифатида олинishi лозим. Ушбу муҳим ҳужжатга асосан, ҳозирги кунда Ўзбекистон

банклари уюшмасининг «Пластик-кард» Банклараро инновацион компанияси республикамиз банклари иштирокида ўз пластик карточкаларининг эмиссиясини амалга оширмоқда. Ундан ташқари, қарорга кўра, республикада пластик карточкалар бозорини кенгайтириш бўйича қатор давлат аҳамиятидаги чораларни амалга ошириш таклиф этилади, жумладан, пластик карточкалар ва терминаллар ишлаб чиқариш учун хом ашё, бутловчи материаллар ва дастур таъминотини импорт қилувчи хўжалик юритувчи субъектлар 2010 йилнинг 1 январигача божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинишади. Шунингдек, пластик карточкалар ва терминаллар ишлаб чиқаришни маҳаллий хомашё ва материаллар базасида маҳаллийлаштириш мўлжалланмоқда. Пластик карточкалар воситасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш хизматларини кўрсатадиган савдо нуқталари тармоғини кенгайтириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини ошириш мақсадида ва юқорида кўрсатиб ўтилган хужжатга мувофиқ, хизматлар соҳаси корхоналари (тижорат банкларидан бошқа) улар томонидан пластик карточкаларни қўллаган ҳолда тўланган хизматлари ҳажмидан бошқа хўжалик юритувчи субъектларга қараганда 10 фоизга пасайтирилган ставка бўйича ягона солиқ тўлашга ўтишган. Шунга боғлиқ ҳолда, пластик карточкалар бозори сезиларли даражада кенгая бошлади. Бугуннинг ўзидаёқ сутка давомида ишлаб турган банкоматлар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг сифати ва тезкорлигини сезиш мумкин. Бироқ уларнинг сони ҳозирча етарли эмас. Ўзбекистонда банкоматлар миқдори Европа даражасидаги зичликка тенглашиши учун уларнинг сони саккиз мингдан кам бўлмаслиги лозим.

Пластик карточкалар бозорининг ривожланиш истиқболини кўзда тутган ҳолда, уни кенгайтириш ва такомиллаштириш хизматларни ривожлантиришнинг устувор йўлларида бирига айланади, деб ҳисоблашга барча асослар бор, бунинг учун:

биринчидан, тижорат банклари ёрдамида аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш;

иккинчидан, нақд тўлов воситаларини кўпайтириш лозим, бу ўз навбатида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ривожланишига олиб келади;

учинчидан, омонатчиларнинг ўз омонатларини кўпайтиришга интилишларини рағбатлантириш;

тўртинчидан, омонатларнинг муқобил ҳолда сақланишини таъминлаш ва уларни максимал ишончли пластик карточкаларга жойлаштириш;

бешинчидан, пластик карточкалар сотиб олишнинг чакана тармоғини кенгайтириш;

олтинчидан, пластик карточкалар омонатчилар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб ва кредит олиш орқали кундалик эҳтиёж товарларни сотиб олиш воситасига айланишини таъминлаш зарур.

Шу тариқа, банк тизимини модернизациялаш банкоматлар сонининг кўпайиши, энг асосийси, пластик карточкалар ликвидлиги ошишига олиб бориши керак.

Бугун банкларнинг аҳоли омонатларини жалб қилиш соҳасидаги сиёсати омонатчиларнинг эҳтиёжларини ҳисобда тутувчи омонат ва депозитларнинг амалдаги турларини такомиллаштириш ҳамда янгиларини жорий қилишга реал йўналтирилиши жоиз.

Навбатдаги йилларда пластик карточкалар бозорини ривожлантиришнинг асосий масалаларидан бири уларнинг ҳимояси бўлиши лозим. Банк тизими ресурслари ортиши ва мос равишда унинг инвестицион имкониятлари ўсиши кўп жиҳатдан ушбу масаланинг нечоғлик ечим топишига боғлиқ. Аҳоли пластик карточкалари бозорининг ўсиши иқтисодиётнинг реал секторида инвестицияларнинг потенциал манбаига айланиши керак, уларнинг кўпайиши эса, маълумки, барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий шarti ҳисобланади. Бинобарин, аҳолининг қўлида улкан миқдорда маблағлар турибди. Банкларга ишончни мустаҳкамламасдан бурун уларни пластик карточкалар бозорига жалб қилишнинг иложи йўқ. Шунинг учун чоралар, хусусан, аҳоли қисқа муддатли омонатининг ишончли мурвати бўлмиш пластик карточкаларни ҳимоялашга қаратилган қонунчилик хусусиятидаги чоралар белгиланиши лозим.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ҳар бир банк жалб қилинган маблағлардан маълум қисмини резерв талаблари сифатида мажбурий тартибда Марказий банкка топширади. Бунда маблағлар унинг Марказий банкдаги ҳисоб рақамида тўплана боради ва банк тугатилган тақдирдагина унга қайтарилади.

Резерв талаби банкдаги турлича ҳисобларда турган пулларнинг умумий суммасига фойзалар кўринишида ўрнатилади. Банклар томонидан омонатчиларнинг маблағлари қанчалик қисқа муддатга олинса, ҳамма омонатчилар томонидан маблағларни бир вақтнинг ўзида бутунлай олиш имконияти шунчалик катта бўлади, яъни

банкларни суғурталаш воситаси сифатидаги резервлаш меъёри шунчалик юқоридир.

Республикада аҳолининг банклардаги омонатларини кафолатлаш Жамғармаси ташкил қилинган, у ўзининг мамлакат ҳудудида аҳоли омонатларини жалб қилишга доир фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «Фуқаролар омонатларини ҳимоялашнинг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни (№ 360-11) асосида олиб боради. Мазкур Жамғарманинг мақсади – Марказий банк томонидан муайян банкнинг банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензияси олиб қўйилган ҳолда фуқароларнинг омонатларини қайтаришни кафолатлаш. Агар Жамғарманинг маблағи бу мақсад учун камлик қилса, у ҳолда барча омонатчилар олдидаги қарзни узиш учун ҳукумат томонидан ссуда берилади. Аёнки, республикамизда омонатларни ҳимоя қилишнинг ушбу ҳужжатга асосан механизми мавжуд, лекин у ёки бу шаклда молиявий тизимнинг муҳим таркибий қисми саналади ва шу туфайли, уни пластик карточкалар бозорини ривожлантиришга қаратиш пластик карточкалар орқали кўрсатиладиган хизматлар бозорини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Пластик карточкалардан фойдаланиш соҳасини кенгайтириш нақд пулсиз чакана айланмалари ҳажмини ошириш ва нақд пул массасини қисқартириш имконини беради. Юртимизда пластик карточкалар бозорини янада кенгайтириш учун, бизнинг наздикида, куйидагиларни амалга ошириш керак:

- пластик карточкалар ёрдамида амалга ошириладиган банк хизматларининг янги турларини жорий этишнинг амалий чораларини қўллаш, улардан фойдаланиш қўламини кенгайтириш;

- хизматлар соҳаси қорхоналари вакиллари мижозларни пластик карточкалар орқали иқтисодий рағбатлантириш бўйича ўқитиш курсларини ташкил қилиш;

- истеъмол кредитларини янада ривожлантириш мақсадида кредит карточкалари эмиссиясини кенгайтириш йўли билан нақд пулга талабни сусайтириш чора-тадбирларини кўриш;

- пластик карточкалар билан хизмат кўрсатишни кейинчалик янада ривожлантиришлари учун хизматлар соҳаси қорхоналарига ускуналар харид қилишда имтиёзли лизинг беришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Мазкур таклифларнинг ижро топиши пул муомаласининг тезлашуви ва тўлов интизомининг яшиланиши борасида шубҳаларга ўрин қолдирмайди.

8-БОБ. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИ СУБЪЕКТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ МАСАЛАЛАРИ

8.1.Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналари ҳисоб сиёсатининг асосий хусусиятлари

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналари бошқа тармоқ корхоналаридан турли жиҳатлари бўйича фарқланади. Шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига кирувчи корхоналарнинг ўзлари ҳам бир-биридан турли жиҳатлари бўйича фарқланади. Бундай фарқлар, чунончи, ушбу соҳага кирувчи корхоналар томонидан юритилаётган фаолият турларида, уларнинг мазмунини ташкил қилувчи хўжалик жараёнлари ва муомалаларида, Олинаётган даромадлар, қилинаётган сарф-харажатлар, кўрсатилаётган хизматлар таннархини шакллантириш тартибида, ҳисоб-китобларнинг шакллари ва бошқаларда ўз аксини топади.

Ушбу ва бошқа жиҳатлардаги фарқлар сабабли хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналари халқ хўжалиги тармоқлари классификаторида алоҳида гуруҳларга ажратилган, шунингдек уларнинг ҳар бирига махсус тармоқ кодлари берилган (8.1-жадвалга қаранг).

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларининг турлари, улар фаолиятининг кенг қирралиги, шунингдек ҳар бир хизмат турининг ўзига хос хусусиятлари ушбу соҳа корхоналари бухгалтерия ҳисобида ҳам ўзига хос жиҳатлар борлигидан дарак беради. Чунончи, хизмат кўрсатиш соҳасига кирувчи корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос жиҳатлари бевосита унинг предметини ташкил қилувчи объектларнинг таснифи ва тавсифида, ҳисоб объектларини тан олиш, ўлчаш ва счётларда акс эттириш усулларида, хўжалик жараёнлари ва операцияларини хужжатли расмийлаштиришда, ҳисоб-китоб ишларининг ташкилий шакллари ва бошқа жиҳатларида ёрқин намоён бўлади.

Бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектлари томонидан ўзига хос ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишни ҳамда унга амал қилишни тақозо этади. Чунончи, бундай ҳисоб сиёсатида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига тегишли корхонада танлаб олинган бухгалтерия ҳисобининг ташки-

лий шакли, хўжалик фаолияти кўрсаткичлари, активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитал элементларини тан олиш мезонлари, улар ҳисобини юритишга асос бўлувчи ҳужжатлар тизими, ишчи счётлар режаси, бошланғич ҳужжатлар айланиши, архив иши, товар-моддий бойликларни инвентаризациясини ўтказиш жадвали, ҳисобни юритишга доир бошқа тартиб-қоидалар ҳамда тамойиллар аниқ ифодаланган бўлиши лозим. Ушбу талаблар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига кирувчи субъектлар олдига ҳисоб сиёсатини тўғри белгилашдек муҳим вазифани ҳам кўндаланг қилиб қўяди.

8.1-жадвал

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларига бириктирилган тармоқ кодлари тизими

Фаолият тури коди	Фаолият тури номи	Гуруҳга кирувчи субъектлар
2	3	4
51000 «Транспорт»		
51110	Темирйўл транспорти	Темир йўл бекатлари, деполар, устахоналар ва бошқалар
51112	Трамвай транспорти	Трамвай парки, деполари, таъмирлаш устахоналари, трестлар ва конторалар
51113	Метрополитен транспорти	Метрополитен парки, деполари, таъмирлаш устахоналари, бошқармалар ва конторалар
51122	Троллейбус транспорти	Троллейбус парки, деполари, таъмирлаш устахоналари, трестлар ва конторалар
51210	Денгиз транспорти	Денгиз портлари, бошқармалари, уларга хизмат килувчи корхоналар
51300	Авиация транспорти	Аэропортлар, авиация техникасига хизмат кўрсатувчи корхоналар
52000 «Алоқа»		
52100	Почта алоқаси	Почтамт, почта-телеграф, алоқа бўлимлари
52200	Курьер алоқаси	Махсус алоқа, фельдалоқа хизматларини кўрсатувчи корхоналар
52300	Электр-радио-уяли ва пейжинг алоқаси	Электр-радио-уяли ва пейжинг алоқасини таъминловчи корхоналар
70000 «Савдо ва умумий оқватланиш»		
71100	Улгуржи савдо	Халқ истеъмоли товарларини улгуржи сотиш билан

		шуғулланувчи махсус ва универсал савдо базалари, конторалар
71200	Чакана савдо	Халқ истеъмоли товарларини чакана савдосини олиб борувчи корхоналар
71300	Умумий овкатланш	Овкатларни тайёрлаш ва уларни сотиш билан шуғулланувчи корхоналар (ресторан, кафе, бар, опхона ва бошқалар)
71400	Маъданий-маиший мақсадлардаги предметлар ва хўжалик буюмларини прокатга бериш	Маъданий-маиший мақсадлардаги предметлар ва хўжалик буюмларини прокатга бериш билан шуғулланувчи корхоналар
71500	Халқ истеъмол товарларини сотиш-сотиб олишда воситачилик хизматлари	Халқ истеъмол товарларини сотиш-сотиб олишда воситачилик хизматларини кўрсатувчи корхоналар
80000 «Моддий техника таъминоти ва сотиш»		
80300	Ишлаб чиқариш мақсадидаги машина ва жиҳозларни ижарага бериш	Лизинг, хайринг, рентинг компаниялари
80400	Ишлаб чиқариш-техник мақсадлардаги маҳсулотларни сотиш –сотиб олишда воситачилик хизматлари	Ишлаб чиқариш-техник мақсадлардаги маҳсулотларни сотиш –сотиб олишда воситачилик хизматларини кўрсатувчи корхоналар ва хом-ашё биржалари, брокерлик конторалари, дилерлар, савдо уйлари, тижорат марказлари
81000 «Тайёрлов»		
81200	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш-сотиб олишда воситачилик хизматлари	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш-сотиб олишда воситачилик хизматларини кўрсатувчи товар ва хом-ашё биржалари, брокерлик конторалари, дилерлар, савдо уйлари, тижорат марказлари
82000 «Ахборот-ҳисоблаш хизматлари»		
82100	Интернет ва компьютер тармоғи орқали хизмат кўрсатиш	Ахборот-ҳисоблаш хизматларини кўрсатувчи субъектлар
83000 «Кўчмас мулкка доир операциялар»		
83300	Ишлаб чиқариш-техник мақсадлардаги кўчмас мулкни сотиш-сотиб олиш ва ижарага беришда воситачилик хизматлари	Ишлаб чиқариш-техник мақсадлардаги кўчмас мулкни сотиш-сотиб олиш ва ижарага беришда воситачилик хизматларини кўрсатувчи биржалар, дилерлар, агентликлар
83400	Уй-жой ва бошқа ноишлаб чиқариш мақсадларидаги кўчмас мулкни сотиш-сотиб олиш ва ижарага беришда воситачилик хизматлари	Уй-жой ва ноишлаб чиқариш-техник мақсадлардаги кўчмас мулкни сотиш-сотиб олиш ва ижарага беришда воситачилик хизматларини кўрсатувчи бир-

		жалар, дилерлар, агентликлар
84000 «Бозор фаолиятини таъминлаш бўйича умумий тижорат фаолияти»		
84300	Реклама, вакилик хизматлари	Реклама агентликлари
84400	Аудиторлик фаолияти	Аудиторлик ташкилотлари
84500	Маркетинг тадқиқотлари, тижорат фаолияти, молия ва бошқарув масалалари бўйича маслаҳат хизматлари	Консалтинг хизматларини кўрсатувчи корхоналар
85000 «Ер ости геологияси, геодезия ва гидрометерология хизматлари»		
85200	Геодезик хизматлар	Топографик-геодезик ишларни бажарувчи корхоналар
90000 «Уй-жой – коммунал хўжалиги»		
90100	Уй-жой хўжалиги	Тура-жой ширкатлари
90200	Коммунал хўжалик	Ободонлаштириш, тозалаш, кўкаламзорлаштириш, ёритиш, сув таъминоти, канализация ва бошқа коммунал хизматларни кўрсатувчи корхоналар
90214	Газ таъминоти	Газ таъминоти корхоналари
90215	Иссиқлик таъминоти	Иссиқлик таъминоти корхоналари
90220	Мехмонхона хўжалиги	Мехмонхоналар
90310	Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш	Ҳаммом, сауна, сартарошхоналар, кийим тикиш ательслари, ломбардлар, кўмиш маросимларига ихтисослашган ташкилотлар
91600 «Дам олиш ва туризм»		
91611	Дам олиш ва хордик чиқариш фаолияти	Парклар, аттракционлар, интернет клублар, компьютер ўйинлари, бильярдхоналар ва бошқа дам олиш ҳамда хордик чиқаришга ихтисослашган корхоналар
91620	Туризм	Туристик меҳмонхоналар, турбазалар, турфирмалар, кемпинг, мотеллар, турагентликлар, сайёҳлик бюrolари ва шу кабилар
91700	Физкультура ва спорт	Стадионлар, спорт комплеклари, марказлари ва базалари, тирлар, сув ҳавзалари ва бошқалар
96000 «Молия, кредит, сугурта, пенсия таъминоти»		
96100	Банк фаолияти	Марказий давлат банки, тижорат акциядорлик банклари
96200	Сугурта	Давлат ва нодавлат сугурта ташкилотлари
97000 «Бошқарув»		
97820	Адвокатлар хизмати	Адвокатуралар
97830	Нотариал конторалар	Давлат ва нодавлат нотариал конторалари

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналарининг ҳисоб сиёсатини белгилашда уларнинг мулкий шакли ҳамда ташкилий-ҳуқуқий мақоми муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, республикада ҳозирги кунда фаолият юритаётган хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналарини ушбу белгисига кўра очик акциядорлик жамиятлари (ОАЖ), масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ), хусусий корхоналар (фирмалар) ва давлат унитар корхоналарига бўлиш мумкин. Юқорида келтирилган мақомларга эга бўлган хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналари ҳисоб ишларини, бир томондан, республикамизнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунида белгиланган умумий тартибларга, иккинчи томондан эса, бу турдаги хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисидаги қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари, шунингдек уларнинг таъсис ҳужжатлари талабларига мос равишда олиб боришлари лозим.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналарида бухгалтерия ҳисоби республикамизнинг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» қонуни (7-модда)да кўрсатилган тўртта шакллардан бирида ташкил этилиши мумкин (8.2-жадвал).

8.2-жадвал

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш шакллари

№	Ташкилий шакл	Қўлланиладиган субъект тури	Тартибга солиб турувчи ички ҳужжатлар
1	Бухгалтерия орқали юритиш	Йирик ва ўрта корхоналар	1.Бухгалтерия тўғрисида Низом 2.Бош бухгалтер ва бухгалтерларнинг касбий маҳоратига кўйиладиган талаблар 3.Бухгалтерлар ўртасида функционал мажбуриятларнинг тақсимооти
2	Яққа бухгалтер томонидан юритиш	Микрофирмалар, кичик корхоналар	1.Меҳнат шартномаси 2.Буйруқ
3	Ихтисослашган бухгалтерлик фирмаси ёки аудиторлик ташкилоти орқали юритиш	Микрофирмалар, кичик корхоналар, ўрта корхоналар	1.Бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича шартнома (битим)
4	Корхона раҳбари томонидан юритиш	Микрофирмалар, кичик корхоналар, Хусусий тадбиркор	1. Таъсисчилар қарори 2. Буйруқ

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида бухгалтерия ҳисобини ташкилий шаклини белгилашда уларнинг катта-кичиклиги, мақоми, ҳужжатлар сони, ҳисоб-китоб ишларининг ҳажми ва бошқа омиллар муҳим роль ўйнайди. Чунончи, йирик хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида бажариладиган ҳисоб-китоб ишлари ҳажми катта бўлганлиги сабабли бухгалтерия ҳисобини махсус бўлим, яъни бухгалтерия орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бундай бухгалтерия ҳисоб ишларининг алоҳида турларига ихтисослашган алоҳида бўлинмалардан, масалан, моддий бойликлар ҳисоби, меҳнат ва унга ҳақ тўлаш ҳисоб-китоби, молиявий ҳисоб-китоблар каби бўлинмалардан ташкил топади. Ҳозирги кунда бухгалтерия ҳисобини бундай шаклда ташкил этилганлигини «Уздунробита», «Коском», «Ўзбекистон Почтаси» каби кенг қўламдаги алоқа хизматларини кўрсатаётган корхоналарда, «Сувоқова», «Иссиқлик манбаи», «Электр тармоғи» каби коммунал хизматларни кўрсатаётган корхоналарда, шунингдек туристик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатаётган йирик комплексларда учратиш мумкин.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар мақомидаги хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналарида, одатда, махсус ҳисоб бўлинмаси ташкил қилинмайди. Уларда шартнома асосида ишга қабул қилинган бухгалтерга барча ҳисоб-китоб ишларини юритиш юклатилади.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига тегишли микрофирмалар ва кичик корхоналар ўз хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобини махсус ихтисослашган бухгалтерлик фирмаси ёки аудиторлик ташкилотлари хизматларидан фойдаланган ҳолда ҳам юритишлари мумкин. Бундай ҳолларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектлари фаолияти бухгалтерия ҳисобини республикамиз қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда олиб борилганлиги учун бухгалтерлик фирмалари ёки аудиторлик ташкилотлари тузилган шартномага мувофиқ жавобгар ва масъул ҳисобланадилар.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида бухгалтерия ҳисоби уларнинг раҳбарлари томонидан юритилиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда раҳбар ходимлар бухгалтерия ҳисобини республикамиз қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда олиб борилганлиги учун бевосита жавобгар ва масъул ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектлари ҳисоб сиёсатида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг танлаб олинган

шакли, шунингдек ушбу шаклда ҳисоб ишларининг бажарилишини тартибга солиб турувчи ички меъёрий ҳужжатлар тизими белгиланиши лозим. Бундай ички меъёрий ҳужжатлар бўлиб, одатда, бухгалтерия тўғрисида Низом, бош бухгалтер ва бухгалтерларнинг касбий маҳоратига қўйиладиган талаблар, бухгалтерлар ўртасида функционал мажбуриятларнинг тақсимооти, меҳнат шартномалари, ихтисослашган бухгалтерлик фирмалари ёки аудиторлик ташкилотлари билан тузилган шартномалар ҳисобланади. Ушбу ички меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларга амал қилиш бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиниши ва юритилишида муҳим аҳамият касб этади.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналарида даромадлар, харажатлар ва якуний молиявий натижалар (фойда ва зарарлар) кўрсаткичларини тан олиш ҳамда ҳисобини юритишнинг бир қанча усуллари мавжуд. Чунончи, уларда даромадлар хизматлар тўлиғича кўрсатилгандан сўнг, босқичма-босқич, сарфланган харажатларга қараб тан олиниши ва мос равишда ҳисобда акс эттирилиши мумкин. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектлари томонидан даромадларни тан олиш ва ҳисобини юритишнинг ушбу усулларида қайси бири танлаб олинганлиги ёки уларнинг ҳар бирини қайси турдаги ишлар (хизматлар) учун қўлланилиши ҳисоб сиёсатида аниқ ифодаланиши лозим.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналарида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларнинг таннархи, шунингдек олинган фойда суммаси уларга сарфланган товар-моддий бойликлар қийматини баҳолаш усулларига бевосита боғлиқдир. Бундай усуллар республикамизнинг 4-сон БҲМС «Товар-моддий захиралар»га мувофиқ ФИФО, АВЭКО, идентификациялаш усуллари ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектлари ўзларининг ҳисоб сиёсатида ТМЗлар қийматини баҳолашнинг танланган усуллари уларнинг турлари бўйича кўрсатишлари ҳамда унга амал қилишлари лозим.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар учун ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширилиши буюртмачи ташкилотларнинг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигига бевосита боғлиқдир. Бозор иқтисодиёти шароитида буюртмачи корхоналар тўлов қобилиятини йўқотиш рискининг мавжудлиги хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида даргумон дебиторлик қарзларни бевосита ёки

ташкил қилинадиган махсус резерв эвазига ҳисобдан чиқариш усулларидан бирини ҳисоб сиёсатида белгилаб қўйиш талабини қўяди. Шунингдек, соҳа корхоналари ҳисоб сиёсатида даргумон қарзларни қоплаш учун резерв суммасини халқаро амалиётда кенг қўлланилаётган усуллардан, чунончи соф кредитга сотиш ҳажмига ёки соф дебиторлик қарзлари суммасига нисбатан маълум миқдорларда ҳисоблаш усулларидан бирини танлаб олинганлиги аниқ белгиланган бўлиши лозим.

Хорижий валюталарда хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи корхоналарда, масалан туристик фирмаларда, меҳмонхона мажмуаларида, уяли алоқа хизматларини кўрсатувчи корхоналарда кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоблар, одатда, хорижий валюталарда амалга оширилади. Ушбу ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги улар бўйича курс фарқларини вужудга келтиради. Шу сабабли хорижий валютадаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлар бўйича ижобий ҳамда салбий курс фарқларини тўғри ҳисоб-китоб қилиш, уларни молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклига киритишнинг аниқ тартибини ҳисоб сиёсатида белгилаб олиш хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида ўта муҳим масалалардан биридир. Республикамизда қабул қилинган «Хорижий валюталарда юритилган хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобида, статистик ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тўғрисидаги низом»¹ ҳамда 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»² бўйича вужудга келган салбий курс фарқларини икки усуллардан, яъни бевосита ва билвосита усуллардан бирида акс эттириш мумкин.

Бевосита усулда, ижобий ва салбий курс фарқлари тўғридан тўғри молиявий фаолиятга доир даромад ва харажатлар ҳисоби учун мўлжалланган счётлар тизимида (мос равишда, ижобий курс фарқлари 9540 «Ижобий курс фарқлари» счётида, салбий курс фарқлари эса 9620 «Салбий курс фарқлари» счётида акс эттирилади.

Билвосита усулда курс фарқлари дастлаб 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счётида (ижобий курс фарқларини) ҳамда 3190 «Бошқа келгуси давр харажатлари» счётида (салбий курс фарқларини) жамлаб борилади. Шундан сўнг курс фарқлари

¹ Ўз.Р. Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 17 сентябрда рўйхатга олинган, № 1411.

² Ўз.Р. Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда рўйхатга олинган, № 1181.

мос равишда дебиторлик ва кредиторлик қарзларни узилишига қараб жорий ҳисобот даври молиявий фаолият даромадлари ҳамда харажатларига олиб борилади.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналари курс фарқларини ҳисобга олишнинг ушбу усулларида бирини танлаб олишлари ва уни ўзларининг ҳисоб сиёсатида кўрсатишлари лозим.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) уларнинг турли жавобгарлик марказларида, масалан сотиш бўлими, маркетинг бўлими, цехлар, ошхона, ресторан, омборлар ва бошқаларда хилма-хил бошланғич ҳужжатларни тузишни, улар айланишини ташкил қилишни, шунингдек бошланғич ҳужжатлар асосида тегишли ҳисоб регистрларини юритишни тақозо этади. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида ишлатиладиган бошланғич ҳужжатлар, уларни тузиш, тақдим этиш ва ишловдан ўтказиш тартиби бир-биридан фарқланади. Мисол учун, кийим тикиш ательесида тузиладиган бичиш-тикиш карталари ёки авиатранспорт хизматларини кўрсатувчи корхоналарда тузиладиган «Рейсга хизмат кўрсатиш далолатномаси», туристик-меҳмонхоналарда ишлатиладиган «Туристлар ва меҳмонларга хизмат кўрсатиш далолатномаси» айнан ушбу турдаги корхоналарга хос бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари ҳисобланади. Бу ҳужжатлар, одатда, бошқа ташкилотларда қўлланилмайди. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтгача республикамизда ушбу ҳужжатларнинг яхлит классификатори махсус тасдиқланмаган. Шу боис, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналари ўз ҳисоб сиёсатларида уларда фойдаланиладиган бошланғич ҳужжатларнинг аниқ шакл ва мазмунини тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб белгилашлари, шунингдек уларни тузиш, тасдиқлаш, бухгалтерияга тақдим этиш ва архивлаштиришгача бўлган айланиш графикларини кўрсатишлари мақсадга мувофиқ.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида бухгалтерия ҳисоби журнал-ордер, мемориал-ордер, бош-журнал ва ихчамлаштирилган шакллардан бирида қўлда ёки замонавий компьютерли технологияларга асосланган ҳолда юритилиши мумкин. Хизмат кўрсатишга доир хўжалик жараёнларининг турли туманлиги, уларнинг оммавийлиги хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида бухгалтерия ҳисобини замонавий техник воситалар ҳамда амалий дастурлар пакетлари (масалан, «1-С Бухгалтерия»,

«АКА» ва бошқалар) асосида юқоридаги хусусиятларни эътиборга олган ҳолда олиб боришни тақозо этади.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектлари ҳисоб сиёсатининг муҳим таркибий қисми бўлиб, улар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобини юритиш учун тасдиқланган ишчи счётлар режаси ҳисобланади. Чунончи, ушбу соҳа корхоналари ўз хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишчи счётлар режасига тегишли счётларни киритишлари, шунингдек ишлатилиши зарур бўлмаган 21-сон БҲМСда назарда тутилган айрим счётларни ўзларининг ишчи счётлар режасига киритмасликлари мумкин.

Таъкидлаш жоизки, собиқ режали иқтисодиёт даврида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятларига етарлича эътибор берилмас эди. Чунончи, бу соҳаларда бухгалтерия ҳисобининг назарий, услубий ва ташкилий жиҳатлари фақатгина унинг айрим субъектлари, чунончи автотранспорт корхоналари, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, маиший хизмат ва коммунал хўжаликлар мисолида ўрганилар эди, холос. Буни ўша даврларда чоп этилган дарсликлар, ўқув ва амалий қўлланмалар номларидан¹ ҳам кўриш мумкин.

Собиқ совет республикаларининг мустақилликка эришиши ва бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт йўлини танлашлари, шунингдек ҳозирги барча МДҲ мамлакатларида хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларига бўлган эътиборни кучайиши, бу соҳаларнинг мамлакатлар ялпи ички маҳсулотигаги ҳиссасини кўпайиши мос равишда ушбу соҳаларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятларини махсус фанлар сифатида ўрганилишига олиб келди. Чунончи, МДҲ мамлакатларида охириги 10 йилда туризм ва меҳмонхона бизнеси, уяли алоқа, аудиторлик, консалтинг, лизинг, суғурта ва бошқа турдаги хизмат турларини кўрсатувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятларига бағишланган дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва бошқа адабиётларни² чоп этилганлиги бунинг ёрқин мисолидир.

¹ Қаранг: Соколов Я.В. Бухгалтерский учет в торговле. – М.: «Экономика», 1986; Калупов В.Г., Куприенко А.Н. Бухгалтерский учет в общественном питании. – М.: «Экономика», 1987; Соловьева В.М. и др. Бухгалтерский учет в жилищно-коммунальном хозяйстве. – М.: «Стройиздат», 1987; Секретарева И.А. Бухгалтерский учет на автотранспортных предприятиях. М., МКИ, 1986..

² Қаранг: Озеров А.М. Бухгалтерский учет и налогообложение в туристических фирмах. – М.: ФБК-ПРЕСС, 1998. – 144 с.; Абдрасимова Ж.К. Бухгалтерский учет в туризме и гостиничном бизнесе. – Караганда, 2005. – 105 с.; Матвеева Е.В. Услуги сотовой связи: бухгалтерский и налоговый учет. – М.: Вершина, 2006. – 192 с.; Семехина В.В. и др. Туристическая деятельность: особенности бухгалтерского учета и налогообложения. – М.: Эксмо, 2005. – 176 с.; Вещунова Н.Л. Бухгалтерский учет страховых организаций. – М.: «Проспект», 2007.

Фикримизча, республикамизда ҳам хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига кирувчи алоҳида субъектларда бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятларини ўрганувчи фанларни шакллантириш, уларни кадрлар тайёрлаш ўқув режаларига киритиш вақти келди. Шунингдек, мамлакатимизда туризм, меҳмонхона бизнеси, уяли алоқа хизматлари, суғурта, биржа, брокерлик хизматлари, лизинг ва мулкни баҳолаш, консалтинг, инжениринг, маиший-коммунал ва шу каби бошқа хизматлар соҳаларида бухгалтерия ҳисобига оид фундаментал дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларни тайёрлаш зарурати мавжуд. Республикаимизда бундай дарслик ва ўқув қўлланмаларни ҳозиргача мавжуд эмаслиги, уларга бўлган талабнинг мавжудлиги ушбу муаммонинг тез ҳал этилишини зарурат қилиб қўймоқда.

Ушбу муаммоларни ҳал этилиши, фикримизча, республикамизда хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини янада ривожлантиришга, ушбу соҳа субъектларида бухгалтерия ҳисобининг назарий, методологик, ташкилий ва бошқа жиҳатларини тубдан яхшилашга имкон беради.

8.2. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида даромадлар ҳисобининг методологик масалалари*

Хизмат кўрсатиш ва сервис турларининг хилма-хиллиги, уларнинг ҳар бирини ўзига хос жараёнлардан ташкил топиши ва тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши ушбу соҳа субъектларида даромадлар ҳисобининг ўзига хос методологик жиҳатлари мавжудлигидан дарак беради. Бироқ, ҳозирги кунда республикамизда чоп этилган адабиётларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналарида даромадлар ҳисобининг ўзига хос методологик жиҳатлари, чунончи уларнинг таснифи, тавсифи, таркиби, тан олиниши, ўлчаниши, ҳисоб ва ҳисоботда акс эттирилиши етарлича ўз аксини топмаган. Шунингдек, ушбу соҳа субъектлари даромадларини ҳисобга олишнинг методологик жиҳатлари бухгалтерия ҳисобига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам махсус белгиланмаган. Буларнинг барчаси хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналари амалиётида олинаётган даромадларни у ёки бу фаолият турлари таркибига киритишда, уларни солиқ солиш объекти сифатида шакллантиришда ва мос равишдаги солиққа

* Ушбу параграф Н.У.Худайбердиев билан ҳамкорликда ёзилган.

тортишда айрим чалкашликларга сабаб бўлмоқда. Бундай чалкашликлар ҳамда муаммоларни, чунончи, туризм соҳаси субъектларида, бир вақтнинг ўзида ҳам харид товарлари, ҳам комисион ва консигнацион товарлар билан савдо қилувчи корхоналарда, автомобилларга эҳтиёт қисмларни сотувчи ва уларга техник хизматларни кўрсатувчи корхоналар амалиётида кўп учратиш мумкин. Шу боис ҳам турли чалкашликларга олиб келувчи ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек даромадлар ҳисобини яхлит методологик тартиб асосида олиб борилишини таъминлаш учун амалдаги меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш зарур. Чунончи, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектлари даромадларини у ёки бу фаолият таркибига киритиш, шунингдек даромадлар ҳисобини юритишнинг яхлит тартибини белгиловчи моддаларни меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамлаш объектив зарурат бўлиб қолмоқда.

Фикримизча, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектлари даромадларини республикамизнинг Солиқ кодекси, бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонуни ҳамда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида⁷ белгиланган тартибга кўра иккита гуруҳга, яъни асосий фаолиятдан олинган даромадлар ҳамда асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадларга ажратиш мақсадга мувофиқ. Бунда асосий фаолиятдан олинган даромадларга хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларининг устав ҳужжатлари ҳамда давлат статистика органи томонидан белгиланган тармоқ кодларига мос фаолият турларидан олинган даромадларни, асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадларга эса молиявий фаолият, инвестиция фаолияти, эмиссия фаолияти ва бошқа фаолиятлардан олинган даромадларни, шунингдек фавқулоддаги даромадларни киритиш лозим.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига кирувчи субъектларнинг ҳар бир гуруҳи учун уларнинг асосий фаолиятини ташкил қилувчи хизмат турларини, ушбу хизмат турларига киритиладиган даромадларнинг аниқ таркибини, шунингдек мос равишда бу

⁷ «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос», Ўз.Р. Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда рўйхатга олинган, № 475; БҲМС № 2 «Асосий ҳўжалик фаолиятдан олинган даромадлар», Ўз.Р. Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 августда рўйхатга олинган, № 483; БҲМС № 3 «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот», Ўз.Р. Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 августда рўйхатга олинган, № 484; БҲМС № 21 «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-ҳўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби сётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома», Ўз.Р. Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда рўйхатга олинган, 1181.

даромадларни тасдиқловчи ва уларга гувоҳлик берувчи бошланғич ҳужжатлар тизимини қатъий белгилаш лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунончи, бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш тармоқлари, сервис ва туризм соҳаси субъектларида асосий фаолиятни ташкил қилувчи алоҳида хизмат турларидан олинган даромадлар таркибига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ (8.3-жадвал).

8.3-жадвал

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида асосий фаолиятни ташкил қилувчи алоҳида хизмат турларидан олинган даромадларнинг таркиби

№	Хизмат тури	Олинадиган даромад тури	Тасдиқловчи бошланғич ҳужжат
1	Туристик хизматлар	Турмаҳсулотларни сотишдан тушум	Турисгларга кўрсатилган хизматларни қабул қилиш-топшириш тўғрисида далолатнома, счё-фактура
2	Меҳмонхона хизматлари	Меҳмонларга кўрсатилган барча сервис хизматларидан тушум	Кириш касса ордери квитанцияси, счё-фактура
3	Улгуржи савдо	Товарларни катта партияларда кейинги сотиш ёки фойдаланиш учун сотиш фаолиятидан олинган тушум	Счё-фактура
4	Чакана савдо	Харид товарларни охириги истеъмолчиларга доналаб кичик партияларда нақд пулга сотишдан тушум	Касса аппарати чеки
5	Умумий овқатлантириш	Тайёрланган овқатларни ва бошқа истеъмол буюмларни ҳўрандаларга сотишдан тушум	Касса аппарати чеки, счё-фактура
6	Воситачилик хизматлари	Кўчмас мулк, товар-моддий бойликларни сотиш-сотиб олишда кўрсатилган воситачилиқдан олинган тушум	Воситачилик хизматларини қабул қилиш-топшириш тўғрисида далолатнома, счё-фактура
6	Лизинг хизматлари	Мулкни узок муддатли ижарага беришдан олинган фонд кўринишидаги тушумлар	Лизинг хизматларини қабул қилиш-топшириш тўғрисида далолатнома, счё-фактура
7	Мулкни баҳолаш бўйича хизматлар	Мулкни баҳолаш бўйича хизматлардан тушум	Мулкни баҳолаш бўйича кўрсатилган хизматларини қабул қилиш-топшириш

			тўғрисида далолатнома, счёт-фактура
8	Аудиторлик хизматлари	Аудиторлик фаолиятидан тушумлар	Аудиторлик хизматларини қабул қилиш-топшириш тўғрисида далолатнома, счёт-фактура
9	Консалтинг хизматлари	Кўрсатилган ахборот-маслаҳат хизматларидан тушум	Консалтинг хизматларини қабул қилиш-топшириш тўғрисида далолатнома, счёт-фактура
10	Ахборот-ҳисоблаш ва бухгалтерлик хизматлари	Замонавий компьютер тармоқлари орқали ахборот-ҳисоблаш, уларни узатиш, босмадан чиқариш, ҳисоб-китобларни юритиш ва бошқа хизматларни кўрсатишдан тушумлар	Ахборот-ҳисоблаш ва бухгалтерлик хизматларини қабул қилиш-топшириш тўғрисида далолатнома, счёт-фактура
11	Сугурта хизматлари	Турли мақсадлардаги сугурта хизматларидан тушум	Сугурта хизматларини қабул қилиш-топшириш тўғрисида далолатнома, счёт-фактура
12	Инженеринг компаниялари хизматлари	Қурилиш ишларини бажаришда пудратчи ва бюрократчилик ўртасида танлов ўтказиш бўйича кўрсатилган хизматлардан тушум	Инженеринг хизматларини қабул қилиш-топшириш тўғрисида далолатнома, счёт-фактура
13	Бозорлар кўрсатадиган хизматлар	Сотувчиларга ва сотиб олувчиларга кўрсатилган турли хизматлардан тушум	Патталар, касса аппарати чеки, счёт-фактура
14	Нотариал хизматлар	Юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатилган нотариал хизматлардан тушум	Қирим касса ордери қвитанцияси, счёт-фактуралар, чеклар
15	Транспорт хизматлари	Юк ва йўловчи ташишдан тушумлар	Қирим касса ордери қвитанцияси, счёт-фактуралар, чеклар
16	Транспорт воситаларига техник хизматлар	Транспорт воситаларига кўрсатилган техник хизматлардан тушумлар	Қирим касса ордери қвитанцияси, счёт-фактуралар, чеклар
17	Маиший-коммунал хизматлар	Маиший-коммунал хизматлардан тушумлар	Қирим касса ордери қвитанцияси, счёт-фактуралар, чеклар
18	Дам олиш ва бошқа хордиқ чиқариш хизматлари	Дам олиш ва хордиқ чиқаришга доир кўрсатилган хизматлардан тушумлар	Қирим касса ордери қвитанцияси, счёт-фактуралар, чеклар

Иzlанишлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига кирувчи айрим хизмат турлари мақомини, шунингдек улар қиймати таркибига кирувчи элементларни ҳам қонун ҳужжатлари билан қатъий белгилаш зарурати борлигини кўрсатмоқда. Бу, чунончи, туристик-меҳмонхона комплекслари томонидан бир вақтнинг ўзида кўрсатилаётган туристик хизматлар, меҳмонхона хизматлари, умумий овқатлантириш бўйича кўрсатилаётган хизматлар, воситачилик хизматларига бевосита тааллуқлидир.

Туристтик ва меҳмонхона хизматлари мақоми бўйича бир-биридан фарқ қилади. Мазмуни бўйича улар бир-бирига маълум даражада ўхшайди. Чунончи, туристларга меҳмонхонада тунаш, умумий овқатлантириш бўйича кўрсатилган хизматлар турмахсулот қийматининг таркибий қисми ҳисобланади. Турист бўлмаган меҳмонларга тунаш бўйича кўрсатилган хизматлар меҳмонхона хизматлари қийматига киритилади. Республикамининг солиқ қонунчилиги ҳужжатларига кўра туристик хизматлар қўшилган қиймат солиғидан озод этилган, меҳмонхона хизматлари эса ушбу солиқдан озод этилмаган. Бундан ташқари туристик-меҳмонхона мажмуаларининг умумий овқатлантиришни ташкил қилиш бўлинмалари (ресторан, кафе, бар) нафақат туристларга ва тунаш учун келган меҳмонга, балким турист ёки меҳмон бўлмаган бошқа шахсларга мустақил савдо фаолиятини ҳам кўрсатади. Буларнинг барчаси туристик-меҳмонхона мажмуаларида олинган даромадлар суммасини кўрсатилаётган хизмат турлари бўйича тўғри тақсимлашни ўта муҳим масала эканлигидан дарак беради.

Туристтик-меҳмонхона мажмуалари амалиётида кўп учраётган ушбу долзарб муаммони ҳал этиш мақсадида қуйидаги тартибларни белгилаш, бизнингча, фойдадан холи бўлмайди.

Биринчидан, «Туризм фаолияти тўғрисида қонун»да туристик хизматлар мақоми ва унинг таркибий элементларини қатъий белгилаш лозим. Чунончи, ушбу қонунда тур маҳсулот қийматига фақат туристик гуруҳларга ёки индивидуал хорижий ҳамда маҳаллий туристларга махсус йўлланма (ваучер) асосида кўрсатилган хизматлар қийматини киритишнинг яхлит тартибини ўрнатиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, республикамизда махсус «Меҳмонхона фаолияти тўғрисида қонуни»ни қабул қилиш, унда меҳмонхона хизматларининг мақоми, уларнинг қийматига киритиладиган хизмат турларини яхлит тартибини белгилаш керак.

Учинчидан, республикамизда «Савдо фаолияти тўғрисида қонун» ишлаб чиқилиши, ушбу қонунда туристик-меҳмонхона мажмуаларининг умумий овқатланишни ташкил этиш бўйича фаолиятини у ёки бу хизмат турлари таркибига киритишнинг яхлит тартибини ўрнатиш лозим.

Тўртинчидан, республикамизда «Воситачилик фаолияти тўғрисида қонун» қабул қилиш зарур. Ушбу қонунда, чунончи, туристик-меҳмонхона мажмуаларининг воситачилик фаолиятини у ёки бу хизмат турлари таркибига киритишнинг яхлит тартибини ўрнатиш мақсадга мувофиқ.

Бешинчидан, республикамизнинг Солиқ кодексида туристик-меҳмонхона мажмуаларининг барча турдаги фаолият турларини солиққа тортишнинг ягона тартибини қатъий белгилаш лозим.

Иқтисодий адабиётларда туристик маҳсулотнинг моҳияти, таркибий қисмлари, хусусиятлари турлича ёритилган. Чунончи, Россиялик олимлар А.Д.Чудновский ва М.А.Жукова¹ туристик маҳсулотларни учта элементдан, яъни (1) турнинг ўзи (маълум йўналишдаги туристик сафар); (2) кўшимча туристик-экскурсия хизматлари (жойлаштириш, овқатлантириш, ташиш, экскурсия дастуридаги объектларга сафар қилиш ва бошқалар); (3) товарлар, яъни истеъмол буюмларидан иборатлигини таъкидлайдилар. Худди шунга ўхшаш тарздаги фикрларни бошқа олимлар² ишларида ҳам кўриш мумкин.

Бизнинг фикримизча, туристик маҳсулотнинг таркибига туристларнинг тур давридаги талабларини тўлиқ қондириш учун зарур бўлган барча моддий буюмлар (истеъмол буюмлари) ва барча номоддий талаблар (хизматлар) киритилиши лозим. Юқорида номлари зикр этилган олимлар томонидан туристик маҳсулот таркибининг иккинчи элементига киритилган туристларни овқатлантиришга кетган сарф харажатлар, бизнингча, унинг учинчи элементига киритилиши лозим. Чунки, туристларга тақдим этилган озиқ-овқатлар ҳам мазмун ва моҳиятига кўра моддий буюм ҳисобланади ва ўзининг алоҳида истеъмол қийматига эгадир.

Фикримизча, юқорида қисқача изоҳи берилган таклиф ва тавсияларни республикамизнинг қонун ҳужжатларига киритилиши хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида даромадлар

¹ А.Д.Чудновский ва М.А.Жукова. - М.: КНОРУС, 2006. - с.22.

² Пардаев М.К., Р.Атабаев. Туризм асослари ва бошқалар. – Самарқанд СамИСИ, 2006. – 30-31-б.; Туристическая Деятельность: особенности бухгалтерского учета и налогообложения. Под общей редакцией В.В.Семенихина. – М.: Изд-во «Эксмо», 2005. – с.10-11.

ҳисобидаги, шунингдек уларни солиққа тортишдаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга имкон беради.

8.3. Хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларида харажатлар ҳисоби ва улар таннархини аниқлашнинг хусусиятлари*

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида харажатларнинг таснифи, тавсифи, тақсимланиши, уларни ҳисоб ва ҳисоботда ахборот фойдаланувчилар талабларига мос тарзда акс эттириш муҳим масалалардан биридир. Ушбу масаланинг муҳимлиги яна шу билан тавсифланадики, бугунги кунгача республикада хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналари харажатлари ҳисобини тартибга солиб турувчи махсус меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмаган. Республикада амал қилаётган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом»¹ бевосита хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларининг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда унинг харажатлари таркибини аниқ ифода этмайди. Шу сабабли хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналари амалиётида ҳозирги пайтда харажатлар ҳисобини олиб боришда, уларни фаолият турлари ўртасида тақсимлашда турли мунозаралар ва тортишувларга олиб келаётган муаммолар мавжуд. Хизмат кўрсатиш тармоқлари ва сервис соҳасини кун сайин раванқ топиб бориши, хизмат кўрсатиш билан шугулланаётган хўжалик юритиш субъектлари сонини ошиб бориши ушбу муаммоларни республика миқёсида ҳал қилишни тақозо этмоқда.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида ўз ечимини кутаётган муҳим масалалардан бири харажатларни тўғри таснифлаш ҳисобланади. Бизнингча, бундай таснифлаш негизига, авваламбор, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектлари томонидан олиб борилаётган фаолият турлари, шунингдек харажатларнинг қайси даврларга доирлиги ҳамда харажат моддалари олинishi лозим. Бинобарин, ушбу белгиларига кўра харажатларни таснифлаш асослари хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига кирувчи

* Ушбу параграфни ёзишда Н.У.Худайбердиев иштирок этган.

¹ ЎзР ВМ 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган (кейинги ўзгартириш ва хўшимчалар билан)

субъектларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича бевосита уларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб яратилиши лозим. Чунончи, туристик-меҳмонхона мажмуалари харажатларини куйидагича таснифлаштиришни мақсадга мувофиқ, деб биламиз (8.1-чизмага қаранг).



8.1-чизма. Туристик-меҳмонхона мажмуалари харажатларининг таснифлаш асослари

Бизнингча, Республикамызда амал қилаётган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом»⁸ асосида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари бўйича махсус тармоқ Низомларини ишлаб чиқиш зарурияти мавжуддир.

Барча хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида харажатлар ҳисобини яхлит методология асосида юритилишини таъминлаш мақсадида тармоқ Низомларида, бизнингча, алоҳида фаолиятга доир харажатлар таркибини, уларга кирувчи моддаларни

⁸ ЎЗР ВМ 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган (кейинги ўзгартириш ва қўшимчалар билан)

аниқ белгилаш лозим. Чунончи, туристик меҳмонхона мажмуалари бўйича улар томонидан олиб борилаётган алоҳида фаолият турларига доир харажатлар таркибига қуйидагиларни киритишни мақсадга мувофиқ, деб биламиз (8.4-жадвал).

8.4-жадвал

Туристтик-меҳмонхона мажмуаларида харажатларнинг фаолият турлари бўйича таркиби (тавсиялар)

№	Фаолият тури	Харажатлар мазмуни ва таркиби
1	Туризм фаолияти	Бу - «Туризм фаолияти тўғрисида»ги қонунда ушбу фаолиятга берилган таърифдан келиб чиқиб, унинг моҳиятини ифодаловчи ҳўжалик жараёнларига бевосита тегишли бўлган харажатлардир. Булар: туристларни ётоғи, овқатланиши, экскурсияси, транспортировкаси ва шу каби бевосита уларга кўрсатилган бошқа хизмат харажатларидир. Ушбу харажатларнинг йиғиндиси турмахсулот таннархини ташкил этади.
2	Меҳмонхона фаолияти	Бу бевосита тунаш учун келган меҳмонларга кўрсатилган хизматларга кетган харажатлардир. Уларга меҳмонларни тунаб кетишига доир коммунал харажатлар, меҳнат харажатлари, инвентарларни сақлаш харажатлари, меҳмонхона амортизацияси ва бошқа шу каби харажатлар киради.
3	Савдо фаолияти	Бу бевосита меҳмонхона мажмуасининг таркибий бўлинмалари бўлган ресторан, кафе, бар ва бошқа савдо шаҳобчаларини сақлаш, улар томонидан олиб бориладиган умумий овқатланиш ва савдони ташкил қилишга доир харажатлар.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида кўрсатилган хизматлар таннархига киритиладиган харажатлар ҳисобини тўғри юритишни таъминлашнинг муҳим шarti бўлиб ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби учун мўлжалланган счётлар таркибини, уларга олиб бориладиган харажат моддаларини, гувоҳлик берувчи ҳужжатлар тизимини, ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатларини фаолият турлари ўртасида тақсимлашнинг аниқ тартибини белгилаш ҳисобланади.

Фикримизча, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида ҳар бир фаолиятга доир харажатларни махсус счётларда ҳисобини юритиш мақсадга мувофиқ. Чунончи, туристик, меҳмонхона ва

савдо хизматларини бир пайтда олиб бораётган туристик-меҳмонхона мажмуаларида асосий ишлаб чиқариш харажатларининг йиғма ҳисоби учун 2010 «Туристтик хизматлар» ва 2020 «Меҳмонхона хизматлари» сўғатларини очиш лозим. Туристтик-меҳмонхона мажмуаларининг ушбу хизмат турларига доир харажатларни иқтисодий моҳиятига кўра бешта гуруҳга ажратиш ва уларнинг таркибига куйидаги харажат моддаларини киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз (8.5-жадвал).

Таъкидлаш жоизки, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида кўрсатилаётган хизматлар таннархига киритиладиган харажатларнинг юқорида келтирилган бешта гуруҳига Кирувчи моддалар таркибини бир хилликка келтириб бўлмайди. Буни 8.6-жадвалда келтирилган деҳқон ва буюм бозорлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар таннархига кирувчи харажатлар таркибидан ҳам кўриш мумкин.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида ишлаб чиқариш корхоналаридаги сингари хизматлар таннархига киритиладиган барча ёрдамчи ишлаб чиқариш ва умумишлаб чиқариш харажатлар ҳисобини тўғри юритиш учун, авваламбор, ушбу мақомга эга бўладиган бўлинмаларни ёки жавобгарлик марказларини аниқ белгилаб олиш лозим. Чунончи, фикримизча, туристик-меҳмонхона мажмуаларида ёрдамчи ишлаб чиқариш деганда туристик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатишда бевосита ва билвосита иштирок этадиган ёрдамчи ҳамда хизмат кўрсатувчи бўлинмаларнинг фаолияти тушунилади.

Туристтик-меҳмонхона мажмуаларида ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмаларига, чунончи, куйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ:

(1) овқатлантиришни ташкил қилиш ва товарларни сотиш бўлинмалари (овқат, нон ва нон маҳсулотлари, кондитер маҳсулотлари тайёрлаш бўлинмалари, ресторан, кафе, бар, буфет, магазин ва бошқалар);

(2) энергиянинг турли хиллари (электр энергияси, буғ ва бошқалар) билан таъминлаш бўйича хизматларни кўрсатувчи бўлинмалар;

(3) транспорт хизматларини кўрсатувчи бўлинмалар (автохўжалик, гараж, устахоналар);

(4) кир ювиш ва буюмларни тозалаш ишларини олиб борувчи бўлинма;

(5) турли хордиқ чиқариш тадбирлари ва ўйинларини уюштирувчи бўлинмалар (бильярдхоналар, автомат-ўйинлар хонаси, сауналар, интернет-клуб ва бошқалар);

(6) алоқа бўлими;

(7) тиббий ва санитария-гигиена, канализация ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатиш бўлинмалари.

8.5-жадвал

Туристик ва меҳмонхона хизматлари таннарига киритиладиган харажат моддалари

Харажат гурухи	Харажат моддалари	Бошланғич ҳужжатлар ва ҳисоб регистрлари
Бевосита материал харажатлари	Туристик ва меҳмонхона хизматларига бевосита сарфланган материаллар, буюмлар, ёқилғи ва мойлаш материаллари, хўжалик инвентарлари ва бошқа материаллар	<ul style="list-style-type: none"> • Материал ҳисоботи • 10- журнал-ордер
Бевосита меҳнат ҳақи харажатлари	Туристик ва меҳмонхона хизматларини бевосита олиб борувчи ходимларга ҳисобланган асосий иш ҳақи ва муқофотлар	<ul style="list-style-type: none"> • Нарядлар • Табеллар • Ҳисоб-тўлов қайдномалари • 10- журнал-ордер
Бевосита меҳнат ҳақи фондидан ижтимоий сугуртага ажратмалар	Туристик ва меҳмонхона хизматларини бевосита олиб борувчи ходимлар иш ҳақи фондидан ижтимоий сугуртага ажратмалар	<ul style="list-style-type: none"> • Ижтимоий сугуртага ажратма ҳисоб-китоби 10- журнал-ордер
Амортизация ажратмалари	Туристик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатишда бевосита иштирок этган асосий воситалар, номоддий активлар бўйича ҳисобланган эскириш суммаси	<ul style="list-style-type: none"> • Амортизация ҳисоб-китоби • 10-журнал-ордер
Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари (бевосита устама харажатлар)	<ol style="list-style-type: none"> 1. Туристик ва меҳмонхона хизматлари харажатларига олиб борилган турли хизматлар (сертификатлаш, транспорт хизматлари, газ, сув ва электр қуввати билан таъминлаш, таъмирлаш ва бошқа хизматлар) 2. Туристик ва меҳмонхона хизматлари харажатларига олиб борилган ёрдамчи ишлаб чиқариш ва умумишлаб чиқариш харажатлари 3. Туристик ва меҳмонхона хизматлари харажатларига олиб борилган келгуси давр харажатлари 6. Туристик ва меҳмонхона хизматлари таннарига киритиладиган бошқа харажатлар 	<ul style="list-style-type: none"> • Счёт-фактуралар • Далолатномалар • Бухгалтерия ҳисоб-китоблари • 10- журнал-ордер • Бошқа ҳужжатлар ва регистрлар

Дехқон ва буюм бозорларида кўрсатилаётган хизматлар таннархига кирувчи харажат моддаларининг таркиби

№	Харажат моддалари	Харажат турлари
1	Моддий харажатлар	1.Савдо расталарини таъмирлаш ва сақлашга кетган материал харажатлари 2.Хўжалик инвентарлари (супурги, таз, урно, сатил, халат, болта, пичок, тарози ва бошқалар)
2	Иш ҳақи харажатлари	Фаррошлар, назоратчилар, тарозибонлар, қоровулларга ҳисобланган иш ҳақи
3	Ижтимоий суғурта	Фаррошлар, назоратчилар, тарозибонлар, қоровулларга ҳисобланган иш ҳақидан ажратма (24 %)
4	Амортизация	Савдо расталари ва жойлари, техника ва бевосита хизмат кўрсатишга тегишли бошқа асосий воситаларга ҳисобланган амортизация суммаси
5	Бошқа харажатлар	Сув, электр қуввати, газ, свалка ва бошқа хизматлар учун тўланган тўловлар

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида ҳам ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларининг йиғма синтетик ҳисоби 21-сон БҲМСга мувофиқ 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётида олиб борилиши лозим. Ушбу счётнинг дебитида ва кредитланадиган корреспонденцияланувчи счётларда (1000, 6710, 6520, 0200, 6000, 6990 ва бошқалар) мос равишда туристик-меҳмонхона мажмуаларининг ёрдамчи ишлаб чиқаришга кетган материал, иш ҳақи, ижтимоий суғурта, амортизация, турли хизматлар ва бошқа сарф-харажатлар тўғрисидаги маълумотларни жамлаш, унинг кредитида эса ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилиши керак.

Шуни таъкидлаш жоизки, туристик ташкилотларнинг юқорида номлари келтирилган ёрдамчи хўжаликлари харажатларини бевосита у ёки бу фаолиятга тегишли қисмини ҳар бир тасдиқловчи ҳужжатлар асосида аниқлаб олишнинг тўлиқ имкони мавжуд эмас. Чунки, кўп турдаги харажатларни акс эттирувчи ҳужжатларни хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, масалан, «Сувоқова», «Электр-таъминот», «Газтаъминот» ва бошқалар туристик ташкилотларга

яхлит тарзда тақдим этадилар. Ушбу харажатларни фаолият турлари ўртасида тақсимлаб чиқишни бевосита туристик ташкилотнинг ўзи амалга ошириши лозим бўлади.

Бизнингча, туристик-меҳмонхона мажмуаларида харажатларни фаолият турлари ўртасида тақсимлаб чиқишда қуйидаги мезон ва тартибларни ўрнатиш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, бевосита у ёки бу фаолиятга тегишлилиги аниқ бўлган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида ушбу фаолият турларининг таннархига тўғридан-тўғри олиб бориш лозим.

Иккинчидан, барча фаолият турларига доир бўлган харажатларни улар ўртасида ҳар бир фаолиятдан олинган соф тушумнинг жами тушумдаги ҳиссасига пропорционал тарзда тақсимлаш энг рационал усул ҳисобланади.

Ушбу мезонлар ва тартибларга таянилган ҳолда 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётининг ёпилишига қуйидаги бухгалтерия ёзувларини бериш мумкин:

(1) ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари суммасини туристик хизматлар ва меҳмонхона хизматлари харажатларига киритилишига:

Дебит 2010 «Туристик хизматлар», 2020 «Меҳмонхона хизматлари»

Кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»

(6) ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларини давр харажатлари ҳисоби счётларига ўтқазилишига:

Дебит 9400 «Давр харажатларини ҳисобга олиб борувчи счётлар»

Кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»

Туристик-меҳмонхона мажмуаларида ҳисоб сиеъсатида белгиланган тартибга мувофиқ умумишлаб чиқариш характерида эга бўлган харажатлар ҳисоби 2500 «Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар» тизимида алоҳида олиб борилиши мумкин. Ушбу счётлар тизимида очиладиган махсус счётларда, чунончи, қуйидаги харажатларни акс эттириш мақсадга мувофиқ:

а) кўтариш ва тушириш ускуналари (лифт хўжалиги)ни сақлаш ҳамда уларни эксплуатация қилиш харажатлари;

б) туристик ва меҳмонхона хизматларига доир асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари;

в) мол-мулкни суғурталаш харажатлари;

г) ишлаб чиқариш биноларини иситиш ва сақлаш харажатлари;
д) туристик ва меҳмонхона хизматлари учун фойдаланиладиган мол-мулкни ижарага олиш харажатлари;

е) умумишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Ҳисобот оyi мобойнида туристик-меҳмонхона мажмуаларининг барча умумхўжалик харажатларини 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счётининг дебитида жамлаш, ой охирида эса ушбу харажатлар ҳисоб сиёсатида келтирилган тартибга мувофиқ туристик хизматлар (2010 счёт), меҳмонхона хизматлари (2020 счёт), ёрдамчи ишлаб чиқариш (2310 счёт) ҳамда маъмурий-бошқарув (9420 счёт) харажатларига олиб борилиши лозим.

Бизнингча, ҳаракатдаги 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»га ҳам туристик ташкилотлар томонидан олиб борилаётган хизматларни сотиш таннархи ҳисобини тизимли равишда юритиш учун унга қуйидаги янги счётларни киритиш мақсадга мувофиқ:

- 9131 «Туристик хизматлар таннархи»;
- 9132 «Меҳмонхона хизматлари таннархи»;
- 9132 «Умумий овқатланиш хизматлари таннархи».

Туристик-меҳмонхона мажмуаларида давр харажатлари ҳисобини ҳам тўғри таснифлаш ва улар ҳисобини 21-сон БҲМСда кўзда тутилган 9400 «Давр харажатларини ҳисобга олиш счётлари» тизимидаги ҳар бир счёт таркибида алоҳида хизмат турлари олиб бориш лозим, деб ҳисоблаймиз.

9-боб. МАРКЕТИНГ ТИЗИМИДА РЕЖАЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

9.1. Маркетингнинг режалаштирилиши мақсадлари ва вазифалари

Котлер таълимига кўра биз «режалаштиришни келажакдаги орзу қилинган ҳолат ва муносабатларнинг аниқланиши ва унга керак бўлган тadbирлар» деб қараб чиқмоқчимиз. Маркетинг режалаштириши ишбилармонлик мақсадлари доирасида амалга оширилиши лозим бўлган маркетинг мақсадлари ҳақидаги ҳамда мақсадга эришиш учун танланадиган восита ва йўллар ҳақидаги ҳамма тафаккур мулоҳазаларни ўз ичига олади. Шунга кўра маркетинг режаси маркетинг мақсадларига йўналтирилиши лозим бўлган, унинг томонидан ишбилармонлик мақсадларидан келиб чиқиб бошқариладиган ишбилармонлик режасининг бир қисми демакдир.

Шунга кўра маркетинг режасини алоҳида қараб чиқиш етарли бўлмасдан, балки уни интеграция жараёни доирасида, куйидаги босқичларга бўлинган ҳолда кўриб чиқиш лозим:

- мақсад қўйилиши.
- режалаштириш.
- амалга ошириш.
- назорат қилиш.

Режалаштириш шунинг учун бугунги кунда мақсадга йўналтирилган ишбилармонликни бошқариш учун пайдо бўлган шошилишч бўлмаган узлуксиз жараён каби қаралиши керак.

Бозор муносабатлари шароитида системали маркетинг режалаштирилишига зарурият келиб чиқади (пайдо бўлади), чунки:

1) атроф–муҳитнинг, яъни бозорнинг тезда ўзгариши бу ўзгаришларга доимий эътиборни талаб қилади;

2) умумий ишбилармонлик учун маркетинг сиёсий чоралари таъсирларининг ўлчами аҳамияти доимо ошиб боради;

3) қийин кўзга кўринадиган, комплекс алоқалар ҳамма ишбилармонлик активлигини системали бир- бирига боғлиқ фаолият тарзини тақозо қилади;

4) кенгайиб чигал бўлиб борадиган ишбилармонликлар раҳбарликнинг ишчанлигини тақозо қилади;

5) рақобат кундан-кунга кескинлашиб боради;

6) социал, ҳуқуқ ва ҳўжалик маълумотлари ҳамма вақт тез-тез ўзгариб боради;

7) ишбилармонликда капитал интенсивлиги ошиб боради;

8) янги тадбирларнинг сони доимо ўсади;

9) маркетинг нарх-навоси мутаносиб ўсиб боради;

10) режалаштириш ишбилармонлик мавжудлигининг сақлаб қолинишига кафолат беради, хатолар ва хавфлар камаяди.

Ишбилармонлик мақсадларидан келиб чиқиб бошқа соҳалар, бўлимлар ва ходимлар учун иложи борица аниқ изчил мақсадларни аниқлаш имконияти очилади.

Ҳар бир маркетинг режаси мақсадлар кўйишга йўналтирилиши кераклиги туфайли амалиёт учун тавсия қилинади:

- қисқа, ўртача ва узоқ муддатли сотиш режаларининг тузилиши;

- чорак ва йил бўйича фаолият режасининг тузилиши;

- жорий этиш режаларининг ишлаб чиқилиши (жалб қилиш фаолияти, махсус таклифлар, нарх туширилишлари ва ҳоказолар).

Шунга биноан маркетинг режаси ўз ичига оладиган бошқа масалалар ҳам кўйилади.

Умуман олганда ҳар бир маркетинг режаси кўйидагича тузилиши лозим.

Энг муҳим натижаларнинг қисқача якуни.
Вазият таҳлили, яъни ишбилармонликнинг
бозор вазияти.
Маркетинг мақсадлари.
Маркетинг стратегияси.
Маркетинг тадбирлари.
Харажат.
Назорат.

Маркетинг режасининг мазмуни. Энг муҳим натижаларнинг якуни тезда ва ўз моҳиятига кўра маркетинг режасининг етакчи фикр ва мақсадлари билан яқинлаштирилиши керак. Вазият таҳлили доирасида ишбилармонликнинг ҳозирги даврдаги вазиятли релевант атроф-муҳитнинг ривож ва кўзда тутиладиган тараққиёт тадқиқ этилади.

Маркетинг мақсадлари ҳақидаги қисм маркетинга қайси мақсадлар асос қилиб олиниши лозимлигини кўрсатади.

Маркетинг стратегияси ва тадбирлари мақсадига эришиш учун қайси стратегик ва тезкор тадбирлар мўлжалланишидан дарак беради.

Бу билан боғлиқ харажатлар ва маркетинг тадбирларининг назорати ҳақидаги мулоҳазалар билан маркетинг режаси яқунланади.

9.2. Режалаштириш шакллари

Маркетинг режалари ҳар хил мезонларига кўра бўлиниши мумкин. Маркетинг режаларининг вақт ўлчамида қараб чиқилиши одатда қисқа, ўрта ва узоқ муддатли маркетинг режалари ажратишга олиб келади.

Вақт мезони

Қисқа муддатли режалар деганда бир йилгача даврни ўз ичига олган режалаштиришни тушунадилар. Уларнинг эришиши лозим бўлган аниқ кўйилган мақсадларни ҳамда чора-тадбирларни ўзида мужассамлаштиради. Қисқа муддатли режалар бир йил, ярим йил, чорак ёки ой, ҳафта ёки фақат бир кунга мўлжалланган бўлишлари мумкин. Қисқа муддатли режалаштиришнинг моҳияти оборот ва сотиш режалаштиришларида ҳамда тадбирларни режалаштиришда намоён бўлади.

Тадбирлар режалари ўзларида қандай ҳажмда ва қачон ҳар хил маркетинг воситаларини яъни жалб этиш, савдо талаблари, жамоат иш ва ҳоказоларни белгилаш лозимлигини мужассамлаштиргандирлар.

Тадбирлар режалаштирилиши эса тадбирларни бозор тадқиқоти доирасида ҳам мужассамлаштиргандир.

Ўртача муддатли маркетинг режалаштирилиши деганда бир йилдан 5 йил муддатгача вақтни ўз ичига олган режаларни тушунилади. Ўртача муддатли режалар қандайдир маънода янги тараққиёт ва инвестицияларни назарда тутган ҳолда қисқа муддатли режаларнинг узвий давом этишини ифодалайди. Шундан келиб чиқиб, бу режалар асосан сотиш режаларидан, харажат ва ишлаб чиқариш режаларидан ҳамда унга лозим бўлган маркетинг сиёсатининг ўрнатилишидан ташкил топади. Улар ишбилармонликдаги бундан кейинги ҳар бир ўрта муддатли режалаштириш, айниқса, молия ва инвестиция режалаштирилиши учун асосни ташкил этадилар.

Узоқ муддатли маркетинг режалари деб – режалаштириш муддати 5 йилдан ортиқ бўлган ҳамма режаларни кўрсатилади. Ушбу

режалаштиришнинг асосий вазифаси ҳозирги даврда учрайдиган, узоқ муддатли фаолият кўрсатадиган қарорларнинг режалаштирилишидан ва шунга даркор бўлган маркетинг тадбирларини қамраб олиш ва аниқлашдан иборатдир.

У ўзининг таркибида бошқа ишбилармонлик режаларининг туширишини ҳам ифодалайди (Котлер). Шундан келиб чиқиб узоқ муддатли маркетинг режалаштиришнинг моҳияти бўлажак таклиф дастури ва бозорларининг, уларда маркетингда таркибий қарорларининг жорий қилиниши кераклигини ҳам акс эттиради.

Узоқ муддатли маркетинг режалаштиришнинг пировард натижаси ҳозирги пайтда таклиф этилаётган маҳсулот ҳамда янги маҳсулотларнинг ўз тараққиёти ҳолати ҳаёт цикли таҳлили башоратларидир. Оптимал режалаштириш горизонтлари бўйича саволга умумий жавоб бериб бўлмайди. Масалан, савдода ушбу ҳолат энергия хўжалигидаги ёки транспорт хўжалигидагига нисбатан қисқароқдир.

Ҳар бир системали режалаштириш ҳамма вақт узоқ, ўртача ва қисқа муддатли маркетинг режаларининг бир-бирига боғлиқ бўлишини тақозо қилади. Ҳар бир маркетинг режаларининг ўзаро боғлиқлигига айланма режалаштириш деб аталадиган, яъни ўртача ва узоқ муддатли режалар қисқа муддатли маркетинг режасининг ҳаракати бўйича синаб кўрилиши ва тўғриланиши орқали эришилади. Ўртача муддатли режанинг ўзгаришлари узоқ муддатли режалаштиришнинг ўзгаришларига олиб келиши мумкин. Ҳар бир режалаштиришнинг доимий равишда мослашишлари орқали тегишли бозор вазиятларини режаларда назарда тутишга уриниб кўрилади.

Мазмуни. Маркетинг режалари қандай таркибий қисмларга эгалигига кўра қуйидагиларни кўрсатиш мумкин :

- бирлаштирилган умумий режалар;
- бирлаштирилмаган бўлак режалар;
- тижорат ва оборот режалари;
- мақсад режалари;
- тадбирлар режалари;
- бозор очиш режалари;
- маълумотлар олиш режалари.

Аниқлик. Одатда маркетинг режалари улар қайси мақсадларни амалга ошириши лозимлигига кўра ҳар хил аниқланишларга эга.

Кенг кўламли режалар деб аталадиган кўпол режалар келажак тараққиёт учун умумий доира (чегара)дан дарак беради ва нисбатан кенг кўламдаги келажак тадбирларини белгилайди.

Чакана режалар – улар билан бирга бўлак режалар ёки алоҳида режалар ҳақида ҳам сўз юритиш мумкин, маҳсулотлар ёки лойиҳалар учун аниқ вазият ва башоратлар асосида аниқ алоҳида маркетинг тадбирларидан дарак беради.

Мақсад. Маркетинг режалаштирилишининг бирламчи мақсади-га кўра мисол тариқасида бўлиниши мумкин:

- лойиҳа режалаштирилиши;
- бошқаришни режалаштириш;
- маҳсулотни янгидан режалаштирилиши.


Ушбу бўлимда ҳар галл режалаштиришнинг асосий мақсади таъкидланади. Агар энди маркетинг режалаштирилишнинг жараёни изчил режалаштириш деб акс эттириладиган бўлса, бу фақат ёрдамчи восита холос, чунки амалда содир этиладиган ҳамма жараёнларнинг ифодаси ҳар хил вариантларнинг жуда кўплиги сабабли имконга эга эмас. «Шунга кўра биз тотал модуллар ҳақида сўз юритишимиз лозим, шахсий таҳлилларга чек қўйишимиз керак» (Бидлингмайер). МАРКЕТИНГ режалаштирилишида шунга кўра амалиётда изчил оптимумга яқинлашишимиз керак, бир маъноли таъриба қоидалари мавжуд эмас.

Турли муаллифлар (Дорфман, Штайнер, Котлер, Крелле, Штерн, Форрестер ва бошқалар) томонидан ечимлар кўрсатилган, ammo бу ечимлар жуда соддалаштирилган усуллардан келиб чиққан ва амалий реаллигини ҳали ҳисобга олишга қодир бўлмаган асосий ечим имкониятларини ўзида акс эттирган холос.

9.3. Маркетинг режалаштирилишнинг жараёни

Унга қуйидаги вазифани еча олиш маркетинг режалаштирилиши ишбилармонликда ташкилий томондан ҳам жорий қилиниши керак. Маркетинг режалаштирилиши замонавий бозор ҳақидаги билимларнинг системали жараёни ва келажак бозор муаммоларининг ечимини ҳам кўзда тутиши керак.

Бунда режалаштириш жараёни тасвиридаги режалаштириш мақсадларининг ривож вазият таҳлилидан келиб чиқиб ҳаракат қилиши лозим (9.1- чизма)



9.1-чизма. Режа ривожининг жараёни

Режалаштириш мақсадларининг аниқланиши ишбилармонлик мақсадлари ва ҳозирги пайтдаги вазиятнинг таҳлили асосида алоҳида соҳалар ва бўлимлар учун режа мақсадлари аниқланади. Реал мақсадларни аниқлай олиш учун

- атроф-муҳит;
- ишбилармонликда мавжуд имкониятлар;
- тараққиётни ўз ичига олган вазият таҳлили керак.

Атроф-муҳит таҳлили қуйидаги аспектларни тадқиқ этади:

- Умумиқтисодий ва технологик тараққиёт (аҳоли, иқтисодий сиёсат, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, даромад ва хоказолар)
- тижорат бозорлари (харидор, харидор соҳалари рақиблари, бозор имконияти, бозор кўлами ва хоказолар)
- сотиб олиш бозорлари (хом-ашё, импортлар, капитал, ходимлар ва хоказолар).

Ишбилармонлик таҳлили қуйидаги вазифаларни таҳлил қилиши керак:

- ишбилармонликдан кўзланилаётган мақсадларга бир зумда эриша оладими?
- молиявий вазият қандай кўринишда?
- қўшимча инвестицияларга имкон борми?
- бозор шароити қандай?

- ташкилий тузилмалар вазифаларига тўғри келадими?
- шахсий дастлабки шарт-шароитлар қандай?

Умумий тараққиёт башорати (оборотлар, харажатлар, ишлаб чиқариш қуввати фойдалар) режалаштириш мақсадларининг аниқланиши учун қўшимча жалб этилиши керак.

Пировард натижа вазиятининг таҳлили шу пайтгача мавжуд бўлган тараққиёт таҳлили ва ифодасини ҳамда навбатдаги 4-5 йилдаги кўзда тутиладиган тараққиётни ўзида мужжасамлаштиради. Алоҳида олганда вазият таҳлили қуйидагиларни ўз ичига олиши керак: оборот; тижорат; бозор қўлами; бозор улуши; бозор имконияти; харажатлар; қоплаш бадалаи; мусобақа вазияти ва ҳоказолар.

Вазият таҳлили доирасида тармоқ таҳлили; рақобат таҳлили; таъминловчиларнинг таҳлилини ўтказиш тавсия қилинади.

Тармоқ таҳлили, масалан, ҳамма тармоққа таъсир қиладиган омилларнинг ўзида мужжасамлаштирилиши керак. Бунинг учун тегишли таҳлилий жадваллар тузилади.


Ҳозирги пайтдаги тармоқ қўлами тармоқлар имконияти, тармоқ ўсиши, тармоқлар структураси, тармоқ ажралиши, харажатлар структураси, тақсимот тизими, тармоқнинг мусобақа омиллари билан ифода этилади.

Айниқса рақобат шароити учун аниқланган омиллар аниқ таҳлил қилиниши керак.

Рақобатни аниқлайдиган омил



Вазият таҳлили атроф-муҳит таҳлилига қўшилади, унинг вазифаси куйидаги аспектиларни тадқиқ қилиш (бунга вазият таҳлилида тадқиқ қилинган иқтисодий аспектилар кирмайди).



Рақобат таҳлили рақиблар бозорни бойитиш учун унда муҳайё қила оладиган ҳамма омилларни назардан қочирмаслиги лозим. Бунда яна ўзининг рақиб билан солиштиригандаги кучли ва кучсиз томонларни ҳам ўрганилиши керак.


9.4. Стратегия дастури

Таърифланган режалаштириш мақсадлари асосида кўзланган мақсадларга эришиш учун муқобил режалаштириш стратегиялари ишлаб чиқарилиши керак. Бунда асосан қайси бозорларда қайси маҳсулотлар билан қандай кўламда бўлишини хоҳлашни ҳал қилиш керак.

Бунга керакли билимларга эга бўлишда куйидаги дастаклар хизмат қилади:

- ҳаёт цикли таҳлили;
- маҳсулот-бозор таҳлили;
- партфелли таҳлил.

Маҳсулотларнинг ҳаёт цикли таҳлили қандай қилиб алоҳида маҳсулотларни маркетинг интилиши ривожисиз кутилгандек ривожлантириш учун кўрсатмаларни амалга оширади.



Бу тасвир ишбилармонликнинг оборот эгри чизигини вақт давомида алоҳида маҳсулотларнинг маҳсулот яшаш цикли эгри чизигининг суммаси тарзида кўрсатапти. Ҳар хил эгри чизиклар таҳлили асосида оборот узокроқ тўхтаб қолмаслигини ёки маркетинг тадбирларини ўз ичига олган ҳолда бунга эътибор берилса кўтарилиши мумкинлигини тезда билиб олишга эришилади.

Бунга лозим бўлган тадбирлар қуйидагилар:

- янги маҳсулотлар ривожини;
- бозор етиши учун янги маҳсулотлар келтирилиши;
- янги маҳсулотлар учун тезда бозорга кириб борилиши;
- мавжуд маҳсулотларнинг ҳаёт циклини узайтириш;
- мавжуд маҳсулотларнинг релевантлиги;
- стратегик туйнукларнинг ёпилиши;
- индивидуал маҳсулот ҳаёт цикли таҳлиliga қўшишда туйнук таҳлилини ўтказиш лозим.

Оддий шаклда таҳлил ишбилармонликнинг обороти келажакнинг ўша замондаги вазияти асосида тухталишини кўрсатади.



Бундан кўришиб турибдики, лозим бўлган ва мавжуд ҳолатлар бир-биридан кутилгандек узоқда жойлашган.

Шундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, билиб олинган туй-нуқлар ёпилиши керак. Бу хулосаларга Ансофф томонидан тарғиб этилган маҳсулот бозор матричасини жалб этиш тавсия этилади.

Кёлерга кўра «Стратегик фаолият алтернативларнинг умумий кўринишидаги қарашлари учун мўлжал доиралари» деб кўриб чиқиши керак. Асосий маҳсулот – бозор матричаси қуйидаги асос стратегияларини таклиф этади.

Бозорлар	Янги
Ҳозирги пайтда	Бозор тараққиёти
Янги	Харажатлар

**Маҳсулот
мавжуд товарлар янги товарлар**

Мавжуд бозорлар

Бозорлар

Янги бозорлар

«Бозорга кириш»	«Маҳсулотнинг ривожланиши»
«Бозорнинг ривожланиши»	«Диверсификация»

9.2 – расм. Ансофф матричаси

Бозор талабларига яхшироқ жавоб бериши учун корхона қайси йўналишда ривожланиш кераклигини, шунингдек, бунинг учун ўз ресурслари етарлими ёки четдан жалб қилиш ва ўз фаолиятини диверсификация қилиш кераклигини аниқлайди.

Ўсишни бошқаришни Ансофф матричаси асосида амалга ошириш мумкин. Бу матрица маҳсулотларни сотиш истиқболларининг ноаниқлик даражасига ёки маҳсулотнинг мазкур бозорга кириш имкониятларига боғлиқ ҳолда маҳсулот ва бозорни таснифлаш учун қурол ҳисобланади.

У ёки бу стратегиянинг маркетинг жиҳатидан жозибалиги Ансофф матричаси бўйича сотишлар катталиги ва кутилаётган хавф-хатар даражаси билан аниқланади.

Сотишларнинг потенциал ҳажми мазкур бозор сегментининг сифими билан, хавф-хатар даражаси эса, (% ифодасида) эксперт йўли билан аниқланади. Олинган кўрсаткичлар мазкур стратегияни

амалга ошириш учун кутиладиган харажатлар катталиги билан ҳам солиштирилади. Агарда корхона бозордаги ўзининг товарлари билан боғлиқ бўлган имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаган бўлса, ўсиш стратегияси муҳим бўлади.

Корхонанинг маркетинг уринишлари ҳар бир стратегик квадратнинг йўналишини ифодалаб қўяди. Хусусан, бозорга кириш стратегияси, қоида бўйича анъанавий харидорлар билан товарларни рағбатлантириш, бозор улушини кўпайтириш, рақобатчилардан харидорларни ёки янги истеъмолчиларни жалб қилиш.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2001.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни. Т.: 2000 йил 26 май.
3. Каримов И.А. «Ўзбекистон. Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т.: Ўзбекистон, 1996.- 364 - бет
4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. Т.: Ўзбекистон, 1996. - 380 бет.
5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. 3-том. Т.: Ўзбекистон, 1996. - 366 бет.
6. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлида 4 - том. Т.: Ўзбекистон, 1996. - 349 бет.
Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби 5 - том. Т.: Ўзбекистон, 1997. - 384 бет.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6 - том. Т.: Ўзбекистон, 1998. - 429 бет.
8. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қурамыз. 7-том. Т.: Ўзбекистон, 1999. - 412 бет.
9. Каримов И.А. Озод ва Обод Ватан, Эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8 - том. Т.: Ўзбекистон., 2000. -528 бет.
10. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулимиз 9-том. Т.: Ўзбекистон, 2001.- 432 бет.
11. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. Т.: Ўзбекистон, 2002. - 432 бет.
12. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11- том. Т.: Ўзбекистон, 2003. -318 бет.
13. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч қудратимизга, ҳамжихатлигимизга ва қатъий иродамызга боғлиқ. 12- том. Т.: Ўзбекистон, 2004. - 400 бет.
14. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13- том. Т.: Ўзбекистон, 2005. - 448 бет.
15. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14- том. Т.: Ўзбекистон, 2006. - 280 бет.
16. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2007. - 200 бет.
17. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига Абдукаримов И.Т., Абдукаримова Л.Г., Смагина В.В. Анализ финансово хозяйственной деятельности предприятия. Тамбов. ТГУ, 2005.-604 бет.
18. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиниш ва таҳлил қилиш йўллари. Т.: Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 1998.- 96 бет.,
19. Абдукаримов И.Т., Исҳоқова С.А., Мардонова А.Т. Молиявий менежмент. Самарқанд, СамДУ, 2001.- 78 бет.
20. Абдукаримов И.Т., Абдукаримова Л.Г., Смагина В.В. Оценка и анализ собственных и привлечённых средств предприятия. Тамбов. ТГУ., 2004.-150 бет.
21. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик –Т.: Фан, 2005. - 288 бет.
22. Абдукаримов И.Т. Оценка и анализ финансового состояния предприятия. – Тамбов. 2001. – 75 бет.

23. Абдукаримов И.Т. Смагина В.В. Долгосрочных активы, методы их анализа и оценка. Тамбов, ТГУ, 2002. – 124 бет.
24. Анализ экономики. Страна, рынок, фирма. Под ред. Проф. В.Е.Рыбалкина. Учебник. М.: Международ. Отношения, 1999. – 304 с.
25. Ахмаджонов Х.И., Рахимов М.Ю. Молиявий тахлил. Ўқув қўлланма. Т.: ТМИ, 2004.- 160 бет.,
26. Ахмаджонов, Х.И., Ишанкулов Н.Ф. “Молиявий ва бошқарув тахлили” фанидан масалалар тўплами. Т.: ТМИ, 2006.-8,7 б.т. – 134 бет.
27. Абдуллаев Ё., Иброхимов А., Рахимов М. Иқтисодий тахлил: 100 савол ва жавоб. Т.: Мехнат, 2001.- 320 бет.
28. Акрамов Э.А. Анализ финансового состояния предприятия. Т.: 2000.-169 бет.,
29. Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати тахлили.- Т.: Молия, 2003.- 224 бет.,
30. Арнс Э.А., Лоббек Дж.К. "Аудит" - М.: Молия ва статистика, 1995.
31. Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. Учебник. М.: Финанс и статистика, 1981, 1987, 1993, 1994, 1996, 2000. – 416 бет.
32. Басовский Л.Е. Теория экономического анализа: учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 2001 – 222 бет.
33. Бернстайн Л. Анализ финансовой отчетности. Теория и практика. Пер. с англ. М.: Финанс и статистика, 1996.
34. Барышников Н.П. Организация и методика проведения общего аудита – М.: «Филинь», 2000.
35. Бычкова С. М. Аудиторская деятельность. Теория и практика. – Санкт-Петербург, «Лань», 2000 .
36. Вахабов А., Иброхимов А., Ишанкулов Н. Молиявий ва бошқарув тахлили. Дарслик. Т.: Шарқ, 2005.- 480 бет.,
37. Вахабов А., Иброхимов А. Молиявий тахлил. Дарслик. Т.: Шарқ, 2002.- 224 бет.,
38. Вахабов А.В., Иброхимов А.Т., Якубов У.К. Бошқа тармоқларда иқтисодий тахлилинг хусусиятлари. Ўқув қўлланма. Т.: ТМИ, 2004.- 148 бет.,
39. Вахабов А., Иброхимов А. Ҳақимов Б. Иқтисодий тахлил назарияси. Ўқув қўлланма. Т.: ТМИ, 2003.- 176 бет.,
40. Волжин И.О., Эргашбоев В.В. Молиявий тахлил. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 1998.- 254 бет.
41. Годовой отчет – 2005 / Гадовое Э.Ф., Ҳайдаров Ш.У., Ким Л.А. и др. Т.: Изд. дом “Мир экономики и право”. 2005. – 432 бет.
42. Дўстмуродов Р. Д. Аудит асослари. Т.: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси», 2003.
43. Ергешев Е. Иқтисодий ва молиявий тахлил. Дарслик. Т.: “Консаудитинформ-Нашр” нашриёти, 2005.-346 бет.,
44. Ибрагимов А.Т., Раҳимов М.Ю. Бошқарув тахлили. Ўқув қўлланма. Т.: ТМИ, 2004.- 104 бет.,
45. Иброхимов А. Молиявий тахлил. Т.: Мехнат, 1995.- 60 бет., Вахабов А., Иброхимов А. Молиявий тахлил. Дарслик. Т.: Шарқ, 2002.- 224 бет.,
46. Исроилов Ж.И. Гадбиркорлик субъектларида товарларни ишлаб чиқариш ва сотишни тахлил қилиш усуллари. (Услубий тавсия). Самарқанд. СВТИЧТП, 2004.- 38 бет.
47. Исроилов Б.И. Мол-мулкни солиққа тортиш, солиқ ҳисоби ва уни тахлил қилиш йўллари. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2005.- 40 бет.,
48. Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма. Учебник. Мн. Новое знание, 2002. 409 с.-24,6 п.л.
49. Квартальнов В.А. Туризм. Учебник.М.: «Финансқ и статистика», 2003. -320 с.- 19,6 п.л.

50. Маматов З.Т., Норбеков Д.Э. Шакаров Қ.А. Аудит. – Т.: «Кибернетика», 2002.
51. Мусаев Ҳ.Н. Аудит. Дарслик – Т.: «Молия», 2003.
52. Мусаев Ҳ.Н. Иқтисодий ислохотлар шароитида аудит. - Бозор, пул ва кредит, 1998, 5-сон.
53. Мусаев Ҳ.Н. Иқтисодий барқарорликни таъминлашда аудит ва унинг ташкил қилиниш муаммолари. Иқтисодий барқарорликнинг назарий ва методологик муаммолари. Анжуман материаллари, СамКИ, 1999.
54. Максютлов А.А. Экономический анализ. М.: Единство, 2005.- 544 бет.
55. Немоляева М.Э., Ходорков Л.Ф. Международный туризм: вчера, сегодня, завтра. М.: «Международное отношение», 1985. – 175 с.-10,2 п.л.
56. Палий В.Ф. Новая бухгалтерская отчетность: содержание методика анализа. М.: Журнал “Контроллинг”, 1991.- 64 бет.,
57. Пардаев М.К. Молиявий таҳлил методологияси. Самарқанд, СамКИ, 1996.- 155 бет.,
58. Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 1999.- 356 бет.,
59. Пардаев М.К. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. Самарқанд. Зарафшон. 2001.- 272 бет.,
60. Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. 1-қисм. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2001.- 176 бет.,
61. Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. 2-қисм. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2001.- 256 бет.,
62. Пардаев М.К. Лойиҳа таҳлили. Самарқанд, СамКИ, 2001.- 171 бет.,
63. Пардаев М.К., Абдукаримов Б.А. Мехнат иқтисодиёти ва социологияси. Маъруза матни. Самарқанд: СамИСИ, 2002.- 196 бет.,
64. Пардаев М.К., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. Т.: Мехнат, 2004.- 556 бет.,
65. Пардаев М.К., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2003.- 256 бет.
66. Пардаев М.К. ва бошқалар. Бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2005.- 328 бет.
67. Пардаев М.К. ва бошқалар. Бошқарув таҳлили. Маърузалар курси. Самарқанд. СамДУ. 2004.- 256 бет.
68. Пардаев М.К., Абдукаримов И.Т., Абдиев А.А., Исроилов Б.И. Корхоналарда молиявий ҳисоботлар таҳлили. Самарқанд: СамИСИ, 2007. – 12,1 б.т. – 194 бет.
69. Пардаев М.К., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлиlining назарий ва методологик муаммолари. Т.: ‘Fan va texnologiya’, 2007. – 4,0 б.т. – 64 бет.
70. Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Солиқлар таҳлили. Т.: ‘Солиқ академияси’, 2007. – 6,25 б.т. – 100 бет.
71. Пардаев М.К., Зулунова Ф.А. Функционал қиймат таҳлили. Самарқанд: СамИСИ, 2007. – 12,1 б.т. – 194 бет.
72. Пардаев М.К. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Самарқанд. СамИСИ, 2004.-92 бет.- 5,75 б.Т.
73. Пардаев М.К., Атабаев Р. Туристтик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. Самарқанд. СамИСИ, 2006.-140 бет.- 8,5 б.Т.
74. Пардаев М.К., Атабаев Р. Туризм асослари.. Самарқанд. СамИСИ, 2006.- 76 бет.- 4,5 б.Т.
75. Пардаев М.К., Атабаев Р., Пардаев Б.Р. Туристтик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. Самарқанд. СамИСИ, 2006.-140 бет.- 8,5 б.Т.
76. Пардаев М.К. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Самарқанд. СамИСИ, 2004.-92 бет.- 5,75 б.Т.

77. Подольский В.И. ва бошқалар. Аудит., М: ЮНИТИ-ДАНА, 2000.
78. Ризокулов А., Нарзиев Р. Аудит. - Т.: Қатортол-Камолот", 1999.
79. Санаев Н.С. Аудит ва тафтиш. Т.: Фан, 1998.
80. Суйц В.П. ва бошқалар. Аудит: общий, банковский, страховой., Дарслик, М.: ИНФРА-М, 2000.
81. Сагдуллаева З.А., Рашидова Ш.А., Ишанкулов Н.Ф. Управленческий и финансовый анализ. Сборник задач. Т.: ТФИ, 2004.- 73 бет.
82. Савицкая Г.В. Анахоэийственной деятельности предприятия. Учеб. пособие. - Минск ООО "Новое знание" 2000 – 688 бет.
83. Тулаходжаева М.М. Аудит финансового состояния предприятия. Т.: Изд. дом "Мир экономики и право". 1996. – 192 бет.
84. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. Т.: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi»? 2006.- 424 с. 24,7 п.л.
85. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. Т.: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi»? 2006.- 368 с. 23,0 п.л.
86. Тухлиев Н., Таксанов А. Экономика большого туризма. Т.: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi»? 2001.- 208 с. 10,9 п.л.
87. Тулахужаева М.М. Корхона молиявий ахволнинг аудити. - Т.: Иқтисодийёт ва ҳуқуқ дунёси, 1996.
88. Хасанов Н., Нажбидинов С. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш: муаммолар ва уларни ҳал қилиш. Т.: Иқтисодийёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 1999.- 224 бет.
89. Хасанов Н., Югай Л. Финансовое оздоровление предприятия: методы анализа и оценки. Т.: Изд. дом "Мир экономики и право". 2001. – 192 бет.
90. Финансовый анализ деятельности фирмы. М.: Совместное советско-американское предприятие «Крокус Интернэшнл», 1993.-240 бет.
91. Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. Учебник. . – М.: ИНФРА-М, 2002 –333 бет.
92. Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С., Негашев Е.В. Методика финансового анализа. . – М.: ИНФРА-М, 2000 – 208 бет.,
93. Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Бошқарув таҳлили. Ўқув кўлланма. Т.: ТДИУ, 2003.- 140 бет.,
94. Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Бошқарув таҳлили. Маърузалар матни. Т.: ТДИУ, 2004.- 140 бет.,
95. Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил назарияси. Т.: ТДИУ, 2004.- 91 бет.,
96. Кудратов Т.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Лекциялар курси. Самарканд, СамҚХИ. 2004. – 107 бет.
97. Эштаев А.А., Норчаев А.Н., Рузиев С.С. Ўзбекистон Республикасида туризм хизмати ва сервис соҳасини ривожлантириш йўллари. Т.: ТДИУ, 2007. – 38 бет. – 2,4 б.т.
98. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Т.: «Ўқитувчи» 2004.
99. Ҳамдамов Б.К. Аудит. – Т.: ТМИ, 1999.
100. <http://www// Apb. Org. Uk.> (Auditing Practices Board)
101. <http://nao.gov.uk> (UK National Audit Office)

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1-боб. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ	
1.1. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантиришда тугган ўрни.....	10
1.2. Хизматларнинг ижтимоий-иқтисодий табиати ва уни такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.....	28
1.3. Бозор муносабатлари шароитида хизматларнинг турлари ва уларнинг таснифи.....	35
1.4. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш муаммолари.....	39
1.5. Туризм соҳасини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, зарурлиги ва йўналишлари.....	51
2-боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	
2.1. Ўзбекистонда туризм салоҳияти ва уни ривожлантиришда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.....	61
2.2. Туризмга оид асосий тушунчалар ва ваколатли органлар.....	70
2.3. Туристлик фаолиятни лицензиялаш, сертификациялаш ва суғурталаш тартиби.....	75
2.4. Туристлар ва туристик фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг ҳавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари.....	81
3-боб. ТУРИСТИК КОРХОНАЛАРНИНГ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИ, ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИ, РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ	
3.1. Туристлик корхоналар хўжалик фаолияти натижалари, уларга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари.....	86
3.2. Туристлик фирмаларнинг иқтисодий барқарорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари.....	93
3.3. Туризм сервиси билан шуғулланувчи фирмаларнинг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларнинг таҳлили.....	96
4-боб. ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУДУДИЙ ВА ТАРКИБИЙ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ	
4.1. Буюк Ипак йўлида туристик сервисни амалга ошириш масалалари.....	105
4.2. Халқаро диний туризм ва унинг жаҳон туризмни ривожлантиришда тугган ўрни.....	111
4.3. Самарқанд вилоятида туризмни ривожлантириш муаммолари ва мавжуд имкониятлар.....	118
4.4. Ўзбекистонда экологик-туристик ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятлари.....	128

**5-боб. САВДО ВА КОНСАЛТИНГ ХИЗМАТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ**

5.1. Савдо хизмати ва уни ривожлантириш муаммолари.....	133
5.2. Бозор инфратузилмасида консалтинг хизматининг тугган ўрни.....	150
5.3. Туристлик хизматларнинг тавсифланиши ва ўзига хос хусусиятлари.....	160

**6-боб. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА
АУДИТ ВА АУДИТОРЛИК ХИЗМАТИ, УНИНГ ШАКЛ-
ЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

6.1. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида аудит ва аудиторлик хизматининг тугган ўрни.....	173
6.2. Аудит ва аудиторлик хизматининг ҳуқуқий асослари.....	180
6.3. Аудиторлик хизматининг турлари ва шакллари.....	185
6.4. Аудиторлик хизматини ривожлантириш истиқболлари.....	193

**7-боб. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ ВА
БАНК-МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ**

7.1. Ўзбекистоннинг пул-кредит сиёсати ва у билан боғлиқ хизматларни ривожлантириш муаммолари.....	197
7.2. Банк-молия хизматлари соҳасини ривожлантириш муаммолари.....	201
7.3. Банк хизматларини пластик карточкалар воситасида ривожлантириш.....	215

**8-БОБ. ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИ
СУБЪЕКТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ
МАСАЛАЛАРИ**

8.1.Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналари ҳисоб сиёсатининг асосий хусусиятлари.....	219
8.2.Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида даромадлар ҳисобининг методологик масалалари.....	229
8.3. Хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларида харажатлар ҳисоби ва улар таннархини аниқлашнинг хусусиятлари.....	235

9-боб. МАРКЕТИНГ ТИЗИМИДА РЕЖАЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

9.1. Маркетингнинг режалаштирилиши мақсадлари ва вазифалари.....	243
9.2. Режалаштириш шакллари.....	245
9.3. Маркетинг режалаштирилишининг жараёни.....	247
9.4. Стратегия дастури.....	250

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	254
--	------------

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ, СЕРВИС ВА ТУРИЗМ СОҲАЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ:
МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ**

Мухаррир

Э. Бозоров

Компьютерда
саҳифаловчи

Б. Гафурова

Босишга рухсат этилди 05.08.2008. Қоғоз бичими 60x84 ¹/₁₆.
Ҳисоб-нашр табоғи 16.25. Адади 500
Буюртма № 1

«ИҚТИСОД-МОЛИҲА» нашриётида тайёрланди.
100084, Тошкент шаҳар, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй.

“HUMOYUNBEK-ISTIQLOL MO'JIZASI” босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, Қори-Ниёзий кўчаси – 39.

7930-00

75.81

X 434

ISBN 978-9943-13-085-2



9 789943 130852